




**ФАРҒОНА ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИ ҚАЙТА
ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ
МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ
МИНТАҚАВИЙ МАРКАЗИ**



**“ЭТИКА ВА ЭСТЕТИКАНИНГ НАЗАРИЙ
АСОСЛАРИ”**

**МОДУЛИ БЎЙИЧА
ЎҚУВ –УСЛУБИЙ МАЖМУА**

**А.А.Қамбаров - ФарДУ
Фалсафа кафедраси доценти,
фалсафа фанлари номзоди**

2021

Мазкур ўқув-услубий мажмуа Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил декабрдаги 648-сонли буйруғи билан тасдиқланган ўқув режа ва дастур асосида тайёрланди ФарДУ Илмий кенгашининг 2020 йил «28» декабрдаги 2-сонли қарори билан тасдиқланган

Тузувчи:

А.А.Қамбаров - ФарДУ Фалсафа кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди

Тақризчилар:

И.М.Арзиматова -ФарДУ Фалсафа кафедраси мудири, доцент, фалсафа фанлари номзоди

Д.Э.Норматова - Фалсафа кафедраси доценти, фалсафа фанлари номзоди

МУНДАРИЖА

I.	ИШЧИ ДАСТУР	4
II.	МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ	15
III.	НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	19
IV.	АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ	81
V.	ГЛОССАРИЙ	177
VI.	ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ	182

I. ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

КИРИШ

Дастур Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда тасдиқланган “Таълим тўғрисида”ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон ва 2020 йил 29 октябрдаги “Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-6097-сонли Фармонлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарорларида белгиланган устувор вазифалар мазмунидан келиб чиққан ҳолда тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касб маҳорати ҳамда инновацион компетентлигини ривожлантириш, соҳага оид илғор хорижий тажрибалар, янги билим ва малакаларни ўзлаштириш, шунингдек амалиётга жорий этиш кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қилади.

Ўзбекистонда янги эркин жамиятни ривожлантириш, либерал-демократик ислохотлари жараёнида мамлакатимиздаги 130 дан ортиқ миллатлар ва 16 та диний конфессиялар ўртасида миллатлараро тотувлик, диний бағрикенглик, ҳамда аҳил кўшничилик асосларининг мустаҳкамлашнинг назарий ва амалий жиҳатларини, замонавий концепцияларини, тажрибаларини ишлаб чиқиш, хорижий тажрибаларни

ўрганиш муҳим аҳамиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан диншунослик фанини олий таълим тизимида ўқитиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади.

Ушбу талаблардан келиб чиққан ҳолда **“Этика ва эстетиканинг назарий асослари”** модули айнан Олий таълим тизимида “Фалсафа” фанларидан дарс берадиган педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишга мўлжалланган.

Модулнинг мақсади ва вазифалари

“Этика ва эстетиканинг назарий асослари” модулининг мақсади: педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курси мутахассислик фанлари блокадаги асосий модуллардан бири бўлиб, унда этика ва эстетика тўғрисидаги замонавий концепциялар, ўқитишнинг янги усул ва воситалари, истиқболдаги вазифаларни, фалсафа фанини ўқитиш соҳасидаги тажрибаларни умумлаштириш, мавжуд муаммолар, уларнинг ечимларини аниқлаш мақсад қилиб қўйилган.

Модулнинг вазифалари:

- Замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик;
- этика ва эстетика фанларининг умумназарий масалалари тўғрисида тушунчалар бериш;
- олий таълим муассалари педагог кадрларини “Фалсафа” соҳасидаги янги адабиётлар, ёндошувлар ва янгиликлар билан таништириш.

Модул бўйича тингловчиларнинг билими, кўникмаси, малакаси ва компетенцияларига қўйиладиган талаблар

“Этика ва эстетиканинг назарий асослари” модулини ўзлаштириш жараёнида амалга ошириладиган масалалар доирасида

Тингловчи:

- этика ва эстетика фанларининг умумназарий масалалари, глобал муаммолари, таълим, тарбия ва маънавий тараққиётдаги ўрнини;
- этика ва эстетика фанининг асосий тушунчалари, меъёрлари ва тамойилларини;
- педагогик фаолияти соҳасида этика ва эстетиканинг тамойиллари ва қонуниятларини;
- миллий ва умуминсоний қадриятлардаги инъикоси, воқеликка ахлоқий ва эстетик муносабатда бўлишнинг замонавий кўринишларини **билиши зарур**;

Тингловчи:

- - миллий ва умуминсоний ахлоқий-эстетик маданиятнинг анъанавий ва замонавий асосларини фарқлаш;
- педагогик фаолият соҳасида этика ва эстетиканинг амалий аҳамиятига доир ишланмаларни тайёрлаш;
- жамият маънавий ҳаёти ҳамда инсонлараро муносабатларни замонавий муаммолар билан боғлиқ ҳолда ўрганиш, уларни таҳлил қилишга илмий ёндашиш **қўникмаларга эга бўлиши керак**;

Тингловчи:

- фалсафий билимларни ўрганиш орқали дискурсив (асосланган) фикр юритиш;
- мантиқнинг замонавий йўналишларини ишлаб чиқиш ва оммалаштириш;
- глобаллашув жраёнидаги муаммоларни аниқлаш ва таҳлил қилиш;
- фаннинг илмий, назарий, тарихий ва прогматик аҳамиятини ҳаётий воқелик ва илмий асосда тушунтириб бериш;
- фалсафий манбалардан зарур ва муҳим бўлган маълумотларни ажратиб олиш, уларни изчил тизимга келтириб, талқин қилиш **малакаларга эга бўлиши керак**;

Тингловчи:

- этика ва эстетика фанларида инновацион ўқув машғулотларини лойиҳалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- этика ва эстетика фанларининг инсоннинг жамиятда тутган ўрнини бугунги кун билан таққослаш;
- этика ва эстетиканинг долзарб масалаларига оид замонавий манбалардан фойдалана олиш *компетенцияларни эгаллаши лозим.*

Модулнинг ўқув режадаги бошқа модуллар билан боғлиқлиги ва узвийлиги

“Этика ва эстетиканинг назарий асослари” модули ўқув режадаги биринчи блок ва мутахассислик фанларининг барча соҳалари билан узвий боғланган ҳолда педагогларнинг умумий тайёргарлик даражасини оширишга хизмат қилади.

Модулнинг олий таълимдаги ўрни

“Этика ва эстетиканинг назарий асослари” модулини ўзлаштириш орқали тингловчилар таълим жараёнини ташкил этишдаги технологик ёндошув асосларини, бу борадаги илғор тажриба ва янгиликларни ўрганадилар, уларни таҳлил этиш, амалда қўллаш ва баҳолашга доир касбий ютуқларга эга бўладилар.

Модул бўйича соатлар тақсимоти

№	Модул мавзулари	Тингловчининг ўқув юкلامаси, соат					
		Ҳаммаси	Аудитория ўқув юкلامаси				Мустақил таълим
			Жами	жумладан			
			Назарий	Амалий машғулот	Кўчма машғулот		
1.	“Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишнинг замонавий усуллари ва услублари.	4	4	2	2		
2.	XXI асрнинг глобал ахлоқий ва эстетик муаммолари: ахлоқий, экологик ахлоқ, этосфера.	4	4	2	2		
3.	Ахлоқ психологияси.	6	6	2	4		
4.	Давлат хизматчилари этикаси ва имижи.	6	6	2	4		
	Жами	20	20	8	12		

НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-маву: “Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишнинг замонавий усуллари ва услублари.

Режа:

1. Этика ва эстетикани ўрганиш зарурати.
2. Этика ва эстетика фанларини ўрганишнинг методологик асослари.
2. Ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришнинг тарбиявий воситалари ва йўллари.

2-маву: XXI асрнинг глобал ахлоқий ва эстетик муаммолари: ахлоқий, экологик ахлоқ, этосфера.

Режа:

1. Ҳозирги замонда этика ва эстетиканинг долзарб муаммолари.
2. Инсон шахсидаги иллатларнинг пайдо бўлиш оқибатлари
3. Инсон шахсидаги иллатларнинг жамият ривожига таъсири.

3-Мавзу: Ахлоқ психологияси.

Режа:

1. Рухий таҳлил йўналиши ва ғайри зўравонлик.
2. Гендер муаммолари.
3. Аёл ва эркекларнинг оддий хулқ-атвори ва мотивациясининг ахлоқийлиги ва рационаллиги.

4-мавзу: Давлат хизматчилари этикаси ва имиж.

Режа:

1. Касбий одобнинг ахлоқий маданият билан уйғунлиги; касбий эркинлик ва касбий бурчнинг ахлоқий моҳияти.
2. Этикет замонавий ахлоқнинг назарий ва амалий асоси.
3. Эстетик англаш тушунчаси ва унинг индивидуал характери.

АМАЛИЙ МАШҒУЛОТЛАР МАЗМУНИ

1-мавзу: “Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишнинг замонавий усуллари ва услублари.

Этика ва эстетикани ўрганиш зарурати. Этика ва эстетика фанларини ўрганишнинг методологик асослари. Ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришнинг тарбиявий воситалари ва йўллари. Этика ва эстетиканинг қамровли ҳиссий-интеллектуал ҳодиса сифатида шахс ва жамият ҳаётини маънавий бойитишдаги вазифалари.

2-мавзу: XXI асрнинг глобал ахлоқий ва эстетик муаммолари: ахлоқий, экологик ахлоқ, этосфера.

Ҳозирги замонда этика ва эстетиканинг долзарб муаммолари. Инсон шахсидаги иллатларнинг пайдо бўлиш оқибатлари унинг жамият ривожига

таъсири. Эстетика қонуниятларининг умумбашарийлик жиҳатлари; эстетик кадриятлар устуворлигининг мамлакатлараро ва миллатлараро тинч-тотувликни, бирдамликни таъминловчи омил экани; «Дунёни гўзаллик кутқаради» шиорининг ва глобал аҳамиятга эгалиги; “Гўзал муҳитда яшаш олий неъмат” эканлигининг долзарблиги.

3-Мавзу: Ахлоқ психологияси.

Рухий таҳлил йўналиши ва ғайризўравонлик. Ахлоқий меъёрлар ва уларнинг ахлоқий тамойиллар билан ички боғлиқлиги; ахлоқий меъёрларнинг ахлоқий талаб шакллари сифатида намоён бўлиши; уларнинг жуфтлик хусусиятлари; бирини биридан фарқи ва бир бирига «ўтиб туриши».

4-мавзу: Ахлоқ психологиясида гендер муаммоси.

Аёл ва эркакларнинг оддий хулқ-атвори ва мотивациясининг ахлоқийлиги ва рационаллиги. Никоҳ ва унинг моҳиятан ахлоқий муносабат экани. Оила маънавий-ижтимоий муҳит сифатида; оилада эркак ва аёлнинг ўрни.

5-Мавзу: Давлат хизматчилари этикаси ва имижи.

Касбий одобнинг ахлоқий маданият билан уйғунлиги; касбий эркинлик ва касбий бурчнинг ахлоқий моҳияти. Этикет замонавий ахлоқнинг назарий ва амалий асоси. Этикетнинг миллий ва маданий хусусиятлари.

6-мавзу: Эстетик англаш тушунчаси.

Эстетик англаш ва унинг гносеологик илдизлари; эстетик англашнинг индивидуаллик хусусияти; эстетик билиш ва эстетик кадриятлар; ҳақиқат, эзгулик ва гўзаллик - олий кадриятлар сифатида; гўзаллик ва ҳақиқат, гўзаллик ва эзгулик; эстетик онгнинг гносеологик илдизлари ҳамда унинг умумбашарийлик ва миллийлик жиҳатлари.

Эстетик англашнинг асосий унсурлари: эстетик эҳтиёж; эстетик муносабат; эстетик туйғу; эстетик дид; эстетик баҳо; эстетик идеал; эстетик қарашлар; эстетик назариялар. Шахс эстетик эҳтиёжини тарбиялаш муаммолари

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олижаноб халқимиз билан бирга курашимиз. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 488 б.

2. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2017. – 592 б.

3. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2018. – 507 б.

4. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фаровон бўлади. 3-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2019. – 400 б.

5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари. 4-жилд. – Т.: “Ўзбекистон”, 2020. – 400 б.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. Т.: Ўзбекистон, 2019.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2020 йил 23 сентябрда қабул қилинган “Таълим тўғрисида”ги ЎРҚ – 637- сонли Қонуни.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрель “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрь “2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5544-сонли Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 август “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ-5789-сонли Фармони.

7. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрь “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар:

1. Falsafa. Ахмедова М. Таҳрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.
2. Mamashokirov S. Tahriri ostida. Falsafa. -Т.: Sharq, 2005.
3. А.Маманов. Миллий менталитет: хусусиятлар ва омиллар, С.: «Зарафшон» - 2015.-155 б.
4. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик / Дарслик. -Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010 й.
5. Абдулла Шер. Эстетика. / Дарслик. -Тошкент: Ўзбекистон, 2015 й.
6. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри.-Т.:Янги аср авлоди, 2016.- 318 б
7. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю.и др.Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>
8. Б.Ҳусанов. Бошқарув этикаси. Ўқув қўлланма. Т.: Университет. ЎЗМУ, 2017.
9. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
10. Бозаров Д. Синергетик парадигма. -Т.: Тафаккур, 2010. -160б.
11. Гулобод Қудратуллоҳ кизи, Р.Ишмухамедов, М.Нормухаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
12. Ж.Румий. Ичингдаги ичингдадур.-Т.: Янги аср авлоди, 2016.-272 б.

13. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е.Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
14. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография.М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017.–128 с.
15. Иззетова Э., Пулатова Д. Философия. -Т.: Шаркшунослик, 2012. 340-6
16. Ишмухамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
17. Л.А.Муҳаммаджонова, Д.О.Ортикова, Ф.А.Абиджанова, Г.К.Машарипова. Профессионал этика ва этикет.Дарслик. - Т.: "Адабиёт учкунлари" 2018 й.
18. Л.Муҳаммаджонова,Ф.Абиджанова Этикет. Ўқув қўлланма. Т.: Университет. ЎЗМУ, 2018 й.
19. М. Каххарова, Н Агзамова. Этика Учебное пособие. Ризограф имени Низами. 2018 г.
20. Муслимов Н.Ава бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
21. Муҳаммаджонова Л. Давлат хизматчиси этикаси ва имиджи. Ўқув қўлланма - Т.: Университет, 2017.
22. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uni-ruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
23. Отамуродав С. Глобаллашув ва миллат. - Т.: Янг и аср авлоди. 2008.
24. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртлирида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш.–Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019 й.
25. Хайитов Ш., Хайитова К., Зияутдинова Х. Фалсафа асослари. Альбом схема. -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009.

26. Шермухамедова Н.А. Фалсафа.-Т.: Ношир, 2012. -1207 б.
27. Шермухамедова Н.А. Борлик ва ривожланиш фалсафаси.-Т.: Ношир, 2013,720 б
28. Шермухамедова Н.А. Инсон фалсафаси.-Т.: Ношир, 2017. 460-б.
29. Шермухамедова Н.А. Фалсафага кириш.-Т.: Ношир, 2012. 320 б.
30. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Т.: Молия, 2003.
31. Mamashokirov S. Tahriri ostida. Falsafa. –Т.: Sharq, 2005.
32. Нурматова М., Муҳаммаджонова Л. Маънавиятнинг ахлоқий асослари. // Ўқув қўлланма. Тошкент: Унверситет, 2013.

IV. Интернет сайтлар

33. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги
34. <http://lex.uz> – Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси
35. <http://bimm.uz> – Олий таълим тизими педагог ва раҳбар кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишни ташкил этиш бош илмий-методик маркази
36. <http://ziyonet.uz> – Таълим портали Ziyonet
37. <https://philpapers.org/> - международная философская поисковая система по книгам, статьям, журналам, находящимся в открытом доступе
38. <https://plato.stanford.edu/> - Стэнфордская энциклопедия философии.
<https://elibrary.ru/> - крупнейший российский информационно-аналитический портал (в том числе) в области философии

II. МОДУЛНИ ЎҚИТИШДА ФОЙДАЛАНИЛАДИГАН ИНТРЕФАОЛ ТАЪЛИМ МЕТОДЛАРИ

“Биламан. Билишни хоҳлайман. Билиб олдим (БББ)” методи

Методнинг мақсади: талабаларни мустақил фикрлашга ундайди

Методни амалга ошириш тартиби:

1. Ўқитувчи доскани уч қисмга ажратади.
2. 1-қисмга “Биламан”, 2-қисмга “Билмайман”, 3-қисмга “Билиб олдим” деб ёзади.
3. Ўқитувчи ўқувчиларга мурожаат қилиб, “Этика ва эстетика категориялари ҳақида ким нималар билади?” деб сўрайди.
4. Талабаларнинг фикрларини “Биламан” устунига ёзади.
5. Талабалар ўз фикрини айтиб бўлгандан сўнг ўқувчиларга этика категориялари ҳақида яна нималарни билишни хоҳлашларини сўрайди.
6. Ўқувчиларнинг саволларини досканинг “Билишни хоҳлайман” қисмига ёзади.
7. Талабаларнинг саволлари тугаганидан кейин ўқитувчи этика категориялари ҳақида маълумотлар ёзилган, олдиндан тайёрланган матнларни талабаларга тарқатади.
8. Талабалар матн билан танишадилар ва янги маълумотларни бир-бирлари билан ўртоқлашадилар.
9. Ўқитувчи талабалардан этика категориялари ҳақида яна қандай янги маълумотларга эга бўлганликларини сўрайди ва “Билиб олдим” устунига ёзади.
10. Ўқитувчи уччала устунни умумлаштиради ва талабалар билан биргаликда хулоса қилади.

Намуна: Гўзаллик тушунчасининг фалсафий моҳиятини тушунтириб беринг?

Биламан	Билмайман	Билиб олдим

**Блум таксономиясига асосланган ҳолда Когнитив (билишга оид)
соҳадаги “Таҳлил” ўқув мақсадини амалга ошириш учун
қўлланиладиган метод**

Методнинг мақсади: талабаларда ўқилган материални эслаб қолиш, мазмунига қараб туркумлаш, тушунчаларни тизимга солиш кўникмасини пайдо қилади. Шунингдек, талаба фанда қўлланиладиган тушунчалар, тамойиллар, меъёрлар ва ўзига хос сифатларини туркумлашни билади.

Методни амалга ошириш тартиби:

1. Дарс ўқитувчининг кириш сўзи билан бошланади.
2. Ўқитувчи Кириш сўзида дарснинг мавзуси, мақсади ва ўтказиш тартиби билан талабаларни таништиради.
3. Талабалар 5 та гуруҳга бўлинадилар.
4. Гуруҳларга 2 тадан савол ёзилган қоғозлар тарқатилади.
5. Талабалар қоғоздаги саволларга ўз жавобларини берадилар.
6. Бошқа гуруҳ аъзолари қўшимча фикр ёрдамида жавобни тўлдиришлари мумкин.
7. Барча саволларга жавоблар бериб бўлингач ўқитувчи мавзу бўйича якуний хулоса қилади.
8. Гуруҳларга қўйган баҳоларини эълон қилади.
9. Ўқув машғулотини натижаларини шарҳлайди.

Намуна:

1-гуруҳга бериладиган 1-савол: Этика (ёки эстетика) фанининг амалий аҳамиятини шарҳлаб беринг?
2-савол: Этика (ёки) эстетика) фанининг глобал

муаммолари ҳақида фикр билдиринг?

2-гуруҳга бериладиган 1-савол: Этика (ёки эстетика) фанининг асосий мезоний тушунчаларини ҳаётий мисоллар ёрдамида асосланг? 2-савол. Этика (ёки эстетика) фанининг шахс камолотидаги ўрнини тушунтиринг?

Намуна: *Топшириқ №1. Қуйидаги тушунчаларни жадвалдаги йўналишга мос тарзда ажратинг?* Ғайриинсонийлик Ватанпарварлик Нафрат Ватанфурушлик Муҳаббат Адолатсиз Эркпарварлик Эзгулик Миллатпарварлик Лоқайдлик Адолат Ёвузлик Шафқат Бурч Шафқатсиз Лоқайд Инсонпарварлик Қуллик Миллатчилик Фидойилик

Этиканинг асосий тушунчалари (категориялари)	Этиканинг асосий тушунчалари (категориялари) зидди	Этиканинг тамойиллари	Этика тамойилларининг зидди

“Ассесмент” методи.

Методнинг мақсади:мазкур метод таълим олувчиларнинг билим даражасини баҳолаш, назорат қилиш, ўзлаштириш кўрсаткичи ва амалий кўникмаларини текширишга йўналтирилган. Мазкур техника орқали таълим олувчиларнинг билиш фаолияти турли йўналишлар (тест, амалий кўникмалар, муаммоли вазиятлар машқи, қиёсий таҳлил, симптомларни аниқлаш) бўйича ташҳис қилинади ва баҳоланади.

Методни амалга ошириш тартиби:

“Ассесмент” лардан маъруза машғулотларида тингловчиларнинг мавжуд билим даражасини ўрганишда, янги маълумотларни баён қилишда, семинар, амалий машғулотларда эса мавзу ёки маълумотларни ўзлаштириш даражасини баҳолаш, шунингдек, ўз-ўзини баҳолаш мақсадида индивидуал шаклда фойдаланиш тавсия этилади. Шунингдек, ўқитувчининг ижодий

ёндашуви ҳамда ўқув мақсадларидан келиб чиқиб, ассесментга қўшимча топшириқларни киритиш мумкин.

Намуна. Ҳар бир катакдаги тўғри жавоб 5 балл ёки 1-5 балгача баҳоланиши мумкин.



Тест

... нисбатан мустақил, мантиқий яқунга эга бўлган, ўқув-методик таъминотдан, назарий ва амалий қисмлардан, топшириқ ва жорий ҳамда яқуний назорат каби қисмлардан иборат таълим дастурнинг бўлагидир. Нима ҳақида гап кетмоқда?

- А. кредит
- В. ўқув модули



Қиёсий таҳлил

Математик анализ дарсида функциянинг лимити ҳақида маълумот берилмоқда. Ушбу мавзу бошқа етакчи хорижий ОТМларда қандай ўтилади?



Тушунча таҳлили

- Ўқув модули бу...



Амалий қўникма

«Чизиқли тенгламалар системасини ечиш усуллари» мавзуси бўйича маъруза дарснинг технологик харитасини тузинг

III. НАЗАРИЙ МАШҒУЛОТ МАТЕРИАЛЛАРИ

1-МАВЗУ: ЭТИКА ВА ЭСТЕТИКА ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЗАМОНАВИЙ УСУЛЛАРИ ВА УСЛУБЛАРИ

РЕЖА:

- 1.1. Этика ва эстетикани ўрганиш зарурати.
- 1.2. Этика ва эстетика фанларини ўрганишнинг методологик асослари.
- 1.3. Ахлоқий ва эстетик маданиятни шакллантиришнинг тарбиявий воситалари ва йўллари.

Таянч иборалар: *Ахлоқ, нафосат, гўзаллик, ахлоқ фалсафаси, нафосат фалсафаси, фалсафий тафаккур, хулқ, одоб, ахлоқий онг, эстетик дид, ахлоқий қадрият, эстетик қадрият, эстетик баҳо, ахлоқий меъёр, ахлоқий бошқарув, эстетик муносабат, эстетик эҳтиёж, эстетик ҳиссиёт, эстетик мушоҳада, эстетик идеал.*

Фалсафий тафаккур тараққиётида ахлоқ ва нафосат масалалари муҳим аҳамият касб этиб келган. Бунинг сабаби ҳар фандай фалсафий таълимотнинг асосини ташкил этувчи инсоннинг табиат, жамият билан ахлоқий ва эстетик муносабатларининг фалсафий ичимини ўрганишга бўлган эҳтиёжнинг кучайиши билан белгиланади. Зеро, фалсафий тафаккурни инсондан айри холда тасаввур этиб бўлмаганидек, ахлоқ ва нафосат ривожини инсон омилисиз амалга ошириб бўлмайди.

Илмий муомалада азалдан қўлланиб келинаётган Этика (Ахлоқшунослик) ва Эстетика (Нафосатшунослик) даврлар ўтиши билан алоҳида фан сифатида шаклланди. Бу фанлар инсон ва унинг ижтимоий фаолияти, жамиятдаги ўрни, воқеликка муносабатини ўрганиш, баён этиш ва ўргатишнинг фундаментал билимлар соҳаси сифатида илмий-назарий ва амалий жихатдан янада мустаҳкамланди. Фалсафа фанининг қонуниятлари, мезоний тушунчалари тамойиллари ҳамда тадқиқот объектининг кенгайиши натижасида фалсафий фанлар тизими ҳам янада такомиллашиб борди. Жумладан, этика ва эстетика Фалсафа фанининг муҳим қисмига айланди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришганидан сўнг ахлоқ ва нафосат илмига эътибор кучайди, унинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрнига, маънавий тарбия борасидаги ролига катта аҳамият берилди бошланди. Айниқса, кадрлар тайёрлашда ахлоқий ва эстетик таълимнинг зарурияти алоҳида кўрсатиб ўтилди. Хусусан, «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да таълимнинг узлуксизлигини таъминлаш, маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар масалалари “Кадрлар тайёрлаш тизимини ривожлантиришнинг асосий йўналишлари” сифатида кўрсатиб ўтилганлиги бежиз эмас. Зеро, “таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш»¹ долзарб муаммолар сирасига киради.

Ахлоқ фалсафаси бир неча минг йиллик тарихга эга бўлган қадимий фан. У бизда «Илми равиш», «Илми ахлоқ», «Ахлоқ илми», «Одобнома» сингари номлар билан атаб келинган. Европада эса «Этика» номи билан машҳур, биз ҳам яқин-яқингача шу атамани қўллар эдик. У дастлаб манзилдошлик, яшаш жойи, кейинчалик эса одат, феъл, фикрлаш тарзи сингари маъноларни англатган; юнонча «ethos» сўзидан олинган.

Уни биринчи бўлиб юнон файласуфи Арасту илмий муомалага киритган. Арасту фанларни тасниф қиларкан, уларни уч гуруҳга бўлади: назарий, амалий ва ижодий. Биринчи гуруҳга фалсафа, математика ва

¹ Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., Шарк, 1997 й. 44-бет.

физикани; иккинчи гуруҳга этика ва сиёсатни; учинчи гуруҳга эса санъат, хунармандчилик ва амалий фанларни киритади. Шундай қилиб, қадимги юнонлар ахлоқ ҳақидаги таълимотни фан даражасига кўтарганлар ва «Этика» (taethika) деб атаганлар. Бироқ, бизда миллий-минтақавий ахлоқий кадриятларимизнинг, дастлабки ахлоқий ғояларнинг вужудга келиши қадимги юнонлар яшаган даврдан ўнлаб асрлар аввал рўй берган. Аждодларимизнинг энг кўҳна эътиқодий-ахлоқий китоби - «Авесто» бунинг ёрқин далилидир.

Этика ахлоқнинг келиб чиқиши ва моҳиятини, кишининг жамиятдаги ахлоқий муносабатларини ўрганади. «Ахлоқ» сўзи арабчадан олинган бўлиб, инсоннинг муомала ва руҳий хусусиятлари мажмуини, феълени, табиатини англатадиган «хулқ» сўзининг кўплик шаклидир. «Ахлоқ» ибораси икки хил маънога эга: умумий тушунча сифатида у фаннинг тадқиқот объектини англатса, муайян тушунча сифатида инсон феъл-атвори ва хатти-ҳаракатининг энг қамровли қисмини билдиради. Ахлоқни умумий тушунча сифатида олиб, уни доира шаклида акс эттирадиган бўлсак, доиранинг энг кичик қисмини одоб, ундан каттароқ қисмини - хулқ, энг қамровли қисмини ахлоқ эгаллайди.

Одоб - инсон ҳақида ёқимли таассурот уйғотадиган, лекин жамоа, жамият ва инсоният ҳаётида бурилиш ясайдиган даражада муҳим аҳамиятга эга бўлмайдиган, миллий урф-одатларга асосланган чиройли хатти-ҳаракатларни ўз ичига олади.

Хулқ - оила, жамоа, маҳалла-қўй миқёсида аҳамиятли бўлган, аммо жамият ва инсоният ҳаётига сезиларли таъсир кўрсатмайдиган ёқимли инсоний хатти-ҳаракатларнинг мажмуи.

Ахлоқ - жамият, замон, баъзан умумбашарий аҳамиятга эга, инсоният тарихи учун намуна бўла оладиган ижобий хатти-ҳаракатлар йиғиндиси, инсоний камолот даражасини белгиловчи маънавий ҳодиса.

Эстетика энг қадимги фанлардан бири. Унинг тарихи икки ярим-уч минг йиллик вақтни ўз ичига олади. Бироқ у ўзининг ҳозирги номини ХҮШ

асрда олган. Унгача бу фаннинг асосий муаммоси бўлмиш гўзаллик ва санъат ҳақидаги мулоҳазалар ҳар хил санъат турларига бағишланган рисолаларда, фалсафа ҳамда илоҳиёт борасидаги асарларда ўз аксини топган эди. «Эстетика» атамасини биринчи бўлиб буюк олмон файласуфи Александр Баумгартен (1714—1762) илмий муомалага киритган. Бунда у бошқа бир улуғ олмон файласуфи Г. Лейбниц (1646-1716) таълимотидан келиб чиққан ҳолда муносабат билдирган эди.

Лейбниц инсон маънавий оламини уч соҳага: ақл – идрок, ирода-ихтиёр, ҳис-туйғуга бўлади ва уларнинг ҳар бирини алоҳида фалсафий жихатдан ўрганиш лозимлигини таъкидлайди. Баумгартенгача ақл – идрокни ўрганадиган фан – мантик, ирода – ихтиёрни ўрганувчи фан эса – ахлоқшунослик (этика)нинг фалсафада кўпдан буён ўз ўрни бор эди. Бирок ҳис-туйғуни ўрганадиган фан фалсафий мақомда ўз номига эга эмасди. Баумгартеннинг бу борадаги хизмати шундаки, у «ҳис қилиш», «сезиш», «ҳис этиладиган» сингари маъноларни англатувчи юнонча *aisthetikos* – «ойэстетикос» сўзидан «эстетика» (олмонча «*estetik*» – «эштетик») иборасини олиб, ана шу бўшлиқни тўлдирди.

Баумгартен эстетикани ҳиссий идрок этиш назарияси сифатида олиб қаради. Лекин, кўп ўтмай, у гоҳ «гўзаллик фалсафаси», гоҳ «санъат фалсафаси» сифатида талқин этила бошланди. Эстетика фанининг энг буюк назариётчиларидан бири Ҳегел эса ўз маърузаларининг кириш қисмида ёзади: «Эстетика» деган ном муваффақиятсиз чиққани ва юзаки экани сабабли бошқа атама қўллашга уринишлар бўлди...

«Эстетика» фанининг моҳиятини англатадиган «санъат фалсафаси» ва «гўзаллик фалсафаси» ибораларига тўхталамиз. Эстетика тарихида биринчи ибора тарафдорлари кўпчиликни ташкил этади. Лекин, юқорида айтиб ўтганимиздек, санъат бу фаннинг ягона тадқиқот объекти эмас. Ҳозирги пайтда техника эстетикаси ва унинг амалиётдаги соҳаси дизайн, атроф-муҳитни гўзаллаштириш, табиатдаги нафосат борасидаги муаммолар билан ҳам шу фан шуғулланади. Демак, унинг қамровини санъатнинг ўзи

билангина чегаралаб қўйишга ҳаққимиз йўқ. Зеро бугунги кунда инсон ўзини ўраб турган барча нарса-ҳодисаларнинг гўзал бўлишини, ҳар қадамда нафосатни ҳис этишни истайди: биз тақиб юрган соат, биз кийган кийим, биз ҳайдаётган машина, биз учадиган самолёт, биз яшаётган уй, биз меҳнат қиладиган ишхона, биз юргизаётган дастгоҳ, биз ёзаётган қалам, биз дам оладиган томошабоғлар – ҳаммасидан нафис бир руҳ уфуриб туриши лозим.

Юқорида айтилганлардан келиб чиқсак, «Гўзаллик фалсафаси» деган ибора бу фаннинг моҳиятига кўпроқ мос келади. Негаки, у фақат санъатдаги гўзалликни эмас, балки инсондаги, жамият ва табиатдаги гўзалликни ҳам ўрганadi. Шунингдек, гўзалликдан бошқа улуғворлик, фожевийлик, кулгилилик, мўъжизавийлик, хаёлийлик, уйғунлик, нозиклик сингари кўпдан-кўп тушунчалар мавжудки, уларни тадқиқ этиш ҳам эстетика фанининг зиммасида. Лекин, бу ўринда, шуни унутмаслик керакки, мазкур тушунчаларнинг ҳар бирида гўзаллик, бир томондан, унсур сифатида иштирок этса, иккинчи томондан, уларнинг ўзи гўзалликка нисбатан унсур вазифасини ўтайди. Ана шу хусусиятларнинг воқеликда намоён бўлишини биз нафосат деб атаймиз.

Жамиятимиздаги ҳозирги янгилашниш жараёнида этиканинг ўз ўрни бор. Унинг олдида янги демократик ва ҳуқуқий давлат барпо этишга киришган мамлакатимиз фуқароларининг, айниқса, ёшларнинг ахлоқий даражасига масъуллик ва ҳар томонлама камол топган замон кишиси тарбиясини назарий асослашдек улкан вазифалар турибди. Уларни фақат қадимий ва ҳар доим замонавий бўлиб келган ахлоққа янгича ёндашувлар асосидагина амалга оширса бўлади.

Янгича ёндашувлардан бири - этикада миллий ғоя ва мустақиллик мафқурасига эътиборни кучайтириш билан боғлиқ. Чунки замонавий комил инсон анъанавий ахлоқий қадриятлар билан йўғрилган янгича мафқурамизни ўзида мужассам этган, миллий ғояни ўз руҳий оламига сингдирган етук шахс бўлмоғи лозим. Унинг қалбида ахлоқ мафқуравийликни ва мафқура ахлоқийликни уйғунлаштирган маънавий ҳодисаларга айланмоғи керак.

Чунки мафкура бир ёқлама, маҳдуд, ўта сиёсийлаштирилган ғоялар тизими эмас, у ҳам худди ахлоқ каби, ахлоқ билан ёнма-ён туриб, инсонни юксак маънавий парвозларга даъват этувчи ботиний кучдир. Зеро, миллий ғоя билан умумбашарий қадриятлар мувозанатини барқарор сақлашни яшаш шарти деб билган мустақиллик мафкураси ахлоқни тўлдирувчи ва бойитувчи ходиса сифатида ўзининг бош мақсадини ахлоқий вазифаларга ҳамоҳанг тарзда амалга оширади.

Этика олдида қатор глобал муаммоларни ҳам қилишдек ўта муҳим вазифалар ҳам бор. Улардан бири ва биринчиси илм-фан тараққиёти туфайли вужудга келган техникавий босимни бартараф этиш. XX ва XXI асрда эришилган фан-техника ютуқлари ҳозирги пайтда инсон ва у яшаётган сайёранинг келажагига таҳдид солмоқда. Атом, водород, нейтрон бомбалари, баллистик ракеталар, энг янги техникавий кўрсаткичларга эга қирувчи, бомбардимон ҳарбий ўчоқлар, сув ости ва сув усти кемалари, энг янги русмдаги танклар ҳамда турли-туман қуроллар ҳаммаси инсонни йўқ қилишга қаратилган. Уларни ишлаб чиқариш корхоналари ва синов майдонлари экологик бухронларнинг манбаидир. Булар бир ёки бир неча мамлакат учун эмас, балки глобал, умумсайёравий фалокат ҳисобланади. Уларнинг олдини олишни фақат бир йўл билан-биз яшаётган техникавий муҳитда (ноосферада) ахлоқий муҳитни (этосферани) барқарор этиш орқали ҳил қилиш мумкин.

Ҳар бир фаннинг инсон ва жамият ҳаётида ўзига хос амалий аҳамияти бор: эстетика ҳам бундан мустасно эмас. Аввало, у кундалик ҳаётимизда нафосат тарбиясини тўғри йўлга қўйиш борасида катта аҳамиятга эга. Эркин, демократик жамиятимизнинг ҳар бир аъзоси гўзалликни чуқур ҳис этадиган, уни асрайдиган нафис дид эгалари бўлишлари лозим. Ҳақиқий бадиий асар билан савияси паст асарни фарқлай билишлари, «оммавийчилик санъати»ни рад қила олишлари лозим. Ана шу нуқтаи назардан қараганда, эстетика жамиятнинг барча аъзолари учун муҳим аҳамиятга эга.

Эстетиканинг, айниқса, бадий асар ижодкорлари учун амалий аҳамияти катта. Чунончи, бирор бир санъат турида ижод қилаётган санъаткор биринчи галда, маълум маънода, ўз соҳасининг билимдони бўлиши керак. Дейлик, бастакор нотани билмасдан, мусикали асар яратиш қонун-қоидаларини, шу жумладан, мусикага ҳам тааллуқли бўлган эстетиканинг умумий қонуниятларидан беҳабар ҳолда тузукроқ асар яратиши даргумон. Баъзилар, даҳо санъаткорлар қонун-қоидаларсиз ҳам ижод қилаверадилар, деган нотўғри тасаввурга эга. Ваҳоланки, даҳоларнинг ўзлари кўп ҳолларда эстетик назария билан шуғулланганлар. Бу борада Навоий, Жомий Леонардо да Винчи, Шиллер каби буюкларнинг номларини эслашнинг ўзи кифоя қилади.

Бугунги эстетика фани олдида улкан вазифалар турибди. Зотан, биз кураётган фуқаролик жамиятининг аъзоси ҳар жиҳатдан камол топган, юксак нафис дид эгаси бўлмоғи лозим. Қолаверса, ҳозирги машинасозликни, авиасозликни, умуман, саноатни замонавий дизайнсиз тасаввур этиш мутлақо мумкин эмас. Бунда бевосита техника эстетикасининг аҳамияти катта. Булардан ташқари, айниқса, ёшларнинг эстетик тарбиясига алоҳида эътибор бериш – замоннинг долзарб талаби бўлиб қармоқда. Шу боис узлуксиз таълимни ташкил этиш ва ривожлантириш тамойилларидан бири: «Таълимнинг ижтимоийлашуви – таълим олувчиларда эстетик бой дунёқарашни ҳосил қилиш, уларда юксак маънавият, маданият ва ижодий фикрлашни шакллантириш», деб аниқ белгилаб қўйилгани бежиз эмас².

Ахлоқ ҳақида гап борганда, албатта унинг муайян тузилмаси, унга асос бўлган омиллар, унсурлар тўғрисида тўхталмаслик мумкин эмас. Ахлоқ тузилмасини, одатда, уч омил-асосдан иборат деб ҳисоблайдилар. Булар - ахлоқий онг, ахлоқий ҳиссиёт ва ахлоқий хатти-ҳаракатлар. Баъзи мутахассислар этикага оид мезоний тушунчаларини (категорияларини), ахлоқий меъёрлар ва тамойилларни ахлоқ тузилмаси тарзида тақдим этадилар. Бизнинг нуқтаи назаримизда бу фикр унчалик тўғри эмас. Чунки

² Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. Т., Шарк, 1997 й, 44-б.

мазкур тушунчалар, тамойиллар ва меъёрлар кўпроқ ахлоққа эмас, балки уни ўрганадиган фанга - этикага тааллуқлидир. Бизнинг ахлоқий ҳаётимиз, барча ахлоқий тажрибаларимиз, ахлоқий фаолиятимиз ана шу уч омил асосида рўёбга чиқади. Ахлоқий кодексларимиз, меъёрларимиз ва тамойилларимиз уларга асосланади.

Ахлоқнинг ўзига хос хусусиятлари деганда биз унинг қатъий амрлик, меъёрийлик ва баҳолаш жиҳатларини тушунамиз. Қатъий амр ўзини тутишдаги муайян талабни, ахлоқий қонун-қоидаларни бажаришини тақозо этади. У шахс манфатларини жамият манфаатлари билан мувофиқлаштиради ва жамият манфаатлари устуворлигини таъминлайди, айти пайтда шахс эркинлигини чекламайди, фақат ўзбошимчаликка йўл қўймайди. Унга кўра, бирор инсон иккинчи инсонга восита деб қарамаслиги лозим. Қатъий амр туғма ахлоқий ҳодиса, унинг талаби сўзсиз ва ихтиёрий тарзда бажарилиши керак; у ихтиёр эркинлиги билан заруриятнинг мутаносиблигини ифода этади.

Иккинчи хусусият - ахлоқнинг меъёрийлик жиҳати билан боғлиқ. Меъёрлар, қонун-қоидалар, панд-ўғитлар воситасида ахлоқ бошқариш вазифасини бажаради. Улар орқали кишилар фаолияти йўлга солинади, фазилатлар асосида ижтимоий муносабатлар амалга оширилади, индивиднинг ахлоқий сифатлари жамият талабаларига мослаштирилади, ташқи даъват ички йўналмага, шахс маънавий дунёсининг бир қисмига айланади, одамзот авлодларининг ахлоқий алоқалари давом эттирилади. Ахлоқий меъёрларнинг икки тури мавжуд: хатта-ҳаракатнинг йўл қўйиб бўлмайдиган шакллари англатувчи тақиқлар (одам ўлдирма, ёлғон гапирма, ўғирлик қилма в.х.) ва ўзни тутишнинг энг яхши кўринишларига даъват (ҳалол бўл, ростгўй бўл, эзгу ишлар қил в.х.).

Ахлоқнинг ўзига хос учинчи хусусияти эса инсоннинг ўз хатти-ҳаракатларига муносабатини ичига оладиган ички баҳолашдан ва инсон хатти-ҳаракатларининг бошқа кишилар ҳамда жамият томонидан умум қабул қилинган ахлоқий меъёрлар асосида баҳолайдиган ташқи баҳолашдан ташкил

топади. Шунга кўра, баҳолаш кўринишлари ҳам икки хил бўлади. Биринчиси – ижобий: маъқуллаш, розилик, иккинчиси - салбий: танбеҳ ва норозилик. Бу хусусиятлар фақат ахлоққа хос. Шу билан бирга унинг яна бошқа икки хусусияти борки, улар нафақат ахлоққа, балки маънавиятнинг барча соҳалари учун умумийлик табиатига эга. Уларга алоҳида тўхталиб ўтамиз.

Ахлоқ энг аввало, умуминсоний анъанавий ҳодисадир. Асосий ахлоқий кадриятлар, муштарак ахлоқий тушунчалар, ахлоқий тамойил ва меъёрлар барча минтақалар ҳамда миллатлар учун бир хил маъно касб этади. Чунончи, муҳаббат, эзгулик ва ёвузлик, яхшилик ва ёмонлик, виждон, бурч, инсонпарварлик, одамийлик, бахт, тўғрилиқ, ростгўйлик, сахийлик ва бахиллик сингари фазилат ҳамда иллатлар том маънода умуминсоний ҳодисалардир. Зеро, ўзбекча эзгулик ёки ёвузлик, инглизча виждон, французча инсонпарварлик, арабча ёлғон, дейиш мумкинми? Албатта, йўқ.

Лекин, айти пайтда, ахлоқда умуминсонийлик жиҳатларидан ташқари, минтақавийлик ва миллийлик хусусиятлари ҳам муҳим аҳамият касб этади. Минтақавийлик ва миллийлик хусусиятлари ахлоқнинг нисбатан кичикроқ қамровга эга бўлган кўринишларида - хулқий хатти-ҳаракатлар, одоб ва этикетда яққол кўзга ташланади. Чунончи, мусулмон минтақасида дастурхон устида бош кийимсиз ўтириш беодоблик ҳисобланади. Бунинг одобдан ташқари гигиеник-озодалик нуқтаи назаридан ҳам аҳамияти бор: овқатланиш пайтида рўмолсиз аёл ёки дўпписиз эркак бошидан соч толаси, қазғоқ, чанггард таомга ёки дастурхонга тушиши мумкин. Насронийлар минтақасида эса аксинча, дастурхон устида бош кийимни ечмаслик Худо инъом этган таом ва дастурхонга ҳурматсизлик саналади. Ёки америкалик йигит ўзи креслода ўтириб, оёқларини кулдон ва ичимлик ашёлари турган столчага чалиштириб ташлаб, ором олади ва унинг учун бу табиий ҳол ҳисобланади. Ўзбек учун эса столга ёки хонтахтага оёқ қўйиб ўтириш - ўта одобсизлик.

Ғарбу Шарқ минтақалари одобида яна бир катта фарқ борки, бу ҳозирги пайтда Ғарбда ҳуқуқнинг ахлоқдан, Шарқда ахлоқнинг ҳуқуқдан устуворлиги масаласи. Ғарб ёшлари балоғатга етгач, ота-онага тенг ҳуқуқли

фуқаролар сифатида муносабат қилади, ўзининг қарши фикрини тўппа-тўғри, ота ё онасининг юзига тик қараб баён қилади ва буни инсон ҳуқуқларидан, шахс эркинлигидан фойдаланиш деб билади. Шарқ ёшлари, масалан, япон ёки ўзбек ота-онага тик гапиришни, тўғридан-тўғри қарши чиқишни анъанавий ахлоқий қоидаларнинг оёқости қилиниши деб тушунади, падари ё волидасига кўзини ерга тикиб, мулойим, ўз фикрини товуш кўтармай айтишни, баъзан эса сукут сақлашни афзал деб билади, уларга бўйсуннишни бурч сифатида олиб қарайди. Афсуски, баъзи Ғарб мамлакатларида кекса авлодни ёшлар ҳуқуқий ҳаётига, эркинлигига ғов деб билиш ҳоллари мавжуд. Бунга кейинги пайтларда Англияда бир қанча ёшлар гуруҳларининг кўчада кетаётган қарияларни тутиб дўппослашлари оқибатида юзага келган ўнлаб суд жараёнлари гувоҳлик беради.

Тўғри, шарқона этикет, одобий қонун-қоидаларнинг анъанавийлик билан боғлиқ, замонавий нуқтаи назардан баъзи нуқсли томонлари бор. Лекин, шунга қарамай, уларда инсонийлик ва меҳр-оқибат туйғулари мустаҳкам илдизга эга. Ғарбда эса ҳозирги пайтда бундай фазилатларни учратиш тобора ғайритабиий ҳолатга ўхшаб қолаётир. Шу боис эндиликда Ғарбнинг ҳуқуқийлик тамойилини Шарқнинг ахлоқийлик тамойили билан уйғунлаштириш замонавий жамият тараққиётида муҳим рол ўйнайди.

Этиканинг асосий вазифаси, энг аввало, унинг тарбиявийлигидир. Ахлоқий тарбия инсон учун, халқона қилиб айтганда, бешиқдан то қабргача асқотади. Тарбия гўдакдаги ахлоқий моҳиятини юзага чиқариши учун, унда ахлоқий йўналмаларнинг, хулқ ва одатларнинг шаклланишига хизмат қилади, ахлоқий таъқиқларининг моҳиятини бола онгига сингдиради. Катталарда эса ўз-ўзини тарбиялаш хислатини пайдо қилади ва ривожлантиради, уларни онгли ахлоқий танлов билан иш кўришга ўргатади. Ахлоқнинг тарбиявий вазифасини амалга оширишда турли хил воситалар ва омиллар иштирок этади. Жумладан панд-ўғит, адабиёт, санъат, оммавий ахборот воситалари.

Инсонни қадриятларга йўналтириш ҳам ахлоқнинг муҳим вазифаларидан ҳисобланади. Чунки ахлоқий қадриятлар шахснинг камол

топишида катта рол ўйнайди, инсонга эзгуликка қараб бориш ва ёвузликдан қочиш йўлини кўрсатади. Мазкур вазифа кадриятларга асосланган ҳолда одамлар ахлоқий хатти-ҳаракатларини баҳолаш имконини ҳам беради; уларнинг умум қабул қилинган тамойиллар ва меъёрларга мос ёки мос эмаслигини белгилашда объективликни таъминлайди. Шунингдек, у энг яхши анъанавий ва замонавий кадриятлар ҳамда умумбашарий ва миллий фазилатлар уйғунлигини таъминлашга хизмат қилади.

Ахлоқнинг коммуникатив вазифасини ҳам борки, у инсон муносабатларини гўзал таомилга айлантиришда муомала одоби, этикет сингари меъёрий қонун – қоидалар мажнунни ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади, моҳиятан у муомалани имкон борича инсоний, гўзал муносабат, ёқимли алоқа сифатида рўй беришига кўмаклашади, кишида юксак муомала маданиятининг шаклланишига, тилнинг ширин, имо-ишоранинг нозик, суҳбатининг ёқимли бўлишига олиб келади.

Этиканинг яна бир вазифаси эса - билиш. У инсонга ахлоқий билим беради. Шу билим воситасида одам ўз хатти-ҳаракатини бошқаради, ҳиссиётларнинг қайси бирига устуворлик бериш керак ва қайси бирини сабр билан енгиш лозимлигини белгилайди, кундалик ҳаётда дуч - келадиган ахлоқий муаммоларни ҳал этишда кишига кўмаклашади. бир сўз билан айтганда, ахлоқнинг бу вазифаси инсоннинг ўз ички дунёсини билиш учун қалит вазифасини ўтайди, айна пайтда унга ўзгалар хатти-ҳаракатларини ахлоқий баҳолаш имконини ҳам беради.

Биз юқорида «ахлоқий бошқариш» деган иборани бир неча бир ишлатдик. Зеро ахлоқнинг энг миқёсли вазифаларидан бири бошқариш. Ахлоқий бошқариш ҳар бир алоҳида олинган шахс ва бутун жамиятни тўғри йўлга солиш учун хизмат қилди. У одамлардаги нафсни жиловлаш, салбий оқибатларга олиб келадиган хатти - ҳаракатларнинг олдини олиш, индивиднинг ўз-ўзини бошқариши, ижтимоий муносабатларни ахлоқийлаштириш, ахлоқнинг инсонпарвар меъёрларини ҳаётга татбиқ этиш каби масалаларни ҳал этишга қаратилгани билан муҳимдир. Бунда

одамларнинг ўзни тутишлари ва ўзаро муносабатларини жамият фикри ҳамда шахснинг ахлоқий ўз-ўзини баҳолаши асосида, маъқуллаш ёки танбеҳ бериш ёрдамида бошқарилади.

Ахлоқнинг инсонийлаштириш вазифаси ҳам муҳим. У одамзотни ҳайвоний хислатлардан - зулм, зўравонлик, зуғум, адолатсизлик, инсофсизлик каби қатор иллатлардан фориғ бўлиши, юксак инсоний фазилатлар билан йўғрилиб яшаши, доимо комилликка интилишига кўмаклашиш билан белгиланади. Айти пайтда мазкур вазифа ахлоқий конун-қоидалар ҳамма учун мажбурийлигини улар олдида, ижтимоий ҳаётда эгаллаган ўрнидан қатъи назар, барча одамларнинг тенг эканини таъминлашга, жамиятда обрўпарварлик (авторитаризм) ахлоқини инкор этишга ва инсонпарварлик ахлоқини барқарор қилишга йўналтирилган.

Инсон зоти дунёга келганидан бошлаб табиат ва жамият деб аталган ташқи муҳит билан муносабатга киришади. Дастлаб бу муносабат англамаган, интуитив, биологик-генетик тарзда, кейинроқ эса англаб етилган, юксак даражадаги ижтимоий ҳодиса сифатида рўй беради. Уни одатда, икки хил деб таърифлаш қабул қилинган: биринчиси – инсоннинг саломатлиги ва турмуш тарзини фаровонлаштиришга қаратилган зоҳирий-моддий мақсадга эришиш тамойилига асосланган утилитар-эмпирик манфаатдорлик, иккинчиси – ботиний-руҳий манфаатдорликни, мақсадга мувофиқликни таъминлайдиган ҳиссий-маънавий муносабатлар. Мана шу иккинчи хил муносабатлар инсоннинг инсонлигини белгилайдиган ҳодисалар ҳисобланади. Улар ичида эстетик муносабат алоҳида аҳамиятга эга, чунки у нафақат биринчи хил муносабат турларидан юксак даражаллиги билан фарқланади, балки ўзига хилдош бўлган ахлоқий ёки эътиқодий муносабатга нисбатан ҳам миқёсли ва қамровлидир.

Гап шундаки, эстетик муносабатдан бошқа барча муносабат турлари инсон «ақлини таниганидан» сўнг, яъни гўдаклик давридан ўтгандан кейин воқе бўлади. Масалан, гўдак ҳали уят ҳиссини билмайди, унда ахлоқий муносабат ҳаттоки ибтидоий даражада ҳам шаклланмаган, хоҳлаган вақтида,

тўғри келган жойда табиий эҳтиёжни қондиради. Лекин у бешикда ётар экан, тушиб турган ола-чалпоқ куёш нуридан қувонади, уни кузатади, у билан ўйнагиси келади ёки бешикка осиглиқ рангли ўйинчоқдан завқланади, ғадир-будир, шаклан қўпол материални эмас, майин духобани ёки шунга ўхшаш юмшоқ, силлиқ нарсаларни хуш кўради, уларни сийпалаб завқланади, алла эшитиб ором олади. Буларнинг бари эстетик муносабатнинг инсоний моҳиятда намоён бўлувчи ҳодиса сифатида ибтидодан мавжуд эканини кўрсатади. Шунингдек, кексайиб, умрининг қолганини кўпроқ тўшакда ўтказаётган киши жисман заифлиги туфайли ташқи муҳит билан утилитар-эмпирик муносабатини давом эттира олмаслиги мумкин. Лекин, у бадиий адабиёт ўқиб, телевизор кўриб, мусиқа эшитиб завқланади, яъни ташқи дунёга эстетик муносабатда бўла билади: инсон моддий бойлик яратишдан маҳрум бўлган пайтда ҳам эстетик муносабат туфайли, то ўлгунча ўз маънавиятини бойитиш имконини йўқотмайди. Эстетик муносабатнинг қамровлилиги ва унинг бир умрли маънавий ҳодиса сифатидаги аҳамияти ана шунда.

Барча муносабатлар қатори эстетик муносабат ҳам икки асосий унсурдан ташкил топади: объект ва субъект. Лекин бунда объект субъект томонидан белгиланади: агар субъект эстетик жараёнга киришмаса, унинг муносабати, объект қанчалик гўзал ёки улуғвор бўлмасин, эстетик шакл касб этмайди. Эстетик жараён эса субъектнинг ботиний ҳис-туйғуларига, кайфиятига, вақтига, кузатишига, мушоҳадасига, фикрлаш имконияти ва даражасига, қобилиятига, истеъдоди, объект билан ўртадаги масофа тасавури каби туғма ҳамда таълим-тарбия ва тажриба воситасида вужудга келган қарашларга боғлиқ. Эстетик муносабат ана шу эстетик жараённинг пировард натижасидир. Масалан, Ўрол Тансиқбоевнинг «Тоғдаги қишлоқ» асарини сотаётган дўкон хизматчисига бу расмга нисбатан эстетик муносабат туғилмайди, сотувчи унга фақат товар сифатида қарайди, мақсади уни иложи борича каттароқ пулга сотиш. Яъни сотувчи эстетик жараённи бошидан кечирмайди, ўз вақти, кузатиши, диққат-эътиборини асосан, олди-сотди

жараёнига йўналтиради. Унинг муносабати иқтисодий-молиявий чегарадан нарига ўтмайди. Расмни сотиб олган харидор эса унда Ватаннинг бир парчасини, тоғ қишлоғининг ўзига хос гўзаллигини кўради, ундаги кўзга кўринмайдиган, лекин ботиний бир туйғу билан илғаб олинадиган руҳни, олисларда қолиб кетган болалик деб аталган умрнинг бир бўлагини қалбан ҳис қилади, хўрсиниқ аралаш қувонч ҳиссини туяди. Чунки унинг бутун ботиний-руҳий мурватларининг фаолияти, онги, диққат-эътибори, мушоҳадаси, тасавури, қобилияти, интеллектуал тажрибаси расмдаги гўзалликнинг нимаси биландир таниш ва айна пайтда нотаниш кўринишини илғаб олишга қаратилган; ҳар гал у шу расмга тикилганида ана шу ички фаолиятга асосланган жараённи қайта бошдан кечиради. Унинг расмга ҳар галги муносабати эстетик муносабатдир. Шундай қилиб, сотувчи қўлига тушган маблағдан қониқиш ҳосил қилса, расм ихлосманди тасвирланган манзара гўзаллигидан, қалбида уйғонган ҳиссиётдан, олисларга «бориб келган» хаёлотидан, ҳатто тасавуридаги, шу тасаввур «турткиси» туфайли пайдо бўлган хаёлий манзарадан завқланади. Ёки Кўкалдош мадрасаси ёнидан ишга кечикишдан ҳавотирланиб шошилишча ўтиб бораётган хизматчини олайлик. У маҳобатли эстетик объектнинг улуғворлигини ҳис этмайди, бу ёдгорликка нисбатан унда эстетик муносабат юзага келмайди, чунки вақт ва кундалик ташвишлар исқанжасида юқоридаги сотувчига ўхшаб эстетик жараённи бошидан кечиришга тайёр эмас. Шунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Бироқ, айтилганларидан эстетик муносабат фақат субъектга боғлиқ, ҳамма нарсани субъект ҳал қилар экан, деган хулоса чиқмаслиги керак. Тўғри, эстетик муносабат индивидуал ҳодиса, унда кўп нарса субъектга боғлиқ лекин ҳаммаси эмас, чунки объект гўзаллиги, улуғворлиги, рангинлиги ва ҳоказо эстетик кўринишлари билан муайян шарт-шароитда ўзига нисбатан эстетик муносабат уйғотиш хусусиятига эга. Зеро эстетик объектсиз субъект эстетик жараённи бошидан кечира олмайди, яъни эстетик муносабатнинг фақат бир томонлама рўй бериши мумкин эмас. Бу ўринда

объект – эстетик «қўзғатувчи», субъект – «қўзғалувчи» ролини ўйнайди. «Қўзғатувчи» эстетик кўриниши билан таъсир кўрсатса, «қўзғалувчи» моҳияти билан таъсирни қабул қилади, идрок этади. Бу идрок этиш объектни ўз тасаввурида янгитдан яратиш билан яқунланади; эстетик жараённинг қолаверса, бутун бошли, эстетик муносабатнинг ижодийлиги ҳам ана шунда. Демак, икки томоннинг бири (объект) – ёқимли ёки ҳайратга соладиган шакл ва мазмунни ўзида ифодаладиган эстетик кўриниши туфайли, иккинчиси (субъект) – ўша кўринишининг идрок этилишини таъминловчи ҳиссий ва интеллектуал мурватларини ўзида мужассам этганлиги билан эстетик муносабатни вужудга келтиради. Бу муносабат эса, юқорида айтганимиздек, субъект ва объект ўртасидаги ўзаро алоқани ташкил этган эстетик жараённинг нисбатан тугалланган шакли сифатида намоён бўлади. Ана шу эстетик жараён рўй берадиган майдонни биз нафосат деб атаймиз.

Эстетик англаш эстетик жараёни ташкил этиши баробарида эстетик муносабатни юзага келтиради, онгнинг ана шу фаолияти ички нафосатни шакллантиради. Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, эстетик англаш фақат эстетик қадриятлар ёхуд объектларни идрок этишда эмас, балки янги эстетик қадриятлар яратишда ҳам фаол иштирок қилади, яъни у эстетик фаолият жараёнида ўзининг доимий улушига эга: санъат асарининг дунёга келишида, турмуш шароитини, ишлаб чиқаришнинг гўзаллашувида ва шунга ўхшаш ҳолатларда ҳал қилувчи аҳамият касб этади.

Эстетика ўз ичига ҳам табиатдаги, ҳам жамиятдаги, ҳам шахс ҳаётидаги эстетик жиҳатларни ўзида мужассам қиладиган эстетик муносабат объекти сифатида эстетик хусусиятларни, эстетик фаолиятини ва эстетик англашни қамраб оладиган, яшаш шартини субъектив хилма-хиллик билан белгиланадиган мураккаб мақсадни эмас, балки серқирра мақсадга мувофиқликни биринчи ўринга қўядиган ҳиссий-интеллектуал борлик, инсон ҳаётининг инсоний мазмунини таъминлайдиган маънавий-ижтимоий ҳодиса.

Назорат саволлари:

1. Этика ва эстетикани ўрганиш зарурати нимадан келиб чиқади?
2. Мустақил демократик тараққиёт йўлида этика ва эстетиканинг ўзига хос хусусиятлари нималарда кўринади?
3. Ўзбекистонда ахлоқий ва эстетик маданият.
4. Эстетиканинг фалсафий моҳияти нимада?
5. Эстетиканинг жамиятдаги ролини тушунтириб беринг.
6. Эстетиканинг амалий аҳамиятини тушунтиринг.
7. Инсон гўзаллигининг муҳим мезонларини изоҳлаб беринг.
8. Инсон ахлоқининг муҳим мезонларини изоҳлаб беринг.
9. Воқеликка эстетик муносабат деганда нимани тушунасиз?.
10. Этика ва эстетиканинг қамровли ҳиссий-интеллектуал ходиса сифатида шахс ва жамият ҳаётини маънавий бойитишдаги вазифаларини айтинг.

Топширик

Савол	Жавоб
Ахлоқ ва санъатнинг бир-бирига таъсири	Санъат инсонни юксак ахлоқий руҳда тарбиялайди
Ахлоқ ва диннинг бир-бирига таъсири	Диний мафкура ахлоққа кучли таъсир кўрсатади
Ахлоқ билан тарбиянинг бир-бирига муносабати	Ахлоқ тарбиянинг назарий асосидир

2-МАВЗУ:

XXI АСРНИНГ ГЛОБАЛ АХЛОҚИЙ ВА ЭСТЕТИК МУАММОЛАРИ: АХЛОҚИЙ, ЭКОЛОГИК АХЛОҚ, ЭТОСФЕРА

РЕЖА:

2.1. Ҳозирги замонда этика ва эстетиканинг долзарб муаммолари.

2.2. Инсон шахсидаги иллатларнинг пайдо бўлиш оқибатлари унинг жамият ривожига таъсири

Таянч иборалар: *этносфера, биосфера, ноосфера, технократия, биологик ахлоқ, экологик ахлоқ, этноназия, генофонд, тубанлик, шухратпарастлик.*

Этиканинг ҳозирги кунда умумжаҳоний глобал муаммоларни ҳал қилишдек муҳим вазифаси ҳам борки, у ҳақда алоҳида тўхталмасликнинг иложи йўқ. Бу муаммолардан бири, энг муҳими, сайёрамизда этносфера - ахлоқий муҳит даврини яратиш билан боғлиқ.

Маълумки, юзлаб асрлар мобайнида инсон кичик биологик олам сифатида катта биологик олам ичида, унинг бир парчаси, жонли организмлар подшоси, оқил ва ҳукмрон қисми сифатида яшаб келди. XIX асрнинг охиридан бошлаб, айниқса XX асрда у ўз тафаккур қуввати билан, илмий-техникавий юксалишлар туфайли ана шу биосфера ичида ноосферани - техникавий муҳитни яратди. Мана, ҳозирги кунда, қаранг, эрталабдан кечгача биз ўз техникавий кашфиётларимиз ичида яшаймиз - еймиз, ичамиз,

юрамиз, ухлаймиз, уларсиз ҳаётимизни тасаввур қила олмаймиз. Булар метро, автобус, телевизор, радио, телефон, эскалатор, плейер, лифт, компьютер, поезд, теплоход, газ плиталари, электр асбоблари, заводлар, локаторлар, кимёвий дори-дармонлар ва ҳ.к. Бугун видеотелефонда гаплашар эканмиз, юзлаб чақирим наридаги суҳбатдошимизни кўриш ва у билан гаплашиш учун от-уловда ёки пиёда борадиган бўлсак, неча кунлаб йўл босишимиз кераклиги ҳақида ўйлаб ўтирмаймиз, тўғрироғи, бу эсимизга ҳам келмайди. Чунки техника бизнинг яшаш муҳитимизга айланиб қолган.

Фақат бугина эмас. Инсон эндиликда ўзи яшаётган бутун бошли сайёрага таъсир кўрсата бошлади. Ер тарихида инсон биринчи марта улкан геологик куч бўлиб майдонга чиқди. Инсоний тафаккур биосферадаги ўзгаришларнинг асосий сабабига айланди. Ноосфера таълимоти асосчиларидан бири буюк рус олими В.И.Вернадский илмий тафаккур ва инсон меҳнати таъсири остида биосфера янги ҳолат бўлмиш ноосферага ўтаётганлигини, бутун геологик давр мобайнида яратилган, ўз мувозанатларида барқарорлашган биосфера инсон илмий тафаккури босими остида тобора кучлироқ ва теранроқ ўзгаришга киришганини таъкидлайди: «Сайёрамиз юзи - биосфера инсон томонидан онгли ва асосан онгсиз равишда кескин кимёвий ўзгаришларга дучор этилмоқда, - деб ёзади у. - Инсон куруқликнинг физикавий ва кимёвий ҳаво қобиғини, унинг барча табиий сувларини ўзгартирмоқда... Ҳозир биз биосферадаги янги геологик эволюцион ўзгаришларни бошдан кечиряпмиз. Биз ноосферага кириб боряпмиз».³

Ана шу нуқтадан тафаккур ўзи нима деган муаммо пайдо бўлади. Бу ҳақда В.И.Вернадский шундай мулоҳаза билдиради: «Тафаккур энергиянинг шакли эмас. У қандай қилиб моддий жараёнларни ўзгартира олади? Бу масала ҳанузгача илмий жиҳатдан ечилиши топган эмас»⁴.

Вернадский ҳайратга солган масала ҳозир ҳам ўша-ўша, ҳол этилмаган.

³ Вернадский В.И. Начало и вечность жизни М., Сов. Россия, 1989. С. 186 – 187.

⁴ Ўша манба, С.185.

Хўш, тафаккур ўзи нима? У биологик ҳодиса бўлмиш инсонда, унинг рухий-физиологик яхлитликдан иборат миясида туғилади, лекин туғилиши билан биологик қобикдан чиқади ва ташқи муҳитда энергияга ўхшаб ниманидир яратади. Энди инсон билан унинг тафаккури орасида муайян масофа пайдо бўлади, масофа узоқлашгани сари тафаккурнинг моҳияти аён бўлиб боради: инсон кутган оқибат кутилгандан бошқача мазмун касб эта бошлайди. Нега? Бизнингча,

Ноосферада, юқорида айтганимиздек, инсон фикри нарсалашади, ўз интеллектимиз нарсаларга айланиб, бизни ўраб олади. Инсоннинг ички табиати муҳит мавқеини эгаллаб, ташқи табиатга таъсир кўрсата бошлайди ва кўп ҳолларда бундан энг аввало инсоннинг ўзи озор чекади. Тафаккур биологик хусусиятга эга бўлмагани учун биологик муҳитнинг ўрнини эгаллашга, уни аста-секин сиқиб чиқаришга ҳаракат қилади. Бу ҳаракат маълум нуқтадан ўтганидан сўнг эса ўз ижобий хусусиятини йўқота боради ва инсоният учун салбий ҳодисага айлана бошлайди. Атом, водород, нейтрон бомбаларининг кашф этилиши, ядро каллакли баллистик ракеталарнинг яратилиши ана шундай салбий ҳодисалардандир. Бундан ташқари, ноосферанинг пайдо бўлиши атмосферани, оламий океанни, ер ости ва ер усти сувларини, набототни, ҳайвонотни, ҳатто инсонни ич-ичидан кимёвий захарланишга олиб келмоқда. Ҳозирги кунда тирик организмларнинг, ўсимликларнинг, ҳайвонларнинг кўпгина турлари жисман йўқ бўлиб кетиш арафасида турибди. Айниқса, жой тополмай, океан бўйлаб кемаларда сузиб юрган радиоактив чиқиндилар ёки уларнинг кимсасиз гўзал оролларга кўмиб ташланиши, кислота ёмғирларининг кўпайиб бориши сингари ҳодисалар бағоят хатарли. Афсуски, инсон кўра-била туриб, ўзи ўтирган шохга болта уришни тўхтатмаётир.

Бу муаммоларнинг ҳал этилиши фақат атроф-муҳитни кимёвий захардан экологик тозалашнигина эмас, балки, энг аввало, глобал маънода, XXI аср кишиси онгини технократия захаридан фориғлантиришни тақозо этади. Яъни улар инсони-ят олдида эндиликда экологик ҳодиса эмас, балки

том маънодаги ахлоқий муаммолар сифатида кўндаланг бўлиб турибди. Машхур австриялик этолог олим, Нобель мукофоти лауреати Конрад Лоренцнинг: «Ёппасига ва тез ёйилиб бораётган жонли табиатга бегоналашиш ҳодисаси учун асосан цивилизациямиз кишисидаги эстетик ва ахлоқий тўпослик айбдордир», - деган сўзлари шу нуқтаи назардан диққатга сазовордир.⁵

Юқорида айтилганлардан чиқадиган хулоса битта: келажакда инсон ўзини ва ўз сайёрасини муқаррар ҳалокатдан қутқараман деса - XXI асрдан бошлаб этосфера даврига ўтиши керак; ахлоқийлик ҳар биримиз учун ҳар қадамда бугунги техникавий муҳит каби заруратга айлангандагина бунга эришиш мумкин. Бунда этика фанининг ўрни ниҳоятда беқиёс.

Яна бир муҳим муаммо, бу - биологик ахлоқ. Мазкур ҳодиса сўнгги бир неча ўн йиллик ичида соф табобат муаммосидан ахлоқий муаммога айланди: эндиликда, бировнинг муайян аъзосини бошқа беморга жарроҳлик операцияси йўли билан ўтказиш орқали киши ҳаётини сақлаб қолиш ахлоқий нуқтаи назардан қандай баҳоланади, деган савол кун тартибида долзарб бўлиб турибди.

Биологик ахлоқ деганда, одатда, бизда ҳам, жаҳон ахлоқшунослигида ҳам асосан тиббий ахлоқ, табобат муаммоларига доир ахлоқий ёндашувлар тушунилади, холос. Бу унчалик тўғри эмас. Бизнингча, биологик ахлоқ муаммолари икки йўналишдан иборат: бири - инсонларнинг кичик биологик олам сифатидаги катта биологик оламга бўлган муносабатлари билан боғлиқ «ташқи», иккинчиси - инсонларнинг «ўз-ўзига ва ўзаро муносабатларидаги тиббиёт билан боғлиқ ички» ахлоқий масалалар.

Биз одатда «экологик этика» деганимизда айнан биринчи ҳодисани назарда тутамиз. Икки биологик оламнинг муносабатларини, яъни экологик ахлоқий муаммоларни биологик ахлоқ доирасида ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

⁵ Лоренц К. Восемь смертных грехов цивилизованного человечества. Журнал. «Вопросы философии» № 3, 1992. С. 42.

Ҳозирги пайтда экологик ахлоқнинг инсоният учун нақадар муҳимлигини ҳамма билади, лекин ўз билганидан қолмайди – муаммонинг мураккаблиги шунда. Биз юқорида ноосфера, тафаккур борасидаги мулоҳазаларимизда экологик бухроиларнинг баъзи кўринишларига тўхталиб ўтдик. Бироқ, яна ундан ташқари сўнгги пайтларда жаҳон бўйлаб синтетик жисмлар ишлаб чиқаришнинг кенг йўлга қўйилганлиги, ҳайвонот ва айниқса ўсимликларнинг габрид усулида янги турларининг вужудга келтирилиши сингари ҳадислар ҳам экологик аҳамиятга эга. Хўш, улар табиат билан сингишиб, уйғунлашиб кета оладими, табиат уларни ўзиники қила биладими? Бунга ҳозир жавоб топиш қийин, эҳтимол кашфиётларимизнинг оқибатлари, юқорида айтиб ўтганимиз - муайян тафаккур билан инсон орасидаги «масофанинг узоклашиб» бориши натижасида аён бўлар?...

Биологик ахлоқнинг иккинчи йўналиши тиббиёт илми ва амалиётининг тобора тараққий топиб бориши билан боғлиқ.

Тотли ўлим-эвтаназия ҳам биотиббий ахлоқнинг глобал муаммоларидан. Худонинг ихтиёридан ташқари ўлимни ихтиёр қилган киши диний нуқтаи назардан кечирилмайди. Чунки сабрли, бардошли бўлиш, бу дунё изтиробларини тоқат билан бошдан кечириш инсоннинг вазифаси. Лекин ахлоқий жиҳатдан олиб қараганда масала қандай баҳоланади? Дейлик, муайян инсон, бемор ўз кунларининг санокли эканини, лекин бу кунлар саноксиз азоблар ичида ўтишини билади. Шу боис у ўзининг ана шу ҳолатини жуда яхши биладиган бошқа бир одам - шифокордан азобларига чек қўйишни сўрайди. Унинг илтимоси ва шу илтимосни бажариш учун шифокор томонидан қилинган хатти-ҳаракатларни қандай, баҳолаш мумкин? Бу хатти - ҳаракатларни инсонийлик ва инсонпарварликнинг кўриниши сифатида қабул қилиш тўғрими? Умуман, эвтаназия ахлоқийликми, ахлоқсизликми? Бу муаммо ҳам умумжаҳоний миқёсда ўз ечимини кутмоқда.

Чунки табобат борасидаги сўнгги тадқиқотлар инсон ўлими бир лаҳзада рўй бермаслигини, юрак уриши ва нафас олиш тўхтаганда ҳам, мия ўлмаса инсонни ўлди дейиш мумкин эмаслигини исботлаб берди. Дастлаб

мия қобиғи, ундан кейин мия танаси ҳалок бўлади. Шундан кейингина инсонни ўлган деб ҳисоблаш мумкин. Зеро, ҳозирги кунда токи мия ўлмас экан, кўпгина ички аъзоларнинг янги таъбиот техникаси воситасида ишлашда давом этишини таъминлаш ва шу орқали анча муддатгача инсонда тирикликнинг минимал даражасини сақлаб туриш мумкин. Демак, юрак ёки буйракнинг кўчириб ўтказилиши ҳали ўлмаган одамнинг минимал тирикликка бўлган ҳуқуқини поймол қилишдир. Бунинг устига, америкалик нейрохирург Пол Пирсон ўз тажрибаларига асосланиб, юрак кўчириб ўтказилганда руҳ ҳам кўчиб ўтади, деган фикрни билдиради. Чунончи, 19 яшар қизнинг юраги 40 яшар эркакка ўтказилганида, йигитнинг феъл-атворида жуда катта ўзгаришлар рўй берган. Ёки 20 яшар қизнинг юраги ва ўпкаси 36 яшар аёлга ўтказилганда ҳам шунга ўхшаш ўзгаришлар юзага келган: аёлнинг кулишигача ўзгариб кетган. Ахлоқий нуқтаи назардан буни қандай изоҳлаш мумкин?

Биологик этиканинг анчадан буён кўпчиликка маълум муаммоси, бу – аборт. Маълумки, тўртинчи ҳафтанинг охирида ҳомилада дастлабки юрак уриши пайдо бўлади. Саккизинчи ҳафтанинг охирида эса мия танасининг электрофизиологик фаоллигини кузатиш мумкин. Демак, ҳар қандай аборт, ҳалқ таъбири билан айтганда, жонлини жонсиз қилиш, тирик организмни тирикликка бўлган ҳуқуқдан маҳрум этишдир. Хўш, абортни ахлоқсизлик тарзида баҳолаш керакми ё йўқми? Ёки АҚШ олимлари томонидан «инсон зотини яхшилашга» қаратилган тадқиқотларни олиб кўрайлик. Уларда «яхшилланган» - соғлом, кучли интеллект эгаси бўлган одамлар ҳужайрасини аёл организмидаги энди ривожланишга киришган нисбатан «оддий одам» ҳужайраси ўрнига кўчириб ўтказиш тажрибаларини олиб бориш мўлжалланган. Улар амалда татбиқ этилса, аста-секинлик билан инсоният ирсият жамғармасининг (генофондининг) бир ёқлама ўзгаришига олиб келиши шубҳасиз. Рим папаси буни инсон зотига, инсоний табиатга аралашув, уни зўрлик йўли билан ўзгартириш, нафақат катта гуноҳ, балки

ўта ахлоқсизлик деб атади. Хўш, бундай тажрибаларни қандай баҳолаш керак? Бу саволларга ҳам этика жавоб топмоғи лозим.

Ўлим, маълумки, ахлоқий нуқтаи назардан энг улкан ёвузлик ҳисобланади. Айниқса мажбурий ўлим. Шунга кўра, ўлим жазосининг ҳуқуқий жиҳатдан қўлланилиши моҳиятан жамият томонидан ёвузликка қарши ёвузлик билан жавоб беришдир.

Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ислом динининг уч асоси борлигини айтиб, уларнинг биринчиси одам ўлдирмаслик эканини таъкидлайдилар. Буни имом Ғаззолий «Мукошафаат ул – қулуб»да шундай келтиради:

«Термизий ва бошқа ҳадисчилар ривоят қиладилар:

Расуллулоҳ буюрдиларки:

... Ислонинг уч дастури бор. Диннинг тамойили шулар устига қурилган. Ким шу асослардан ташқари чиқса, бу билан у кофирликка қараб кетган бўлади:

- 1 – Қонни (одам ўлдиришни) ҳалол ҳисобласа;
- 2 – Оллоҳдан бошқа илоҳ йўқлигига гувоҳлик (шаҳодат) бермаса;
- 3 – Фарз бўлган намозни ва рўзани инкор этса».⁶

Демак инсон ҳаёти энг олий қадрият экани диний нуқтаи назардан ҳам нафақат тан олинади, балки биринчи ўринга қўйилади.

Ўлим жазосини кимлар қанчалик оқлашга ҳаракат қилмасин, у - жинойтчини жазолашдан кўра, ундан ўч олишга қаратилган, қадим-қадимлардан келаётган хун олиш тамойилининг «демократлашган», янгиланган шакли сифатида намоён бўлади. Аслида эса инсоннинг муайян жинойтни содир этган ҳатти-ҳаракатлари қораланиши керак, унинг ўзи эмас, у қилган ёвузлик ўлимга маҳкум этилиши лозим - одамни эмас, ёвузликни ўлдириш оқилона иш эмасми?! Ёвузликни ўлдириш, ёвузлик содир этган кишининг уззоқ муддатли ёки бир умрлик қамоқдаги виждон азоби ва тазарруси билан амалга оширилгани дурустмасми?!

⁶ Ғаззолий. Мукошафаат ул-қулуб, 253-б.

Бу масаланинг бир томони. Иккинчи томони шундаки, нодемократик тузумларда белгиланган ўлим жазоси камдан-кам ҳолларда адолатли ҳукм бўлиб чиқади. Чунончи, Ленин, Сталин, Ҳитлер, Пол Потлар ҳукмронлигида миллионлаб одамларнинг қатл этилиши ёки шу яқин-яқинларда, шўролар тузуми даврида Ўзбекистонда ўтказилган «Пахта иши» деб номланган катағон пайтида отишга ҳукм қилинганларнинг тақдири бунга яққол мисол бўла олади. Ана шу даврларда ўлимга ҳукм қилинганларнинг жуда кўпчилиги ке-йинчалик оқланди, улар гуноҳсиз деб топилди. Лекин ҳукм ижро қилиб бўлинган: ноҳақ жазоланган - қатл этилган инсонлар адолат тантанасини кўролмайдилар.

Учинчидан, ҳатто демократик жамиятларда судларнинг ҳамма вақт ҳам юз фоиз тўғри ва адолатли ҳукм чиқаришига ким кафолат беради - ҳакамлар ҳам инсон, ҳамма қатори хато қилиши мумкин. Жамиятнинг кейинги пушаймонидан қатл этилган одамга нима фойда?

Бу мисолларнинг ҳаммасида ўлим - тор ҳуқуқий жазо доирасидан чиқиб кетади ҳамда тарихда алданган, адашган инсониятнинг, жамиятнинг ва шахснинг ахлоқсизлиги сифатида баҳоланади. Шу жиҳатдан қараганда, ҳозирги пайтдаги кўпгина демократик мамлакатларда ўлим жазосининг бекор қилинишини ўша жамиятлар ахлоқий даражаси билан боғлиқ ижобий ҳодиса дейиш мумкин. Бизнинг мамлакатимизда ҳам бу борада дадил қадамлар қўйилганлиги - аввал ёш нуқтаи назаридан ўлим жазосини қўллашнинг чегараланганлиги (60 ёшгача), кейинроқ эса уни бутунлай бекор қилишга қаратилган инсонпарварлик ҳаракатлари қувонарли воқеа. Бу нафақат бизга, балки Ер юзидаги барча мамлакатларга тааллуқли муҳим, умумжаҳоний муаммо. Ахлоқ фалсафаси олдида ана шундай, тобора глобаллашиб бораётган ахлоқий муаммоларни ҳал этишда етакчилик қилиш вазифаси турибди. Зеро мазкур глобал муаммоларни бугунги кунда Ахлоқ фалсафасининг аҳамиятини белгилаб берувчи барометрлар, дейишимиз мумкин.

Инсон ҳаётида ахлоқий меъёрлар катта аҳамиятга эга. Улар тамойилларга нисбатан анча содда, умумлашмаган, тор қамровли. Уларни кундалик ҳаётимизда маълум. Этикага оид тушунчаларни ва ахлоқий тамойилларнинг амалга ошиш мурватлари ҳам дейиш мумкин, улар ахлоқий талабларнинг энг оддий, лекин кенг тарқалган шакли сифатида рўёбга чиқади. Ҳалоллик, ростгўйлик, ҳаёлилик, инсофлилик, хушмуомалалик, боодоблик, камтарлик сингари меъёрлар айниқса диққатга сазовор.

Ҳалоллик. Ҳалоллик виждон, адолат ва бурч каби Ахлоқ фалсафаси мезоний тушунчалари билан боғлиқ, инсонинг ўзгача муносабати ўзича муносабатидек соф, покиза бўлишини талаб қилидиган ахлоқий меъёрдир. Даставвал у диний тушунча сифатида вужудга келиб, ҳар бир мусулмоннинг емак-ичмаги, жинсий ва иқтисодий хатти-ҳаракатлари сифатини белгилаб берувчи шаръий меъёр бўлиб амал қилган, унинг зидди-ҳаром диний нуқтаи – назардан салбий ҳисобланган хатти - ҳаракатларга нисбатан қўлланилган. М., бисмил қилинган ҳайвон ё парранда гўшти - ҳалол, ўлакка гўшти - ҳаром, никоҳдаги жинсий алоқа - ҳалол, зино - ҳаром, меҳнат ҳақи - ҳалол, ўғрилиқ билан топилган мол - ҳаром в.х.

Кўриб ўтганимиздек, ҳар бир диний эътиқоднинг асосида ахлоқийлик ётади ва у кўп ҳолларда ибодатдан баланд қўйилган: солиҳ бандалар, «Қуръон»да айтилганидек, энг аввало гўзал ахлоқ эгаларидир. Шу боисдан кейинчалик ҳалоллик нисбатан тор шаръий қобикдан чиқиб, аста-секинлик билан шахс ҳаётидаги энг қамровли ахлоқий меъёрга айланди, теран маънавийлик касб этгани ҳолда, кундалик ҳаётдаги инсонийликни белгилайдиган умуминсоний фазилат бўлиб қолди. М., ҳозирги кунда ихтисослашган меҳнат тақсимотининг такомиллашуви, илм-фан тараққиётининг юксалиши натижасида биз касбий ҳалоллик илмий ҳалоллик, иқтисодий ҳалоллик в.б. ҳақида гапиришимиз мумкин.

Инсоният жамиятида ҳаромлик ёхуд нопокликнинг ҳалолликка нисбатан кам учрамаслиги доимо ташвишга солиб келган. Чунончи, имом Ғазолийнинг ҳаром ейиш ҳақида тўхталиб, мана бундай дейиши бежиз эмас:

«... Хоҳи зулм билан олинган бўлсин (куч ишлатиб, хоинона ундириш ва босқинчилик-ўғрилик йўллари билан олиш); хоҳ завқ ва ўйин йўли билан олинсин (қимор ва шунга ўхшаш нарсалар билан бўлганидай); хоҳ ҳийла ва найранг йўллари билан олинсин (товламачилик ва алдамчилик, тарозидан уриш каби); ўз моли ва бойлигини ҳаром ишларга (ичкиликбозлик, қимор, фоҳишабозлик) харжлаши - ҳаммаси ҳаром ейишга киради»⁷.

Афсуски, Ғаззолий санаб ўтган ҳолатларни атрофимизда кўп кўрамиз. Чунки нопок йўл тутиш осон, лекин ҳалолликка эришиш қийин. Бунинг сабаби шундаки. ҳалолликнинг мавжудлиги фидоийлик ахлоқий тамойили ва ростгўйлик ахлоқий меъёри билан шартланади; доимо ҳалоллик қилиш ёки ҳалол яшаши учун киши албатта нималардандир кечиши, кимларгадир қарши бориши, фақат рост гапириши, сўз билан иш бирлигига эришиши керак. Шу боис ҳалол инсон жамоатчилик ўртасида обрўга эга, ҳурматга сазовор бўлади. Қайси жамиятда ҳалол фуқаролар кўпайса, ўша ерда бахт ва фаровонлик ҳуқум суради.

Ҳалоллика биринчи бўлиб тўхталишимизнинг сабаби шундаки, мустамлакачилик даврида, айниқса, шўролар ҳукмронлик қилган чоракам бир аср вақт мобайнида ёлғон, алдов, нопоклик, ҳаромхўр-лик, мунофиқлик сингари иллатлар халқимизга шу қадар усталик билан сингдирилдики, ҳозирги пайтда кўпчилик одамлар ҳалоллик, ростгўйлик устидан ҳатто куладиган бўлиб қолганлар. Сўз билан иш бирлиги йўқолган, қоғоздаги чиройли гаплар ҳаётга тўғри келмайди. Лекин буларнинг ҳаммаси, афсуски, одатий ҳолдек қабул қилинади. Шу боис мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ бу иллатларга қарши кураш бошланди. Ҳозирги кунда давлатимиз миллий-маънавий қадриятларни тиклашни, одамларни ҳалол, инсофли, адолатли бўлишга чақиришни ўз ички сиёсатининг муҳим қисми деб билган ҳолда иш тутмоқда. Зеро, кўз ўнгимизда нопоклик ёлғон, алдов, иккиюзламачилик нималигини деярли билмайдиган жамиятлар, миллатлар гуллаб-яшнамоқда. Япония, Олмония, Франция, АҚШ, Буюк Британия

⁷ Ғаззолий Абу Ҳомид. Мукошафат ул-қулуб. Т., Адолат, 2002, 336-б.

сингари мамлакатлар шулар жумласидан. Шу ўринда куйидаги мисолни келтириб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Фалсафа жамияти аъзолари билан мулоқот-учрашувга келган бир таниқли олим ва жамоат арбоби қизиқ воқеани сўзлаб берган эди. Олимнинг хикоя қилишича, Финляндияда у билан бирга Россия Жамоат телевидениеси ходимини ўз машинасида олиб юрган фин фуқароси ёнилғи қуйиш нуқталаридан бирида тўхтаб, саксон литр бензин олади ва бориб эгасига шунча бензин олганини айтиб, ҳақини тўлайди. Унинг қанча ёнилғи қуйиб олганини кузатишни хаёлига ҳам келтирмаган бензоколонка хўжайини пулни олиб, ишини давом эттираверади. Машина йўлга тушганда, собиқ Шўролар Иттифоқи худудидан келган меҳмонлар хайратланиб сўрашади: «Нега хўжайин сизни бензин қуяётганингизда кузатиб турмади?» У эса тушунмай елкасини қисади: «Нимага кузатиб туриши керак?» Меҳмонлар тушунтиришмоқчи бўлишади: «Ахир, сиз саксон литрга ҳақ тўлаб, юз литр бензин қуйиб олишингиз мумкин эди-ку!» У яна ҳайрон қолади: «Нега юз литр олишим керак экан, менга фақат саксон литр зарур!». Меҳмонлар яна тушунтиришга ҳаракат қилишади: «Сиз кам пул тўлаб, кўп бензин олишингиз мумкин эди, нега ундай қилмадингиз?» Мезбон эса яна елка қисади: «Нега мен кам пул тўлашим керак - саксон литр зарур эди, саксон литр олдим, тавба, бунинг нимаси тушунарсиз?!», дейди. Хуллас, икки бирдай киши ҳаром йўл билан ортиқча бензин қуйиб олиш мумкинлигини Финляндия фуқаросига тушунтира олмайдилар; ҳаром ва ёлғон нималигини билмайдиган мезбон булар мени калака қиляпти деган хаёлга бориб, асабийлаша бошлаганидан кейингина меҳмонлар гапни бошқа ёққа бурадилар.

Қанчалик аччиқ бўлмасин, бу - бор гап, ҳақиқат. Зеро, Президент Ислон Каримов нутқларидан бирини «Ҳалоллик ва фидойилик фаолиятимизнинг асосий мезони бўлсин» деб, бошқа бир суҳбатини эса «Адолат ҳар ишда ҳамроҳимиз ва дастуримиз бўлсин» деб атагани бежиз эмас; ҳозирда ҳалол, ростгўй, инсофли, фидойи инсонлардан иборат бўлган

фуқаролар жамиятини қуриш - фақат ахлоқий муаммо эмас, балки келажаги буюк давлатимизнинг моҳиятини англаувчи ижтимоий-сиёсий янгиланишдир.

Ростгўйлик. Ростгўйлик ёки тўғри сўзлик инсоннинг ҳақиқатга интилиши билан боғлиқ ҳақиқат эса доимо синфийлик, партиявийлик-мафкуравийлик ва тарихийлик-даврийликдан юқори туради. Ҳақиқатнинг ифодавий шаклларида бири ростгўйликдир. Демак, ростгўйлик - инсоннинг кейинчалик касб этган табақавийлик, - сўз онгига, руҳига сингдирган, ижтимоий-ҳаётий, даврий-тажрибавий хусусият эмас, балкининг моҳиятида берилган фазилат. М., яқинда тили чиққан ёш гўдакни олайлик. У нима десангиз ишонади, ўзи нимаики деса - рост гапиради («Алдагани бола яхши» деган мақолни эсланг). Гўдакнинг соддалигидан, ишонувчанлигидан, тўғриси айтишидан биз-катталар кулаемиз; лекин ҳақиқат устидан, ростгўйлик устидан кулаётганимизни ўйлаб ҳам кўрмаймиз. Гўдак каттариб, «ақли кириб» боргани сари атроф-муҳитда ёлғон мавжуд эканлигини, рост гапирса ё кулги бўлиши, ё жазо олиши мумкинлигини англаб етади ва аста-секин ёлғонга ўргана бошлайди, дастлабки маиший ёлғон ижтимоий босқичга кўтарилди. Энди хусусий ёки гуруҳий манфаатдорликни таъминловчи ёлғон атрофдаги воқеликнинг ҳамроҳига айланади. Инсоннинг бу йўлдан фақат юксак маънавийлик, биринчи галда ахлоқий тарбия кутқаради. Эзгулик, номус, ор, кадр-қиммат, инсонпарварлик, ҳалоллик, инсоф нима эканини тушуниб етган кишигина ростгўй бўла олади.

Ростгўйлик осон эмас. У инсондан сабр-тоқат, матонат ва жасоратни талаб қилади, ростгўй инсон кўркувдан фориг бўлади, ҳар қандай ҳолатда ҳам виждонига қарши бормайди: кимларнингдир кўзига қараб, яқинларини ёки ҳамкасабаларини хафа қилишдан, ўз моддий манфаатдорлигига зарар етказишдан чўчмайди. Тўғри, бундай муносабат туфайли ростгўй инсон азият чекиши, таъна-дашномларга қолиши мумкин. Лекин буларнинг ҳаммаси бир одамга ёки муайян гуруҳга воқеликни асл ҳолида етгазганлигидан, уларни нотўғри йўлга солиб юбормаганлигидан қалбда

пайдо бўлган қониқиш ҳисси, хотиржамлик ва ором туфайли ювилиб кетади, ички бир қувонч унга баланд руҳ бағишлайди.

Ёлғонга келсак, уни кўпчилик донишмандлар энг катта ёвузликлар сирасига киритишган. Чунки ёлғончи кишилар бўлган ёки бўлаётган воқеа-ходисалар ҳақида нотўғри ахборот бериб одамларни адаштирадилар, ўзлари ҳам адашадилар. Кимнингдир ёки кимларнингдир ёлғони туфайли одамлар ишончга лойиқ нарсаларга ишониш, ишончсизликка созовор нарсаларга ишонмаслик имконидан маҳрум бўлдилар ва турмушда ҳатто ҳаёт-мамот масалаларида нотўғри қарорлар қабул қиладилар, бу нарса эса фожеага олиб келади. Ёлғончилик қилган одам ҳам «қурук» қолмайди, у ҳам ўз «фожеавий улуш» ига эга бўлади, унга бундан буён номусиз, каззоб, ишониб бўлмайдиган одам сифатида муносабат қилинади, бу бир томондан, иккинчи томондан, ўзи ҳам зарар кўради. Бунга ўзбек халқ эртақларидан биридаги икки марта ярим кечада «Уйим ёниб кетди!» деб ёлғондан фарёд кўтариб, ҳаммани - соғу касални, қарию ёшни оёққа турғизиш овора қилган, учинчи марта ҳақиқатдан ҳам уйига ўт тушганида кўтарилган дод – войга ҳеч ким эътибор қилмаган ёлғончининг қисмати мисол бўла олади. Ўз қишлоқдошларининг ишончини йўқотган эртақ қаҳрамони фақат ўзгаларнигина эмас, ўзини ҳам алдади: учинчи чорловига ҳеч ким ёрдамга келмади, уйи таг-туғи билан ёниб кетди, бошпанасиз қолди. Ҳар қандай ёлғончининг пешонасида ана шундай «бошпанасиз» паноҳсиз қолиш қисмати бор. Зеро ҳар бир инсон учун ўзгаларнинг унга бўлган ишончи энг қоим паноҳдир; ўзгаларнинг ишончи инсоннинг ўзига ишончини шакллантиради ва мустаҳкамлайди.

Ҳаёлилик. Бу меъёр хулқий гўзалликнинг асосий белгиларидан ҳисобланади. У, гарчанд, бир қарашда, уят ҳисси билан ўхшаш бўлса-да, аслида ўзини кўпроқ андиша ва ибога яқин фазилат тарзида намоён қилади, унда ахлоқий моҳият эстетик хусусият - нафосат билан уйғунлашиб кетади. Ҳаёдан одатда, инсон қизаради, бу қизариш, айниқса хотин-қизларда ички гўзалликнинг юзга тепчиб чиқишига сабаб бўлади ва алоҳида бир

нафисликни, майинликни вужудга келтиради. Инсоннинг ўзи содир этган ёки бошқалар воситасида амалга оширилган ахлоқийликка зид хатти-харакатлардан ноқулай вазиятга тушиши, ўнғайсизланиши, мулзам бўлиши уят ҳиссида ҳам мавжуд. Лекин бу ҳолатлар уятда ижтимоийлик касб этган бўлади, шу сабабли улар хатти-ҳаракат содир қилингандан сўнг ҳам давом этади ва кўп ҳолларда виждон азобига айланади. Ҳаётда эса мазкур ҳолатлар соф маънавий табиатга эга ва вақт доирасида чекланган бўлиб, улар хатти-ҳаракат содир этилаётган пайтдагина юзага чиқади.

Шарқ донишмандлари, хусусан, Абу Лайс ас-Самарқандий, Ғаззолий, Навоий каби алломалар, кейинроқ эса Авлоний, Фитрат сингари жадид мутафаккирлари, ҳаёни юксак ахлоқий қадрият сифатида олиб қараганлар, уни иккига - одамлар олдидаги ҳаёга ва Аллоҳ олдидаги ҳаёга ажратганлар ҳамда номуснинг бир кўриниши деб таърифлаганлар. Чунончи, «Ҳаё, - деб ёзади Абдулла Авлоний «Туркий гулистон ёхуд ахлоқ» асарида, – дилни равшан қиладурган бир нурдирки, инсон ҳар вақт шул маънавий нурнинг зиёсига муҳтождир... Ифбатнинг пардаси, виждоннинг ниқоби ҳаёдир»⁸.

Дарҳақиқат, ҳаёлилик кишининг маънавиятли, маърифатли, номусли, очик кўнгилли эканини англатади, унинг зидди беҳаёлик эса, аксинча, маънавиятсизлик, нопокликка мойиллик, қалбан қаттиқлик каби иллатлар билан характерланади.

Бугунги кунда ҳаёлилик алоҳида аҳамиятга эга. Турли цивилизацияларнинг ўзаро алоқалари, баъзан эса омукталашуви, урбанизация, модапарастлик сингари замонавий ҳодисалар ўзбек оиласидаги анъанавий ҳаёлиликка маълум маънода салбий таъсир кўрсатаётир, айниқса хотин-қизлар ва ёшларнинг ўзини тутишида, муомаласида, кийинишида бу таъсирни яққол сезиш мумкин. Шу сабабли оиладаги ва мактабдаги тарбияда ҳаёлилик хулқий гўзаллик, назокат; беҳаёлик эса хулқий хунуклик ва кўполлик эканини уқдириш шахс эркинлигининг доимо ўзгалар олдида

⁸ Авлоний А. Ўсон миллат. Т., Шарқ, 1993, 98-б.

масъулият билан боғлиқлигини изчил равишда тушунтириб бориш муҳим вазифалардан бири.

Инсофлилик. Афлотун ҳақида гап борганида, унинг адолатни давлатга хос фазилат, деган фикрини келтириб ўтган эдик. Дарҳақиқат, адолат моҳиятан давлатнинг фуқарога, жамиятнинг шахсга нисбатан муносабати тарзида намоён бўлади. Борди-ю, ўзаро адолатли муносабатлар ҳақида гап кетса, унда одатда юксак мартабадаги тарихий шахснинг қуйи мартабадаги шахсга муносабати назарда тутилади. Инсоф эса ана шу адолатнинг тор камровли хусусий кўриниши сифатида намоён бўлади. У фуқаролар, жамият аъзолари орасидаги ўзаро муносабатлар меъеридир.

Инсофлилик ҳам ҳалоллик каби виждон тушунчаси билан боғлиқ, маълум маънода ҳалолликка ўхшаб кетади. Лекин бу юзаки таассурот. Чунки ҳалоллик ўз ҳақи ва ҳаққини, яъни моддий ва маънавий ҳуқуқини ўзгаларнинг ҳақи ва ҳаққига хиёнат қилмаган ҳолда ажратиб яшашни англатади. Инсофлилик эса ижобийликда ҳалолликдан ҳам бир қадам олға ташланган ҳолатдир: унда киши ўз ҳалол ҳақи ва ҳаққидан ўзганинг ҳисобига кечади; «ўзга»нинг шароити ўзиникидан ниҳоятда оғир ва ёмон эканини ҳисобга олиб, ўз қонуний ҳақи ва ҳаққини ёки уларнинг бир қисмини ихтиёрий равишда ўзгага беради, мурувват кўрсатади.

Хуш феъллилик, ширин суҳанлилик, камтаринлик, босиқлик сингари ахлоқий хатти-ҳаракатлар меъерийлик нуқтаи назаридан ғоят муҳим. Чунки ҳар бир жамият даражаси маълум маънода ундаги фуқаролар муомала маданиятининг юксаклиги билан ҳам белгиланади. Зеро, хушфеъл, ширинсуҳан инсон ўзининг ҳар бир муваффақиятсизлигига фожиа сифатида қарамайди, алам ёки ғазаб билан ёмон кайфиятини бошқаларга ўтказишга интирмайди; атрофдаги ахлоқий муҳитни бузмайди. Натижада ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам кўтаринки кайфият, турли-туман омадсизликларнинг ўткинчилигини англатувчи ҳаётбахш бир умид бағишлайди. Жамият доимо ўшандай одамларни ҳурмат қилади ва улардан ўрнат олишга интилади.

Хушфеъллилик, ширинсуханлилик қай даражададир кўпроқ ихтиёр билан, кишининг маълум бир инсоний табиатга интилиши билан боғлиқ бўлса, босиқлик, камтаринлик, камсуқумлик аксинча, кўпроқ ирода кучи натижасида юзага келади. Зотан инсоннинг ўз ғазабини боса билиши, норозилигини барвақт билдирмаслиги; сўзлагиси, бирор-бир гап билан ўзини кўрсатгиси келиб қолганда ўша истакни тўхтата олиши кучли иродани талаб қилади. Шу боис муомалада босиқ, камтарин, «етти ўлчаб бир кесиш» тамойили асосида иш кўрган шахслар оқил одамлар саналади ва улар жамиятда ҳам намунавийлик мақомига ноил бўладилар.

Айни пайтда баъзи бир одамлар гуруҳи учун меъёрга айланиб қолган **иллатлар** ҳам борки, улар ҳақида тўхталиб ўтмасликнинг иложи йўқ. Улар ичидан энг кенг ёйилган, маълум маънода юқумли маънавий касалликка айланиб бораётган иккитасини – худбинлик ва шухратпарастликни кўриб чиқайлик.

Худбинлик. У ўз индивидуал эҳтиёжларини ҳамма нарсадан юқори кўядиган ахлоқий сифат, иллатни англагучи тушунча; бирор - бир инсоннинг моддий - маиший манфаатларининг бошқаларникидан устун кўйилишини билдирувчи манфаатпарастликдан ва ўз шахсини мутлақлаштиришига қаратилган шахсиятпарастликнинг баъзи унсурларидан иборат салбий хатти-ҳаракатлар мажмуъидир.

У шарқона жўмардлик ахлоқий тамойили ва инсофлилик меъърининг акси: агар жўмардлик, кўриб ўтганимиздек, бирор шахс, жамоа ёки жамият бахти, фаровонлиги йўлида кишининг ҳатто ўзига энг зарур бўлган нарсалардан ҳам воз кечишига тайёр туришини англагач, худбинлик ўз манфаатлари йўлида, ҳеч кимни, ҳеч бир жамоани, ҳеч қандай жамиятни тан олмайдиган салбий меъёр эгасининг бўртиб кўзга ташланадиган хусусияти.

Худбинликни инсон шахсининг ўзига бўлган муҳаббати билан чаплаштирмаслик лозим. Биз Имом Ғаззолий муҳаббатнинг беш тури ҳақида сўз юритиб, инсоннинг ўзига, ўзининг аъзоларига, саломатлигига бўлган муҳаббатини биринчи ўрнига кўйганини яхши биламиз. Унингча, бу

мухаббат Аллох, ота-она, кариндош-уруғ, дўст-биродар, мухтож-эҳтиёжмандлар хизматида бўлишга имкон яратувчи восита ҳисобланади. Худбинлик эса мухаббат ҳиссига эмас, нафсга, ҳирсга, ружуга асосланади, ўзини адолатсизлик, инсофсизлик ва бераҳмлик хислатларида намоён этади. Тўғри, ҳаммининг ҳам қўлидан жўмардлик келавермайди, лекин инсоннинг ўзига бўлган мухаббати, бошқаларнинг ҳам ўзига шундай мухаббати борлигини инкор этмаслиги керак. Шу коида бузилган жойдан худбинлик бошланади.

Худбинлик жинойт эмас, худбин одам қонунни бузмайди, аксинча доимо қонун олдида «тоза», «фақат қонуний ҳақи»ни қандай шароитда бўлмасин - бировларнинг фожеаси устидами, ўлими, - қатъи назар, ундириб олади, холос. Унинг ақидаси: «Гўзал бино қуласа-қулайверсин, мен ўзимга тегишли юзта ғиштни суғуриб олишим керак!»

Шуни афсус билан қайд этиш кераки, худбинлик устидами жамиятда кўпайиб борса-бораяптики, камаймаяпти. Чунки қонуннинг мустаҳкамланиб бориши худбин одамлар учун қулайлик туғдиради: улар қонуннинг руҳини - моҳиятини бир четга суриб қўйиб, унинг жумлаларидан - шаклидан фойдаланадилар. Аввалги, анъанавий урф-одатлар ҳуқумрон даврларда худбин одам жазоланиши - бир четга чиқариб қўйилиши, жамоадан, маҳалладан ҳайдалиши мумкин эди. Эндиликда бундай муносабат эркин шахс ҳуқуқларини паймол қилиш, ноқонуний ёндашув деб ҳисобланади. Демак, худбинликни йўқотишнинг фақат бир йўли бор, у ҳам бўлса жамиятда ахлоқий тарбияни замонавий тарзда кенг жорий этиш.

Шухратпарастлик. Шухратпарастлик - шон-шухрат кетидан қувадиган ва бу йўлда ҳар қандай ахлоқсизликдан қайтмайдиган инсонлар тоифасининг хусусияти. Шухратпараст одам ўз номининг доимо атрофдагилар ва жамият диққат марказида туришига машҳурликка, шов-шувга, мақтовга ички бир тийиқсиз эҳтиёж сезади. Бу эҳтиёж охир-оқибат уни жамиятнинг ахлоқий - ижтимоий талаблари билан ҳам, индивид сифатидаги ўз биологик ва

маънавий-интеллектуал имкониятлари билан ҳам мутлақо ҳисоблашмайдиган ижтимоий нафс бандасига айлантириб қўяди.

Шухратпарастликнинг ахлоқий иллат сифатидаги хатарли томони шундаки, у равнақ топиб бориш хусусиятига эга: даставвал киши ўз «мен»ининг бошқа «мен»лардан кам бўлмаслигини талаб қилади, кейин аста-секин ўз «мен»ининг барча «мен»лардан баланд туришини хоҳлаб қолади ва нима қилиб бўлса ҳам шу хоҳишни амалга оширишга интилади. Натижада у мавжуд векеликни, атрофдагиларнинг ўзига бўлган асл муносабатини реал баҳолай олмайди; қаерда уни «кўтар-кўтар» қилиб мақташса, ўша ерга ўзини уради, ҳаёт асл инсоний вазифасини бажаришдан чалғийди, тузатиб бўлмас хатоларга йўл қўяди. Шухратпарастликка ёрқин мисол, умумбашарий тимсол сифатида, одатда салкам 2,5 минг йилдан буён Ҳеростратнинг номи келтирилади: у абадий шухрат қозониш учун оламнинг етти муъжизасидан бири - Эфес шаҳридаги Артемида ибодатхонасида ўт қўйган. Унинг номи ҳозиргача таажжуб, ҳайрат, айни пайтда нафрат ва лаънат билан тилга олинади.

Шухратпарастлик ҳам худди худбинлик каби замонавий жамиятда авж олган иллатлардан ҳисобланади. Агар худбинликнинг кенг ёйилишига маълум маънода шахс эркинлигининг қонуний муҳофазаси, баъзи, демократик тамойиллар йўл очиб берса, шухратпарастлик учун замонавий оммавий ахборот воситалари кўк чироқ вазифасини ўтайди: Нитцше айтганидек, ҳозирги пайтда ҳар қандай кичкинагина «мен», йўлини топиб, саҳнадан, саҳифадан ёки экрандан ўзи ҳақида жаҳонга жар солиш ҳуқуқига ва имконига эга Матбуот ва сўз эркинлигидан «ўзига хос» фойдаланадиган, «машҳурлар» ҳақидаги шов-шувлар билан шуғулланадиган ўнлаб газеталар, кўрсатув ва эшиттиришлар шухратпарастларнинг ёмғирдан кейинги кўзиқоринлардек пайдо бўлишини таъминламоқда. Мисол тариқасида кўпчилик омавий ахборот воситаларида аслида ҳорижий муаллифлар мусиқаларини, қўшиқларини ноқонуний ўзлаштиргани- ўғирлагани (плагиат) учун жазоланиши керак бўлган шухратпараст «санъаткорлар»нинг кўкларга

кўтарилишини келтириш мумкин. Шухратпарстликнинг бундай кенг ёйилишига қарши фақат ахлоқий тарбия воситасида курашиш қийин, шу сабабли уларга нисбатан ахлоқий йўл билан бирга ички ва халқаро ҳуқуқ меъёрларидан ҳам унумли фойдаланган ҳолда мақсадга мувофиқдир.

Тубанлик— инсонда кучли нафратланиш туйғуларини ҳосил қилувчи эстетик категориядир. Нафосатшунослик категориялари орасида хунуклик сингари кишиларда салбий ҳис—туйғу пайдо қиладиган бошқа тушунчалар ҳам мавжуд. Тубанлик ана шундай тушунча: уни хунуклик билан айнанлаштириб бўлмайди. Чунки, хунуклик кишиларда энгил нохушлик туйғусини пайдо қилса, тубанлик эса кучли нафратланиш ҳиссини уйғотади. Табиат, ҳайвонот ва наботот оламидаги хунуклик тубанликка айланмайди. Инсондаги хунуклик эса тубанлик даражасига бориб етади. Дарёнинг суви лойқалангани, кўкаламзорларга тўкилган ахлат, курбақа, илон хунук кўрингани билан ундан одамлар нафратланмайдилар. Гоҳида муҳтожлик инсон табиатидаги ёвуз майлни кўзғатиб юбориши натижасида инсонни тубанлаштиради. Айниқса, мамлакат бошига оғир кулфат тушганда ундан ўз моддий манфаатлари йўлида фойдаланувчи кимсалар (2001 йил 11 сентябрда АҚШда содир бўлган фожеа сабаб ўғри «тадбиркорлар» магазинларни талашган эди—Ҳ.Б.) тубанликка мисол бўлади.

Назорат саволлари:

1. Глобаллашув жараёнининг “Этика ва эстетика” фанларига таъсири натижасида қандай муаммолар юзага келди?
2. Биологик ахлоқ ва экологик ахлоқ тушунчаларини изоҳланг.
3. Шухратпарастлик инсон ҳаётида қандай намоён бўлади ва унинг оқибатлари нимадан иборат?
4. Тубанлиликнинг иллат сифатида ижтимоий тараққиётга салбий таъсири нималарда кўринади?
5. Фожиавийликнинг фалсафий моҳиятини тушунтириб беринг?
6. Кулгулиликнинг демократик хусусияти нимада?

3-МАВЗУ: АХЛОҚ ПСИХОЛОГИЯСИ

РЕЖА:

3.1. Рухий таҳлил йўналиши ва ғайри зўравонлик.

3.2. Гендер муаммолар.

3.3. Аёл ва эркекларнинг оддий хулқ-атвори ва мотивациясининг ахлоқийлиги ҳамда рационалиги.

Таянч иборалар: *биофиллик, некрофиллик, эзгулик, ёвузлик, ахлоқий муҳаббат, зўравонлик, ғайризўравонлик, итоатсизлик, позитив дискриминация, гендер тенглик, гендер сиёсат, феминизм.*

Рухий таҳлил усулининг вужудга келиши жуда катта шов-шувларга сабаб бўлди. XX аср арафасидан то бугунги кунгача бу шов-шувлар гоҳ кучайиб, гоҳ сусайиб давом этмоқда. Улар бежиз эмас. Зеро, минг йиллардан буён ўқитилиб ва амалиётда қўлланиб келинаётган руҳшунослик фани бир зарб билан тахтдан туширилди. Ана шу зарб эгаси австриялик олим Зигмунд Фрейд (1856 - 1939) эди.

Гап шундаки, академик руҳшунослик табиий фанлар лабораториясининг усулларини қўллаб, виждон, қадриятли мулоҳазалар, эзгулик ва ёвузликни билиш - руҳшунослик муаммолари тизимига кирмайдиган метафизик тушунчалар, деб ҳисоблаб, асосан, одатдаги «илмий усул» бўйича қабул қилинган майда масалалар билан шуғулланиб келарди; у

Ўзининг асосий объекти - қалбни назардан қочириб, умумий, ёшга, касбга доир рухий ҳолатлар ҳамда реакциялар ва табиийятларнинг шаклланишига, яъни рухий «мурватлар»га эътиборни қаратиб, юқорида айтганимиздек, инсон учун ниҳоятда муҳим бўлган муҳаббат, ақл, виждон, қадриятлар сингари ҳодисаларни четлаб ўтди. Фрейд эса кузатувлар, ақл ва ўз кечинмаларига суянибгина ахлоқий муаммоларга мурожаат қилмасдан рухий касалликни муваффақиятли даволаш муаммосини ҳал этиб бўлмаслигини аниқлади ва бемор ўз қалби эҳтиёжларини ҳисобга олмагани учун касалликка чалинади, деган хулосага келди.

Фрейд инсон рухий ҳаётида уч босқични ажратиб кўрсатади: онг, онголди, ва онгтуби ёхуд онгланмаган, яъни, онгга айланмаган ҳолат. Онгланмаган ҳолат ва онголди онгдан назорат (цензура) деган ўрта босқич орқали ажралиб туради. Назорат икки вазифани бажаради: биринчиси, шахс ўзига мақбул кўрмаган ва қоралаган ҳис-туйғулар, фикрлар, тушунчаларни онгланмаган ҳолат ҳудудига сиқиб чиқаради; иккинчиси, онгда ўзини намоён этишга интиланган фаол онгланмаган ҳолатга қарши курашади. Онгланмаган ҳолатдаги фикрлар, ҳис-туйғулар умуман йўқолиб кетмайди, бироқ хотирага чиқиши учун йўл қўйилмайди. Шу боис улар онгда бевосита эмас, балки билвосита - билмай гапириб юбориш, хато ёзиб юбориш, туш, неврозлар сингари ғалати ҳаракатлар орқали намоён бўлади. Шунингдек, онгланмаган ҳолатнинг сублимацияси - тақиқланган интилишларнинг ижтимоий жиҳатдан мақбул ҳаракатларга айланган тарзда кўриниши ҳам рўй беради. Онгланмаган ҳолат ғоят яшовчан, вақтга бўйсунмайди. Ундаги фикрлар, истаклар, ҳис-туйғулар назорат туфайли, ҳатто ўн йиллардан сўнг онгга чиқсалар-да, ўз эҳтирос қувватини йўқотмайдилар. Онголди ҳолатини муваққат онгланмаган ҳолат, де-йиш мумкин, унинг онгга айланиш имкони бор, у онгланмаган ҳолат билан онг ўрталиғида бўлиб, онгнинг кундалик ишида хотира омбори вазифасини бажаради.

Шундай қилиб, қалб қаърида ётган, тийиқсиз эҳтирослар ҳисобланган онгланмаган ҳолат интилишларига диққатни қаратиб, Фрейд инсон

қалбининг «қора» томонларини таҳлилга олади. Бу таҳлил, инсоннинг қанчалик зоҳирий ахлоқийлашувига қарамай, унда табиий жинсий алоқада ўзини намоён қиладиган уятсиз, аксилахлоқий, «ёмон» томонлар мавжудлигини исботлаб беради. Бу томонларни Фрейд тушларда акс этишини кўрсатади, зеро, тушда онгнинг назорати ғоятда заифлашиши туфайли улар ўзларини рамзий тарзда намоён этадилар. Шу ваддан буюк таҳлилчи-файласуф Афлотуннинг, яхши одам ёмон одам ўнгида қилган ишларни тушда кўриш билангина чекланади, деган фикрини эслатиб ўтади.

Фрейд онгланмаган ҳолатни инсон қалбидаги барча ёвузликлар сақланадиган ҳовузга ўхшатади. Тушлардаги маданий кишини даҳшатга соладиган тубан, ҳайвоний ҳолатлар - жамиятдаги ахлоқий талаблар билан ҳисоблашиш натижасида реал ҳаётда амалга ошмаган шахс хоҳиш-истакларининг эваз, товон тарзида юзага чиқиши. Инсон фақат фикран, тушларида, ҳаёлан ва орзуларида онгланмаган ҳолат интилишларига, «ёмон» ибтидога берилади, реал ҳаётда эса ўзининг очиқ жинсий ҳирсини ёки тажовузкорлигини кўрсатиб, ёмон отлик бўлмасликка, ярамас одам деган ном олмасликка, бошқаларга ҳаёли, ҳалол, мулойим шахс сифатида кўринишга уринади. Бу уриниш бировларни иккиюзламачиликка ёки мавжуд ҳаётий қадриятларни ва ахлоқий қоидаларни сўзсиз, нотанқидий қабул қилишга олиб келса, бошқалар учун у руҳий носоғломликка, инсонни ичдан кемирадиган, лекин ташқаридан билинмайдиган асабий касалликка айланади. Фрейднинг фикрига кўра, тушлардаги «ёвуз» ниятлар ва «ярамас» истақларни ҳозирги замондан эмас, кўпроқ кечмишдан излаш керак, зеро, улар «фақат инфантилизмни», этник ибтидомизга қайтганимизни ўзида акс эттиради. Ана шу жиҳатлар ахлоқий муаммоларни, хусусан, ахлоқнинг келиб чиқиши, инсоният цивилизацияси тарихида юзага келган турли хил ахлоқий қоидалар ва талабларни кўриб чиқишда Фрейд учун қўл келади.

Шуни айтиш керакки, Фрейд инсондаги эзгу ибтидони, олижаноб интилишларни инкор этмайди. Унинг ахлоқий қарашларини тушунмаганларга, уни ёвузликни мутлақлаштиришда айблаганларга қарши

Фрейд, бизнинг инсондаги барча ёвузликларни таъкидлаб кўрсатишимизга сабаб шуки, бошқалар уларни инкор этади; бу таъкидлашдан инсоннинг руҳий ҳаёти яхшиланмаса ҳам, ҳар ҳолда у тушунарли бўлади; агар биз бир томонлама ахлоқий баҳолашдан юз ўгирсак, у ҳолда, шубҳасиз, инсон табиатидаги эзгулик ва ёвузликнинг ўзаро муносабати шаклини аниқлашимиз мумкин, деган фикрни билдиради. Ҳақиқатан ҳам Фройд ахлоқий қарашларининг ўзига хослиги айнан ана шунга асосланган. Бироқ, Фрейд, барча иллатларнинг ва виждон, кўрқув, айбни ҳис қилиш, тазарру сингари фазилатларнинг келиб чиқишини, фаолиятини, деярли барча ахлоқий ходисаларни асосан «Эдип комплекси»га олиб бориб такаб қўяди.

Зигмунд Фрейднинг ўзи бир ўринда: «Янги ҳаракатни тўхтатиб бўлмаслигига душманларим ишонч ҳосил қилганлари каби, менга ҳам бундан буён уни ўзим чизиб берган йўлдан олиб кетиш мумкин эмаслигига ишонишимга тўғри келди», – деган эди.⁹ Дарҳақиқат, руҳий таҳлилнинг кейинги тараққиёти – фрейдчилик ва янги фрейдчилик бош-қача йўлдан, руҳий таҳлил асосчиси назарияларини танқи-дий ўрганиш ҳамда ривожлантириш йўлидан кетди. К.Юнг, А.Адлер, Э.Фромм сингари таҳлилчи-файласуфлар инсон қалбини ўрганишда катта муваффақиятларга эришдилар. Имкон нуқтаи назаридан фақат улардан бири - Фроммнинг ахлоқий қарашларига тўхталамиз.

Эрих Фромм (1900 - 1980) асосий диққатини инсон қалбининг ахлоқий талабларга муносабатини очишга, тоталитарчилик, инсонпарварлик, тириксеварлик (биофиллик) ва ўликсеварлик (некрофиллик) ҳақидаги мулоҳазаларга қаратади. Унинг «Севиш санъати» (1956), «Инсон қалби. Унинг эзгулик ва ёвузлик қобилияти» (1964), «Инсон ўзи учун» (1967) каби асарларида ахлоқий муаммоларга кенг ўрин берилган.

Эрих Фромм инсон ҳаётини «санъат», ахлоқни эса «яшаш санъати», этикани эса инсон ҳақидаги назарий фан деб атайди. Бироқ инсон ана шу «яшаш санъати»га кўп ҳолларда амал қилмайди, яъни ўзига, ўзининг

⁹ Лейбин В. Фрейд, психоанализ и современная западная философия. М., Политиздат, 1990. С. 209.

мавжудлигига эътибор бермайди. Мутафаккир шу боис алам ва ачиниш аралаш шундай деб ёзади: «Инсон учун ўзининг хусусий ҳаёти ва яшаш санъатидан бошқа ҳамма нарса муҳим. У ўзидан бошқа ҳамма нарса учун яшайди. Ҳолбуки, ахлоқ яшаш санъати борасида комилликка эришиш учун зарур бўлган меъёрлар мажмуъидан иборат экан, ахлоқий тамойиллар ҳаёт табиатига, хусусан, инсоний мавжудлик табиатига мос келмоғи лозим. Ҳар қандай ҳаёт табиатининг умумий тамойили ўз хусусий мавжудлигини асраш ва барқарор этишдан иборатдир»¹⁰.

Шундай қилиб, ахлоқ инсоннинг гўзал яшашини, энг аввало ўзи учун яшашини таъминлаши керак. Фазилат - инсоннинг ноёб индивидуаллиги. Ўз индивидуаллигини намоён эта олган одамгина фазилатли ҳисобланмоғи лозим, зеро инсоннинг ҳаёти ҳамма нарсадан устун ва қимматлидир. Фромм ўз ахлоқий қарашларини ана шу нуқтаи назардан туриб ўртага ташлайди ва ҳимоя қилади.

Фроммнинг фикрига кўра, ёвузлик фақат инсоний ҳодиса. У инсонийлик ҳолатидан ортга қайтиш, инсонга хос ақл, муҳаббат, эрк хусусиятларини йўқ қилишга бўлган интилиш. Аини пайтда, у фожеий ҳолатдир. Чунки инсон, ҳайвоний даражага қайтсада, у бирор-бир сония одам эканини унутмайди, демак, ёвузлик масалани ҳал қилишнинг йўли сифатида уни ҳеч қачон қониқтирмайди. Инсоннинг ёвузлик ҳолати - ўзини эзиб турган инсоний турмуши оғирлигидан озод бўлишга фожиавий уриниши туфайли рўй беради, у ўзини йўқотишдан иборат. Эзгулик бизнинг мавжудлигимизни тобора моҳиятимизга яқинлаштириб боради, ёвузлик эса турмушимиз билан моҳиятимизнинг ўсиб борувчи бегоналашуви демакдир.

Инсон ортга ва олдинга интилишга, бошқача айтганда, эзгулик ва ёвузликка мойил. Токи иккала майл тенг экан, агар у ўз аҳволини англаб етишга қобил бўлса, танлаш борасида эркин. Бироқ, агар инсоннинг юраги тош қотиб, майллари ортиқ тенглашмайдиган даражага келса, у бундан буён танловда эркин бўлолмайди. Инсон то танлаш эрки қолмайдиган нуқтагача ўз

¹⁰ Фромм Э. Человек для себя. Минск, Харвест, 2004. С. 33.

хатти-ҳаракатига жавобгардир. Инсон юраги қанчалик тош бўлмасин, у инсоний юрак бўлиб қолаверади. Биз инсон бўлиб туғилганмиз ва шу боис олдимизда доимо қарор қабул қилиш масаласи кўндаланг туради. Ўз мақсадларимиз билан бирга, биз воситаларимизни ҳам танлашимиз керак. Агар кимки ҳаётга бефарқ, лоқайд қараса, ундай одамнинг эзгуликни танлашига умид йўқ.

Фрейд қарашлари ҳақида мулоҳаза юритар экан, Фромм ўз устозига нисбатан кенгроқ миқёсда ҳаракат қилади: инсон табиати нафақат биологик, балки тарихийлик билан шартланганини таъкидлайди. У Фрейднинг инсон муаммосини тўғри ҳал этишда биологик ва маданий жиҳатларни қарама-қарши қўйиш усулини рад этади, шахсни ўрганишда одамнинг бошқаларга, табиатга ва ўз-ўзига муносабатини тушуниш муҳим деб ҳисоблайди. Шунингдек, Фромм иқтисодий, руҳий ва мафкуравий жиҳатлар бир-бири билан узвий алоқадор эканини, улар жинсий алоқанинг жўнгина рефлексияси эмаслигини айтади. Бироқ Фрейднинг буюк хизматларини эътироф этиб, руҳий таҳлил жараёнидан асосий мақсад - устози таъкидлаган ҳақиқатни тан олиш эканини ва руҳий таҳлил ҳақиқатга янгича мазмун берганини уқтиради.

Руҳий таҳлилгача бўлган тафаккурда, агар инсон ўз гапига ўзи ишонса, у ҳақиқатни гапираётган ҳисобланарди. Руҳий таҳлил субъектив ишонч асло ҳаққонийликнинг мезони бўла олмаслигини кўрсатди. Инсон ҳақиқат юзасидан ҳаракат қиламан деб ишониши мумкин, лекин асл сабаб - бешафқатлик. У хатти-ҳаракатнинг сабаби муҳаббатим деб билади, лекин аслида уни мазохча боғлиқликка интилиш ҳаракатга келтиради. Инсон менга бурч раҳнамолик қиляпти деб ўйлайди, аммо асосий сабаб - унинг шуҳратпарастлиги бўлади. Гап шундаки, инсон нафақат буларга бошқаларнинг ишонишини хоҳлайди, балки ўзи ҳаммасига ишонади. Руҳий таҳлил жараёнида одам унинг қайси ғоялари эҳтиросли қобикқа ўралган-у, қайсилари унинг феъл-атвори тизимида илдизга эга бўлмаган, субстанция ва вазндан йироқ шартли клишелар (нусхалар) эканини англайди. Руҳий таҳлил шу маънода ҳақиқатни излашдир. Унинг асосий тамойили шундаки,

тафаккуримиз ва ҳиссиётларимизни синчиллик билан ўрганмасдан ҳамда қайси жойда биз ақлийлашамиз-у, қаерда эътиқодларимиз ҳиссиётга бориб тақалишини аниқламасдан туриб, руҳий соғломлик ва бахтга эриша олмаймиз.

Эрих Фромм муҳаббат муаммосига ҳам жуда катта эътибор беради. Муҳаббат, бу - ҳар бири ўзлигини сақлаган ҳолатдаги икки кишининг бирлашуви. Муҳаббат, бу - ҳаракат, ором эмас, фаоллик - кузатиш эмас. Севиш - олиш эмас, бериш. Севгида инсон ўзи учун энг бебаҳо бўлган ҳаётининг бир қисмини - ҳиссиёти, билими, кечинмаларини ўзига бағишлайди. Буни у ўрнига нимадир олиш учун қилмайди, ана шу «бағишлаш»нинг ўзи нафис бир лаззатдир. Аллома файласуф, юқорида таъкидлаганидек, муҳаббатни ғамхўрлик, масъулият, ҳурмат ва илм унсурларидан иборат деб билар экан, масъулиятга ўзгача эътибор билан қарайди. Фромм масъулиятни одатда қабул қилинганидан бошқачароқ тарзда талқин этади. Одатда масъулият деганда, четдан юкланган, яъни одамга бошқа кишилар, жамият ва ҳоказолар томонидан таклиф этилган, уқтирилган ёки мажбуран бўйнига қўйилган қандайдир бир нарса тушунилади. Фромм эса масъулиятни моҳиятан қалбнинг хоҳиши билан боғлиқ эмин-эркин ҳолат, дейди. Масъулиятни ҳис этиш, бу - бошқа мавжудотнинг эҳтиёжи ва талабига «лаббай» деб жавоб беришга тайёр туриш. Шундай қилиб, масъулият кимгадир ғамхўр-лик қилиш билан боғлиқ. Бошқа томондан файласуф масъулиятни ҳурмат билан боғлайди. Ҳурмат, бу - қўрқув ёки қўл қовуштириш эмас, у инсонни қандай бўлса, шундай қабул этишни талаб этади.

Фроммнинг фикрига кўра, индустриал жамиятда ҳақиқий муҳаббат камдан-кам учрайди. Ўз фарзандларини том маънода севган ота-оналар ҳам умумий қоидадаги истиснодир. Никоҳда эса муҳаббат деб бутунлай бошқа сабаб, бошқа ҳислар тушунилади. Унда ҳатто севги тасаввури ҳам бузилади. Бу айнан инсон ўзини муҳаббатнинг «мўъжиза қуши»ни қўлга киритдим деб ҳисоблаган пайтда рўй беради. Муҳаббатнинг йўқолишига гўё муҳаббатни

қўлга киритиб олиш мумкин деган нотўғри тасаввур олиб келади. Шу боис кўп ҳолларда муҳаббатдан бошланган никоҳ икки эгалик қилувчининг, жуфтлашган икки худбиннинг ҳамдўстлигига айланади. Бироқ муаммо никоҳда эмас, балки икки томон шахсининг истеъмолчилик хусусияти билан боғлиқ. Муҳаббатга мавжуд бўлиш, ўзини ифодалаш қобилияти тарзида эмас, балки маъбудга қарагандек муносабатда бўлиш ана шундан келиб чиқади. Шу боис бирга яшашнинг тизимини ўзгартиришга, яъни кўпхотинлилик, жазманбозлик, жамоавий жинсий алоқа ва ҳоказоларга интилиш - бор-йўғи ҳақиқий муҳаббат қийинчиликларини енгиб ўтиш учун йўл кидириш. Агар инсон ўз «ярмини» топиш ва севиш бахтига эришса, у бошқа жуфт излашга ҳеч қачон интилмайди, бутун борлиғини ўз севиклисига бўлган муҳаббатга бағишлайди. Умуман, Фромм тақдим этган шахс тизимида муҳаббат диний ҳиссиёт ва дунёқараш билан биргаликда марказий ўринни эгаллайди.

Руҳий таҳлил аслида тоталитар тузумга қарши, мустамлакачилик алдовларини, «доҳийлар» қалбининг зулматини ва ёвузликларини очиб бериш қудратига эга, бутун инсоният учун, жумладан, биз учун ҳам ғоят зарур таълимотдир. Ахир, ўзбекнинг «Одам оласи ичида» деган мақоли бор-ку! Руҳий таҳлил ўша «ола»нинг қаердалигини, қандайлигини, пайдо бўлишига сабаб нима эканини ва уни қандай қилса бартараф этиш, «оққа» айлантириш мумкинлигини кўрсатиб беришда мислсиз аҳамиятга эга.

Инсоният тарихи мобайнида қадимда илгари сурилган ғоялар кейинчалик моҳиятан янгиланган, ўзгарган ҳолда яна майдонга чиқишини кузатиш мумкин. Бу ҳодиса этика ва эстетика соҳаларига ҳам тегишли. XX асрда юзага келган ва амалиётда муваффақиятга эришган ёвузликка қарши зўравонлик кўрсатмасдан курашиш - ғайризўравонлик ахлоқшунослиги ана шундай «янгиланган эски ғоя»лардан.

Маълумки, ёвузликни йўқотиш, тўғрироғи, камайтириш, заифлаштириш барча даврларда ҳам асосий ахлоқий муаммо бўлиб келган. Қадимги дунёдаги ва Ўрта асрлардаги Шарқ мутафаккирлари ёвузликни кучсизлаштиришнинг йўли - унга қарши ёвузлик билан жавоб бермаслик, деб

билганлар. Бундай ёндашувни қадимги ҳиндлар ва хитойларда (йўга, жайнчилик, буддхачилик, даочилик), насронийликдаги Исо алайҳиссалом даъватларида, мусулмонликдаги тасаввуф намояндаларида кўриш мумкин. Лекин бу даврларда ёвузликка ёвузлик билан жавоб бермасликни фақат сабр-тоқат, Худога ташлаб қўйиш орқали амалга ошириш мумкин деб билганлар. Агар ҳазрати Исо ўз умматларига «Ўнг юзингга урса, чап юзингни тут», деган бўлсалар, буюк мутасаввиф ва шоир, яссавия тариқатининг асосчиси Хожа Аҳмад Яссавий ўз ҳикматларидан бирида шундай деб ёзадилар:

Золим агар жафо қилса, Аллох, дегил,
Илқинг очиб, дуо айлаб, бўйун сунгил.¹¹

Лекин аввалги даврлардаги бу қарашларнинг моҳияти чидам ва бардош билан чекланган бўлса, XIX асрнинг иккинчи ярмида бошланган ҳамда ҳозирги пайтда муваффақиятли давом этаётган ёвузликка қарши зўравонлик кўрсатмаслик ана шу сабр-бардош, чидам орқали бўйсуннишни эмас, балки курашишни тақозо этади. Ана шу янгиланган, моҳияти ўзгарган ахлоқий йўналишнинг ибтидосида XIX аср мутафаккири америкалик файласуф-ахлоқшунос Ҳенри Дэйвид Торо (1817 - 1862) туради. Бу йўналиш доирасида ке-йинчалик, XX аср бошларида Лев Толстой (1828 - 1910), ке-йинроқ буюк ҳинд мутафаккири ва жамоат арбоби Моҳандис Карамчанд Ганди (1869 - 1948), америкалик руҳоний, файласуф, жамоат арбоби Мартин Лютер Кинг (1929 - 1968) сингари мутафаккирлар изланиш олиб бордилар. Шунингдек, АҚШдаги Альберт Айнштейн институти директори профессор Жин Шарп, Польша Фанлар академияси Фалсафа институти профессори Анжей Гжегорчик, Россия Фанлар академияси Фалсафа институти профессори Абдусалом Гусейнов сингари замондош олимларимиз ҳам мазкур йўналишда тадқиқотлар олиб бормоқдалар.

¹¹ Яссавий. Девони ҳикмат. Т., Ғ.Ғулом номидаги нашриёт – матбаа бирлашмаси, 1992, 35 – б.

Мазкур йўналиш асосчиси Торо ўзи ёқтирмаган америкача жамиятдан бош олиб чиқиб, 1845 йилнинг баҳоридан 1847 йилнинг кузигача Уолден кўли бўйида кулба қуриб, деҳқончилик билан шуғулланади. Кейинчалик шу тажриба асосида «Уолден ёки ўрмондаги ҳаёт» асарини ёзади. Бундан ташқари у «Фуқаровий итоатсизлик», «Массачусетдаги кулчилик» сингари мақола ва эсселарида ҳам ғайризўравонлик ахлоқшунослиги ғояларини илгари суради. Торо ҳаётда ҳам ана шу ғояларга амал қилади: солиқ тўлашдан бош тортади. Кунлардан бирида шаҳарга тушганида, уни солиқ тўламагани учун қамаб қўйишади. Кимдир унинг ўрнига солиқ суммасини тўлаб юборгандан кейингина Торони қамоқдан чиқаришади. У ўзининг бу хатти-ҳаракатини қуйидагича тушунтиради: «Менда, агар шундай имкониятим бўлган тақдирда ҳам, долларларимга одам сотиб олишларини ёки одамни ўлдириш учун милтиқ сотиб олишларини кузатиб туришга иштиёқ йўқ».¹² Мутафаккир кулдорлик ҳукм сураётган Америка Қўшма Штатлари ҳукумати билан ҳар қандай алоқани узишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди ва бошқаларни ҳам шунга чақиради.

Торо ғайризўравонлик инқилоби ғоясини ўртага ташлайди. Унинг фикрича, агар минглаб одамлар солиқ тўламаса, у зўравонлик ҳам, қонли чора ҳам ҳисобланмайди; аксинча, солиқ тўлаш давом этаверса, давлатга зўравонлик қилиш ва бегуноҳларнинг қонини тўкиш учун имкон берилган бўлади. Фуқаровий итоатсизликнинг зарур шартини файласуф, шундай қилиб, ҳамманинг солиқдан бош тортишида кўради. Кейинги босқич, Торонинг фикрига кўра, иш ташлаш, давлат хизматчиларининг ўз хизмат вазифаларини бажаришдан бош тортишларидир. Ана шунда тинчлик йўли билан, қонсиз инқилоб амалга ошади. Лекин мазкур босқичлардан аввал ҳар бир инсон ўзини ахлоқий жиҳатдан тайёрлаш босқичини бошдан кечириши, яъни ўз онги ва қалбида шахсий инқилоб қилиши зарур. Фақат юксак даражадаги ахлоқий тайёргарликкина пировард мақсадга кўнгилдагидек етказиши мумкин.

¹²Торо Г. Уолден или жизнь в песу. М., Наука, 1980. С. 416.

Биз ахлоқий қарашларини кўриб ўтганимиз буюк рус ёзувчиси, мутафаккир Лев Толстойнинг ғайриэўравонлик масаласига ёндашуви мазкур йўналишнинг асл моҳиятини очиб беришга кўмаклашади. Буни биз учун маълум маънода ноёб бўлган ҳужжатда – унинг ўзбек зиёлиси Убайдулла Хўжаев билан ёзишмасида кўришимиз мумкин. Ҳар иккала мактубни тўлиқ келтирамиз:

Убайдулла Асадуллахўжа

ўглининг

*Лев Толстойга йўллаган
мактуби*

Ҳурматли Лев Николаевич!

Мен сизни безовта қилишни хоҳламасам-да, ушбу мактубим орқали ўзим учун шубҳали туюлган «ёвузликка ёвузлик қилмаслик» ҳақидаги саволга жавоб олиш учун мурожат қилишга жазм этдим. «Ёвузликка ёвузлик қилмаслик» ҳақидаги гап сўзсиз ҳақиқат эканлигини эътироф этсам-да, қуйида келтириляётган воқеадан кейин қандай ҳаракат қилиш лозимлигини билмайман. Ёвузликка ёвузлик билан жавоб бермаслик нафақат мен амал қиладиган Ислом дини ва дунёқарашига, балки Инжил ва Таврот талабларига ҳам тўлиқ мос келади. Менимча, «ёвузликка ёвузлик қилмаслик»нинг

Лев Толстойнинг жавоб

мактуби

Убайдулла Асадуллаевич!

Сиз мендан сўрабсизки, бир кимсанинг кўп одамларга ёвузлик қилиш нияти маълум бўлса, у тақдирда қаршилик кўрсатмаслик ҳақидаги таълимотни тан олган киши нима қилиши керак? Кўпчилик ҳалокатининг олдини олиш учун ўша бир кишига нисбатан ёвузлик қилиш маъқул эмасми?

Авф этасиз, саволингиз, кўпларнинг шу хилдаги саволлари сингари, ҳақиқатни билиш истагидан эмас, аксинча, ҳақиқат деб ҳисобланган нарсани адо этмасликни оқлаш истагидан келиб чиққан. Инсонга меҳр-муҳаббат ҳақидаги таълимот қаршилик кўрсатмаслик тушунчасини ҳам ўз ичига олиб, у инсон интиладиган

асосида «Агар бирор киши қайдадир ёвузлик қилса, бу билан битта ёвузлик содир этилади, агар мен ўша ёвузликка қаршилик қилсам ва қасос олсам, табиийки, бунинг оқибатида битта ёвузлик ўрнига иккита ёвузлик содир этилган бўлади. Агар мен қаршилик қилмасам, ёвузлик кўпая олмайди ва битталигича қолади», - деган ҳақиқат ётади. Шундай қилиб, қаршилик ва бошқа йўллар билан ёвузликни иложи борича камайтириш керак деган хулоса чиқади. Фараз қилайликки, мен қандайдир бир кишининг бутун бир уйни, шаҳарни ёқиб юбориш, поезд ё кемани ҳалокатга учратиб, ўнлаб-юзлаб ва минглаб кишиларнинг ҳалок бўлишига олиб келиши керак бўлган катта ёвузлик қилмоқчилигидан хабардорман. Инсоний нуқтаи назардан қараганда, мен тайёрланаётган шу ёвузликнинг олдини олиш чораларини кўришим лозим. Аммо бунинг учун ёвузлик қилмоқчи бўлган ўша кишини ўзининг қабих ниятини амалга оширмасдан йўқ қилмасликдан бошқа чорам бўлмас

омол (идеал)ни билдиради. Омомни таомилнинг оддий қоидаси деб билиш эса катта хато ёки ўз-ўзини алдашдир. Бу ҳаётда ҳеч қачон тўла эришиб бўлмайдиган етук камолотни талаб этувчи омомгина омом бўла олади. Лекин у ҳаётга раҳнамо сифатида зарурдир, ҳаётда эришиб бўлмайдиган ана шу камолотдан дарак бергандагина зарурдир. Меҳр-муҳаббат омоми ҳақида ҳам шуни айтиш мумкин. Қаршилик кўрсатмаслик тушунчасини ҳам ўз ичига оладиган меҳр-муҳаббатни талаб этиш - ҳеч вақт тўла адо этиб бўлмайдиган нарсадир, шунинг учун ун адо этишига интилиш ҳам керак эмас деган мулоҳаза менга компас тутган шундай бир одамни эслатади. Йўлда манзилингга тикка бор деб унинг қўлига компас тутқазганлар, у бўлса компас кўрсатган тўғри йўлдан ўтиб бўлмайдиган тўсиқлар, тоғлар, дарёлар ва ҳоказолар бор, шу сабабли ҳам мен мумкин қадар мутлақо тўғри йўлга тушиб олиш учун компасга риоя қилиб ўтирмай бошим оққан четга қараб

балки. Менинг у ёвузни йўқотиши билан қилган ёвузлимни ўнлаб, юзлаб ва минглаб кишининг қутқарилиши туфайли олди олинган жуда катта ёвузлик олдида ҳеч нарса эмас. Мен ўзимнинг ҳаракатимни ёвузлик эмас, ундан ҳам катта ёвузликни олдини олишининг ягона йўли деган бўлар эдим.

Менинг фикрим шундай аммо, унинг тўғри ёки нотўғри эканлигини билмайман, шунинг учун ҳам узоқ иккиланишлардан сўнг, тушунтириб беришингизни сўраб, Сизга мурожаат қилишга жазм этдим.

Агар мени жуда қизиқтирган бу саволга ўзингизнинг шахрингизни раво кўрсангиз, абадул абад Сиздан миннатдор бўлар эдим.

Менинг турар жойим: Саратов шаҳри, Юренков уйи, ҳуқуқшунослик бўлими, Хўжаев Убайдулла Асадуллаевичга. Сизга сидқидилдан содиқ мусулмон

Уб. А. Хўжаев.

1909 йил, 28 май

кетаверишим мумкин, деб туриб олади. Қаришлик кўрсатмасликни ҳам ўз ичига оладиган меҳр-муҳаббат масаласида эса компас доимо нима қилиши кераклигини (сайёҳга йўналишни) кўрсатадиган ахлоқий-диний туйғудир: одамнинг хатти-ҳаракатларидан келиб чиқадиган оқибитлар эса унга ҳеч қачон аён бўлмайди. Шунга кўра, сайёҳ учун компас кўрсатган мутлақ тўғри йўналишга мумкин қадар яқинроқ юриши бирдан-бир раҳнамо бўлганидек, ахлоқий омонга мумкин қадар яқин бўлишга интилиши-инсон учун бирдан-бир раҳнамо бўлиши керак.

Саволингизга берган жавобим Сизни қаноатлантира олса, гоят хурсан бўлур эдим.

Лев Толстой.

Ясная Поляна,

1909 йил 5 июн¹³

¹³ «Қалб кўзи» газетаси 1998 й., 23 – сон.

Саратов ш.

Толстой жавоб мактубининг аҳамияти шундаки унда ёвузликнинг каттаси ҳам, кичиги ҳам ёвузлик; катта ёвузликни йўқотиш учун кичик ёвузликдан кечишнинг ўзи инсондан жуда катта сабот, чидам ва ирода кучини талаб этади. Одамларнинг асосий кўпчилиги ҳозирги пайтда ҳам Убайдулла Хўжаевга ўхшаш фикрлаш тарзи билан яшайди, чунки ёвузликни ёвузлик билан енгил - энг осон йўл. Лекин бунда ёвузлик билан бирга инсон ҳам ҳалок бўлади, инсонни эмас, ёвузликни ҳалок этган ҳолда инсонни сақлаб қолиш жуда оғир иш. Толстой ана шу оғир йўл тарафдори.

Торо ва Толстой ғояларини асримизда Ганди ва Кинг янада юксак поғонага кўтардилар. Ганди ғайризўравонлик ғоясини муҳаббат билан боғлайди ва душманга ҳам меҳрни дариф тутмасликка чорлайди. Ганди Хиросима ва Нагасакига атом бомбаси ташланганида, атом бомбасини бошқа бомба билан йўқотиб бўлмагани каби зўравонликни зўравонлик қилиб йўқотиш мумкин эмас, деган фикрни билдириб, шундай дейди: «Инсоният зўравонликдан фақат ғайризўравонлик йўли орқали қутулиши мумкин. Ғазабни фақат меҳр билан енгса бўлади. ўзабга ғазаб билан жавоб бериш ғазабнинг ёйилишига ва кучайишига хизмат қилади».¹⁴

Мартин Лютер Кинг ҳам худди шундай ғояни илгари сураётган экан, АҚШнинг машҳур Президенти Линкольн ҳаётидан мисол келтиради. Нима сабабдандир Линкольнни кўрарга кўзи йўқ Стэнтон деган киши сайловолди кампаниясида кўлидан келган ёмонлик билан унга қарши курашади. Линкольнни ҳар қадамда ерга уради, минг хил гуноҳда айблайди, масхаралайди, ҳатто унинг ташқи кўриниши устидан кулади. Линкольн Президент бўлиб сайлангач, ҳарбий вазирлик лавозимига айнан ана шу Стэнтонни кўрсатади. Атрофидагилар унга: «Жаноб Президент, Сиз хато қиляпсиз, у Сизнинг душманингиз, унинг Сиз ҳақингизда нималарни гапирганини биласизми?!» деб қарши турадилар. Шунда Линкольн бундай

¹⁴ Ганди М. Моя жизнь. М., Наука, 1969. С. 568.

деб жавоб беради: «Ҳа, жаноб Стэнтонни биламан. Унинг мен ҳақимда нималар деганини ҳам эшитганман. Лекин ҳарбий вазирликка ундан бошқа бирор-бир лойиқ америкалик йўқ». Орадан бир неча йил ўтгач, Линкольн ўлдирилади. Ўшанда қабр устида сўзланган барча нутқлардан Стэнтоннинг нутқи алоҳида ажралиб туради. У Линкольнни энг буюк инсонлардан бири деб таърифлайди ва: «Энди у мангуликка дахлдордир», деб ўз нутқини тугатади. Агар Линкольн Стэнтонга ғазаб билан қараганда, иккиси ҳам ўлгунча бир-бирининг душмани бўлиб қолар эди. Линкольн меҳр-муҳаббат воситасида душманни дўстга айлантирди. У бир пайтлар ўзига савол берган аёлга савол билан шундай деб жавоб берган экан: «Хоним, ахир мен ўз душманларимни дўстларимга айлантириш йўли билан ҳалок этмаяпманми?!».¹⁵

Ғайризўравонлик ахлоқшунослигига қисқача тўхталиб ўтишимизнинг ўзидаёқ, биз бу йўналишнинг келажакдаги асосий ахлоқий таълимотлардан бири бўлиб қолишини илғашимиз мумкин. Шахс, гуруҳ, миллат, халқлар ўз истакларини, мавжуд мустабид тузум ва ҳукуматдан норозиликларини тинч йўл билан билдиришлари ҳамда ўз мақсадларига зўравонликсиз, қон тўкмасдан эришишлари мумкинлиги - инсониятнинг улкан ютуғи. Чунки қонли курашлар, инқилоблар, террор, қуролли қўзғолон сингари ҳодисалар муайян миллат ва мамлакат эришган ютуқларни йўққа чиқаради, ўлим, вайронагарчилик, маънавий қадриятларнинг оёқости бўлиши сингари улкан фожиаларга олиб келади.

Гендер тушунчаси фақат аёллар манфаатларини ифодаламайди. Ҳар икки жинс вакилларининг ўз орзу ва мақсадлари сари дадил одимлаши, ҳаёт сифатини ошириш учун бир хил имкон бериш кераклигини илгари суради, холос. Айнан ривожланган жамиятнинг талабларидан бири бу эркак ва аёл ҳуқуқлари тенглигининг таъминланишидадир. Бу эса ўз навбатида ҳар бир мамлакатда сиёсий ва иқтисодий ўсишга эришишда катта ёрдам бериши мутахассислар томонидан таъкидлаб ўтилди. **Гендер** — хотин-қизлар ва

¹⁵ Кинг М.Л. Любите врагов ваших. Журнал «Вопросы философии», 1992, № 3. С. 69–70.

эркаклар ўртасидаги муносабатларнинг жамият ҳаёти ва фаолиятининг барча соҳаларида, шу жумладан сиёсат, иқтисодиёт, ҳуқуқ, мафкура ва маданият, таълим ҳамда илм-фан соҳаларида намоён бўладиган ижтимоий жиҳатидир.

Гендер тенглик жамият ривожига муҳим бўлган ижтимоий муносабатларда долзарб аҳамиятга эга эканлиги бугунги кунда янада яққол намоён бўлмоқда. Бугун оилада, жамиятда, айниқса, хотин-қизларнинг ижтимоий ҳаётдаги фаоллигини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётгани натижасида ижтимоий муносабатларда ҳам, қонунчиликда ҳам катта ўзгаришлар амалга оширилмоқда.

Гендер тенглик мавзуси кўтарилганда “позитив дискриминация” деган тушунча кўп тилга олинмоқда ва муҳокама қилинмоқда. Бу масала юзасидан айрим тушунтиришларга эҳтиёж борлиги маълум бўлмоқда.

Позитив дискриминация – бу кам сонли бўлган гуруҳ ёки қатламга алоҳида имкониятлар ва квоталар бериш дегани. У корхонада, таълимда, илмда ва ҳоказо соҳаларда гендер тенгликка эришиш учун қўлланадиган усулдир. Масалан, Ўзбекистонда олима, муҳандис, дастурчи, жарроҳ (ва ҳоказо) аёллар кам. Ушбу соҳаларда аёлларнинг кўпайишига эса эҳтиёж мавжуд. Шундай шароитда қизларни ушбу йўналишларга кўпроқ жалб қилиб ўқитиш, бунинг учун уларга алоҳида шарт-шароитлар яратиш позитив дискриминация ҳисобланади.

Жамиятимизда давлат хизматида гендер сиёсатини амалга ошириш учун вақтинчалик тарзда бир жинсдаги хизматчилар учун квоталаш тизими жорий этилмоқда. Яъни ҳар бир давлат корхона ва ташкилотларида хотин-қизлар ва эркаклар вакиллигининг мутаносиблиги таъминлангунча вақтинчалик жинс квоталари белгиланади. Мутаносибликка эришилгач, квоталар бекор қилиниши мумкин. Кимдир бизга бундай “чала тенглик”, “гибрид дискриминация” нега керак дейиши мумкин. Трампнинг позитив дискриминацияга қарши қилаётган ишларини мисол келтиришади баъзилар. Бошқа жамиятларни билмадим-ку, аммо анъанавий ўзбек жамиятида позитив дискриминацияга катта эҳтиёж мавжуд. Чунки аёлларимизнинг таълим

олиши, илм билан шуғулланиши ва ижтимоий фаоллигини рағбатлантиришга эҳтиёж катта. Қолаверса, жамиятимизда аёллар зиммасига ортилган маиший мажбуриятлар юки ҳам оғир.

Албатта, ижобий дискриминацияни гапирганда, бозор иқтисодиёти шартларини унутмаслик лозим. Яъни гендер тенгликни яратамиз деб фуқароларнинг ҳуқуқларига зиён етказмасликни эътиборда тутиш лозим. Масалан, гендер тенгликка эришиш, аёлларни қўллаб-қувватлаш учун уларнинг ойликлари сақланган ҳолда иш кунларини бир соатга қисқартириш ғоясини олайлик. Бундан аёллар ютадиларми? Ютқизадилар. Сабаби, энди иш берувчи кўпроқ эркекларни ишга олишга ҳаракат қилади, чунки кам ишлаб кўп ойлик оладиган ишчи унга керак эмас ва бу борада у ҳақ. Аёлнинг ўша ишламаган бир соатини ким тўлайди? Шу масалани адолатли ечмай туриб аёлларга иш вақтидан имтиёз бериш мақсадга мувофиқ эмас. Ёки аёлларга фарзанд парвариши билан машғул даври учун тўловларни иш берувчи зиммасига юклар эканмиз, бу билан меҳнат бозорида уларнинг қадри тушиши ва имкониятлари камайишини, рақобатбардошлиги янада пасайишини ўйлашимиз лозим.

Гендер тенгликни таъминлаш ҳақида сўз борар экан, бунинг ўзига яраша тўлови борлигини эътиборда тутиш, бюджет тақсимооти ва бошқа молиявий масалаларни ечиш жараёнида буни ҳам назардан қочирмаслик лозим. Истаймизми-йўқми, гендер тенглик фақат ҳуқуқий майдонда ечим топадиган масала эмаслигини тан олишимиз керак.

Кўпчилик гендер тенгликнинг узоқ йиллардан бери шаклланиб келган ва анъанага айланган урф-одатларга зид келиши, уларнинг илдизига болта уриши ва оилавий муносабатларга аралашиб, уларни издан чиқариши тўғрисидаги хавотирларини баён этмоқдалар. Ҳатто феминизмнинг ғарбга хос салбий оқибатларини мисол келтирмоқдалар.

Уларни хотиржам қилиш учун таъкидлаш лозимки, бу масала оилавий муносабатларга аралашмайди, ҳеч кимни ҳеч нимага мажбурламайди ёки мавжуд ҳуқуқларни чекламайди. Фақат томонлар учун янги ҳуқуқлар ва

имкониятлар тақдим этиш орқали муносабатларни мувозанатлаш имконини беради. Ундан фойдаланиш ё фойдаланмаслик, албатта, томонларнинг ўзларига ҳавола.

Масалан, фарзанд дунёга келгач бериладиган таътил борасида шундай дейилган: “Ҳам ота, ҳам она бола туғилиши муносабати билан ҳақ тўланадиган таътил олиш ҳуқуқига эга. Болага қараш бўйича таътилнинг давомийлиги ота-онанинг ихтиёрига кўра улар ўртасида тақсимланиши мумкин, бунда ота-она таътилдан қисмларга бўлган ҳолда фойдаланишлари мумкин”. Яъни ота ва она ўзаро келишсалар, фарзандга навбатма-навбат қарашлари мумкин. Бу, масалан, сессия топширмоқчи бўлган талаба қизлар, хорижга стажировкага кетиши лозим бўлган олима аёллар, узоқ вақт меҳнат фаолиятдан узилиши натижасида малакасини йўқотиб қўйиши мумкин бўлган касб эгалари учун катта имконият. Агар эр-хотин ўзаро келишиб шундай қарорга келсалар, гендер тенглик масаласи буни қўллаб-қувватлайди ва ҳуқуқни амалга ошириш имконияти билан таъминлайди.

Гендер тенглик оилада, жамиятда турли иллатлар, анъана ниқоби остидаги ожизларга зулм, уларнинг ҳуқуқини топташ ҳолатларига қарши курашади.

Биз анъаналар билан яшайдиган халқмиз. Лекин тараққиёт истасак, қонунлар билан ҳам яшашни бошлашимиз керак. Урф-одатлар шунчаки урф-одат бўлгани учун эмас, инсон шаъни ва қадр-қимматини улуғлагани, турмушини қулай қилгани, муносабатларни уйғунлаштиргани билан қадрли. Ижобий урф-одат ва анъаналарни инсонни камситувчи ва таҳқирловчи иллатлардан фарқлашда ўртада фақат бир мезон туради: инсон шахси ва унинг ҳуқуқлари. Биз кўзи очиқ миллат сифатида бу фарқни ажратиб олишимиз лозим.

Гендер тенглик тўғрисидаги қонун ижтимоий-сиёсий соҳаларда аёлларнинг ролини ошириш учун замин яратади. Ҳозирда жамиятимизда “илғор аёл” образи тобора хиралашиб бормоқда. Бутун мамлакат бўйлаб биронта аёл ҳоким йўқ, олий таълим муассасаларидан фақат биттасида аёл

киши ректорлик қилмоқда, аёл вазирлар ва вазир ўринбосарлари бармоқ билан санарли, аёл элчиларимиз умуман йўқ (ҳатто урушдан энди чиққан Афғонистоннинг ҳам хорижда 5 нафар аёл элчиси бор). Аёлга имконият ва ваколат бериш, уни фаоллаштириш жамиятни янада раҳм-шафқатли, инсонпарвар ва маърифатли қилади.

4-МАВЗУ: ДАВЛАТ ХИЗМАТЧИЛАРИ ЭТИКАСИ ВА ИМИЖИ

РЕЖА:

4.1. Касбий одобнинг ахлоқий маданият билан уйғунлиги; касбий эркинлик ва касбий бурчнинг ахлоқий моҳияти.

4.2. Этикет замонавий ахлоқнинг назарий ва амалий асоси. Эстетик англаш тушунчаси ва унинг индивидуал характери.

4.3. Модернизация жараёнларида эстетик фаолиятнинг кўринишлари.

Таянч иборалар: Муомала маданияти, оҳанг, овоз, танишиш, таништириш, саломлашиш, мулозамат, кийиниш маданияти, гармония, гардероб, аксесуар, дид, мода, бўйинбоғ, рўмолча, аёллар, эркаклар, оёқ кийим, қадди – қомат, тўғри юриш, тўғри ўтириш, баҳс, узр сўраш, телефондаги муомалда, ўзини туттиш, ноқулай ҳолатлар, оила этикети, хунук одатлар, йигилиш, ишлаб чиқариш муносабати, даъво, бизнесмен этикети, эстетик англаш, эстетик англаш тузилмалари, эстетик муносабат, эстетик фаолият, дид, фаросат, фаҳм, эстетик тўйғу, эстетик ҳиссиёт, эстетик дид, бадий дид, идеал, эстетик қараш.

Этикет - тақаллуфнинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишининг кўзини қувонтирадиган муомала ҳодисаси сифатида жамиятдаги маълум бир мавқега

муваффақиятли эришишнинг гарови тарзда иш кўради¹. Зеро кишиларнинг ўзаро муносабати агар у ижобий тус олса, ҳар қандай ҳоҳ у жамият ёки шахс равнақи учун бўлсин муваффақиятли кечади.

Инсон жамиятда ўзини одоб нуқтаи назардан тутиши атрофдагиларда ёқимли таассурот қолдириш билан, бир йўла намуна ҳамда яшаш тарзи йўлининг бир таклифи сифатида иш кўради.

Этикет атамасининг ўзи Ғарбдан келган бўлиб, Ўрта асрларда Европада нафақат маданият белгиси балки, оддий қора халқдан оқсуякларни ажратиб турувчи восита сифатида хизмат қилган. Кейинчалик бир қатор, ғарб мутафаккирлари, жумладан олмон файласуфлари, сал кейинроқ - рухий таҳлилчилар бундай тарздаги «ахлоқдан» воз кечишни таклиф этганлар. Зеро ўта сертакаллуфлик, фақатгина жамият олдидаги обрўси учун қилинадиган юзаки одоблар иккиюзламачилик сифатида ҳам мулозаматни меъёрдан чиқарган ва уни қабул қилган инсонга ҳам рухий жиҳатдан аксил таъсир кўрсатади.

Бу борада буюк алолмаларимиздан ҳисобланмиш Имом Ғаззолий: ўзининг «Кимёи саодат» асарида: «Хабарда келибдур, «Ҳар ким ёмон кишилар билан вазмин бўлса, у иш садақадур». Абу Дардо розийаллоҳу анҳу айтибдурлар: «Аксарият одамлар бор, ўз обрўйини ёмонларнинг тилидан сақлайдилар. Мен ҳам аларнинг юзига кулиб қарайман. Аммо менинг дилим ул кишига лаънат айтадур»². Одамларнинг ёмонидан қўрқиб, уни айтганини қилгандан кўра, унинг қалбига тил топиб ўз таъсирингизни ўтказиш билан яхши йўлга бошлаган маъқул. Зеро ўта «тўғрилиқ» ҳам қўполикка сабаб бўлиши мумкин.

Ғарбда кўпроқ ўзини тутиш деганда – этикет сифатида – ҳатти-ҳаракатлар назарда тугилади. Аммо Шарқда қалбдаги «этикет» бирламчи вазифани ўтайди. Бу дегани Шарқда этикет бўлмаган, деган маънони бермайди. Азал-азалдан одоб масаласи бирламчи вазифа сифатида муҳим

¹Абдулла Шер. Ахлоқшунослик ;Тошкент, 2003; -204 б.

²Ғаззолий Абу Ҳомид. Кимийёсаодат. Адолат; Тошкент, 2005; -322 б.

ҳисобланган. қайси соҳа вакили бўлишидан қатъий назар одоб ва кишилар ўртасидаги мулозамат, муомала борасида алоҳида тўхталиб ўтганлар.

Одамларнинг бир-бирлари билан муносабатда бўлишлари этикет қоидаларига риоя қилишни талаб қилади. Уларнинг бир-бирлари билан муносабатга тушиш маданиятига этикет, муносабат қилиш қоидаларига эса этикет қоидалари дейилади.

Этикет тушунчаси французча «etiquette» сўзидан олинган бўлиб, рус тилида этикетка, ўзбек тилида эса ёрлик деган маънони билдиради. Ҳозирги вақтда барча тилларда этикет сўзи қабул қилинган. Этикет тушунчасининг ўзига яраша келиб чиқиш тарихи бор. У шундай: Франция қироли Людовик XIV тантанали қабул маросимларидан бирида меҳмонларга «ўзини тутиш қоидалари» деб ёзилган карточка беради. Карточка эса этикетка деб номланган. Вақтнинг ўтиши билан этикетка сўзи этикет сўзига ва унда ёзилган қоидалар эса этикет қоидаларига айланган ва бугунги кунгача унинг маъноси ўзгартирилмасдан ишлатилади. Масалан, рус тили луғатида этикет-бу қандайдир жамиятда ўзини тутиш (юриш-туришнинг) белгиланган тартиби ва муомала қилиш шакли деб таърифланган.

Жамиятда шаклланган этикет қоидалари ахлоқий меъёрлар дейилади. Бугунги кунда жамиятдаги ахлоқий меъёрлар узоқ вақт давомида одамлар ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг ижобий натижаси ҳисобланади. Бу қоидаларга итоат қилиш давлатлараро сиёсий, иқтисодий ва маданий муносабат қилиш гарови бўлиб хизмат қилади, чунки бир-бирини ҳурмат қилмасдан ва бошқа давлатларга нисбатан ўзини тутиш чегараларини сақламасдан бирга тинч-тотув яшаш мумкин эмас. Бундан ташқари эстетик қоидаларига риоя қилиш бозор иқтисодиёти даврида турли динларга итоат қиладиган турли миллат вакилларининг, жамиятимизда пайдо бўлган турли табақали гуруҳларнинг ва ҳар хил дунёқарашдаги кишиларнинг тинч-тотув яшаш гарови бўлиб хизмат қилади.

Этикет қоидаларига нафақат давлатлар ўртасида, жамиятнинг ҳар бир аъзоси ва касб гуруҳлари аъзолари томонидан ҳам риоя қилиниши лозим. Ўзини

маданиятли ҳисоблайдиган ҳар бир киши этикет қоидаларининг асосийларини нафақат билишлари, уларга итоат қилишлари ҳам лозим, чунки муомала қилишда ўзини тутабилиш ва тўғри хатти-ҳаракат қилиш алоқа қилишни осонлаштиради, бир-бирларини тезроқ тушуниш учун имконият яратади, барқарор алоқа ўрнатиш гарови бўлиб ҳисобланади.

Шуни таъкидлаб ўтиш лозимки, маданиятли ва тарбия кўрган ҳар бир одам ҳеч қачон жамиятда ўрнатилган тартибни ўзининг сўзи ва юриш-туришлари ва хатти-ҳаракати билан бузмайди, бошқаларни хафа қилмайди. Маданиятли киши нафақат расмий маросимларда, уйда ҳам этикет қоидаларига итоат қилади. Афсуски, этикет қоидаларига уйда итоат қилмайдиган одамлар кўп учраб туради: улар одамлар билан бошқа, уйда эса умуман бошқа муносабатда бўлишади, масалан, бошқа одамлар, дўстлари ва қўлостидагилар билан хушмуомалали, уйда эса қўпол ва одобсиз муносабатда бўлади. Уларнинг бундай иккиюзлама юриш-туришлари ва ўзини тутишлари фақат маданиятсизлигидан дарак беради.

Ҳозирги замон этикети одамларнинг турмушда (уйда), хизматда, жамоат жойларида, кўчада, меҳмондорчиликда ва расмий тадбирларда ўзини тутиш ва ҳаракат қилиш қоидаларини белгилайди. Шунинг учун ҳам этикет барча халқларнинг асрлар давомида яхшилик, одиллик ва одамгарчилик тўғрисидаги тасаввурлари бўлиб, умуминсоний маданиятнинг энг йирик ва муҳим қисми ҳисобланади.

Касбий этикет- бу касби бўйича бирлашган гуруҳлар аъзоларининг бир-бирларига нисбатан, раҳбар ходимлар ва уларга бўйсунадиган кишилар ўртасидаги ҳамда ўз касбий бурчига нисбатан ўзини тутиш ва хатти-ҳаракат ақилиш қоидаларини ўз ичида олади. Шундан келиб чиқган ҳолда хўрандаларга хизмат кўрсатадиган касб гуруҳларининг этикети корхонада ишлайдиган касб эгаларининг бир-бирлари билан ўзаро, корхона раҳбар ходимлари ва мутахассисларининг уларга бўйсунадиган кишилар билан ҳамда корхона ходимларининг ва мутахассис-раҳбар ходимларининг аҳоли ва сайёҳларга муносабат ҳамда ўз касбий бурчи қоидаларидан иборат.

Кўрсатилганлардан ташқари касбий этикет қоидалари, касбий иш кийимларига, ўзларининг ташқи кўринишларига ва сўзлашишларига кўйиладиган эстетик талабларни ҳам ўз ичига олади.

Касбий этика категорияларининг асосийлари қуйидагилар ҳисобланади:

- касбий бурч;
- виждон (диёнат);
- ор-номус;
- обрў

Ҳар бир одамнинг Ватани ва ўзи яшаётган жамият олдида бурчи бўлади. Бурч-бу кишининг бирон шахс, оила, жамоа, эл-юрт, Ватан олдидаги мажбуриятини аниқлаш ахлоқий тушунча бўлиб, этика категориясининг энг асосийси ҳисобланади. Бурчнинг ўзига хос хусусиятлари мавжуд бўлиб, у инсоннинг ички кечинмаларини, яъни ташқаридан туриб назорат қилинмайдиган мураккаб руҳий ҳолатини белгилайди. Бурч, қандай вазифа, кимнинг олдидаги мажбурият эканлигига қараб турлича бўлади: ижтимоий ва шахсий бурч, оила, ота-оналик бурчи, фарзандлик бурчи, фуқаролик бурчи, Ватанни ҳимоя қилиш бурчи ва бошқалар.

Ўзбекистон фуқароларининг фуқаролик бурчлари Ўзбекистон Республикасининг асосий қонуни бўлган Конституциянинг 47-52 моддаларида (XI боб) кўрсатилган. Масалан, Конституциянинг 52- моддасида «Ўзбекистон Республикасини ҳимоя қилиш- Ўзбекистон Республикаси ҳар бир фуқаросининг бурчидир. Фуқаролар қонунда белгиланган ҳарбий ва муқобил хизматни ўташга мажбурдирлар» дейилган.

Бурч, шу жумладан касбий бурч, ижтимоий тараққиёт жараёнида мазмунан бойиб, шаклан эса ўзгариб боради. Масалан, охириги йилларда табиатда содир бўлаётган ҳалокат ва фожиалар табиатдан оқилона фойдаланиш ва уни келажак учун сақлаб қолиш одамларнинг атроф- муҳит ва келажак авлод олдидаги бурчларига умуман янгича мазмун касб этади ва жамият аъзолари олдида улкан вазифаларни қўяди. Она Ватанга, халққа хизмат қилиш Ўзбекистон фуқароларининг, республиканинг ўз

мустақиллигига эришиши муносабати билан энг улуғ ва шарафли бурчга айланиб бормоқда. Оилавий бурч эса жамият олдида турган мақсадлар билан янада уйғунлашиб бормоқда.

Касбий бурч - бу касб сохибларининг бошқа одамлар ва жамият олдида ўзларининг касбий мажбуриятларини сезиш ҳиссидир.

Инсон туғилишидан бошлаб йўргакланади. Йўргакка кирган дастлабки кунларданок кийина бошлайди. Кийим инсоннинг суратини эмас, балки унинг бутун ички дунёсини сийратини ҳам кўрсатадиган омилдир. Маданиятликнинг асосий белгиларидан бири ҳам, бу – кийиниш одобидир. Кимнинг қандай кийинишига қараб, унинг дид – фаросати, моддий ва маънавий даражасини, хатто касбини ҳам аниқлаб олиш мумкин. Кийиниш маданияти, кийиниш одоби кишиларнинг ўзаро муомаласига, бир – бирига бўлган муносабатига, юриш – туришига ҳам таъсир қилади.

Лекин кийиниш ҳақида аниқ бир андаза мавжуд эмас. Кийим учун олинадиган турли нарсаларнинг ҳар бири кишининг диди, бўй-басти, ёши, моддий имкониятлари ҳамда жамиятда тутган ўрнига боғлиқ. Инсон керак бўлмаган ҳаридлардан асраш учун доимо ўзини бошқариб туриши лозим ва янги нарсалар уйингизда мавжуд бўлган кийимларнинг услубига, газламанинг рангига мос келадими - йўқми, уни бошқа нарсалар билан кийса бўладими, ва ҳ.к. ларга эътибор бериши лозим.

Кийиниш шахснинг ўзига хос хусусияти бўлиб, ҳамма вақт гўзаллик, уйғунлик, нозиклик, одоб, хушмуомалалик, одамшивандалик ҳақидаги тушунча даражасининг белгисидир.

Инсоннинг ташқи гўзаллиги кийим рангининг бир – бирига мослигидир, табиийлиги ва содаллигидадир. Хушбичим ва чиройли кийинишнинг маъноси нимада? Кўзга ташланмайдиган ҳамда кишига табиий гўзаллик берадиган ва унинг айрим камчиликларини билинтирмайдиган уст – бош, чиройли, хушбичим, гавдага, ёшига ва фаслга мос кийим кийишдир.

Кийим маълум давр ва ижтимоий шароитда кишиларнинг гўзаллик ҳақидаги қарашлари мужассамлашадиган мода билан боғлиқ. Кишилик

жамияти ривожига жараёнида бу қарашлар ўзгара боради, шу муносабат билан мода ҳам узлуксиз ўзгариб туради. Ўзбек халқининг миллий маданияти, урф – одатлари асрлар давомида давр ва шароитга, жамият тараққиётига мослашиб ўзгариб келган. Тарихга айланган кийим ва либосларни қандай кийиш урфи ва қоидалари деярли истисноли жиҳатлардагина ўз кучини сақлаб қолган. Аммо одамлар кийимларни танлашда ва ихтиро қилишдан тойганлари йўқ. Аксинча замонавийликка бўлган талаблар олдинги даврдагига нисбатан анча илгарилаб кетди.

Яхши кийиниш ўзига хос санъат. Киши бу санъатни эгаллаши учун мода талабларига риоя қилибгина қолмай, ўз дидини ҳам тарбиялаши керак. Дидни тарбиялаш учун қонунлари меъёр, ва ўзаро мос тушунчаларга асосланган санъатнинг барча турлари билан танишиб бориши лозим.

Зеҳн билан танланган ораста либосининг эгасинининг дидини яхшилигини билдиради. Кўйлак жавони тўла бўлмасдан туриб ҳам дид билан кийиниш мумкин. Янги чиққан замонавий либос кетишдан қувиш эмас, балки сиз учун зарур бўлган нарса ҳақида ўйлаб кўрган маъқул. Замонавий мода матонинг турларнинг янгилиги билан ҳам белгиланади.

Эстетик англаш эстетик жараённи ташкил этиши баробарида эстетик муносабатни юзага келтиради, онгнингана шу фаолияти ички нафосатни шакллантиради. Шунга кўра нафосат - ўз ичига ҳам табиатдаги, ҳам жамиятдаги, ҳам шахс ҳаётидаги эстетик жиҳатларни ўзида мужассам қиладиган эстетик муносабат объекти сифатида эстетик хусусиятларни, эстетик фаолиятини ва эстетик англашни қамраб оладиган, яшаш шarti субъектив хилма-хиллик билан белгиланадиган мураккаб, мақсадни эмас, балки серқирра мақсадга мувофиқликни биринчи ўринга қўядиган ҳиссий-интеллектуал борлик, инсон ҳаётининг инсоний мазмунини таъминлайдиган маънавий-ижтимоий ҳодиса.

Қуйидалар эстетик англаш тузилмасидаги асосий тушунчалар ҳисобланади.

Эстетик эҳтиёж инсон ҳаётида рўй берадиган барча эстетик ходисаларнинг асоси сифатида ҳам табиий-биологик, ҳам ижтимоий-маънавий моҳиятга эга: «гўзалнафс», нафосатга ташналик инсонда эстетик ҳиссиётни кўзғатиш хусусиятини сақлаб қолган ҳолда кейинчалик унинг бутун умри мобайнида такомиллашиб боради, эстетик муҳокама, эстетик баҳо, эстетик дидва эстетик идеалнинг шаклланишига хизмат қилади. Эстетик ҳиссиёт. Гоҳ эстетик кечинманинг, гоҳ эстетик ҳаяжоннинг синоними тарзида талқин қилинади. Бизнингча, бу унчалик тўғри эмас. Чунки ҳаяжон ҳам, кечинма ҳам битта туйғудан эмас, туйғулар силсиласидан иборат бўлади, шу сабабдан уни кўпликда-ҳислар ёки ҳиссиёт шаклида кўллаш мақсадга мувофиқ.

Эстетик қизиқиш ҳисси соғинч ва кўмсашдан фарқи ўлароқ ўтмишда рўй берган ходисани эмас, балки кўп ҳолларда келажакда, тез муддат ичида рўй бериши лозим бўлган воқеликни назарда тутаяди, унга интилади; интилиш жараёни эса-«учрашув»га тайёргарлик дегани.

Эстетик қувонч ҳисси инсон субъект объектни кўрган пайтда, дейлик, гўзалликка дуч келганида уни ички бир қувонч қамраб олади. Эстетик қувонч субъектни кузатувни давом эттиришга даъват этади ва объектни ҳиссий ўрганиш учун унга муайян кайфият, руҳ беради.

Эстетик завқ- фақат эстетик объектни идрок этишдагина эмас, балки ана шундай объектларни яратишда ҳам илҳом шаклида иштирок этади: завқ билан ижод қилинган асар завқ билан идрок этилади. Лаззат билан завқ ўртасидаги фарқ шуки, лаззат кўпроқ ташқи ниманингдир субъект ичига кириши билан белгиланса, завқда субъект объектнинг ичига кириб боради. Эстетик мушоҳада муайян нарса-ҳодисанинг идрок этаётган киши томонидан танланган ракурсада олиб қаралишини таъминловчи фикрий фаолият. Унда субъектнинг эстетик эҳтиёжи, ҳиссиёти ҳаётий тажриба мобайнида вужудга келган эстетик йўналмаси биринчи ўринда туради.

Эстетик қадриятлар инсон ва жамият ҳаётида муҳим ўрин эгаллайди. Регистон меъморлик мажмуи, «Шашмақом», Навоийнинг «Хамса»си,

Рафаэлнинг ранг-тасвири, Шекспир асарлари — булар ҳаммаси эстетик қадриятлардир. Эстетик қадриятлар соф маънавийлик, яъни интеллектуал — ҳиссий жиҳати билан бирга, маънавийлик ва моддийликнинг омухтаси сифатида намоён бўлади.

Эстетик баҳонинг муҳим хусусияти шундаки, у эстетик англаш тузилмаси ичидаги энг қамровли, энг миқёсли таъсирга эга. У маълум маънода эстетик англашнинг деярли барча унсурлари учун мезон вазифасини ўтайди.

Дид - тушунчасининг ўзига хослиги шундаки, у бир томондан, идрок, фаҳм, фаросат каби илдизи ақлга бориб тақалса, иккинчидан, ўзининг эҳтирос, хис-ҳаяжон, субъектив баҳолаш хусусияти билан улардан ажралиб туради. Шу сабабли биз дид ҳақида гапирганимизда одатда, эстетик дидни – инсондаги гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик сингари эстетик хусусиятларни, умуман, нафосатни идрок этиш қобилятини назарда тутамиз. Эстетик идеалнинг ўзгариши албатта диднинг ўзгаришига олиб келади. Эстетик дид тарбиясининг асосан училдизи мавжуд. Улар - гўзаллик, санъат ва бадий ижод. Дид ягона, мутлақ эстетик ҳодисаэмас, у ҳаммуайяннисбийликтабиатигаэга. Бу борада унинг тўрт хил даражаси ҳақида фикр юритиш мумкин, бу даражалар одамларнинг мавқеи, савияси, маданийлик тоифаси билан боғлиқ.

Эстетик идеал-бир томондан, дидни белгилаб берса, иккинчи томондан, эстетик дид эстетик идеалнинг амалдаги кўринишидир. Идеалнинг мураккаб томони шундаки, у қадрият билан боғлиқ. Қадрият идеалнинг объектдаги инъикои тарзида намоён бўлади. Ғоялар ўта мафкуравийлаштирилса идеал ўрнида акс идеал пайдо бўлади. Эстетик идеал инсон, шахс ва жамиятнинг эстетик тажрибасидан вужудга келади.

1-Мавзу: “Этика” ва “Эстетика” фанини ўқитишнинг замонавий усуллари ва услублари.

Ватанимиз мустақилликка эришгунимизга қадар эса бизда рационалистик фалсафанинг ҳам фақатгина бир шакли, яъни марксча-ленинча фалсафа фани мутлоқ ҳақиқат сифатида ўқитиб келинган эди. Ўқитиш услублари ва уни ташкиллаш шакллари ҳам шунга мослашган эди. Демак, эндиликда биз тоталитар социализм шароитида жуда чеклаб қўйилган ўз фалсафий тафаккуримизни, бир томондан, ўтмиш мафкураси томонидан унуттирилган, сиқиб чиқарилган ўз ўтмиш миллий фалсафамиз мазмунини эслаб олишга ва уни замонамизга мувофиқлаштирган ҳолда қайта тиклаш ва ривожлантиришга, иккинчи томондан, юқорида қайд этилган жаҳон фалсафий маданиятида содир бўлган ўзгаришларни чуқур таҳлилий ва танқидий ўрганиб чиқиб, уларни ўз дунёқарашимизни кенгайтиришга жалб этишимиз, учинчи томондан, шу юқоридагилар асосида ўз янги миллий фалсафамиз асосларини ишлаб чиқишга, тўртинчи томондан, шу жараёнлар билан баробар фалсафа қаторида этика ва эстетикани ўқитиш ишларини олиб боришга қаратишимиз керак.

Боз устига ҳозирги пайтда фалсафа дарсларини бизнинг тингловчиларимиз жуда қисқа вақт оралиғида, масалан, 24 соатлик маъруза ва 26 соатли семинар машғулотларида ўзлаштириши керак бўлмоқда. Этика ва эстетика фанларини эса 6 соатдан , яъни 12 соат ичида ўргатиш ва ўрганиш керак бўлади. Бу вақт ичида биз тингловчиларни ҳам ўз ўтмиш миллий ахлоқий, эстетик қадриятлари билан, ҳам жаҳон фалсафаси мазмунида содир бўлган йирик ўзгаришлар билан, ҳам шаклланабошлаган янги фалсафанинг ўз асосий мавзулари билан, ҳам миллий ғоямиз-мафкурамиз мазмуни билан чуқур таништиришга улгуриш йўлларини излашимиз керак.

Яна боз устига бизни тингловчи аудитория қадимги фалсафани ўргатишдаги каби ҳикматни севгани учун асл элитар фалсафани билишга кизиқадиганлардан эмас, аксинча, тоталитар социализм мафкураси давридаги сафсатабозликлар туфайли обрўсизланган фалсафа қиёфасини эса сақлаб турганларни фарзандлари эканини ҳам ҳисобга олишимиз жоиз.

Ҳозирги даврда этика ва эстетикани ўқитишнинг яна бир мураккаблиги шундаки, уни ўрганадиган инсонлар табиатида ҳам катта тезлик билан мураккаб ўзгаришлар содир бўлмоқда. Яъни, биз бугунги тингловчилар бутун инсоният маънавиятида содир бўлган глобал маънавий инқирознинг аксу садоси эканини ҳам ҳисобга олишимиз жоиз. Маълумки, ушбу жараён биз тоталитар социализм давридаги ёпиқ жамият шароитидан чиққан ва Ғарб фалсафасининг О.Шпенглер, Х.Ортега-и-Гассет, К. Мангейм, Х. Арндт, Т. Адорно, М. Хоркхеймер, В. Беньямин ва Г. Маркузе каби таниқли файласуфлари салбий моҳиятини аниқ ёритиб берган оммавий маданиятнинг ёпирилиб кириб келиши учун қулай бўлган очиқ жамият, ахборот хаоси, глобаллашув, шунингдек, мафкуравий хуружлар шароитида айниқса катта хавф туғдирмоқда. Бу ҳол мазкур шароитда ёшларни аслида элитар маданият бўлиб келган фалсафий маданият руҳида тарбиялашни, асл баркамол авлодни етиштириш ишини беқиёс мураккаблаштиради. Бу ҳол бўйича давлатимиз раҳбари ўз безовталигини жуда кўп марта таъкидлагани бизга яхши маълум. Хусусан, президентимиз ёшларни очиқ ахборот олиш даврида ҳукм сураётган умумбашарий маънавий кризисдан асраш муаммосига деярли барча асарларида алоҳида эътибор қаратган. Масалан, “...кейинги йилларда кўплаб намоёниш этилаётган жангарилик фильмларини олайлик, - деб ёзади И.А.Каримов. - Бу фильмларни кўпчилик, айниқса, ёшлар мароқ билан кўради, чунки одамзот табиатан мана шундай тўполонларни томоша қилишга мойил... Афсус билан таъкидлашимиз лозим: тарих тажрибаси шундан далолат берадики, инсон табиатидаги инсонийликдан кўра ваҳшийлик, ур-йиқит инстинглари, яъни хатти-ҳаракатларини кўзғатиб юбориш осонроқ. Онги шаклланиб улгурмаган

аксарият ёш томошабинлар бундай фильмлардан кўпинча турли ёвузлик, йиртқичлик, шафқатсизликларни ўрганеди, холос. Натижада уларнинг дийдаси котади, қалбидан тошбағирлик, зўравонлик, ахлоқсизлик каби иллатлар жой олганини ўзи ҳам сезмай қолади. Ҳатто шундай томоша ва фильмларнинг қахрамонларига кўр-кўрона тақлид қилишни истайдиган йигит-қизлар ҳам топилади. Чунки улар бундай уйдирма талқинлар таъсирида қўл ураётган иши қандай аянчли оқибатларга олиб келишини тушуниб етмайди.”

Учинчи томондан, ҳозирги даврда фалсафа, этика ва эстетикани ўқитишда барча фанларни ўқитишда бўлгани каби янги услубиятни қўллаш, яъни инновацион методлардан фойдаланиш талаб этилмоқда. Яъни биз шаклланиши ҳали ўз ниҳоясига етмаган этика ва эстетика фанларини янги услубият асосида ўқитиш муаммолари устида ҳам ишлашимиз зарурати кўндаланг бўлмоқда.

Мазкур шарт-шароитдан келиб чиқилса, ҳозирги кунда таълим юртларида мазкур фанларни ўқитиш нақадар мураккаб иш экани кўринади. Шунга кўра фалсафадан мутахассис бўлиш ҳозирги даврда ниҳоятда қийин ва масъулиятли, айти пайтда жуда шарафли ва масъулиятли ишдир. Лекин бу шараф фақат ўқитувчининг ўз виждони ва уни тушуниб ета олган айрим тингловчилардан бошқаларга сезилмайдиган беғараз шарафдир.

Ана шу шарафга созовор бўлиш учун даставвал дарс ўтиш жараёни ҳақида умумназарий тасаввурга эга бўлишимиз муҳимдир.

2. Ўзбекистонда Этика” ва “Эстетика”ни қиёсий ўрганиш муаммолари.

Олий ўқув юртида ишловчи профессор, доцент, ассисентларнинг энг асосий вазифаси – тингловчиларни ўқитишдир. Ўқитиш жараёни ҳақида икки хил тасаввур шаклланган бўлиши мумкин. Биринчиси, Субъект-объект орасидаги муносабат тарзида ифодаланса, иккинчиси Субъект-субъект орасидаги муносабат тарзида ифодаланади. Биринчи ҳолда ўқитувчи

тингловчиларга информацияни қабул қилувчи объект сифатида қараса, иккинчисида у билан бевосита мулоқат қилувчи, яъни ҳамсухбат сифатида қарайди. Албатта, ушбу фанлардан дарс ўтишининг энг яхши шакли биринчисидир.

Методикадан баъзи мутахассисларнинг фикрига кўра гўё дарс ўтишининг иккинчи шакли янги бўлиб, биринчиси эски, анъанавий экан. Бу фикрни тўғри деб бўлмайди. Чунки, аввало, барча даврларда ҳар икки шаклни ҳам қўллашнинг давр ва шарт шароитлар билан тақозаланадиган ҳамда ўқитувчининг ўз ҳолатидан келиб чиқадиган (яъни объектив ва субъектив) сабаблари бўлади. Шу маънода бу масала таҳлилига конкрет ёндошув зарур.

Масалан, субъект-объект муносабати 1) тингловчилар гуруҳида тортинчок, нофаол ёки билим савияси жуда саёз тингловчилар кўпчиликни ташкил этадиган ҳолда; 2) ўқитувчининг ўзи маърузани бемалол ўқий оладиган тажриба ва билимга эга бўлмаган ҳолда 3) ўқув мавзуси ва материали жуда янги, ҳали ҳар томонлама ўрганилмаган, эндигина ўрганила бошланган ҳолда бўлиши ҳам мумкин. Шу каби ҳолларда барча даврларда, айниқса, бугунги кун дарсларида субъект-объект муносабати қарор топиши табиий. Лекин бундан, биринчидан, этика ва эстетика дарсларини ҳамиша шундай ўтиш керак, деган хулосани чиқаришга ҳам шошиш керак эмас. Иккинчидан, шундай ҳолларда ҳам, яъни субъект-объект доирасида дарс ўта туриб ҳам бундай дарслар ичида ҳам субъект-субъект муносабатлари тарзини ҳам имкон борича, фрагментар равишда бўлса ҳам киритиб туриш мумкинлигини ҳисобга олиш жоиз.

Аксинча, субъект-субъект тарзида дарс ўтилишида, ўқитувчи асосий субъект бўлиши, тингловчилар эса унга нисбатан муайян даражада объект бўлишлари ҳам табиий. Масалан, фалсафадан дарс беришнинг энг юксак намунаси ҳисобланмиш Платоннинг барча диалогларида Сукрот ўз шогирдлари билан бахс (диалог) олиб бораркан, яъни субъект-субъект тарзида мулоқот олиб бораркан, ушбу мулоқотларнинг катта қисмида, айниқса асосий ғоялар муҳокамаси ва хулосаларида Сукрот монологлари

катта ўрин эгаллаганини кўрамиз. Ваҳоланки, Суқротнинг шогирдлари, бизнинг дастлабки дарсларда фалсафа нималигини тасаввур ҳам эта олмайдиган ҳолда дарсга кирадиган, масалан, ҳуқуқшунос бўламан деб, кириш бали етмагани учунгина бошқа факультетга кириб, шунинг билан бирга на ўз соҳасини ва на фалсафани билишга қизиқиш билан қарай олмайдиганларлардан ҳам ташкил топишини ҳисобга олишга тўғри келади.

Шуларнинг ҳаммасига қарамасдан, ҳозирги кун талабасига ўқитувчи ҳам объект, яъни билимлари узатилаётган ва ўзи ўзгартириши керак бўлган объект сифатида ҳам, ўзи билан тенг мулоқотга ҳақли субъект сифатида ҳам ёндошуви мақсадга мувофиқдир. Ҳозирги давр фалсафий дарсларининг юксак экзистенциал маъноси ҳам шунда, яъни талаба билан тенгдай, айтиш вақтда ундан устун устоз даражасида тура билишдадир. Бу вазиятда туриш тажрибасиз ва фалсафий-назарий билими саёз ўқитувчи учун жуда қийин ва қалтис иш. Шунинг учун ҳам бу ҳолларда кўпчилик ёш ўқитувчилар субъект-объект вариантыда иш юритадилар. Ушбу вариантни ишнинг бошланишида, унинг айрим қисмларида қўллашни узурли ҳисоблаш мумкин бўлса ҳамки, уни мутлоқлаштириш ярамайди. Чунки бугунги кун талабаси гарчи чуқур назарий билиш кўникмаларига эриша олмаган бўлса ҳамки, кенг ахборот омборига эгаллиги жихатидан ўз ўқитувчисидан устун келиши қийин эмас. Айтиш шундай ҳолларда унинг билан субъект-субъект, яъни фалсафий суҳбатларнинг “тенгҳуқуқли партнери” сифатида мулоқатда бўлиш фойдали бўлади.

Ҳозирги даврда ўқитишга бўлган умумий талаблар: Ҳозирги даврда умуман ҳар қандай предметдан дарс ўтишга оид тан олинган саккизта талаб борки, бугунги кунда уларга риоя этиш зарур ҳисобланади:

1. Талабага информацияни киритиб қўйиш керак бўлган объект (идиш) сифатида эмас, балки шахс (субъект) сифатида, яъни шаклланган, ўз фикр ва мулоҳазаларига, эътиқоди, қарашлари, интилишлари, иродаси, характери ва ҳ.к. эга бўлган субъект сифатида қараш.

Ушбу талаб дарс ўтишда ўқитувчи ўз қарашларини талабанинг ўзида мустақил шаклланиб бўлган дунёқарашнинг ўрнига, уни йўқ деб ҳисоблаб ёки ўчириб ташлаб эмас, балки унинг учун кадрли бўлган қарашлар ва таълимотлар билан мувофиқлашувини назарда тутиб, унга пайванд қилиш тарзида иш юритишини тақозо этади. Бунингсиз дарснинг зарурий мақсадига, яъни талабанинг дарсга фаол ижобий муносабатда бўлишига эришиш мумкин эмас. Дарс ўтишнинг янги интерфаол методлари ҳақида гап кетганида ҳозирги даврда ўқитувчидан айти шу вазиятни назарга олиш талаб этилаётгани англашилади.

Лекин, ҳозирги шароитда буни амалга ошириш жуда қийин. Бу қийинчиликларнинг ўз объектив ва субъекти сабаблари бор. Объектив сабаблардан энг асосийси шундаки, биз одатда жуда катта (50, 60 ва ундан ортиқ) тингловчиларга (потокларда) маърузалар ўқишимизга тўғри келади. Шунинг учун субъект-субъект муносабатлари тарзида дарс ўтишни семинар машғулотларигагина татбиқ этиш мумкин бўлади. Аммо семинарларимизда ҳам одатда камида 30 ва ундан ортиқроқ тингловчилар қатнашади. Шунинг учун ҳар бир талабанинг дунёқарашини билан конкрет мулоқот қилиш учун шароит бўлмаслиги табиий.

Ваҳоланки, “Оммавий маданият”нинг ёприлиб кириб келиши учун қулай бўлган ҳозирги очик жамият, ахборот хаоси, глобаллашув ва глобал маънавий кризис, шунингдек, мафкуравий хуружлар шароитида яшаётган эканмиз, ва айти шу кунларда баркамол авлодни тарбиялаш кўзда тутилган экан, бизга чет тилларини ўқитадиган ўқитувчилар учун яратилган шароит, хатто унданда қулайроқ шароит зарур. Лекин иқтисодий кризис авж олиб турган шароитда биз ҳозиргидан қулай ва ортиқроқ шароит келишини кутиб ҳам тура олмаймиз. Юқоридаги мулоҳазалардан ўқитиш жараёнига нисбатан иккинчи талаб келиб чиқади.

2. Бу бор шароитдан иложи борича яхши фойдаланишга ҳаракат қилиш талабидир.

3.Учинчи талаб ўқитувчининг ўзига тегишли. Ўқитувчининг талаба билан баҳам кўрмоқчи бўлган билимлари унинг ўзига яхши тушунарли ва маъқул келган бўлиши, бир сўз билан айтганда унинг ўзидан келиб чиқадиган бўлиши зарур.

4.Бундан эса тўртинчи талаб ҳам келиб чиқади. Бу ўқитувчининг ўзи ҳам қандайдир ёт информацияни талабага узатувчи оддий бир автомат (радио, компьютер, телеэкран ва ҳ.к.) эмас, балки ўзи ўтадиган дарс мавзулари бўйича ўз фикр ва қарашларига эга бўлган, ўз ғоя ва мақсадларини мустақил шакллантириш, ифодалаш оладиган ва дарс ўтиш услубларини танлай олиш иқтидорига эга бўлган эркин ва ижодкор шахс бўлиши талабидир.

5.Навбатдаги талаб ўқитишнинг коммуникатив-ахборот жихати дейилади. Бу талаб ўқитувчининг тингловчиларга бермоқчи бўлган билим ва ахбороти кўпчиликни қизиқтирадиган, жалб этадиган равишда ташкилланиши кераклигини билдиради.

6.Олтинчи талабга кўра ўқитувчи ўз тингловчиларига дарс жараёнида ўзи билан эркин фикр алмашинув, мулоқот қилиш учун имконият яратишини тақозо этади. Яъни ўқитувчи ўз тингловчиларининг дарс мавзуси бўйича ўзига саволлар билан эркин мурожаат қилишлари, керак бўлса, ўз фикр ва мулохазаларини билдиришлари учун шароит яратиши ва шунга рағбатлантириши керак.

7.Ўқитувчи дарс материалларини ўз тингловчиларининг ўзлаштиришлари учун тегишли объектив ва субъектив шароитлари мавжудлигини ҳисобга олган ҳолда танлаши ва ташкиллаши мақсадга мувофиқ.

8.Ўқитувчи ўзига талаба кўзи билан қарай билиши, улар орқали ўз нуқсонларини пайқашдан кўрқмаслиги ва, керак бўлса, ўзини ўзгартириши жоиз. Бунинг учун у ҳар бир талабани шахс сифатида кўра олиши, уларнинг

иззат нафсига тегмаслика ҳаракат қилиши зарур. Шундай бўлиб қолган ҳолларда эса у ўз хатосини тезда тузатиши зарур.

Этика ва эстетикадан маъруза ўқиш, бир вақтнинг ўзида бирқанча вазифаларни амалга оширишни кўзда тутати. Улардан энг муҳимларини билиш маърузани ўқишда қандай услубларни (методларни) қўллаш мақсадга мувофиқлигини белгилаб олишга ёрдам беради. Вазифаларнинг энг биринчиси, албатта, талаба учун номаълум бўлган ва талаба мустақил эришиши қийин ёки мумкин бўлмаган муайян ахборотни (информацияни), муҳим назарий ғоя ва қарашларни унга бевосита етказиб беришдир. Маърузанинг иккинчи вазифаси мазкур мавзу материални талаба кўр-кўрона ўзлаштиришига эмас, балки онгли қабуллашига эришишдир. Бунинг учун фалсафа ўқитувчиси талабада ахборотни мустақил таҳлил этиш, фикрий изланишни амалга ошириш кўникмаларини тарбиялаши керак. Маърузанинг навбатдаги, энг олий вазифаси талабада ижодий фикрлаш қобилиятини ҳосил қилиш бўлади. Бунинг учун устоз талабага фалсафий қарашлар орасидаги зиддиятларни пайқаш, уларга нисбатан ўз муносабатини шакллантириш ва ифодалаш ва, иложи борича, ўз хулосаларини олдинга суриш каби мустақил, ижодий мушоҳада кўникмаларини шакллантириши керак.

Мазкур вазифаларни бажараркан, педагог маърузанинг турли қисмларида турлича услубларни қўллайди ва дарс вақтида талаба фаолиятини ҳам шунга мувофиқлаштиради. Маърузанинг биринчи вазифасини амалга оширишаркан, у талабадан ахборотни пассив ва тўлиқ қабуллаши керак бўлган тингловчи ҳолатида бўлишни талаб қилади. Ўзи эса асосан ахборотни талабага иложи борича бекаму кўст етказиш, тушунтириш, изоҳлаш, намоён этиш кабилар билан чекланади. Бу, масалан, фанда олдинга сурилган муҳим, ўзгармас принциплар, парадигмалар, шаклланган ғоя ва қарашлар, таърифлар, муҳим талқинлар, қонунлар, фактлар ва дарсга оид муҳим давлат ҳужжатлари кабилар бўлиши мумкин.

Маърузанинг бошидан охиригача фақат шу методни қўллашнинг

ўқитувчи учун ҳам, талаба учун ҳам қулай жихатлари кўп. Унинг талаба учун қулайлиги шундаки, 1) талаба ўзини ҳеч зўриқтирмасдан тайёр ахборотни қабул қилиб олади (ёки, умуман, қабул қилмайди); 2) талаба ўқитувчидан, ўзи қабул қилиши мумкин бўлган бошқа ахборот манбалардан фарқли ўлароқ, анча сифатли, яъни ўқитувчининг синовдан ўтган тажриба, таҳлилларига асосланган, энг долзарб, муҳим жихатлари ажратиб олинган, умумлаштирилган ва тизимлаштирилган материални қабул қилади; 3) мавзу бўйича материал танқис ҳолларда бу айниқса қулай...

Ушбу методнинг ўқитувчи учун қулайлиги шундаки, у 1) дарс режаси бузилмайди; 2) мавзу учун мўлжалланган материални дарс вақти ичида тўлиқ етказиб берилади; 3) интизом рисоладагидек, шовқин суронсиз, эҳтирос, бахсларсиз ўтади; 4) ўз билимини кенг намоён қилиши билан завқлана олади (агар ўқитувчининг билими юқори бўлса, албатта); 5) бир бора ёзиб қўйган маърузасини, қайта-қайта ишламасдан ўқийвериши мумкин...

Лекин дарсни фақат шу метод асосида ўқиш, бир томондан, талабани мутафаккирга эмас фақат тақлидчига айлантирса, иккинчи томондан, ўқитувчининг ўзини ҳам назарий ва методик нуқтаи назардан доғмалашиб қолишига олиб келади. Шунга кўра фалсафа ўқитувчиси талабага материални қандай бўлса шундайлигича, яъни нофаол қабул қилиши шарт бўлган тингловчи сифатидагина эмас, балки мавзунини таҳлилий қабуллаши мумкин ва керак бўлган субъект сифатида ҳам ёндошиши, яъни маърузанинг иккинчи вазифасини ҳам амалга ошириши зарур.

Шу муносабат билан маърузанинг иккинчи муҳим мақсадини амалга оширишга хизмат қиладиган услубни ҳам ёритишга ўтамиз. Бунда аввало ўз маърузасининг биринчи вазифасини қониқарли амалга ошира олган ўқитувчигина иккинчи вазифани ҳам амалга ошира олишини таъкидлаб ўтиш жоиз. Зеро, маъруза материалининг таҳлили талабага аниқ ва тўлиқ етказилган ахборот асосида бўлиши зарур. Акс ҳолда таҳлил мантиқий тупикка, боши берк кўчага кириб қолиши ва талабадан чин мутафаккирни

эмас, сафсатабозни (софистни) келтириб чиқариши мумкин.

Маърузанинг иккинчи вазифасини бажариш учун ўқитувчи талаба фаоллигини ривожлантирувчи методларни ишга солишни ҳам билиши керак. Ушбу методлар актив ва интерактив методлар номини олган. Бундай методлар ҳозирги даврда жуда кўп. Булар қаторига, масалан, маърузаларни муаммоли ўтиш, суқротча баҳс тарзида ўқиш, ролли уйинлар ташкил этиш, конкрет вазиятлар таҳлили тарзида ўқиш, ўйин проектлари асосида ташкиллаш ва ҳ.к. Буларнинг баъзиларига навбатдаги мавзуларимизда махсус тўхталамиз. Мазкур мавзуда эса дарсни муаммоли ўтиш методикасига алоҳида эътибор қаратамиз.

Фалсафий маърузани муаммоли ўтиш ҳақида тушунча:

Аввало муаммоли маъруза деганда нима назарда тутилишини аниқлаб оламиз. Муайян фалсафий масала қўйилиб, унинг муҳокамаси ва ечимида тингловчиларнинг барчаси фаол иштирок этишини таъминлай оладиган маърузалар муаммоли маърузалар дейилиши мумкин. Бундан кўринадики, ўқитувчи ўз маърузаси матнини тайёрлаётганида ва уни ўқишни машқларини амалга ошираётганида ўз диққат эътиборини тингловчилар муҳокамаси учун тавсия этадиган материални танлашга ҳам махсус қаратиши керак. Таъкидлаш жоизки, у ишни у дарс вақтида эмас, балки дарсга келишидан олдин амалга оширган, яъни режалаштирган бўлиши керак, албатта.

Лекин, гуруҳда фаол тингловчилар кўп бўлган ҳолларда бундай материал дарс вақтида табиий равишда танланиб қолиши ҳам мумкин. Бундай ҳолларда дарс саъвияси кутилгандан ҳам юқори бўлади. Аммо ўқитувчи, айниқса у ёш, тажрибасиз бўлса ва, айниқса, ўзи хали яхши билмайдиган аудитория билан ишлаётган бўлса, бундай тасодифларга таяна олмайди. Шунинг учун бундай материални олдиндан танлаб қўйиши мақсадга мувофиқ.

Маърузани муаммоли ўтиш деганда талаба файласуфларнинг ўзлари ҳам хали ечилмаган деб ҳисоблайдиган масалаларни ҳам ечишга киришишлари кераклигини билдирмайди, албатта. Шу маънода танланадиган материал

талабанинг ҳозирги саъвияси, тафаккур доирасидан жуда юқори бўлмаслиги мумкин, яъни унинг мушоҳада қуввати, шунингдек, асосий қизиқишлари доираси, мутахассислик соҳаси, гуруҳнинг муҳокамага тайёрлик ҳолати кабилар албатта ҳисобга олиниши керак.

Энди дарсга муаммоли материални танлаш ҳақида фикр юритайлик. Масалан, этика фанининг “Ахлоқий тамойиллар ва асосий категориялар” мавзуси ёритилиши керак, дейлик. Бунда аввало ахлоқий тафаккурнинг борлиқни билиш ва амалий ўзлаштиришда, айниқса, инсонлар ўртасидаги муносабатларни тартибга солишдаги аҳамияти, ҳис-туйғуларнинг эса инсонлар орасида меҳр-оқибат, дўстлик, тинч-тотувлик, бирликни қарор топтиришдаги роли, даражалари масалалари ёритилиши, кейин мазкур мавзунинг асосий тушунча ва талқинлари, турли фалсафий қараш ва йўналишларнинг масалага муносабатлари очилиши, шундан кейингина муаммоли масалани қўйиш мумкин.

Бунда турли фалсафий қараш ва йўналишларнинг масалага муносабатлари ўқитувчининг муаммоли масалани қўйиш учун танлаб олган материали бўлади. Мазкур мисолда бу материал, бир томондан ахлоқий тафаккурда, хусусан, эришилган муваффақиятлар намойиши бўлади. Иккинчи томондан, юртимизда энг юксак маънавият намояндалари, масалан, Алишер Навоийнинг барча асарларида асосан муҳаббат туйғуси улуғлангани ва, умуман, унинг ва Шарқнинг бошқа кўплаб гениал истеъдод эгаларининг ишқ фалсафаси намояндаси эканини эслатиб ўтилади.

Шундан сўнг муаммоли масалани қуйидагича қўйиш мумкин: Сизнингча, билиш ва амалий ҳаётда ахлоқий тафаккурнинг роли буюкроқми ёки ҳис-туйғуларми? Шарқона маънавият буюкроқми ёки Ғарб рационал тафаккурими?

Ўқитувчининг бу ердаги вазифаси фақат муаммоли масала ва унга тегишли материални танлаганидагина эмас. Унинг асосий вазифаси мазкур муаммо бўйича баҳсни ташкил эта олишидир. Зеро, айнан баҳсда талаба тафаккури ривожланади, у ўз нуқтаи назарини олдинга суриш ва ҳимоя

қилиш кўникмаларини ҳосил қилади. Бахсинг муҳим ташкилий ва тарбиявий томони ўқитувчи бахсни жанжал эмас, балки маданиятли фикр алмашуви тарзида кечишини таъминлай олишида. Бунинг учун у бутун бахс мобайнида мунозара қилувчилар орасидаги мувозонатни сақлашга интилиши керак. Бахсни жанжалга айланиши майли устун ўринга чиқабошлаган заҳоти унинг тарафдорларини бир қадар “совитиб” туриш ҳам зарур бўлади. Лекин бу бевосита танбеҳ йўли билан эмас, балки жанжалга мойил томон йўл кўяётган хатога ишора қилиш ёки бошқа шу каби йўл билан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ. Шунинг билан бирга педагог иккинчи томонга оғиб кетмаслига, ҳамиша адолатли бўлиши, олтин оралиқ вазиятида туриши керак. Айти пайтда бахсинг тўхтаб қолишига йўл қўймаслик ҳамда бахсда фаол қатнашмаётганларни ҳам жалб этиш бўйича иш олиб бориши керак.

Умуман, фалсафий маърузаларни муаммоли ўқишнинг ва семинарларда фалсафий масалаларни муҳокама этишнинг ўз педагогик ва дидактик (тарбиявий) принцип ва талаблари бор. Бу ҳақида батафсилроқ фикр юритамиз.

Фалсафий дарсларида “суқротча бахс”, “инсерт”, “биргаликда илм олиш” методларининг ўрни.

Фалсафий фанлар дарслари қизиқарли ва талабага бой ахборот берадиган бўлишига ёрдам берадиган услублар жуда кўп. Лекин улар орасида фалсафанинг энг синалган ва энг қадимий услуби бўлган “суқротча бахс”га ҳеч қайси услуб ета олмайди. Зеро айнан шу услуб диалектик фикрлаш услубидир ва айнан шу услуб дунёга Суқрот, Платон, Аристотел, Форобий, Ибн Сино каби кўплаб мутафаккирларни етиштирган. Айти шу услуб Платон диалогларида акс этган ва ҳозиргача инсоният етук мутафаккирларини камолотга етказишда давом этмоқда. Бу услубни яхши билиш учун мазкур диалогларни чуқур ўрганиш керак. Бугунги кунда уларнинг ўзбек тилидаги таржимаси амалга оширилгани эса ишимизни янада енгиллаштирди. Бу услуб семинарда эмас, балки фақат маърузалар вақтида

ўтказилади. Бунда ўқитувчи Сукротнинг, тингловчилар эса Сукротнинг суҳбатдоши ролларини ўйнайдилар. Мазкур методни машқ орқалигина намойиш этиш мумкин. Шунинг учун бу ерда ушбу услубга бошқа тўхталмаймиз.

Лекин методикадан ўтказадиган семинарларимизда бу методни махсус машқ қилиб кўра оламиз. Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бу услубни фалсафани чуқурроқ биладиганлар ўзлаштириши мумкин ва мақсадга мувофиқдир. Фалсафий фанлар дарсларининг хажми жуда қисқа бўлган нофалсафа мутахассисликлари дарсларида эса уни қўллаш учун етарли вақт топиб бўлмайди. Аммо бу услуб масаланинг жавоби бахс қатнашчиларидан бирига аён бўладиган платонча (сукротча) диалог эмас, албатта. Бу саволлар ва уларга жавоблар тўқнашуви жараёнида келиб чиқадиган ўз ўзидан ташкилланиши кутиладиган ночизиқли когнитив-коммуникатив муҳитдир.

Фалсафий фанларни ўрганишга эндигина киришганлар эса аввал осонроқ услублар асосида ўз тафаккурларини ривожлантирадиган услублар асосида ишлашлари мақсадга мувофиқ. Шундай услублар қаторига “инсерт” услуби туради.

“Инсерт” услуби ёрдамида тингловчилар асосан фалсафий матнлар (текстлар) ёрдамида ўз таҳлилий ва танқидий тафаккурларини ривожлантирадилар. Шу орқали фалсафий ғояларни тушунишни ўрганадилар. Бу метод билан ишлаганда тингловчиларга муайян фалсафий матн (Масалан, бирон муаллифнинг мақоласи ёки бирон файласуф китобидан олинган кўчирма) тарқатилади. Улар текстни ўқиб чиқиб, варақ четларига (поляларига) ўз белгиларини қўядилар. Белгиларни олдиндан келишиб олиш мақсадга мувофиқдир. Чунки бу тингловчилар ишини текшириш ва баҳолашни осонлаштиради. Белгилар қуйидагича бўлиши мумкин: талаба

« + » - белгисини ўзи учун янги фикр қаршисига қўяди.

« - » - белгисини ўз билимларига, фикрларига зид келадиган фикр қаршисига қўяди.

«V» - белгисини ўз фикрларига мувофиқ келадиган фикр

қаршисига кўяди.

«? » - белгисини ўзи тушуниб ета олмаган фикр қаршисига кўяди.

Тингловчилар тексни ўқиб чиқиб, тегишли белгиларини кўйиб чиққанларидан кейин ўқитувчи уларга қуйидаги жадвалга ўз белгиларини кўйиб чиқишларини тавсия этади.

V - + ?

Шундан кейин ўқитувчи “Инсерт” жадвалдаги бу ахборотни тартиблаштириб чиқади. Тингловчилардан ким ва нималарни тушуна олмаганларини ва ким, нималарни тушуна олганлари ўрганади. Бу унга тингловчиларни баҳолаш учун ҳам, келгуси маъруза ва семинарларда буни ҳисобга олиши учун ҳам керак бўлади. Дарснинг кейинги босқичида ўқитувчи тингловчилар қилган ишлари асосида текстни муҳокама вилиб, ундаги зиддиятли ва тушунарсиз кўринган ерларини тингловчиларнинг ўзлари иштирокида таҳлил этиб, ёритиб олади, ишни хулосалайди.

Иш муҳокамасини билими унча юқори бўлмаган тингловчилардан бошлаш мақсадга мувофиқ. Шунда билими юқорироқ тингловчилар муҳокамада фаол иштирок этишлари, ўз билимларини мустаҳкамлаб, ўқитувчига ҳам ёрдам беришлари мумкин. Чунки, ушбу муҳокамада улар бошқалар тушуниб ета олмаган фикрларни тушунтириб берадилар ва талқинлари, тафаккурлари чиниқади.

Энди “Биргаликда илм олиш” методи ҳақида фикр юритамиз. Бу метод фақат семинар машғулотларида қўлланиши мумкин ва унинг хиллари жуда кўп. Уларнинг ҳаммасини бу ерда келтириш учун вақт етмайди. Бу ерда биз улардан баъзиларини намуна сифатида кўрсатамиз. Шу намуналар асосида қолганларини ёш ўқитувчи ўзи кашф қилиши ёки бошқа манбаларни ўқиб, тушуниб олиши ҳам мумкин.

“Ёзма ва оғзаки юмалоқ стол” методи. Бу мавзунинг муҳокама этиладиган масаласи бўйича 3 босқичли галма гал фикр билдириш усулидир.

Усулни қўллаш учун, аввало семинар гуруҳини ҳар бирида 5 талабадан иборат 4 та майда гуруҳларга ажратилади.

Биринчи босқичда, масалан, 1 ва 2 гуруҳ тингловчилари масаланинг жавобини ёзадилар, 3 ва 4 гуруҳ тингловчилари эса уларнинг жавобларини таҳлил қиладилар. Жавобда 1 ва 2 гуруҳ барча аъзолари қатнашадилар. Яъни гуруҳ аъзоларининг ҳар бири “юмалоқ стол” атрофида ўртага ташланган савол (масала) бўйича ўз фикрларини ёзма равишда билдирадилар. Бунинг учун жавоб қоғозга ёзилиши ва жавоб остига жавоб муаллифи ўз фамилиясини ёзиб қўйиши керак. Биринчи талаба жавобни ёзиб бўлгач, қоғоз билан ручкани ўзининг бошқа гурӯпадошига узатади ва ҳ.к. Шу тарзда қоғоз гуруҳнинг 5 аъзосини айланиб чиқади ва таҳлил учун 3, 4 гуруҳларга узатилади. 3 ва 4 гуруҳ аъзолари жавобларни қиёсий таҳлил этиб, тегишли баҳолайдилар (“балл” қўядилар).

Иккинчи босқичда 3 ва 4 гуруҳ аъзолари мавзунинг иккинчи масаласи бўйича жавоб ёзадилар, 1 ва 2 гуруҳ тингловчилари эса уларнинг жавобларини таҳлил этиб, баҳолайдилар.

Учинчи босқичда “оғзаки юмалоқ стол” ўтказилади. Бунинг учун мавзунинг учинчи саволи 1,2 гуруҳ аъзоларига берилади. Улар оғзаки жавоб берадилар, 3,4 гуруҳдагилар эса жавобларни оғзаки муҳокама қилиб, оғзаки баҳолайдилар. Кейин мавзунинг тўртинчи саволи 3,4 гуруҳ аъзоларига берилади. Улар оғзаки жавоб берадилар, 1,2 гуруҳдагилар эса жавобларни оғзаки муҳокама қилиб, оғзаки баҳолайдилар.

“Биргаликда илм олиш” методининг иккинчи шакли: “уч босқичли интервью” дир. Семинарни бу метод асосида ўтказиш учун семинар гуруҳида ҳар бири 3 талабадан иборат (7 ё 8 та) майда гуруҳлар тузилади. Гуруҳчаларнинг аъзоларини А, Б, Г дейлик. Бунда А Бдан интервью олади, Г эса саволни ва жавобнинг асосий фикрларини ёзиб олади. Интервью олувчи ўз партнёрига ўйлаб жавоб бериши учун бир неча секунд вақт бериши ва асосий саволга жавоб тўлиқ чиқишига ёрдам берадиган қўшимча саволларни ҳам бериши мақсадга мувофиқ.

Иккинчи босқичда роллар алмашади. Г А дан интервью олади, Б ёзиб олади.

Учинчи босқичда Б Гдан интервью олади, А эса ёзади. Демак, семинарни бундай ташкиллаш учун семинар асосий саволларни учтадан майда саволларга ажратиш керак бўлади. Саволлар сони гуруҳ ва гуруҳдагилар сонига боғлиқдир.

Дарс охирида интервью ёзувлари йиғиб олинади ва ўқитувчи томонидан ҳар бир гуруҳнинг, жумладан, ҳар бир аъзонинг иши объектив баҳоланади.

“Биргаликда илм олиш” методининг учинчи шакли сифатида бутун семинар гуруҳини 3 га - “савол берувчилар”, “жавоб берувчилар” ва “баҳоловчилар” – ажратиб, ҳар бирининг вазифаларини олдиндан тақсимлаш орқали амалга оширилиши мумкин. Семинар қизиқарли ўйин тарзида кечиши учун савол берувчиларни “журналистлар”, жавоб берувчиларни “делегатлар”, баҳоловчиларни “кузатувчилар” ёки “ҳакамлар” ёки “арбитрлар” гуруҳи деб аташ ҳам мумкин.

Бу усулда семинар ташкил этилганда биринчи гуруҳ аъзоларига семинарда муҳокама этиладиган масалаларни ёритишга хизмат қиладиган саволлар рўйхатини дасдан аввал тайёрлаб келиш топширилади. Иккинчи гуруҳ аъзолари семинарнинг асосий саволлари бўйича жавоб беришга тайёрланиб келадилар. Учинчи гуруҳ аъзолари эса ҳар икки гуруҳ ишини , яъни савол-жавобларни эшитиб, баҳолашга тайёрланиб келади. Ўқитувчи учала гуруҳ ишини назорат қилади, керак бўлган ҳолларда мунозаранинг объектив ва адолатли бўлишига оид кўрсатмалар бериб туради.

Бу метод кучли гуруҳларда ва оғзаки ўтказилади. Гуруҳдагилар фаоллиги яхши бўлса, кейинги семинар ҳам айни шу усулда, фақат гуруҳларнинг роллари алмаштирилган ҳолда ўтказилади. Учинчи марта ҳам шу усул ролларни алмашлаб ўтказилганидан кейин бир цикл тугайди ва кейинги семинарларда бошқа услубларни қўллашга ўтиш мумкин ёки шу йўсинда давом этиш ҳам мумкин. Бу масалани гуруҳдагиларнинг реакциясига қараб аниқланади.

Ихтисослик бўйича маъруза матнларини тузиш ва тайёрлаш бизда жуда мураккаб жараён дир. Чунки ўқитувчи болаларга ҳам тарбия, ҳам илм бериб бориши лозим. Ўқитилаётган маъруза тушунарли, кўрғазмали бўлиши керак. Тингловчиларнинг эътиборини ҳар хил йўллар билан ўзига жалб қилиб, уларга кўзлаган билимни бериш лозим. Бунинг учун ўқитувчида аввалом бор билим, малака, тажриба, топқирлик, нутқ маданияти ва шу кабилар бўлиши шарт.

Юқори малакали кадрлар тайёрлашда ихтисослик фанини ўқитиш методикасига доир қўлланмалардан фойдаланиб ўтказиладиган махсус курс ва семинарларининг аҳамияти катта. Аслида олганда дарсдан ташқари ва факультатив машғулотлар ўтказишга тайёр бўлмаган ўқитувчини яхши тажрибали ўқитувчи деб бўлмайди. Ўқитувчиларнинг фанга қизиқиши, аввало дарс жараёнининг ташкил этилишига боғлиқ. Шу билан бирга, яхши ташкил қилинмаган дарсдан ташқари тадбирлар орқали ҳам ўқитувчиларнинг ихтисосликка қизиқишларини амалга ошириш мумкин.

PowerPoint Presentation:

Мутахассислик фанига қизиқувчи тингловчилар ихтисослик дарсида олган билимлари камлик қилади. Улар ихтисосликка доир кўпроқ билим чуқурлаштириш мақсадида ташкил қилинган, яъни ихтисослик назарий материалларни амалий жиҳатдан ўрганиш ва дастур материалларини яна ҳам мустаҳкамлаш ва ўрганиш мақсадида ўтказиладиган машғулотларга кўпроқ аҳамият берадилар. Бу дарсларда тингловчиларда етарли даражада тушунча ҳосил қилиш учун тартиб бўйича машғулотларда маърузага асосланган дастур бўйича назарий билимларни амалда кўриб чиқишлари зарур.

Таълим тизими олдида кўйилган долзарб вазифаларни амалга ошириш мақсадида Олий ва ўрта махсус Таълим вазирлиги бир қатор амалий кўрсатмалар бериб бормоқда. Жумладан. 2002-2003 ўқув йилининг “Таълим сифатини ошириш ўқув йили” деб эълон қилинганлиги, педагоглик амалиётига муаммоли маърузаларнинг жорий қилиниши ана шундай долзарб кўрсатмалардан ҳисобланади.

Муаммоли маърузанинг одатдаги маърузадан қандай фарқи бор?

Унинг ўқитиш сифатини оширишдаги аҳамияти нимадан иборат? :

Муаммоли маърузанинг одатдаги маърузадан қандай фарқи бор? Унинг ўқитиш сифатини оширишдаги аҳамияти нимадан иборат? Энг аввало шуни такидлаш лозимки, муаммоли маъруза ўқитувчини жўнгина (ўз жавоби ўзи билан) баёнидан иборат бўлмай, балки машғулот давомида бир неча (2–3 та) муаммолар киради. Уларга ечим топишда тингловчилар фаол иштирок этадилар, бунинг натижасида янги ахборотнинг ўзлари мустақил излаб топадилар. Ўқитувчи эса, тингловчиларнинг ижодий фикрлаш жараёнини бошқариб боради. Иккинчидан, тингловчилар ўқув жараёнидаги суст (пассив) тингловчидан фаол иштирокчига айланадилар. Ўз фикрлари, ғоялари қарашлари билан машғулотларда фаол иштирок этиб, унинг мазмунини ва натижасини янада бойитадилар. Учинчидан, юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда, тингловчиларнинг фақат хотираси эмас, балки уларнинг кўп вариантли (дивергент) тафаккури ва шахси ҳам ривожланади. Методик жиҳатдан тўғри қўйилган муаммолар тингловчилар тафаккурини, муаммоларини мустақил ҳал қилиш қобилиятини ривожлантиришнинг калити бўлиб қолаверади.

Муаммоли ўқитишнинг – муаммоли савол, муаммоли вазият, муаммоли масала ва муаммоли топшириқ шакллари мавжуд. Уларнинг дастлабки иккитаси маъруза машғулотларига кўпроқ мос келади.

Фалсафий маърузаларни муаммоли ўқишнинг педагогик ва дидактик принцип ва талаблари асосан қуйидагича:

- 1.Талабанинг муаммо муҳокамасига назарий ва психологик тайёргарлигини ҳисобга олиш.**
- 2.Таълим дастури ва мазмуни билан услуб орасидаги узвийликни йўқотмаслик.**
- 3.Муаммо материалнинг дарс модули билан уйғунлиги.**
- 4.Танланган материал талаба эҳтиёжлари ва қизиқишлариларига мувофиқ келиши.**

5. Танланган материал чиндан ҳам муаммоли бўлиши

6. Муаммо муҳокамасидан салбий (негатив) хулоса ва тажриба ҳосил бўлмаслигига эришиш.

7. Дарс узлуксиз кечишини таъминлаш, вақтдан унумли фойдаланиш.

8. Муҳокамада барча тингловчилар ихтиёрий қатнашиши учун шароит яратиш.

9. Ва ҳ.к.

Аудиториянинг фалсафий мавзуларни ўзлаштириш кўникмалари ортгани сайин ва маърузаларнинг кириш ва фундаментал мавзулари тингловчилар томонидан яхши ўзлашритилганидан кейин маърузалар вақтида муаммоли масалалар сонини кўпайтириб бориш ва хатто дарсни бошидан охиригача муаммоли масалалар муҳокамаси тарзида ўтказиш ҳам мумкин. Кейинги ҳолда дарс “суқротча баҳс” тарзида ўтган, дейиш мумкин. Суқротча баҳс намуналарини Платоннинг диалоглари мисолида кўришимиз мумкин. Бу, албатта, ҳозирги даврда фалсафадан дарс бериш санъатида энг олий идеалдир. Бу идеалга етиш эса нафақат ўқитувчи, балки талабага, унинг билимга бўлган ўз ички шахсий интилишига, қизиқишига боғлиқ. Бунда ўқитувчи фақат ташқи туртки ролини ўйнай олади.

Мазкур жараёнларни биз ўз семинарларимизда янада конкретроқ муҳокама қилишга ҳаракат қиламиз.

Муаммоли савол. : Муаммоли савол. Баъзи олимларнинг (Безрукова В.С., Каган В.А.) тадқиқотларида ва амалий кузатишларида таъкидлаганидек, ўқитувчиларнинг талаба (ўқувчилар)га берадиган саволларининг 80-85 фоизи ўзлаштиришнинг фақат репродуктив даражасидаги жавобни талаб қилади. Бу ҳолат уларнинг фикрлаш қобилиятини ривожлантормас экан. Чунки, бундай саволар ахборот тавсифига эга бўлиб, уларнинг тайёр жавоблари ўқув адабиётларида ёритилган ёки ўқитувчи уларни тушинтирган бўлади. Демак, тайёр жавоблари манбаларда ёритилмаган саволлар тингловчилар учун муаммо туғдиради, уларни фикрлашга ундайди, яъни муаммоли савол туғилади. Улар тингловчиларни – таҳлил, умумлаштириш, гуруҳлаш,

таққослаш, туркумлаш каби тафаккурнинг юқори босқичларида фикрлашга ундайди.

PowerPoint Presentation:

Жаҳон педагогикасида бундай саволлар “Билим саволлари” деб аталади. “Нима учун?”, “Таркибий қисмларга ажратинг”, “Энг муҳим хусусиятлари нима?”, “Буни сиз қандай ҳал қилган бўлар эдингиз?”, “Ўзаро муносабатларини аниқланг”, “Таққосланг” кабилар ана шундай саволлардан бўлиб ҳисобланади. Албатта бундай саволарни шакллантиришда муайян фаннинг асосий таянч тушунчалари ва хусусиятларини назарда тутиш даркор. Масалан, “Янги педагогик технологиялар” фанидан биринчи маъруза Голрбрайт, Т.Сакомато, М.Кларинларнинг “Педагогик технология” тушунчасига оид таърифларни мустақил ўзлаштирганларидан сўнг, тингловчиларнинг “Юқорида қайд қилинган таърифларда педагогик технологиянинг қайси энг муҳим жиҳати кўзга ташланади?” деган савол билан мурожаат қилинади.

Муаммоли вазият. :

Муаммоли вазият . Бундай вазият бирор тушунчани англаш ёки бирор хатти ҳаракатни бажариш учун тингловчиларнинг мавжуд билимлари етарли бўлмаганда, яъни билиш ва билмаслик ўртасида номунофиқлик пайдо бўлганда содир бўлади. Маъруза давомида яратиладиган муаммоли вазият машғулот мавзусига оид бўлиш билан бирга, олдин ўзлаштирган билимларга асосланган ҳолда, унинг ечимини топиш имконияти ҳам мавжуд бўлиши зарур. Бутунлай номалум бўлган вазият яратилса, тингловчиларда унинг ечимини топишга қизиқиш пайдо бўлмайди (вақт бекорга сарфланади). Масалан: Этика фанидан муаммоли маъруза яратилиши мақсадга мувофиқ бўлади: (слайд намоиш қилиниб), тингловчиларга “Эзгулик ва яхшилик” уларнинг фарқли ва умумий жиҳатларини тушунтириб беринг деб мурожаат қилинади.

Муаммоли вазиятни яратиш ва ҳал қилишнинг қуйидаги таркиблари мавжуд: Муаммоли вазиятни яратиш ва ҳал қилишнинг

қўйидаги таркиблари мавжуд: муаммоли вазиятни вужудга келтириш ва муаммони қўйиш; вазият ечимини топиш учун тахминларни олға суриш ва илмий асосланган тахмин (гипотеза) ларни асослаш; муаммоли вазиятни ҳал қилиш; муаммо тўғри ҳал қилинганини кўриб чиқиш; Маърузаларда яратилган муаммоли вазиятлар ўқув материалларига боғлиқ бўлиш билан бирга , тингловчиларнинг бўлажак мустақил амалий фаолиятини ҳам акс эттириш зарур . Бунинг натижасида , бир томондан ўқув материаллари ўзлаштирилади , иккинчи томондан эса тингловчилар фақат китобий билимларга эга бўлиб қолмасдан, бўлажак амалий ҳаётга ҳам тайёрланиб борадилар .

PowerPoint Presentation: Муаммоли маърузалар ўқитувчига бир талай ўзига хос дидактик талабларни қўяди. Ўқув материални методик таҳлил қилиш (муаммоли савол, вазият, масала ва топшириқларни шакллантириш, уларнинг ечиш усуллари ва тўғри жавоблар вариантларини тайёрлаш). Шу билан бирга, муаммоли маърузаларнинг ўқув жараёнига жорий этилишида Таълим сифатининг асосий кўрсаткичи тингловчиларнинг мустақил ижодий фикрлаш қобилиятларини ривожлантиришдаги аҳамияти бениҳоядир. Бу эса тайёрланаётган кадрларнинг мамлакатимизда амал қилаётган бозор иқтисодиёти шароитида муваффақиятли фаолият кўрсатишларини таъминловчи омилдир.

Ихтисослик фанидан амалий машғулотларини режаларини тузиш ва ўтказиш : Ихтисослик фанидан амалий машғулотларини режаларини тузиш ва ўтказиш Ихтисослик фанларидан амалий ва лаборатория машғулотлари деганда тингловчиларнинг билимларини кенгайтириб, натижа олади ва бу натижа асосида хулоса қилади. Амалий машғулотларда эса ўша фанга доир турли - туман воқеа ва ходисалар шархланиб, назарий билимлар мустаҳкамланади. Амалий машғулотлар учун режа тузиш ўқув дастури ва маъруза матни асосида тузилади. Бу нарса бор жихоз ва имкониятларга ҳам боғлиқдир.

Этика ва эстетика фанларини ўқитишда педагогик малака,

кўникма ва тажрибани ошириш усуллари ва дарс ўтиш турлари : Этика ва эстетика фанларини ўқитишда педагогик малака, кўникма ва тажрибани ошириш усуллари ва дарс ўтиш турлари Мисол учун дарсда «Ахлоқ категориялари» ҳақида маъруза ўтказилади. Бунда ахлоқий категорияларнинг коидалари тушунтирилади. Биз бу дарсда қуйидаги таълим қонунларига асосланиб иш кўришимиз лозим: Таълимда илмийлик бўлиш қоидаси. Таълимда тизимлилик, изчиллик бўлиш қоидаси. Таълимнинг тарбияловчилик характери. Таълимда назариянинг амалиёт билан боғлиқ бўлиш қоидаси. Таълимда онглилик ва фаоллик ва мустақиллик қоидаси. Таълим жараёнида ҳар қайси талабага хос хусусиятларни англаш қоидаси. Таълимда илмий билим ва кўникма малакаларини пухта мустаҳкам ўзлаштириш қоидаси. Таълимнинг талабага мос бўлиши таълим ва тарбиянинг биринчи қоидаси.

Таълим тизимининг ҳал қилувчи бўғини бу – ўқитувчилардир. Шу аснода жамиятнинг келажаги, унинг равнақида зиёлилар-ўқитувчиларнинг масъуллик даражаси юқори. Кадрлар тайёрлашнинг миллий дастури, “Таълим тўғрисидаги” қонун амал қилаётган ҳозирги шароитда бу нарса алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Ўқитувчининг билими, салоҳияти, кўникмаси, ҳаётий тажрибаси охири-оқибатида бўлғуси мутахассиснинг шаклланишига таъсир кўрсатади. Бу нарса айниқса маданият ва санъат олий ўқув юртлари, ўрта махсус касб хунар коллежлари ва академик лицейлари ўқитувчиларига катта масъулият юклайди. Ўзбек миллий маданияти, санъати назарияси ва тарихи билан кучли қуролланган, замонавий, илғор педагогик технологияларга эга бўлган ўқитувчигина замон талабларига мос мутахассис кадрни тайёрлаш мумкин. Бугунги мутахассис замонавий фан ва технологияларни қунт билан ўрганиши баробарида, у айна пайтда юксак эътиқодли, маънавият-маърифат бўйича кучли билимга эга, мафкуравий жиҳатдан собитқадам, иймони бутун, гўзал инсон бўлиши лозим. Таълим тизимида бу нарсага эътибор қаратилмоқда. Бу борада жиддий ютуқларга ҳам эришилмоқда.

Аммо, собиқ совет мустабид тузуми давридаги мезонлар, кадрларга нисбатан қўйиладиган талаблар айрим ҳолларда, афсуски, ҳали ҳам ўз кучини йўқотмаяпти. Мамлакат Президенти И. Каримов шу ўринда қўйидагиларни таъкидлайди: “Бизга мерос бўлиб қолган таълим-тарбия тизимининг маълум бир маъқул жиҳатлари билан бир қаторда унинг энг номақбул томони шундан иборат эдики, ўқув жараёнида ўқувчи ва тингловчиларни мустақил ва эркин фикрлашга йўл қўймаслик, ҳар қайси ўқув юртини битирувчиларнинг билимига қараб эмас, аввало, уларнинг собиқ совет тузумига сохта ғояларга садоқат ҳисобга олиб баҳолаш ва ҳаётга йўллаш тамойили асосий ўринни эгаллар эди. Кўп жойларда сифат ўрнига сон кетидан қувиш устунлик қиларди. Кўпчилик ҳақиқий билим ёки малака орттириш мақсадида эмас, амал-тақал қилиб дипломли бўлиб олиш илинжида техникум ёки институтларга кирар эди. Бу тузумдан бизга қолган мерослар ичидаги шунга ўхшаган салбий асоратларни, афсуски, ҳозир ҳам сезиб турибмиз”¹⁶ Дарҳақиқат, собиқ совет мустабид тузуми даврида Юртбошимиз таъкидлагани каби саёз савияли, муте мутахассислар минг-минглаб етиштирилди. Ана шундай шароитда совет ҳукумати нима учун миллий маданиятларни, хусусан ўзбек, миллий маданиятини, унинг бой тарихини тарғиб этишга қарши бўлганлигини англаб етиш лозим.

Шуни қайд этиш лозимки, совет мафқураси маддоҳлари ўз маънавиятидан йироқ, миллий маданий меросини ўзлаштирмаган одамларни бошқариш осон эканлигини яхши билганлар. Шунинг учун ҳам турли йўл, усуллар билан Марказий Осиё халқлари, хусусан, ўзбекларнинг азалдан маданияти паст, кўчманчи, боқиманда халқ эканлиги тўғрисида “назария”ларни ишлаб чиқдилар. Бу эса ижтимоий-гуманитар фан дастурларида ўз акси топди. Энг ачинарлиси –биз ўзбек зиёлилари ҳам ўша “назария” ларнинг қулига айландик. Ўқув дастурлари эса асосан рус тарихи ва маданиятига асосига қурилди. Бу биринчи хато эди.

¹⁶Каримов И.А. Жамиятимиз мафқураси халқни-халқ, миллатни-миллат қилишга хизмат этсин. – Тошкент., 1998. – Б. 18.

Иккинчидан, совет мафкуриси ўзбек халқи маданияти тарихини, умуман миллат тарихини сохталаштирди. Гап шундаки, бизнинг тарихимиз амалга урушлар, кўзғолонлар тарихидан иборат этиб кўрсатиди. Халқнинг, миллий зиёлиларнинг минг йиллари давомида яратган бой ва бебаҳо маданият дурдоналарига панжа ортидан қаралди.

Учинчидан, мустабид тузум таълим соҳасида ўзбек миллий маданияти фақат “сарой маданияти” тарзида талқин этилди. Оддий халқнинг маданиятини яратувчанлик кучи инкорэтилди. Совет тузumi йилларида таълим тизимида бу нарсага алоҳида аҳамият берилди. Халқнинг маданиятни яратишдаги ролини кўрмаслик билан эса ўзимиз ўз тарихимиз, маданий-миллий меросимизни инкор этдик.

Тўртинчидан, замонавий мутахассис тайёрлашда уларнинг маданий-бадий жараёнларга муносабатини аниқлашнинг эстетик усули инкор этилди. Бошқача сўз билан айтганда, адабий-бадий, маданий жараёнлар сиёсий нуқтаи назардан баҳоланди. Бундай мезон эса юзлаб, минглаб маҳаллийаллома-ю мутафаккирларни “халқ душмани” сафига тизишга “асос” берди. Совет таълим тизимида маданиятнинг ягона ўлчови унинг сиёсий-мафкуравий доирага мос ёки мос эмаслиги билан ўлчанади.

Бешинчидан, ягона “совет маданияти”ни барпо этиш назарияси юзага келди. Бу эса, ўз навбатида миллий маданиятларни амалда инкор этган ҳолда рус маданияти негизида янгича, “совет маданияти” ни барпо этиш асносида “ривож” топди. Энг ёмони, “совет маданияти” нинг асосини коммунистик мафкура ва синфий дунёқараш ташкил этарди. Айни пайтда, “совет маданияти” нинг мазмун-моҳиятида партиявийлик, синфийлик, большевистик-вульгар ғоявийлик, маданий жараёнларга бир ёқлама нигилистик қараш устувор аҳамият касб этди.

Инновация масаласига алоҳида эътибор беришимизнинг бир неча муҳим сабаблари бор. Биринчидан, бизнинг англашимизча, Президент Ислам Каримовнинг Ўзбекистонни мустақилликка олиб чиқиш ва мустақил тараққий топтириш йўли – “ўзбек модели” беҳад катта ва улкан, узок

муддатли, энг устувор ва оламшумул умуммиллий инновацион лойиха ва дастурамал бўлди. Иккинчидан, инновация, инновацион фаолият ва бозор ҳамда инновацион тизим Ўзбекистоннинг ўз мустақиллиги учун курашда ва тараққиёт йўли – “Ўзбек модели”нинг таркибий қисми йўналишларидан бири сифатида мустақиллик йилларида пайдо бўлди. Учинчидан, маълум бўлганидек, буларнинг ҳар иккаласи – “Ўзбек модели” ва инновация ўзаро узвий боғлиқда дунёга келди. Уларнинг бири иккинчисини мазмунан ва моҳиятан бойитди, жамиятга таъсирчанлигини оширди. Тўртинчидан, “Ўзбек модели” ҳам, инновация ҳам фақат бир буюк мақсадга хизмат қилди ва қилмоқда. Бу Ватан ва миллат мустақил қилиб, такомил топтириш, жамият ривожини, илм-фани ва техника тараққиётини тезлаштиришдан иборат бўлди. Буларни тўла тўқис англаш, масаланинг мазмуни ва моҳиятини янада чуқурроқ ҳис қилиш учун энг аввало, инновация ҳақида алоҳида тўхталишига эҳтиёж туғилмоқда. Чунки, бу мутлақо янги тушунча ва соҳа бўлиб, ҳали тўла-тўқис англанилганича йўқ.

“Ўзбекистон Миллий энциклопедияси”да кўрсатилишича, инновация куйидагича мазмун ва тушунчаларга эга: “Инновация (инглизча *innovations* – киритилган янгилик, ихтиро) 1) техника ва технология авлодларини алмаштиришни таъминлаш учун иқтисодийга сарфланган маблағлар; 2) илмий-техника ютуқлари ва илғор тажрибаларга асосланган техника, технология, бошқариш ва меҳнатни ташкил этиш каби соҳалардаги янгиликлар, шунингдек, уларнинг турли соҳалар ва фаолият доираларида қўлланиши”¹⁷

Бу энциклопедик қисқа маълумот инновацияга умумий таъриф-тавсиф берилган. Асосан табиий фанлар, техника, технология, ишлаб чиқаришларга оид янгиликлар ёки умуман инсоний меҳнат фаолиятлари, янгиланишларига сабабчи бўладиган янгиликлар, янги интеллектуал билим, ғоя, назария ва таълимотлар назарда тутилган. Албатта, булар жумласига ижтимоий гуманитар фанлари, шунингдек, ахлоқ ва эстетика фанлари ва унинг

¹⁷ Ўзбекистон Миллий энциклопедияси. 4-жилд. – Тошкент: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2002. – Б. 169.

методологиясига оид инновация – янгиликлар ҳам кириши ўз-ўзидан маълум. Инновация тушунчаси ва унинг мазмуни ҳам худди фан методологияси каби кенг – умумий ва тор, хусусий характерга эга.

Методология билан инновация ўртасида ўзаро умумжиҳатлик ва мақсад бирлиги мавжуд. Уларнинг ҳар иккаласи ҳам инсоний билимлар такомилли топиши, ишлаб чиқариш ва жамият тараққиётига хизмат қилади. Шунини ҳам айтиш керакки, ҳар қандай инновация ва инновацион лойиҳалар амалга оширилиши, ҳаётга тадбиқ этилишида аниқ бир методологик илмий ғоя, таълимот, назария, усул ва тамойилларга амал қилинсагина, улар рўёбга чиқади. Акс ҳолда, у қуруқ, натижасиз ҳаракат бўлиб, қолади. Албатта, ҳар янгилик, яъни инновация остида янги ғоя ва технология ётади. Мана шу ишлаб чиқариш ёки бирор бир фан учун илмий методологик асос яъни йўл кўрсатувчи, даъват этувчи куч-қувват бўлади.

Методологик асос ва усуллар қанчалик илмий ҳақиқатга яқин бўлса, инновацион лойиҳа шунчалик муваффақият ва самара билан яқун топади. Методология ёки методологик ғоявий-назарий илмий асос, усул ва тамойилларни образли қилиб, ҳар бир инновацион фаолиятнинг компаси ёки дирижёри деб айтсак, биз назарда тутаётган масалани англаш янада осонлашади. Хуллас, методология инновациянинг илмий –назарий асоси. Булар қанчалик ўзаро уйғунликда бир бутун мужассам бўлса, инновациянинг инновационлик мавқеи, даражаси шунчалик юқори бўлади.

Инновация, инновацион тафаккур, инновацион фаолият, инновацион бозор ҳақида ҳали маданиятшунослар бирор мукамал тадқиқот яратгани йўқ. Аммо шу билан бирга, бу соҳа мутлоқ бўм-бўш, қуруқликдан ҳам иборат эмас. Бу соҳага оид кўпгина мақолалар ёзилмоқда. Тарихчи, иқтисодчи ва бошқалар томонидан кўп бўлмасада, маълум даражада қўлланма ва рисола яратилган.

Интерфаол (inter – бу ўзаро, act – ҳаракат қилмоқ) – ўзаро ҳаракат қилмоқ ёки ким биландин суҳбат, мулоқот тартибида бўлишни англатади. Бошқача сўз билан айтганда, ўқитишнинг интерфаол услубиётлари – билиш

ва коммуникатив фаолиятни ташкил этишнинг махсус шакли бўлиб, унда таълим олувчилар билиш жараёнига жалб қилинадиган бўладилар, улар билладиган ва ўйлаётган нарсаларни тушуниш ва фикрлаш имкониятига эга бўладилар. Интерфаол дарсларда ўқитувчининг ўрни қисман талабларнинг фаолиятини дарс мақсадларига эришишга йўналтиришга олиб келади.

Кунлардан бир кун кўл бўйида қорни оч қолган бир киши балиқ тутиб турган донишмандга дуч келибди ва унга мурожаат қилиб: “мен очман, менга ёрдам бер!”. Донишманд куйидагича жавоб берибди: “мен сенга балиқ беришим мумкин, сен тез тўясан ва бироз вақт ўтгач, худди шундай яна оч қоласан ва мендан яна ёрдам сўрайсан. Мен сенга қармоқ беришим мумкин, лекин у қачондир синиб қолиши мумкин, унда сен менга яна мурожаат қилишингга тўғри келади. Яхшиси, мен сенга қармоқ ясашни ўргатаман, бу узоқ ва қийин, лекин кейинчалик сенга менинг ёрдамим керак бўлмайди. Ўз йўлингни танла...”

Юқорида келтирилган ривоятдан келиб чиқадиган хулоса шуки, яхши ўқитувчи талабага “қармоқ ясашни” ўргатиши ва ақлли талаба ясашни қанчалик тез ва мустаҳкам ўрганиб олсалар, улар шунчалик бировларга муҳтож бўлмасдан ўз “овларига” эга бўладилар.

Ўқув жараёнидаги педагогик технология – бу аниқ кетма-кетликдаги яхлит жараён бўлиб, у талабанинг эҳтиёжидан келиб чиққан ҳолда бир мақсадга йўналтирилган, олдиндан пухта лойихалаштирилган ва кафолатланган натижа беришга қаратилган педагогик жараёндир.

Педагогик мақсаднинг амалга ошиши ва кафолатланган натижага эришиш ўқитувчи ва талабанинг ҳамкорлигидаги фаолияти, улар қўйган мақсад, танланган мазмун, услуб, шакл, воситага, яъни технологияга боғлиқ.

Назарий саволлар

1. Мутахассселик фанларини ўқитишда санъат асарларининг замонавий жанр ва кўринишлари
2. Мутахасссислик фанларини ўқитишда янги педагогик технологиялардан фойдаланиш

3. Ўзбекистонда ахлоқий муаммолар уларнинг ривожланиши
4. Ҳозирги босқичда Ўзбекистон эстетик маданияти, умумий ҳолати, муаммолари, уларни ҳал этиш йўллари
5. Жамиятни маънавий ахлоқий ва эстетик маданиятини ривожлантириш жараёнида тарихий хотиранинг ўрни ва муаммолари.

1-илова

Ақлий ҳужум усули

Ақлий ҳужум (брейнстроминг-ақллар тўзони) – амалий ёки илмий муаммолар ечиш ғоясини жавобий юзага келтириш.

Ақлий ҳужум ва масалани ечиш босқичлари

1. Мустақил фикрланг хаёлингизга келган барча ғоя, фикрларни қоғозга ёзинг.
2. Барча ғоя ва фикрларни ёзинг, агар улар такрорланаётган бўлса, махсус белги қўйинг.
3. Ғояларни баҳоланг.
4. Энг мақбул ғоя гуруҳ ғояси сифатида шакллантиради.
5. Барча ёзилган ғоялар гуруҳ муаммосини ечиш учун гуруҳлаштириш мумкин.
6. Гуруҳнинг умумий жавоби шакллантирилади.

«Инсерт» техникасининг қоидалари:

1. Текстни ўқиб чиқинг.
 2. Олинган маълумотни тизимлаштиринг.
 3. Ҳар бир қаторга қалам ёрдамида белгилар қўйинг.
- V** – маълумотлар мавзуга оид билимларимга тўғри келади.
+ – янги маълумотдир.
- – олган билимларимга тўғри келмайди.
? – мени ўйлантириб қўйди, бу масала юзасидан қўшимча маълумотлар керак.

ИНСЕРТ» жадвали

Жавоб V + - ?

вариантл

ари

Таққослаш таблицаси.

Моддий ва маънавий маданиятни таққосланг:

Моддий. Маънавий.

“Бахслашув” технологияси

Тингловчиларнинг ўқув гуруҳларида уларнинг ўзаро муносабатларини янада яхшилаш, бир-бирларига тезлик билан кўникишлари ёки ўзаро бир-бирларини яхши муносабатда бўлишлари учун баъзида улар ўртасида бахслар ташкил этибтуриш мақсадга мувофиқдир. Чунки бундай бахслар тингловчиларни ўз фикрларини чархлаб олишга, ҳаётга ва муаммоларга бўлган муносабатларини аниқлаб олишга катта ёрдам беради. Баҳс мавзуларини тингловчиларнинг ўзлари танлашлари ва таклиф этишлари мумкин. Бу мавзулар уларни баҳсга чорловчи, муаммоли, қизиқарли бўлиши керак, акс ҳолда баҳс давомида тингловчилар ўз фикрларини баён эта олмайдилар ёки ҳимоя қила олмайдилар.

Бахсларни ўтказиш учун тингловчилардан битта ёки иккита баҳс бошқарувчиси белгиланади. Улар баҳсни муҳокама қилиши керак бўлган мавзу ҳақидаги кириш сўзи билан бошлайдилар. Бу технологияни бир неча туркумда олиб бориш мумкин.

1. Маданиятли инсон деб кимни айтса бўлади?

- Инсон маданияти нималардан ташкил топади?

- Маданиятли инсонга тегишли қуйидаги фазилатлардан қайси бирини биринчи ўринга қўйган бўлардингиз(хушмуомалалик, топқирлик, маълумотлилик, нотиқлик)?

- Барча маълумотли инсонларни маданиятли деб атаса бўладими?

- Инсонларнинг сўзлашуви, нутқига қараб, уларнинг маданиятли эканликларини аниқласа бўладими?

- Кийинишига караб маданиятли киши деб ҳисоблаш мумкинми?
- Кимларни маданиятли деса бўлади?
- Сиз ўзингизни маданиятли ҳисоблайсизми?
- Сиз қайси маданият тарафдорисиз? Шарқми ёки Ғарбми?

2. Икки гуруҳга алоҳида савол берилади? Ушбу саволлар “Агарда...” деб бошланади ва бу икки гуруҳни баҳсга чорлайди?

- Агарда Россия халқи 988 йил христиан динини қабул қилмаганида, бу халқ ҳозирги маданиятида қандай ҳолатда бўларди?

“Сценарий” технологияси

Технологиянинг мақсади: тингловчиларда яққа ва жамоавий ижодий фаолият кўникмаларини, шунингдек, ижодий қобилиятларини шакллантириш, турли шаклдаги яққа ва жамоавий ижодий фаолиятни эгаллаш, ўтказиладиган тадбирларни олдиндан режалаштириш, сценарийсини тузиш, ташкил этиш ва ўтказиш бўйича кўникма, малака ҳосил қилиш.

Машғулотни ўтказиш тартиби:

Машғулотни ҳар бир қатнашчиси яққа ҳолда ишлаш учун тайёрлаб келган тарқатма материал (карточка)лардан биттасини танлаб олади. Карточкаларда тингловчилар учун турли хил тадбирларнинг мавзуси берилган бўлиб, улар шу мавзуда ўтказилиши мумкин бўлган тадбир ҳақида яққа ҳолда бош қотиришлари, унинг мазмуни, ўтказилиши тартибининг турли шаклларни аниқлашлар ҳамда шу тадбирнинг режа-сценариясини ишлаб чиқишлари керак.

Машғулотнинг кейинги босқичида тингловчилар ўзлари яққа ҳолда тузган режа-сценариялари кичик гуруҳларга ажраладилар.

Улар ўз ишларининг натижаси билан гуруҳ аъзоларини бирма-бир таништирадидлар, ишлаб чиқилган режа-сценарийларга баҳо берадилар, берилган режа-сценарийларни тўлдириб, тўғрилаб, улар ичидан битта вариантни танлаб оладидлар. Кейин кичик гуруҳлар биргаликда танланган тадбирнинг режа-сценарийсини ишлаб чиқадиладлар.

Вазифаларни бажариш мобайнида гуруҳ аъзолари, якка тартибда ижодий ёндошиб, тайёрланган режа-сценарийларни эътиборга олган ҳолда ҳам улар ичидан танлаб олинган сценарий бўйича тақдимотга тайёрланадилар. Ҳар бир гуруҳ биргаликда тайёрланган сценарийларни ҳимоя қилади. Ҳимоя вақтида гуруҳ аъзолари (ёки гуруҳ вакили) тингловчилар аудиториясининг саволларига жавоб бериши ёки ўз вариантларида қолишлари мумкин. Режа-сценарий лойиҳасининг намойиши схема (ёки томоша) шаклида бўлиши мумкин.

Тақдимот тугагач, тингловчилар ҳимоя қилинган лойиҳаларни биргаликда муҳокама қиладилар ва яқунлайдилар. Ўқитувчи ҳар томонлама яхши, қизиқарли тузилган сценарийларни кейинчалик амалга ошириш учун ташкилотчиларга тавсия этади. Ўқитувчи бажарилган ишлар учун миннатдорчилик билдиради.

«Нима учун» организери

Нима Нима учун? Нима учун?

Нима учун?

Нима учун?

“Блиц-сўров саволлари

1. Шарқ уйғониш даври маданияти уни даврлаштириш масаласи.
2. Шарқ Уйғониш даврида хаттотлик маданияти қай даражада ривож-ланди?
3. Бу йил юртимизда “Маъмун академиясининг неча йиллиги нишонла-нади?”
4. “Яхши одамлар амалга интилиши керакми? Ҳа. У агар интилмаса ёмон одамлар амални эгаллайди”-деган фикр ким томонидан айтилган.
5. Исмоил Сомоний мақбараси қайси шаҳарда жойлашган?
6. “Қутадғу билик” асари ким томонидан ёзилган?

Ўзини-ўзи баҳолаш саволлари

1. “Этика ва эстетика” фанларини ўқитишда қайси услублардан фойдаланса бўлади?
2. “Этика ва эстетика” фанларини ўқитишда қайси педагогик технологиялардан фойдаланиш мумкин?

4. “Этика ва эстетика “ фанларини ўқитиш тизими деганда нималар назарда тутилади?

5. “Этика ва эстетика” фанини ўқитишда қайси ахборот технологиялардан фойдаланиш мумкин?

Электрон таълим ресурслари

1. Soro @museum/samara/ru / Новые подходы обеспечения музея. Концепция развития музейного менеджмента и маркетинга.

2. www.hermitage.ru

3. www.cnac-gp.fr/Pompidou/

4. www.museum.sstu.runnet.ru

5. www.smartweb.fr/louvre

2-мавзу: XXI асрнинг глобал ахлоқий ва эстетик муаммолари: ахлоқий, экологик ахлоқ, этосфера.

XXI асрнинг глобал ахлоқий-эстетик муаммолари. Ахлоқий ва эстетик муҳит – соғлом турмуш тарзининг асоси сифатида. Глобаллашув жараёнларида ахлоқий ва эстетик эҳтиёжнинг юзага келиш сабаблари. Ёшлар маънавий тарбияси, оила инқирози. Комил инсонни тарбиялаш вазифалари. Комилликнинг ахлоқий қирралари **Худбинлик, ҳасад, лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этишнинг аҳамияти.**

Бу ўринда ана шундай салбий хусусиятларнинг энг хунук кўриниши бўлмиш ҳасад тўғрисида тўхталиб ўтиш жоиз деб ўйлайман. Одамзот ва жамият ҳаётида оғир асоратлар қолдирадиган ҳасад туйғуси авваламбор бошқаларни кўролмаслик, уларнинг ютуғидан қувониш ўрнига, қандайдир куйиниш, ичиқоралик оқибатида пайдо бўлади.

Шунинг учун ҳам муқаддас китобларимизда ҳасад инсонийликка мутлақо зид бўлган жирканч одат сифатида қаттиқ қораланади. Жумладан,

муборак ҳадисларда «Бировга ҳасад қилишдан сақланинг, чунки олов ўтинни қандай куйдириб тугатса, ҳасад ҳам қилган савоб ишларингизни худди шундай куйдириб тугатади», деб айтилгани бежиз эмас.

Азал-азалдан очикқўнгил, самимий ва меҳнаткаш, яхшиликни юксак кадрлайдиган халқимиз бундай иллатлардан доимо ҳазар қилиб келади. Лекин, минг афсуски, умр йўлларида ҳасад балосига кўп дуч келамиз. Олис ва яқин тарихимизда не-не буюк зотлар ҳасад ва бахиллик, кўролмаслик туфайли қандай азоб-уқубатларни бошидан кечиргани, соғлиғи, ҳатто ҳаётидан жудо бўлганини аччиқ мисолларда кўриш мумкин.(120-121-бетлар)

Ёш авлодимизни турли маънавий тажовузлардан ҳимоя қилиш ҳақида гапирганда, нафақат халқимизни улуғлайдиган буюк хусусиятлар, айти пайтда унинг ривожланишига салбий таъсир кўрсатган, эски замонлардан қолиб келаётган номаъқул одатлар ҳақида ҳам очик сўз юритишимиз зарур. Биринчи навбатда худбинлик ва лоқайдлик, қариндош-уруғчилик ва маҳаллийчилик, коррупция ва манфаатпарастлик, бошқаларни менсимаслик каби иллатлардан жамиятимизни бутунлай халос этиш тўғрисида ўйлашимиз лозим. Мен бу ўта муҳим вазифа кенг жамоатчилигимизнинг, айниқса, зиёлиларимиз, олим ва адибларимиз, санъат ва маданият аҳли, ўзини маънавият соҳасига бағишлаган барча инсонларнинг доимий диққат марказида бўлишини истардим.(119-120-бетлар)

"Ҳозирги вақтда ахлоқсизликни маданият деб билиш ва аксинча, асл маънавий қадриятларни менсимасдан, эскилик сарқити деб қараш билан боғлиқ ҳолатлар бугунги тараққиётга, инсон ҳаёти, оила муқаддаслиги ва ёшлар тарбиясига катта хавф солмоқда ва кўпчилик бутун жаҳонда бамисоли бало-қазодек тарқалиб бораётган бундай хуружларга қарши курашиш нақадар муҳим эканини англаб олмоқда", — дейди Юртбошимиз, — "Бу ҳақда фикр юритганда, бизнинг улуғ аجدодларимиз ўз даврида комил инсон ҳақида бутун бир ахлоқий мезонлар мажмуини, замонавий тилда айтганда, шарқона ахлоқ кодексини ишлаб чиққанликларини эслаш ўринли, деб биламан. Ота-боболаримизнинг онгу тафаккурида асрлар, минг йиллар

давомида шаклланиб, сайқал топган ор-номус, уят ва андиша, шарму хаё, ибo ва иффат каби юксак ахлокий туйғу ва тушунчалар бу кодекснинг асосий маъно-мазмунини ташкил этади, десак, ўйлайманки, хато қилмаган бўламиз" ("Юксак маънавият - енгилмас куч", Т.: "Маънавият", 2008 й., 117-118-б.).

Маънавий мезонларнинг нисбийлиги яхшилик ва ёмонликнинг турли жамиятларда турлича тушунилиши билан боғлиқ. Маълумки, XX асрнинг иккинчи ярми ва XXI аср бошларида кўпгина Ғарб мамлакатларида маънавий бузғунчилик (пала-партиш жинсий муносабатлар, гиёҳвандлик, никоҳсиз оила, оммавий беҳаё клиплар, ахлоқсизлик, зулм ва зўравонликни тарғиб этувчи фильмлар ва бошқалар) жамият ҳаётининг барча жабҳаларида яққол намоён бўла бошлади. Америкалик япон миллатига мансуб олим Ф. Фукуяма «Буюк узилиш» (2003) асарида Ғарб оғир касалликка йўлиққан, унинг илк аломатлари 1960 йилларда пайдо бўлган, деган хулосага келади. Ф. Фукуяманинг назарида, унинг асосий аломатлари қуйидагиларда намоён бўлади: 1. Жиноятчиликнинг ўсиши. «Жиноятчиликнинг урушдан кейинги тўлқинининг кўтарилиши тахминан 1963 йилларга тўғри келади, ўша вақтдан бери у янада шиддат билан тезлашди». 2. Оила инқирози. «Никоҳ ва болалар туғилиши камайиб кетди; ажралишлар сони кўпайди; АҚШдаги ҳар учта боладан биттаси никоҳсиз туғилмоқда, бутун Скандинавияда эса туғилаётган болаларнинг ярмидан кўпини никоҳсиз туғилганлар ташкил этади". 3. Аҳоли сонининг камайиши (депопуляция). Демографик портлаш муаммоси фақат «Учинчи дунё» мамлакатларига хосдир, айти пайтда «барча ривожланган мамлакатларда умуман қарама-қарши муаммо – улар аҳолисининг қисқариши масаласи кун тартибида турибди», узоқ умр кўриш жамиятнинг нафақахўрлардан иборат бўлиб қолиши ва уларни таъминлаш масаласини келтириб чиқаради. 4. Ижтимоий тарқоқлик – шахснинг ҳаётдан ажралиб қолгани, муносабатларнинг кескинлашуви, кишилар ўртасида ёлғиз яшашга мойиллик кучайиши. Ф. Фукуяма Ғарб жамияти дуч келган касалликнинг сабаблари ҳақида тўхталиб, улар оиланинг инқирозга учрагани билан боғлиқ, деган хулосага келади.

Ғарб жамиятида ахлоқий бузуқликнинг кучайиши, интернет, кабель ТВси орқали беҳаё фильмларнинг намоиш этилишининг салбий асоратлари: гомосексуализм, садизм ва мазохизмнинг тарғиб қилиниши.

Д. Вилкерсоннинг «Хис этиш» китобида Ғарб жамиятида «ахлоқий бузуқликнинг кучайиши», кабель ТВси орқали беҳаё фильмларнинг намоиш этилиши, гомосексуализм, садизм ва мазохизмнинг тарғиб қилиниши тобора кенг ўрин олаётгани таъкидланади. Буларнинг барчаси, аввало, ёшларнинг дунёқараши, ахлоқ-одоби, маънавиятига салбий таъсир этиши шубҳасиз. Ғарб оммавий маданияти, ғарбона қараш, ғайриахлоқий хатти-ҳаракатларни тарғиб этишда йирик кинокорпорациялар, хусусан, Голливуднинг ҳам "хизматлари" йўқ эмас, албатта. Президентимиз Ислом Каримов "оммавий маданият" ниқоби остида бизнинг юртимизга ҳам кириб келаётган бундай хавф-хатарлардан доимо огохлантириб келади.

Аморализм ва имморализм ғоялари.

Аморализм (аморализм - лот, *a* - йўқ, *moralis*-ахлоқ) — маънавий ҳаёт ва шахслараро муносабатда ахлоқ меъёрларининг бузилиши ҳамда уларни инкор этиш, умумэътироф этилган хулқ-атвор мезонларига эътиборсизлик ва уларга енгил-елпи муносабатда бўлиш. Амалиётда *аморализм* алоҳида бир шахснинг маънавий етук эмаслиги ёки жамиятдаги муайян кишиларни маънавий тубанликка олиб келувчи ижтимоий ҳолатлар билан ҳам боғлиқ бўлиши мумкин. Аморализмнинг тарихи қадимдан бошланган, унинг индивидуал, гуруҳларга хос ва ижтимоий шакллари маълум. Якка шахсга мансуб аморализм бир кишининг ахлоқий бузилиши, унинг хулқ-атворидаги жиддий камчиликлар мажмуи тарзида намоён бўлади. Гуруҳларга хос аморализм эса жамиятнинг бирон-бир қатлами, ижтимоий ҳаракат аъзолари орасида кенг тарқалган иллат (бойликка ружу қўйиш, жамоавий бузғунчилик, наркомания, алкоголизм, фоҳишалик ва фоҳишабозлик ҳамда бошқалар) тарзида кўзга ташланади. Ижтимоий аморализм у ёки бу тарздаги маънавий бузилишнинг бутун жамиятни қамраб олиши ёки уни мажбурлаш тамойилларининг зурлик билан амалга оширилиши (масалан, атеизм, фашизм, экстремизм, терроризм

ғояларининг зўрлик билан ёйилиши, одамларни шу йўлларга ўтишга оммавий мажбурлаш ёки қадимги Помпейдаги оммавий маънавий бузилиш ҳолати) тарзида содир бўлади. Аморализмнинг сиёсий, иқтисодий, маданий, маънавий шакллари ҳам мавжуд. XIX аср ўрталарида Ғарбда анъанавий маданиятнинг инқирози даврида аморализмнинг бошқача шакли — имморализм ғоялари ривожлана бошлаган. Бу ғояларнинг мазмуни шуки, уларда маънавийликнинг тўла сиёсий мақсадларга бўйсундирилиши лозимлиги уқтирилади. Аморализмнинг ўта шафқатсиз, инсонийликка зид, ёвуз шакли фашизм ғояси ва амалиётида ўз ифодасини топди. Бунинг энг асосий кўриниши шахсга (фюрер)га сиғинишдир.

Бу сиғинишда ҳар қандай виждоний мезонлар рад этилади. Тарихий жараёнлар шундан далолат берадики, жамиятда инсонга муҳаббат, ҳурмат, виждон, ахлоқийлик мезонлари бузилиши аморализмга олиб келади. Шу сабабдан унга ва унинг турли кўринишларига қарши кураш таълим-тарбияда муҳим аҳамиятга эга. Аморализм кишиларнинг маънавий бузилиш оқибатида шаклланадиган, расман тан олинган ёки амалда мавжуд бўлган ахлоқ меъёрлари, баҳолар, анъаналар, хулқ-атвор намуналари тизимига мос келмайдиган хатти-харакати, хулқидир. Аморализмни белгилаш мезонлари мутлақ ёки нисбий бўлиши мумкин. Айрим шахс ёки гуруҳларнинг умуминсоний маънавият меъёрларига мос келмайдиган хатти-харакати ва хулқи том маънода ғайри ахлоқий деб баҳоланади. Ёлғон сўзлама», «ота-онангни хўрлама», «зўравонлик қилма», «бировнинг жонига қасд этма», «ўғрилиқ қилма», «бошқаларга ёмонликни соғинма» каби оддий ахлоқий мезонлар инсоният томонидан асрлар мобайнида асраб-авайлаб келинган, вақт синовидан ўтган ва умумэътироф этилган.

Бир болага етти маҳалла ота-она, деган кўҳна мақолимиз бор. Демак ҳар биримиз шу Ватан, шу юрт учун, унинг мусаффо эртаси учун масъулмиз. Донолардан бири “бепарволик туфайли дунёда хиёнат ва қотилликлар мавжуд” деган эди. Юртбошимиз ҳам ўзларининг “Юксак маънавият – енгилмас куч” асарида бу ҳақда шундай ёзадилар: **“Мен ҳар қандай**

ёвузликни сотқинликдан кўраман. Эзгулик ва ҳақиқатга садоқати бўлмаган, уларга ишонмаган одам кўрқинчлидир”. Ёнидаги беморга эътиборли бўлиш, хайр-саховатни унутмаган, ота-онаси, аجدодлари қабрини зиёрат қиладиган одам эзгуликни касб қилган одамдир. Фарзандларимизга эзгулик сифатларини юқтирмасак, аجدодларимизнинг бу борадаги олийжаноблигини айтиб турмасак, улар лоқайд ва бепарво бўлиб кетавериши мумкин.

Дауншифтинг

Дауншифтинг ([ингл. downshifting](#), автомобил тезлигини пасайтириш, у ёки бу жараёни секинлаштириш, сустлаштириш). Термин «ўзи учун яшаш», “бошқалар билан боғлиқ мақсадларни рад этиш” фалсафасининг мақсадини ифодалайди.

Дауншифтерлар жамият томонидан қабул қилинган кадриятлардан юз ўгирган, умум манфаатларидан, жамият фаровонлиги, тинчлиги каби кадриятлар учун меҳнат қилиш ўрнига ўзи учун яшашни устун кўяди.

Бошқача қилиб айтганда дауншифтинг бу — доимо бир томондан даромад билан стресс, иккинчи томондан – кам зўриқиш эвазига эришиладиган ҳаловат ўртасидаги танловдан иборат. Дауншифтерлар бизнес ёки зўриқтирадиган, асабийлаштирадиган ишни ташлаб, ўзи ёки оилавий ҳаёт учун кўпроқ вақтга эга бўлишни афзал кўришади.

Дауншифтинг мафкураси ва тушунчаси [XX—XXI](#) асрларда Фарбий Европада пайдо бўлди. Кейинчалик Россияга кириб келди. Ҳозирги кунда Россияда дауншифтерлар ҳамжамияти фаолият юритмоқда. Мафкуравий жиҳатдан [хиппига](#), фалсафий жиҳатдан [Нью-эйж](#), [буддизмга яқин оқим бўлиб ҳисобланади](#).

Дауншифтинг вакиллари ўзларини “истеъмол жамияти” идеалларига қарши протест билан чиқувчилар деб биладилар. “Истеъмол жамияти”ни инсонни шахс сифатида ривожланишига қарши туришда – “одамнинг одамийликдан бегоналаштиришда” айблайдилар.

«Даунишфтинг» тушунчаси биринчи марта 1994 йили нью-йоркдаги Trends Research Institute наширида пайдо бўлди. Кейинчалик у Буюк Британияда, Австралияда ва АҚШда кенг тарқалиб кетди.

Тарихда айрим кишиларнинг ўз маънавий камолотлари йўлида каръерадан, ижтимоий статусдан, бойликдан воз кечганлигига мисоллар кўп учрайди. Мисол учун бундан 2500 йил илгари Шакья - Муни уруғи вакили шахзода Сиддхартха Гаутама ([Будда](#)), монахлик учун ўз уйи, оиласи, мероси, мулкидан воз кечиб, азоблардан қутулиш йўллариини ўрганишга ўзини бағишлаган.

1. Мамлакатимизда ҳуқуқий-демократик давлат пойдеворига курилаётган фуқаролик жамияти асоси, истиқболи ва тараққиётини соғлом фарзандлар ва комил инсонлар ташкил этадики, бу айниқса бугунги кунимизнинг долзарб масаласи сифатида бир қатор вазифаларни ҳал этиш билан боғлиқ жараён дир. Юртбошимиз томонидан 2014 йил “Соғлом бола” йили деб ном берилиши авваламбор, болаларимизнинг соғлиғи, уларнинг келажаги ҳақида кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликнинг амалий ифодасидир. “Бизнинг вазифамиз, керак бўлса, олий бурчимиз,- деб таъкидлайди И.А.Каримов, -фарзандларимиз ҳам жисмоний, ҳам маънавий жиҳатдан уйғун ривожланган, замонавий билим ва тажрибаларни пухта эгаллаган, Ватанимиз ва халқимиз келажаги учун масъулиятни ўз зиммасига олишга қодир бўлган баркамол инсонлар бўлиб етиши учун кўлимиздан келган барча-барча ишларни амалга оширишдан иборат”.¹⁸

Мамлакатимизда баркамол авлодни тарбиялаш вазифасини амалга оширишдаги ислохотлар соғлом болани шакллантириш билан боғлиқ жараён бўлиб, бунда оила институти унинг илк маънавий ўчоғи вазифасини ўтайди. Шунга кўра соғлом оила соғлом болаларнинг дунёга келиши ва комил инсонлар шаклланишининг асосидир. Соғлом деганда нафақат жисмоний

¹⁸ И.А.Каримов. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан риволаниш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислохотлар стратегиясини изчил давом эттриш йили бўлади. “Зарафшон” газетаси, 2014 й, 3- бет.

соғломлик, балки маънавий-ахлоқий шаклланганлик, етуклик, ақлан теранлик, соғлом фикрлилик ва мафкуравий иммунитетининг мавжудлиги назарда тутилмоғи лозим. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, соғлом оилани шакллантирмай, соғлом болани ҳам тарбиялаб бўлмайди.

Миллий тараққиётимизнинг муҳим омили сифатида кадриятларимизнинг истехкоми бўлган оила тизими бугунги глобаллашув жараёнида мафкуравий таҳдидларнинг асосий нишони бўлиб қолмоқда. Таҳдидларнинг хавфи шундаки, улар “шахс эркинлиги”, “демократия”, “инсон ҳуқуқи” ниқоби остида оилавий кадриятларимизга мутлақо ёт ахлоқсизлик фалсафасини ёшларимизнинг дунёкараши, эътиқодига сингдиришга ҳаракат қилмоқдалар.

Кишиларни, айниқса, ёшларни ўзига оҳанграбодек жалб этадиган “оммавий маданият” ушбу мақсаднинг воситаси бўлиб хизмат қилади. Мазкур “маданият” ўсмирларнинг шахвоний ҳис-туйғуларини жунбушга келтирадиган ва шу орқали уларни миллий ғурур, ватанпарварлик туйғуларидан мосуво қилиб, рухий гиёҳвандларга айлантиришга, никоҳ, оила деган муқаддас маскан моҳиятига қарши қаратилган индивидуализм, эгоизм руҳиятидаги мафкуравий оғудир. Бундай оғудан хасталанган кимсалар эса оила, никоҳнинг муқаддаслиги, севги-муҳаббат, вафо ва садоқат, фарзанд, масъулият, бурч тушунчаларининг кадр қимматини унитадилар.

Сўнги йилларда бир қатор Ғарб мамлакатларида сурункали кечаётган маънавий инқироз, энг аввало, оила тизимининг ахлоқий жиҳатларига дарз кетганлиги билан изоҳланади. Америкалик таниқли сиёсатшунос, социолог Патрик Бьюкенен “Ғарбнинг ҳалокати” номли асарида оила ижтимоий институтининг таназзули боис ривожланган Ғарб мамлакатларида, шу жумладан, ўз юртида туғилишнинг йил сайин камайиб бораётганлиги ҳақида ташвишланиб, қуйидаги фактларни келтиради: агар 1970 йилда АҚШда 523 минг киши оиласиз (никоҳсиз) яшаган бўлса, 2000 йилга келиб

бундайларнинг сони 6,5 миллионгача етган, яъни 1000 (!) фоизга ошган.¹⁹

Агар оила тизими инқирози билан боғлиқ ушбу жараён шундай давом этса, келажакда фарзандларимизнинг маънавий-ахлоқий тарбиясида ҳам глобал муаммолар юзага келади.²⁰ АҚШ ва Ғарб мамлакатларидаги оила инқирозининг асосий сабабларидан бири шундаки, унинг ахлоқий жиҳати айтиш жоиз бўлса, “шахс эркинлиги” оёғи остида топталганлигидир. Ахир инсоннинг биологик мавжудот сифатидаги ғайриахлоқий истак, майллари қуюшқондан ташқаридаги эркинлиги қонун йўли билан ҳимоя қилинади, рағбатлантирилади. Масалан, АҚШнинг Вермонт штати қонун ижодкорлари бир жинслилар никоҳини қонунийлаштиришга эришадилар ва бу қарор Сенатда ҳам қўллаб-қувватланган. Бу бугунги кунда 12 та давлатда қўллаб қувватланган.

XX асрнинг охирларида молекуляр биология, генетика соҳасида эришилган ютуқлар таъсирида Ғарбда янги йўналишдаги либерал евгеника ғояси қайта тикланади.²¹ Евгеника (юнон. engines-зотдор) – бу инсоннинг ирсий соғломлиги, уни табиий – биологик жиҳатдан мукамаллаштиришга таъсир кўрсатиш ҳақидаги таълимот бўлиб, бунда унинг маънавий–ахлоқий мавжудот эканлиги инобатга олинмайди. Янги йўналишдаги евгеника, гарчи генотерапияси, яъни аномал генларни “тўғрилаш” га қаратилган бўлса–да, лекин ушбу амалиётнинг ахлоқий жиҳатлари эътибордан четда қолдирилади.

Соғлом бола соғлом оилада шаклланиб унинг муҳим шартлардан бири бу никоҳдир. Никоҳ, оилавий мулк ва фарзандлар тарбияси оила тизимининг таркибий қисмлари бўлиб, уларнинг ўзаро уйғунликда амал қилиши ушбу тизимнинг маънавий – ахлоқий мақомини белгилайди.

Никоҳ – бу эркак ва аёл жинсининг эр-хотин бўлиб умрлари давомида бир-бирига вафодорликда яшашлари ҳақидаги қасамёди ва унга берилган фатводир. Ва бундай қасамёд ва фатво ҳуқуқий мажбурият ҳамда ихтиёр эркинлиги бўлган ахлоқий тамойили муҳаббат ва вафодорлик бирлиги,

¹⁹ Қаранг: Бьюкенен П.Ж. Ғарбнинг ҳалокати. // “Жаҳон адабиёти” журналы, 2007- йил, 1-сон, 16-бет.

²⁰ Ўша жойда.

²¹ Дастлаб “евгеника” атамаси инглиз антропологи Ф.Гальтон (1822-1911) томонидан қўлланилган бўлиб, унинг бу ҳақидаги фикрлари “Инсон қобилиятининг тадқиқоти” асарида баён этилади.

муштараклигига асосланади.

Аввал-азалдан турли миллат ва элатлар, буюк файласуф ва доно инсонлар томонидан никоҳ муқаддас деб ҳисоблаб келинган, ундан туғилажак фарзандлар мамлакат келажаги сифатида қайғуришга чорлаган. Юнон файласуфи Афлотун оила муаммоларини ҳуқуқий жиҳатлари билан бирга маънавий ва ахлоқий жиҳатларини асослаб ”Авлодлар энг оқил ота-онадан туғилишлари зарур... бутун умр давомида ҳам ва асосан туғиш вақти келганида эҳтиёт бўлиш ва ихтиёрий равишда зарар келтирувчи, беҳаё ва адолатсиз ишлар қилмаслик керак. Чунки буларнинг ҳаммаси боланинг дили(руҳи) ва баданига муҳрланиб қолади ва болалар ёмон бўлиб туғиладилар”²² деб таъкидлар экан, соғлом бола соғлом оиладан шаклланишига боғлиқлиги ва у мамлакат, миллат келажаги эканлигини алоҳида уқтиради.

Шунингдек, кадриятларимиз қонунларида халқимиз ота-онанинг ўғил-қизларини эл-юрт учун муносиб қилиб вояга етказиш, тарбиялашни азалий удум деб билганлар. Бу халқимизнинг миллий кадриятлари ва диний урф-одатларида намоён бўлиб, бугунги кунда мамлакатизда олиб борилаётган туб ислоҳотларида ҳам ўз аксини топмоқда.

Соғлом бола тарбияси ва масъулиятида оила маънавий- ахлоқий маскан сифатида мамлакатимизда ўзига хос моделдаги ҳуқуқий-демократик давлат ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришнинг асосий омили сифатида белгиловчи рол ўйнайди. Чунки давлат ва жамият, шахс ўртасидаги муносабатлар ҳуқуқий ва ахлоқий норма, қонун, қоида ва тамойилларнинг ўзаро бирликда амал қилиши орқали уйғунлашади. Мазкур уйғунликка эса, асосан, соғлом оилада шаклланидиган маънавий-ахлоқий макон муҳитида эришилади.

Бу эса бугунги кунда соғлом бола тарбиясини ҳал этишда соғлом муҳитда шаклланиган оилани маънавий шакллантириш ва уни мафкуравий таҳдидлар, хусусан, “оммавий маданият” хуружига қарши туриш, курашиш

²² Афлотун. Қонунлар. Тошкент., 2008й, 191- 192 бетлар.

йўналишида олиб боришни талаб этади.

Ушбу вазифани амалга оширишнинг зарурий шарти—бу ахлоқий, эстетик ва ҳуқуқий тарбияни уйғуликда олиб бориш ва бунда ота—оналарнинг ўз фарзандларини вояга етказиш, тарбиялашга бўлган маънавий- ахлоқий ва конституциявий бурчи олдидаги масъулиятини оширишдир.

XXI аср бошида ҳам замонавий тадқиқотчилар худди шундай ходисаларни қайд этиб келмоқдалар. “Замонавий мойилликлар кумулятив тусга эга ва маданият ҳамда унинг асослари моҳиятига таъсир этган қатор ўзгаришлар келтириб чиқардилар. Шулардан асосийлари: маданиятнинг тижоратлашуви, демократлашув, ҳам илм-фан, ҳам техника соҳасида чегаралар мавҳумлашуви, – шунингдек асосий эътиборнинг моҳиятдан жараёнга кўчиши ва ҳ.к.”.

Фаннинг оммавий маданиятга муносабати ҳам ўзгариб бормоқда. Карл Ясперс оммавий маданиятни “санъат моҳиятининг тушкунлиги, инқирози” деб атаган бўлса, бу каби қарашлар 1960-1970 йиллар постмодернизм доирасида қайта кўриб чиқилиб, у кўплаб тадқиқотчилар учун оммавий маданият ва сайланма маданият қарама-қаршилигига чек қўйди.

Истеъмолчилик психологияси. Бойликни кўз-кўз қилиш.

Бойликни кўз-кўз қилиш (кийган кийимларини, еган овқатини кўз-кўз қилиш, уйини, бойлигини кўз-кўз қилиш) — исрофгарчилик, ортиқча сарф-харажат орқали ўз бойлигини, даромадини намойиш қилиш. Буни жамиятда ўз обрўга эришиш ва уни сақлаб туриш воситаси деб билиш. Инглиз тилида «*keeping up with the Joneses*» («бировдан кам бўлмаслик») ибораси ишлатилади. Яна бир ибора - *Invidious consumption*, одамларда ҳасадини келтириш учун, деган маънода қўлланилади.

Тушунча иқтисодчи ва социолог [Торстейн Веблен](#)нинг “Бойлар синфи назарияси”(Нью Йорк, 1994 й.) китобида илк бор қўлланилган. Веблен бу тушунчани 19 асрда, Иккинчи саноат инқилоби даврида ўз қўлларига катта

капитални тўплаб, бошқалардан бойиб, ажралган [нужоришлар](#)нинг хулқ-атворини ифодалаш учун ишлатган.

20 асрга келиб, одамларнинг турмуш даражаси кўтарилиб, ўрта синф юзага келгач, термин харид қилинган товарларни ишлатиш учун эмас, балки ўз обрўсини, статусини кўрсатиб қўйиш учун харид қилишга ишлатила бошланди. Кейинчалик бу тушунча салбий одат, гедонизм маъноларига кўшиб ишлатила бошланди.

Тадқиқотлар бу ҳодисанинг ривожланаётган мамлакатларнинг камбағал тоифалари орасида кўп учрашини кўрсатган. Қимматбаҳо нарсаларни намойишкорона сотиб олиш уларни одамлар назарида камбағал, даромади кам, деган қарашдан халос қилади, деб ўйлашган. Бу фикрни 1998 йил чоп этилган «Менинг қўшим — миллионер» (англ. «*The Millionaire Next Door*») китоби ҳам тасдиқлайди. Унда бой америкаликлар тежамкор ва камтарона турмуш кечириши тасвирланади.

1950-йилларга келиб АҚШда катта иморатлар куриш ва сотиб олиш одати пайдо бўлди. Уйлар ҳажми 50 йилда икки баравар катталашди. Ўша даврга келиб кудратли жипларни сотиб олиш эпидемияси бошланди. Бу ҳам кўрғазмали истеъмолнинг рамзига айланди. Одамлар жуда катта иморатларни(иморат ёнидаги майдонни камайиши учун қўшимча пул тўлаб) сотиб ола бошладилар. Ишдан уйгача 2 соатлик масофа бўлса-да, қасрларни сотиб ола бошладилар.

Бойликни кўз-кўз қилиш – “бошқаларга ўхшамаслик учун тўлов” шаклини олди.

Дик Мейер [CBS News](#) кўрсатувида **Бойликни кўз-кўз қилиш**ни одамлардан ажралиб, фаол алоқа, муносабатдан ажралиб қолганлик учун жамиятга қарши “агрессив мақтанчоқлик, кўз кўз қилиш” (англ. «aggressive ostentation») деб атаган.

“ОММАВИЙ МАДАНИЯТ” – поп-маданият – мазкур жамиятда аҳолининг кенг қатламлари орасида ёйилиб, устувор бўлган маданият. У ўз

ичига маиший ҳаёт, қизиқишлар (спорт, поп-музыка), оммавий ахборот воситалари кабиларни олади. Оммавий маданият моҳиятига кўра аҳоли аксарият қисмининг ҳаётини ташкил этган воқеа-ҳодисалар, интилишлар ва эҳтиёжлар билан тўлиб тошган. Оммавий маданият ўз номи билан омма, яъни кўпчилик эҳтиёжига мўлжалланган бўлиб, бу шакл ва мазмун стандартлашганлиги, шунингдек тижорат нуқтаи назаридан муваффақиятга қаратилганликни тақозо этади.

Моҳияти:

- Анъанавий маданият
- XVIII ва XIX асрларда оммавий маданият
- XX аср

Анъанавий маданият

Эртақлар, ривоятлар, қаҳрамонлар образлари ва бошқа шу каби ҳодисалар анъанавий маданият таркибидан ўрин олиб, уларда кўп миқдордаги одамлар ҳаётидаги йирик воқеа-ҳодисалар тўғрисидаги хотира ва тўқима бирикиб кетади. Кўпинча халқ маданияти намуналари ҳаётий донолик намуналарини акс эттириб, у муайян-тарихий шароитларда ўз тасдиғини топади ва авлоддан-авлодга ҳикоялар, ривоятлар тарзида ўтиб келаверади. Аксарият ҳолларда уларда ҳақиқатда бўлиб ўтган воқеалар эмас, балки одамлар ўртасидаги ижтимоий муносабатлар акс этиб, ҳикоя қилувчи тасаввурининг бойлигига боғлиқ равишда тўлдирилиб, уларнинг яхшилик ва ёмонликка, идеал жамиятга оид тушунчаси билан бойитиб борилади.

Шунингдек, кино ва рассомлик санъат турлари ҳам ютуқлару-камчилик гирдобиди турибди. Бу соҳаларда актёр ва ижодкорларга эътироз йўқ. Аммо, матн ва режиссурада, сюжетда эътироз бор. Иккита савол туғилади: кўпчилик эътиборига ва эътирофига сазовор бўладиган фильм нега яратилмаяпти? Қайси картинамиз дунё миқёсида эътироф этилди?

Келтирилган мулоҳазалардан маълум бўладики, музыка, кўшиқчилик, кино ва рассомлик санъатларимизга оид муоаммоларни ўз вақтида ва тезкор

равишда ҳал қилишимиз лозим бўлади. Бу билан ёшларимизга чинакам маънодаги санъат намуналарини тақдим эта оламиз.

Баркамол авлод тарбиясида санъатнинг ўрни масаласи ҳақида гапирганда бир неча масалага эътибор беришимиз лозим бўлади. Бизнинг назаримизда, уларнинг энг муҳимлари қуйидагилардан иброат:

1. Санъатимизни миллий ғоя руҳида ривожлантириш. Унга кўра, санъат асраларимизда Юрт тинчлиги, Ватан равнақи ва Халқ фаровонлигига йўналтирилган руҳ устувор бўлиши керак. Аслида тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик ғоялари асос бўлмаган санъат асари инсон ривожига хизмат қилмайди.

2. Санъатимиз миллий меросини кенг кўламда тарғиб қилиш. Бу борада илмий ва амалий ҳаракатлар уйғун олиб борилиши керак. Сир эмас, санъатимиз миллий меросини бармоқ билан санарли кишилар чуқур билишига даъвогарлик қилишади ва қизиғи шундаки, ўз билганларини ёшларга ўргатишга у қадар шошилишмайди. Санъатимизнинг миллий мероси (мумтоз қисми)ни кенг оммалаштиришимиз лозим.

3. Жаҳон санъатининг илғор намуналарини ўрганиш. Бу иш бугунги стихияли кечмоқда. Жаҳон санъатининг илғор намуналарини ўрганиш методологияси ишлаб чиқилмагани учун, кўпчилик, айниқса ёшлар уни ўз билганича ўрганмоқда. Натижада дидсиз ва паст савияли санъат намуналари кириб келмоқда.

Маълум бўладики, баркамол авлод тарбиясида санъатдан унумли фойдаланиш учун кенг кўламли ва мақсадли дастурга эга бўлишимиз керак.

“Оммавий маданият” ва мусиқа.

Баркамол авлод тарбиясида санъатнинг ўрни беқиёс. Бугунги кунда санъатнинг турлари кенг кўламлиги билан диққатни тортади. Айни пайтда, улар орасида **мусиқа, кўшиқчилик, кино ва рассомчилик** санъаткорларининг ёшларни кўпроқ жалб этаётганлиги реал ҳодисага айланди. Бу санъат турлари ёш авлодга маънавий завқ бериш билан бирга, уларни юксак мақсадлар сари йўналтириш вазифасини ҳам ўтамоқда.

Кузатишлар шуни кўрсатадики, аксарият ёшлар бўш вақтларини музика ва кўшиқ тинглаш билан ўтказишади. Салмоқли қисми эса янги филмларни томоша қилиш ёки турли ижодий ишларни бажариш билан бўш вақтларини ўтказишади. Бу ҳол икки хулосани беради: 1) ёшларимизнинг санъатга қизиқиши ва ундан руҳланиши талаб даражасида; 2) ёшларга тақдим қилинаётган санъат асарларининг савияси юксак даражадами?! Шу маънода яратилаётган санъат асарларининг савияси барчамизнинг диққат марказимизда бўлиши табиий ҳолдир.

Кейинги йилларда ёшларимизни нисбатан кўпроқ ўзига жалб этаётган санъат тури-бу албатта, музикадир. Улар мумтоз, миллий эстрада ва жаҳон музикаий меросидан баҳраманд бўлмоқда. Бироқ, ёшларнинг замонавий ва миллий эстрада музикага кўпроқ қизиқтираётганлиги сир эмас. Мазкур масала музика мутахассисидан тортиб, баркамол авлод тарбияси билан шуғулланувчи кенг жамоатчиликни ҳушёр тортириши табиий ҳол. Негаки, миллий эстрада ва замонавий жаҳон эстрада музикачилигида янгилинишлар жараёни кечмоқда. Бу янгилинишлар жаҳон халқлари музика меросидан унумли фойдаланиш билан бирга, баъзида манипуляция руҳидаги “музика”ларни ҳам тақдим қилишга уринмоқда. Музика аталмиш курама оҳанглар мажмуасидан иборат шовқин ёшлар онгини манипуляция қилади. Бунинг натижасида ёшларнинг онги, эстетик диди ва руҳи сусайиб, музикадан чинакам маънода завқланиш ва руҳланиш ҳисси йўқолади.

Бундай фикрларни кўшиқчилик санъати ҳақида ҳам айтиш мумкин. Ҳозирги миллий эстрада кўшиқчилик санъатимиз кенг кўламда ривожланиб бораётгани ҳолда, миллий минталитетимизга ёт бўлган йўналишлар ҳам кириб келаётгани ҳам мутахассисларни ҳаяжонлантирмоқда. Масалан, шахсан мен “реппер”ни замонавий эстрада кўшиқчилик санъат тури эканлигига ишонмайман.

Гедонизм. (*қадимги юнон, hedone – “завқланиш”, “роҳатланиш”*) — инсоннинг бутун ҳаёт мазмуни роҳатланишдан иборат, деган ғояни ифода этадиган тушунча. *Гедонизмга* биноан роҳатланишга интилиш инсоннинг

табий эҳтиёжи, ҳаётининг асосий ҳаракатлантирувчи кучидир. *Гедонизм* таълимотининг асосчиси Сукротнинг замондоши Аристиппдир (э.ав. 435—355 й.й.). Аристипп инсон руҳининг икки ҳолатини — роҳатланиш ва оғриқни фарқлайди. Биринчисига юмшоқлик ва майинлик хос бўлса, иккинчиси қўпол ва руҳиятнинг кучли силкинишларидан иборатдир. Аристипп фикрича, инсон оғриқдан қочиши ва иложи борича роҳатланишга интилиши оқибатида бахтга эришиши мумкин, жисмоний эҳтиёжларни қондириш эса инсон ҳаётининг мазмун-моҳиятини ташкил этади. Бу таълимотга биноан, ҳузурҳаловат, роҳатланиш бахш этмайдиган ҳаракатга эътибор қаратиш ва куч сарфлаш арзимайди. Дарҳақиқат, тушунча инсон ҳаётини роҳатланиш ва танага завқ бериш сифатида талқин этиш маълум асосга эга. Роҳатланиш бир қанча омиллар орқали ҳис этилиши ва моҳияти жиҳатдан турлича бўлиши мумкин: а) шахснинг ўз устида ишлаш натижасида бирон-бир нуқсонни бартараф этиши; б) бировнинг тазйиқи ва таъсиридан қутулиш; в) бирон-бир эзгу ишни амалга ошириш орқали инсоннинг юксаклигини намоён қилиш; г) ўз-ўзини ифода этиш. Роҳатланиш инсоннинг жисмоний ёки руҳий зўриқиш ҳолатининг мўътадиллашуви, зарур ҳаётий функцияларининг тикланишида ифодаланади. *Гедонизм* роҳатланишнинг айнан ана шу талқини негизида кейинчалик юзага келади. *Гедонизм*нинг моҳияти йиллар давомида ўзгариб ва ривожланиб борган. Натижада *гедонизм* ҳақидаги барча маълумотлар психологик ва ахлоқий этик *гедонизм*га ажратилган. *Гедонизм*нинг психологик талқинида инсонни ҳаракатга ундовчи асосий куч бу — завқланиш ва роҳатланишга интилиш, дея эътироф этилади. Ахлоқий-этик *гедонизм* эса, инсон ўзининг ёки ўзга кишиларнинг роҳатланиши учун яшаши керак, деган ғояни тарғиб этувчи турли хил фалсафий ёндашувларни ўзида мужассамлаштирган. Масалан, *гедонизм*ни роҳатланиш сифатида тарғиб этувчи ёндашувлардан бирининг асосчиси Эпикур инсоннинг ётсирашдан ва жирканишдан халос бўлиши бу хоҳиш истакларни қондириш дея талқин этади. Бу ёндашувда инсон эҳтиёжларининг қондирилиши эмас, балки азоб ва бахтсизликдан халос бўлиш мақсади ифода этилган. Инсон ҳаётини

гедонистик ёндашув асосида талқин қилиш фалсафа тарихида марказий масалалардан бири бўлиб келган ва кўплаб файласуф-мутафаккирлар ижодида ўзига хос тарзда ифода этилган. Франция файласуфи И. Бентаминг ёзишича, «Табиат инсонни икки асосий борлиқ: азоб ва роҳат гирдобига туширган. Улар бугун биз нима қилишимиз ва эртага нима билан шуғулланишимизни белгилаб беради. Ҳатто ҳақиқат ва ёлғон, сабаб ва оқибат мезонлари ҳам ана шу икки асосий негизга таянади». *Гедонизм* таълимотида инсоннинг майл ва эҳтиёжлари жамиятда ўрнатилган ижтимоий меъёрларга қарама-қарши қўйилади, инсон эркинлигини чекловчи ва унинг ўзига хос хусуятларини намойиш этишга тўсқинлик қилувчи ҳар қандай ижтимоий шарт ва меъёрлар инкор этилади. *Гедонизм* таълимотининг ижобий жиҳати шундаки, у ўрта асрлар фалсафасида диний догматизмга, ахлоқни соф-диний талқин этилишига қарши чиққан эди. Ҳозирги даврда ҳам инсоннинг ҳаёт мазмуни шахсий эҳтиёжларни қондиришдангина иборат, деган ғояни ёқлаб чиқадиганлар оз эмас. Улар фақат шахсий эҳтиёжларни қондириш ҳаётининг мазмуни деб билади ва бу йўлда мавжуд ижтимоий қонун-қоидаларга беписандлик билан қараш, ҳатто уларни инкор этишгача боради. Замонавий гедонистларнинг «Ишлагинг келмаса — ишлама, энг яхши нарсага эга бўлмоқчимисан, уни қўлга кирит» шиори уларнинг ҳаёт мазмунига айланган. Бундай қарашларнинг маънавий қадриятларга зид жиҳати шундаки, гедонистлар ҳар қандай йўл билан роҳатланишга эришади, бу йўлда бошқалар манфаатини суиистеъмол қилади, жамият талабларини назар-писанд қилмайди, умрини айш-ишрат билан ўтказишга интилади. Айниқса, катта шаҳарларнинг пайдо бўлиши ва уларга хос бўлган турмуш тарзи гедонистик қарашларнинг кенг тарқалишига имкон яратади. Айрим олимлар *гедонизм*нинг моҳиятини инсоннинг жинсий майллари билан боғлиқ ҳолда талқин этишга интилади. Уларнинг назарида, жинсий роҳатланиш асосида юзага келадиган ҳиссиётлар жинсий майлни янада кучлироқ қондиришга ундайди ва шу тариқа асосий эътибор фақат роҳатланишга, лаззатланишга қаратилади.

ШАҲВАТПАРАСТЛИК ВА ЗЎРАВОНЛИК – ибора, мафкуравий

клише бўлиб, публицистикада шаҳватпарастлик ҳамда зўравонлик сахналари мавжуд маълумотни тарқатишга қарши қаратилган.

1950 йил 4 ноябридаги инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги Конвенциясига биноан телевидениеда “аҳоли соғлиғи ва маънавияти”ни асраш мақсадида чекловлар жорий этишга рухсат этилади.

Европа ҳамжамиятининг 1988 йилги кўрсатма(директива)сида айтилишича, ҳамжамият иштирокчиси бўлган мамлакатдан олиб берилётган дастурлар трансляциясини, агар улар балоғатга етмаганлар ривожига путур етказиши мумкин бўлган ҳолларда узиб қўйишга рухсат этилади.

Калифорния, Шимолий Каролина, Техас ва Висконсин университетлари ходимлари ўтказган тадқиқотлардан маълум бўлишича, куч ва таҳдид ишлатиш тарғиб ва ташвиқ этилиши ўсмирларда агрессив хулқ-атвор шаклланишига олиб келади.

“Россия Федерациясида бола ҳуқуқларининг асосий кафолатлари тўғрисида”ги федерал қонуннинг 14-моддасига биноан давлат ҳокимияти идоралари болаларни “зўравонлик ва жоҳиллик, порнография, наркомания, токсикомания, жамоатчиликка қарши хулқ-атворни тарғиб қиладиган нашрлар, аудио ва видео маҳсулотлар тарқатилиши”дан ҳимоя қилиш чораларини кўришлари шарт.

1999 йили Давлат Думаси “Россия Федерациясида кинематография ва телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришлар соҳасидаги этика ва маънавиятга оид Олий кенгаш тўғрисида”ги қонун лойиҳасини қабул қилди, аммо Б.Н.Ельцин уни имзолашдан бош тортди. Телеканаллар раҳбарияти қонун лойиҳасини сўз эркинлигига тажовуз қилиниши деб қабул қилди. Шунга қарамай, Россиянинг баъзи минтақаларида бундай кўрсатув ва сахналарни чеклайдиган қонунлар қабул қилинди.

Буюк Британия

ВВС сиёсати талабларига кўра, соат 21 га қадар трансляция қилинадиган барча дастурлар болалар томонидан томоша қилиниши учун

муайян талабларга мувофиқ бўлишини талаб қилади.

Германия

Германия Конституциясига биноан “ёшларни ҳимоя қилиш мақсадида” ахборот узатиш эркинлигини чеклашга рухсат этилган. Қатор телекомпаниялар болалар ва ўсмирлар соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган дастурлар, улар болалар томонидан томоша қилиниши эҳтимолининг қисман бўлса ҳам олди олинганидан сўнггина экранга чиқарилади деган қоидага амал қиладилар.

Франция

Франциянинг Олий аудиовизуал кенгаши, 1986 йилги қонун асосида фаолият юритиб, болаларга зарар етказиши мумкин бўлган дастурларни назорат қилиб боради. Хусусан, унинг кўрсатмасига биноан, телекомпанияларга шахватпараст ва шундай сахналари бўлган дастурларни соат 22.30 га қадар ва улар рекламасини 20.30 га қадар кўрсатмай туриш тавсия этилади.

Манба: www.wikipedia.org

Hornby A.S. “Oxford Advanced Learner’s Dictionary of Current English”

Интернет (*lom, inter - “аро” ва net (work) - “тармоқ”*) — 1) катта (глобал) ва кичик (локал) компьютер тармоқларини ўзаро боғлайдиган бутун жаҳон компьютер тизими, бутун дунё бўйлаб фаолият кўрсатадиган халқаро ахборот алмашувининг глобал компьютер тармоғи; 2) турли-туман масалалар ва соҳалар бўйича маълумотларни қамраб оладиган, узоқ, масофалардан туриб алоқани амалга ошириш, электрон тижорат, масофавий таълим, аудио, видео, теле, тасвир айирбошлаш ва умуман, кўпдан-кўп янгилик ва маълумотларни жамлайдиган электрон ахборот воситаси ва дастурини англатувчи тушунча. *Интернет*да географик жой, замон ва макондан қатъи назар, айрим компьютер ва майда тармоқлараро ўзаро ҳамкорлик унинг глобал информация инфратузилмасини ташкил этади.

«Интернет» тушунчаси XX асрнинг 60-йилларидан шакллана бошлаган. 1969 йилда ARPA (Илғор тадқиқот лойиҳалари) агентлиги тўпламлар коммутация қилинадиган экспериментал тармоқ яратиш мақсадида тадқиқот бошлайди. Тармоқ яратилиб, у ғоят оддий ҳамда қисқа ном — ARPANET, яъни агентлик тармоғи номини олади. Тармоқ алоқа тизимида маълумотлар оқимини мустақил узатиш технологияларини ўрганиш учун барпо этилган эди. Тадқиқот лойиҳаси муваффақиятли амалга ошади. Уни яратишда қатнашган кўпгина ташкилотлар бу тармоқдан ўз кундалик мақсадларида фойдалана бошлайди ва 1975 йилда мазкур эксперимент ишчи тармоққа жорий қилинади. Бунда тармоқ учун жавобгарлик DCA (АҚШ Мудофаа алоқаси агентлиги) зиммасига юкланади. Айни вақтда мутахассислар TCP/IP (Transmission Control Protocol / Internet Protocol - Узатиш жараёнини бошқариш протоколлари) Интернетпротокол асосларини ишлаб чиқишга киришади. Айнан ана шу вақтнинг ўзида "Internet" атамаси (Interconnected Networks — бирлаштирилган тармоқлар сўзларининг қисқартмаси) қўллана бошлайди. Ҳолбуки, бу вақтда ARPANET иккита алоҳида тармоққа: MILNET (Ғарбий тармоқ) — Маълумот узатиш мудофаа тармоғининг номахфий қисми (DDN) ва янги (ҳажми кичрайтирилган) ARPANETга бўлинган эди. Ўша вақтда бир йўла ҳар иккала тармоқ, назарда тутилиши керак бўлган ҳолларда эса, Internet атамаси қўлланган.

Ўтган асрнинг 90-йилларда «Жаҳон ўргимчак тўри» — Worldwide Web гиперматн саҳифалари тизими вужудга келади. CERN (Швейцария) компанияси ходими Тим Бернерс-Ли ҳужжатларни гиперматнли чегаралаш тили — HTML тилини ишлаб чиқади. 1993 йилда NCSA (National Center for Supercomputing Application) ходимлари Марк Андрессен ва Эрик Бина илк браузер — «Mosaic X»ни ишлаб чиқишади. Кейинчалик Mosaic Communications Интернет саҳифалари браузерининг биринчи версияси — Netscape Navigator 1.0 версиясини тақдим этади. Шуни айтиб ўтиш жоизки, 90-йилларда Майкрософт компанияси бутун дастурий таъминот бозорини бошқаради, Netscape Navigator дастури эса ўзининг onlayn имкониятлари

орқали Windows билан рақобатлашиши мумкин эди. Шунда Билл Гейтс уларнинг рақобатчи эканини англаб, ходимларига бу компанияни дарҳол "ўйин"дан чиқариш тўғрисида буйруқ беради. Шу тарика браузерлар қарама-қаршилиги бошланади. 1995 йил 7 декабрда Майкрософт Internet Explorer (IE) браузерини ишлаб чиқади. 1997 йил сентябрь ойида браузерлар қарама-қаршилиги Майкрософт компаниясининг ғалабаси билан тугайди. Ўша вақтда Луис Монье Alta Vista қидирув тизимини ишлаб чиқади. Шу вақтнинг ўзида эса Сиэтлдаги бўлажак «Интернет дўконлар кироли» — Amazon иш бошлайди. 90-йиллар охирларига келиб, Compaq компанияси Alta Vista қидирув тизимини 3 миллион доллар эвазига сотиб олади. Ўшанда дастлабки *интернет* аукционлар, порталлар, шунингдек, *интернет* тармоғида биринчи марта MP3 форматидаги мусиқий файллар пайдо бўлади. Орадан бир йил ўтгач, 1998 йилнинг март ойида Netscape компанияси жаҳон навигаторининг бошланғич кодларини очади ва бутун дунёдаги компьютер ихлосмандлари бирлашиб, Mozilla Organization деб номланган ҳамжамият - кичик лойиҳага асос солади. Кейинчалик у Mozilla Foundation деб қайта номланади. Ҳозирги кунда *интернет* браузерлар жуда кўпайиб кетган. Улар орасида энг оммалашганлари, албатта — Internet explorer, Flock, Netscape, Mozilla Firefox, Avant browser ва бошқадир.

Маълумки. 90-йилларнинг ўрталарида *интернет* тармоғига тижорат нуқтаи назаридан қаралмас эди. Аммо 1995 йилнинг охирларида Yahoo компанияси биринчи бўлиб *интернет*да реклама тарғиботини бошлайди ва *интернет* орқали даромад кўриш мумкинлигини тушуниб етади. Тез орада Yahooнинг рақиблари ҳам пайдо бўлади. Уларнинг орасида энг хавфлиси талабалар томонидан яратилган Excite эди. Аммо Yahooга қараганда Excite такомиллаштирилган тизимдан фойдаланар эди. Ўша кезларда кўпроқ даромад топиш мақсадида Yahoo ва Excitedа рекламалар, фойдали маслаҳатлар, почта сервислари ва чатлар тобора кўпайиб, бу қидирув тизимлари кўнгилочар порталларга айлана борди. Yahoo ва Excite ўртасидаги рақобат шафқатсиз эди, аммо қидирув тизимлари ўзларининг дастлабки йўналишлари бўлган маълумот

қидиришни унутиб қўйди. Зарур маълумотни топиш лозим бўлганда Yahoo ва Excite кераксиз нарсаларни чиқариб берарди. Баъзан керакли маълумотларни излаб топиш учун бир кунлаб вақт кетарди. Шу боис кескин тарзда фарқланувчи янгилик зарур эди ва бунинг жавоби Стенфорд университетига топилади. Сергей Брин ва Ларри Пейжлар 1998 йилнинг биринчи ярмида янги, истиқболли технологияни ривожлантириб, бу янги қидирув тизимига Google деб ном беришди. Ўша пайтда Стенфорд университетининг ётоқхонасидаги Пейжнинг хонаси маълумотларни қайта ишлаш марказини, Брин хонаси эса ишчан офис вазифасини бажарар эди. Оғайнилар ўз ғояларини сотмоқчи бўлишганида муваффақиятсизликка учрайди. Шунда улар бизнес режа тайёрлаб, ўз компанияларини ташкил этиш учун маблағ излашга тушади. Натижада дастлабки инвестициялар ҳажми 1 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Бу пуллар қариндош ва дўстлардан, шунингдек, инвесторлардан тўпланади. Жумладан, Sun Microsystems компанияси ташкилотчиларидан бири Энди Бехтольсхайм ғоя муаллифларига 100 минг АҚШ долларига чек беради. Google қидирув тизими кунига 10 мингта сўровга жавоб беради ва PC Magazine журнали томонидан 1998 йилнинг энг яхши 100 та *интернет* сайти қаторига киритилади. Бугунги кунда Google энг машҳур ва муваффақиятли қидирув тизимларидан бири ҳисобланади, унинг асосчилари Брин ва Пейжнинг даромади эса бир неча миллиард АҚШ долларини ташкил этади. Бугун компьютер технологиялари ҳаётимизда мустаҳкам ўринга эга, компьютер саводхонлиги кўрсаткичи эса кўп ҳолларда инсоннинг савиясини белгилаб берадиган омилга айланиб бормоқда.

Эндиликда компьютерда ишлашни билмайдиган ходимни яхши мутахассис дейиш қийин. Агар ўтган асрнинг 90-йиллари ўрталарида ёшларнинг энг сеvimли машғулотлари мусиқа тинглаш ва телекўрсатувлар кўриш бўлган бўлса, ҳозирги кунда эса компьютер ва интернет аввалги қизиқишларни ёш авлод ҳаётидан сиқиб чиқарди. Замонамиз ёшларининг 70 фоизи ўз қизиқиш ва сеvimли машғулотлари ҳақида сўз юритганда спорт, дўстлар билан суҳбатлашиш, маънавий ва маданий ҳордиқ чиқариш билан бир қаторда

компьютер технологиялари, *интернетга* бўлган қизиқишини биринчи ўринда тилга олади. Nielsen/Net Ratings компанияси ўтказган сўнгги илмий текширув натижаларига кўра, бутун дунё тармоғига уланаётган ёш болаларнинг сони кун эмас, соат сайин ошмоқда: биргина 2007 йили Европада ёш авлод вакилларининг учдан бир қисми *onlayn* тизимидан фойдалангани кузатилган. 2008 йили дунё ахборот тармоғида 10 миллион ёш "сайр" қилган бўлса, ҳозирда уларнинг сони аллақачон 13 миллиондан ошиб кетди. Бу кўрсаткич кундан-кунга кўпаймоқда. Бундай *onlayn* ҳаётда яшайдиган ёшларнинг катта қисми — 4,5 миллиони Буюк Британияга тўғри келади. Улар ҳар куни электрон манзилларини текширади, турли хил сайтлардан маълумот излайди ва чат (глобал тармоқдаги суҳбатхона)лар орқали мулоқотда бўлишади. Германияда ҳозирча 3 миллион, Францияда эса 1,5 миллион ёш вақтини асосан *onlayn* тизимида ўтказади. Бир йилдан сўнг бу кўрсаткич икки баробарга ошиши кутилмоқда. Ёш авлоднинг компьютер саводхонлиги юқори, бугун ҳатто олти яшар болалар ҳам блутус (bluetooth) ва спам нималигини катталарга нисбатан яхши билади. Дунёнинг ривожланган мамлакатларидан бири Канадада ўн етти ёшгача бўлган 6 минг бола ўртасида ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, интернетдан фақат ахборот олиш мақсадида фойдаланилмас экан. Сўровда иштирок этганларнинг 99 фоизи *интернетдан* фойдаланишини, уларнинг ҳар ўнтасидан саккиз нафари уйда уланиш имкониятига эга эканини билдирган. Канада ёшларининг ярмидан кўпи *интернет* ва компьютер технологияларини ота-оналаридан яхшироқ билишини айтган. Уларнинг 80 фоизи мустақил равишда *интернетга* уланишини, ота-оналари компьютерга ҳимоя воситаси бўлган филтрлаш дастурини ўрнатиб қўймагани ва фарзандлари қандай сайтларга киришини назорат қилмаслигини тан олишди. Умуман олганда, аксарият ота-оналар, аниқроғи, уларнинг 65 фоизи фарзандлари интернетдан фақат уй вазифасини тайёрлаш учун фойдаланади, деган фикрда, ёшлар эса илм олишни энг охириги ўринга қўяр экан. Улар асосан *интернет* орқали мусиқа тинглайди, электрон манзилни текширади, хуллас, вақтичоғлик қилади. Ёшларнинг учдан икки

кисми интернетга янги дустлар орттириш ва ким биландир суҳбатлашиш мақсадида уланади, уларнинг 15 фоизи бу муносабатларни кейинчалик реал ҳаётда давом эттирар экан.

Ҳозирги кунда кўплаб мамлакатларда *интернетдан* фойдаланиш кўникмалари факультатив дарс сифатида мактаб дастурига киритила бошлади. Буни ҳам грифингга қарши курашишнинг ўзига хос усули сифатида кўрсатиш мумкин. Негаки, факультатив дарслар орқали болалар интернетдан олинаниган маълумотларнинг қанчалик ҳаққоний ва тўғри эканини текширишга ўргатилади. Бундай дарслар, айниқса, ўсмирлар учун зарур. *Интернетда* грифингдан ташқари ўсмир ёшлар учун яна бир қанча хавфлар ҳам бор. Яъни болалар ва интернет муаммоси тобора чуқурлашиб бораётган бир пайтда, экстремистик характердаги секта ва уюшмалар сайтларининг фойдаланишга очиклиги, виртуал фирибгарликка кенг йўл қўйилганини ҳам эътибордан четда қолдириб бўлмайди. Болаларнинг қизиқувчан табиати уларни юқорида тилга олинган турдаги сайтларга етаклаши, бу веб саҳифаларда уларнинг руҳий ёки жисмоний соғлигига хавф солувчи маълумотларни кўришига олиб келиши табиий.

Электрон почта манзиллари орқали олинган хабарлар кучли руҳий таъсир ўтказиб, болаларни *интернет* доирасида ва ундан ташқарида ҳам жиноятга ундаши ҳеч гап эмас. Банк ёки кредит карточкасидаги ҳисоб рақамларни билган болакайлар *onlaun* савдоларда қатнашиш имкони билан бирга кичик ўйинчоқдан тортиб то энг сўнгги русумдаги машина сотиб олиш ҳуқуқига ҳам эга бўлади. Бу эса уларни виртуал фирибгарларнинг нишонига айлантиради. Шу сабаб, глобал тармоқдан фойдаланувчилар кўп бўлган Беларусда бу каби муаммолар қатор янги касбларнинг вужудга келишига ҳам туртки бўлган. Янги турдаги мазкур мутахассисларнинг вазифаси оилада интернетдан фойдаланиш маданиятини жорий этадиган ҳамда болаларга психологик, маънавий ҳамда жисмоний зарар етказмайдиган очик ва хавфсиз ахборот маконини яратишдан иборат.

Шунингдек, кўплаб жамоат ташкилотлари, нодавлат ташкилотлар ва

хусусий компаниялар ўз фаолиятини *интернет*нинг болаларга таъсири ва ундан бўладиган зарарнинг олдини олиш усулларини ўрганишга қаратган. Жумладан, *интернет* мазмунини баҳолаш ассоциацияси (ICRA) мустақил халқаро ташкилот бўлиб, асосий вазифаси ота-оналарни уларнинг фарзандларини тармоқда кутаётган кўнгилсизлик ва хавфли муносабатлар хақида огоҳлантириш, кибермаконда болаларни нотўғри ахборотлардан ҳимоялаш ва сўз эркинлигини таъминлашдан иборат. Ота-оналарга мавжуд муаммолар юзасидан маслаҳат, кўмак берадиган киберфаришталар (Cyberangels) - *интернет*да болалар ҳуқуқини ҳимоя қилишга йўналтирилган Европадаги илк ташкилотга 1995 йили асос солинди ва айни пайтда унга АҚШ ва Канада каби давлатлар ҳам аъзодир. Муаммолар чуқурлашгани сайин бу каби ташкилотлар ҳам кенг кўламда тадқиқотлар ўтказиш ва мавжуд хавф-хатарларга қарши кураш чораларини ишлаб чиқишни кучайтирмоқда. Хусусан, Болаларни асрайлик (Save the Children) халқаро ҳуқуқий ташкилоти ўтказган сўровномалар натижасида маълум бўлдики, АҚШдаги 15-17 яшар ўсмирларнинг 85 фоизи, Канада ёшларининг 93 фоизи мунтазам равишда интернетдан фойдаланади. Коммуникация воситалари тадқиқоти ассоциацияси (Association for the Research of Communication Media) олган натижаларга кўра эса, ўсмирлар катта ёшлиларни 2004 йилдаёқ *интернет*дан фойдаланиш бўйича ортида қолдирган.

Испаниянинг Болаларни ҳимоя қилиш агентлиги (Child Protection Agency) тадқиқотлари натижалари шуни кўрсатдики, интернетдан доимий равишда фойдаланувчи болаларнинг 44%и виртуал мулоқот пайтида ҳеч бўлмаганда бир марта, 11%и эса бир неча бор таъқиб остига олинган. Эътиборли томони шундаки, сўровларда иштирок этган ёшларнинг 14,5 %и интернет орқали нотаниш одамлар билан учрашув белгилаган, 10 %и бундай учрашувларга ёлғиз борган, 7 %и бу ҳақда ҳеч кимга ҳеч нарса айтмаган. Дунё миқёсида эса 38% болалар зўравонлик руҳидаги сайтларни, 26% бола миллатчилик характеридаги вебсаҳифаларни мунтазам кузатиб бориши маълум бўлди. 2008 йилнинг охири ойларида дунёнинг энг машҳур

компанияларидан бири бўлмиш «Майкрософт» (Microsoft) 28 давлатда ўзининг чат хоналарини ёпишини эълон қилди. Бу ҳаракат болалар муаммолари билан шуғулланувчи ҳуқуқ-тартибот ҳамда хайрия ташкилотлари томонидан тўлиқ қўллаб-қувватланди, чунки эркин ва назоратсиз форум хоналар спам, вирус ва ахлоқсиз ахборотни тарқатиш манбаига айланиб қолган эди. Шу тариқа MSNнинг текин чатлари Европа, Яқин Шарқ, Африка, Осиё ва Лотин Америкасининг кўплаб мамлакатларида ўз фаолиятини тўхтатди. Уларнинг ўрнига Microsoft Messenger тезкор хабар алмашиниш тизими жорий қилиндики, эндиликда бу хизматдан фойдаланиш учун шахсий маълумотларни киритиш асосида рўйхатдан ўтиш талаб этилади. Чунки ўтган йили Буюк Британияда шов-шувга сабаб бўлган зўравонлар устидан ўтказилган суд жараёнларининг камида 26 тасида қурбонга айланган болалар таъқибчилар билан виртуал мулоқот орқали танишгани аниқланди.

Виртуал таъқиб.

Мулоқотнинг бу каби шакллари яхши, албатта. **Бироқ масаланинг иккинчи томони ҳам борки, унга чуқурроқ назар ташлаш лозим.** Алоҳида эътибор талаб этадиган жиҳат - *интернет* орқали таъқиб деб номланади. Бугунги кунда виртуал таъқиб ниҳоятда оммалашиб бормоқда. Ўтказилган тадқиқотлар натижаларидан маълум бўлдики, ҳозирда мактаб ёшидаги болалар *интернетдан* тобора эрта фойдаланишга киришмоқда. Масалан, бошланғич синф ўқувчилари бемалол мактаб ён-атрофидаги кафе ёки клубга кириб, *интернетдан* фойдаланиши мумкин. Шу боис улар уйда ҳам *интернетга* уланиш имкони бўлишини хоҳлаши табиий. Лекин, мутахассисларнинг фикрича, ёши ўнга етмаган бола одатда мустақил равишда *интернетдан* фойдаланиш учун зарур бўлган танқидий фикрлаш ва шу асосда маълумотларни фарқлаш, уларни ажрата билиш, бошқача айтганда, «фильтрлаш» қобилиятига эга эмас. Шу сабабли интернетдан ёлғиз қолганда ҳам фойдаланиш эҳтимоли бўлган болани қаттиқ назорат остига олиш керак, унга ўзи ҳақидаги шахсий маълумотларни интернет орқали танишган одамларга айтмасликни ўргатиш зарур.

Грифинг.

Сўнги пайтларда интернет орқали таъқиб этиш ёки илмий тилда айтадиган бўлсак, **грифинг** ҳолатлари кўп кузатилмоқда. Бу каби тармоқ безорилигининг энг биринчи қурбонлари айнан ёшлар қатлами, хусусан, ўсмирлар ҳисобланади. Бир қарашда беозор туюлган чат хоналар ёки махсус мулоқот дастурлари орқали кечадиган суҳбатлар тафаккури энди шаклланаётган болаларни баъзан жинойтгача етаклаб бораётгани ҳаётий ҳақиқат. Грифинг билан шуғулланадиганлар ёки *грифёрлар* замонавий ёшларнинг қизиқишларидан жуда яхши хабардор бўлиб, onlaup конференция, форум хоналарида исталган мавзуда суҳбат юритиши, ўзларини уларнинг муаммоларини тушунадиган одамлар сифатида кўрсатиши мумкин, бунинг устига веб тармоқда анонимликни сақлаш хусусияти қисқа фурсат ичида ишончга кириб олишга имкон яратади. Грифинг билан курашишнинг энг оддий усули — компьютерга махсус тақиқлов дастурлари (энг машҳурлари Киберпатруль ёки Кидсконтрол)ни ўрнатиш. Шунда зарарли манбалардан келадиган барча хабарлар автоматик тарзда филтрланади ёки дастурга ота-оналар томонидан киритилган чеклов туфайли боланинг ўзи қизиқиб ноҳў ахборотни олмоқчи бўлганда, автоматик тақиқга тушади. Айни пайтда мазкур дастурлар ҳам тўлиқ хавфсизликни кафолатлай олмайди, чунки баъзида улар фойдали ахборотни чеклаб қўйиши ёки кераксизини ўтказиб юбориши мумкин.

“Кибернетик дўст”.

Замонавий технологияларнинг тез суръатларда ўсишига қарамай, баъзан одамлар улардан қандай оқилона фойдаланиш кераклигини тўлиқ англаб етмайди. Компьютер ва интернетгача бўлган даврда ўсиб улғайган аксарият ота-оналар ва муаллимлар агар бола интернетдан фойдалана бошласа, албатта, фойдасидан зарари кўпроқ, деб ўйлайди. Болани компьютер ёки интернетдан чалғитиш ҳаракати замирида аслида бошқа бир муаммо, яъни катталарнинг бу масалада нисбатан саводсиз экани аниқланди. Бироқ агар улар ўзлари

аввал технологиялар саводсизлиги масаласига жиддийроқ ёндашиб, уни бартараф этишса, мақсадга мувофиқ бўларди. Негаки, саводсизлик масаласидан қочиш орқали болани технологиялардан ажратиб қўйиш тўғри эмас. Бунинг устига яна бир жиҳат эътиборга лойиқ: болаларда **кибернетик дўстга** нисбатан муносабат айнан катталарнинг тутган йўлидан келиб чиққан ҳолда шаклланади. Шубҳасиз, интернет билим ва керакли ахборотни олиш учун улкан имкониятлар яратади, бироқ тармоққа жойлаштириладиган катта ҳажмдаги ахборотнинг барчасини ҳам ишончли ва фойдали деб бўлмайди. Фойдаланувчилар маълумотларнинг тўғрилигини аниқ ажрата билиши учун танқидий фикрлаш қобилиятига эга бўлиши талаб этиларди. Бунинг учун болаларга интернетда хоҳлаган одам ўз саҳифасини очиши, унга ҳар қандай маълумотни жойлаштириши, бу борада унга ҳеч ким тўсқинлик қила олмаслигини вақтида тушунтириш зарур. Болаларни кенг доирадаги манбалардан фойдаланишга йўналтириш жараёнида фактларни фикрлардан фарқлашга, тўғрилиги тасдиқланмаган ахборотдан ҳимояланишга уларни ўргатиш айниқса муҳим аҳамиятга эга.

Кибертерроризм.

Кибертерроризм (*лот, cyber terrorism; cyber - “кибер”, terror – “қўрқув”, “даҳшат”*) – замонавий, илғор технологиялар, компьютер ва бошқа имкониятлардан фойдаланган ҳолда ёвуз кишиларнинг ўзининг ғараз ниятларига эришишдан иборат.

Кибертерроризм (компьютер терроризми) остида ғаразли ниятда, сиёсий мақсадларда амалга оширилган компьютер тизими ва тармоғидаги ахборотга қилинган ҳужум тушунилиб, у одамлар ҳаёти ва соғлиғига хавф пайдо қилиб, жамоатчилик тинчлигини бузади, аҳолини қўрқитиб, ҳарбий низо келтириб чиқаришга интилади. *Кибертерроризм* инсоният учун жиддий хавф бўлиб, уни ядро, бактериологик ва кимёвий қуролга тенглаштириш мумкин. Ҳатто у ўз янгилиги туфайли тўла-тўқис ўрганиб улгурилмаган қуролдир.

Масалан, компьютер тармоқлари орқали банк тизимларига кириш ва у

ердан пул маблағларини ўмариш. Мисол сифатида кредит карталари билан амалга оширилаётган афера (фирромлик)лар ҳар йили 400 миллион доллар атрофида зарар келтиради. Вируслардан кўрилган зарар эса 12 миллиардни, муаллифлик ҳуқуқининг бузилиши 250 миллиардга яқин зарар келтиради.

Турли компьютер тизимларига кириш билан кибертеррорчилар ҳар хил, шу жумладан яширин ахборотга ҳам йўл топадилар. Замонавий кибертеррорчиликка 1998 йили АҚШда амалга оширилган қотиллик ҳам мисол бўла олади. Интернет орқали АҚШ клиникаларидан бирининг тармоғига кириб олган террорчи (у ерда ФБР ҳимоясида оғир аҳволдаги муҳим гувоҳ даволанаётган эди) қатор тўсиқлардан ўтади ва кардиостимуляторни ишдан чиқариб, оқибатда миждозни ҳалок қилишга эришади. **Манба:** www.wikipedia.org; Hornby A.S. “Oxford Advanced Learner’s Dictionary of Current English”

Лудомания.

Лудомания (ингл, *Ludomania*; *ludo* - “стол устида шар юмалатиб ўйналадиган ўйин тури”, *mania* – “ашаддий жиннилик”) ўйинга боғланиб қолиш, гэмблинг – қимор, пулли ўйинларга патологик(қалбан) боғланиб қолиш. У қимор, пулли ўйинларда қайта-қайта иштирок этишда намоён бўлиб, бу ҳол субъект ҳаётида устувор кўриниш олади ва аксинча, унинг учун ижтимоий, касб-ҳунар, моддий ва оила билан боғлиқ қадриятлар аҳамияти тушиб кетади. Шахс ўз мажбуриятларига эътибор бермай қўяди. Фонд ва валюта бозорларидаги чайқов савдоси ҳам қиморга ўхшайди, Интернет орқали савдо қилиш имконияти ҳам бунга кўмаклашади.

Сўнгги вақтда пулли ўйин автоматлари кенг русум бўлганлиги, казино, ўйингоҳлар сони кўпайганлиги сабабли қимор муаммоси тобора долзарб аҳамият касб этмоқда. Ўтган асрнинг 70-йилларида Англияда ўйин автоматлари тарқалиши муносабати билан кинотеатрларга одам кирмай қўйди. Кўпчилик ўйин автоматлари “телба”си бўлиб қолди. АҚШда ҳаёти буткул ана шу автоматларга боғланиб қолган “ўйинчи”лар миқдори аҳолининг 5% ни ташкил этар экан.

Бугунги кунда *лудомания*нинг кўл телефонлари ўйинлари кенг тарқалмоқда.

Лудомания – худди пиромания каби психик касалликдир. Россиядаги Бехтерев номидаги психиатрия институтида 7 йил давомида 16-57 ёшлар орасидаги 200 киши даволаниб чиққан. Беморларнинг 190 нафари – эркек, 10нафари – аёллар бўлган.

Медицина фанлари номзоди, Одесса Медицина Институти доценти Константин Аймедов лудоманияни касаллик деб атайди: “Бизда лудомания сўзининг пайдо бўлганига энди икки йил бўлаяпти. Одамлар алкоголь наркотикнинг зарарлигини яхши билишади. Лекин лудоманиянинг касаллик эканлигини ҳам, оқибатларини ҳам сезишмаётир.

Ўйинбозларни кўрсак, “Вақтини қадрламайдиган, масъулиятсиз одамлар-да”, - деб кўямиз, холос. Аслида ўйиннинг моҳияти – ҳаётни виртуаллаштириш. Одам ўйнаганда ҳаётда ҳис қила олмайдиган экстремал ҳолат, жазава, завқни ҳис қилади. Мисол учун мотопойга, “осмон жангини” олайлик. Одамнинг ҳаётда бунга эришиши учун кўп вақт, билим, малака, маблағ керак. Ўйинда-чи, озгина пулни автоматга ташлаб, кнопкаларни боссанг, бас. Осмонда жанг қилганда ҳосил бўладиган адреналин тошқини рўй беради. (Репортер Ахборот Агентлиги, 2008 йил 28 ноябрь), дейди у.

Маълумотларга қараганда энг “геймерлашган” мамлакатлардан бири – Кореяда ҳар йили ўйинбозликдан 7 киши ҳалок бўлаётир. 38 ёшли бир киши ўн кун узлуксиз ўйнаган. Фақат ухлаб олишга танаффус қилган, холос. Врачлар уни юраги ёрилиб ... ўлган ҳолда топишган.

Екатеринбурглик бир ўсмир 12 соатлик узлуксиз ўйиндан кейин мия инсультидан вафот қилган. *“Болаларда миянинг бундай жароҳатланиши камдан кам учрайди. Ўйин пайтидаги узлуксиз руҳий зўриқишдан бола миясининг қон билан таъминланиши бузилган. Боши айланган. Бироқ, жазавога тушган ўсмир ўзини ўйиндан тўхтата олмаган. У ўзининг ўлаётганини билиб турса ҳам ўйинни тўхтатмаган. Зўриқишдан мия*

томирлари ёрилиб кетган. Мияга қон келмай қолган. Ўсмир ўлаётди ҳам ўйнайвергани кишини ҳайратлантиради,— деган Екатеринбург болалар касалхонасининг наркология бўлими мудирин Алексей Сулимов.

Оммавий ахборот воситаларида Европа, АҚШ мактабларида ўқувчилар томонидан содир қилинаётган жиноятлар билиб, этимиз жунжикади. Ўз синфдошларини отган ўсмирлар тергов пайтида бу ишни фалон-фалон компьютер ўйини таъсирида қилганлигини очик айтганлар. Дарҳақиқат, боғланган одам, ўсмирнинг қизиқиш доираси тораяди.

Болалар 6-7 ёшдан бошлаб тенгдош, тенгқурлари билан ўйнайди. Ўйин давомида инсоний муносабатлар, атроф-муҳит ҳақида маълумот олади. Муносабатлар “мактаби”дан ўтади. Катгароқ болалардан ўзларини ўғил болача тутишни, қиз болалар ўзларини қиздек тутишни ўрганади. Кўплаб ижобий ва салбий қилиқларни биринчи марта кўради. Ёмонликнинг оқибатларини ҳам ўз даражаси ва даврасида кўради. Интизомлилик, уюшқоқлик, иродалилик, қийинчиликларга чидаб енгиб ўтишни, бошлаган ишни охирига етказишни, мақсадга етиш учун бор кучини ишга солишни, ўрганадилар. “Команда руҳи”ни ҳис қиладилар. Машқ қиладилар.

Булар болаларнинг ақлий, жисмоний, маънавий оламини бойитади. Миллий ўйинларимиз ота-боболаримизни абжир, чидамли, иродали, довюрак қилиб тарбиялаган. Чунки ўйин орқали турли шартли ҳаётий тўсиқларни, “рақиблар”ни ўз кучи билан енгиб ўтишга ўргатган. Чиниқтирган. Ўйинларда мардлик мақталиб, ғирромлик қораланган. Хуллас, ўйинлар - болаларни катта ҳаётга тайёрлаш, курашишга, енгишга ўргатишнинг ўзига хос машқлари вазифасини ўтаган. Демак, миллий ўйинлар – болани миллат фарзандига айланишининг ажралмас шартин экан.

Ўзликка содиқликда гап кўп экан. Мустабид шўролар даврида ҳам узбек ўзининг миллий, инсонпарвар болалар ўйинларини сақлаб қолди. Бугун жаҳон уни ўрганишга кела бошлади! Бир педагог айтиб берган мисол: япон педагоглари ўсмирларининг компьютер лудоманиясига берилиб, ҳаракатсизликдан соғлиқларини, маънавий таҳдидлардан ўзликларини

йўқотаётганликларини кўриб, чора қидира бошлашибди. Чунки бу – миллат келажагини хавф остига қўйиши мумкин. Улар ёш японлар авлоди соғлиғини сақлаб қолиш давосини қидириб-қидириб Ўзбекистондан топишибди. Шаҳру қишлоқларимизни кезиб, болаларимиз “замонавий эмас” деб ўйнамай кўйган ҳаракатли ўйинларни ўрганиб, тўплаб, олиб кетиб, ўзларининг суперзамонавий болаларига ўргатишаётган экан. Ғарбнинг замонавий ўйинлари эса ҳаддан ортиқ технократлашиб кетган. Уларда инсоний рух, жозоба, завқ, туйғулар кам. Шунинг учун болалар ҳаракатли ўйинларга қизиқмаётган экан. Буларнинг бариси ўзбек миллий болаларининг ўйинларида бор экан. Япон педагогларининг фикрича.

Дунёда «Номо Ludens» - “Ўйинбоз одам” ибораси истефодага кирди. “Оммавий маданият” одамларнинг иш билан эмас, ўйин билан машғул бўлишидан манфаатдор. Чунки ўйин индустрияси уларга жуда катта даромад келтиради. Шунинг учун кейинги йилларда одамни жазавага туширувчи ўйинлар кўпайиб боряпти. Бу – лудомания деб ном олди. Лудус – ўйин, мания – ҳаддан ортиқ берилиш дегани. Балки ўйинбозлик деса ҳам бўлар.

Ўйинларни ташкил қилувчи ўз бизнесменлари бор. Ўйин автоматлари, казинолар – Ғарб “оммавий маданият”ининг “кашфиётлари”. Уларда иштирок этувчиларнинг нияти – тез, бир лаҳзада бойиб олиш, ютиб олиш. Меҳнат қилиб, ишлаб эмас, “ютиб олиш”. Ёки югуриб елиб, терлаб, зўр бериб эришиладиган ғалабага жойида қимирламай - ўтириб “эришиш”.

Ўйинбозлик касалига чалинган ўсмир қанақа бўлади? Олимлар И.П.Короленко ва Т.А.Донских (1990) лудомания ўйинбозлик аломатларини шундай таснифлашган:

1. Ўсмирнинг ўйинда ўтказаётган вақти миқдорининг ошиб бориши;
2. Олдинги одатлар, қизиқишлар доирасининг торайиши. Ўйин ҳақида тобора кўпроқ ўйлай бориши;
3. Ютса ҳам, ютқизса ҳам ўйиндан чиқа олмаслиги;
4. Ўйин бошланишини ошиқиб кутиш, ўйинсиз қолганда безовта бўлиб, асабийлашиш;

5. Тобора кўпроқ ўйнаш истаги, ўйинга тобора кўпроқ нарса тикиш;
6. Ўйиндан ўзини тўхта олмай қолиши. “Бўлди, ўйинни ташладим”, - дейди, бироқ олдин бирга ўйнаган шерикларни кўрганда, ўйин ҳақида гап очилганда, ўйингоҳнинг ёнидан ўтаётганда қароридан тезда айниб қолиш;
7. Ота-онасидан ўйинга пул олиш учун ёлғон гапириши, ўғирлик қилиши;
8. Оила аъзоларидан, шифокорлардан ва бошқалардан ўзининг ўта ўйинпараслигини яшириб, ёлғон гапириши кабилар ўсмирнинг ўйинпарастлигидан далолат беради.

Ўйинга каттиқ берилган киши ўз ҳулқини назорат қила олмай қолади. Австралиялик тадқиқотчилар А.Бласцински ва Л.Науэр (Blaszczynski, Nower, 1997) ўйинпарастларга хос ҳулқ-атворларни “фёъл-атворлари бузилганлар”; “эмоционал беқарорлар”; антисоциал, импульсив қилиқ қилувчилар, деб баҳолашган.

Луғатларда “ўйин”, “эрмак”, “ўйинчоқ” сўзлари ёнма-ён келади. Ҳаётда ҳам шундай. Кўринадик, ўйинлар икки хил бўларкан. Бири – фойдали. Вақтни кўнгилхушлик билан ёки зерикмай ўтказиш, кўнгил очиш, дам олиш мақсадида қилинадиган эркин ҳаракат ёки машғулот; бошқалар билан мусобақа қилиш учун маълум қоидалар асосида ўтказиладиган машғулот (футбол ўйини, шахмат ўйини); ритмик ҳаракатлар ва мимикалар уйғунлигидан иборат санъат (рақс); спектакль, цирк, концерт томошаси; болаларнинг ўйнаши, овуниши учун хизмат қиладиган нарса ёки бирор кўнгил очиш воситаси...

“Ўйин” деган сўз пул ёки бирор нарса тикиб ўйналадиган, қалтис ҳазил, ғалати қилиқ, инжиқлик ҳам кирар экан. Бу ўйинларда (кўчқор, хўроз, ит уриштириш, ошиқ, қарта, “қизилини топ”...) фаол ҳаракат, ўз кучига, ҳалолликка таянадиган тирик рақобат йўқ. Ўсмир ўсмир билан б е в о с и т а куч синашмайди. Мақсад ҳам рақибни “енгиш” эмас, балки “ютиш”.

Ҳозир “Бола - бола”, “Команда - команда” эмас, “Бола – компьютер” ўйинлари пайдо бўлди. Бунда бола 2 соат “шутер” ўйнайди. 2 соат ҳаракатсиз

ўтиради. Асаблари, кўзлари зўриқади. 2 нафас ўзини киллердек тутати. Одам “ўлдиради”. Диккинафас бўлади. Бир соатда 500-800 сўмини сарфлаб, жисмонан ва рухан зўриқиб чиқади. Голиб ё мағлуб бўлади. Бундай ўйиннинг ўзи каби натижаси фойдаси ҳам виртуал бўлади. Бола компьютердан узоқлашган заҳоти ҳаммаси унутилади. Лекин компьютер хонаси эгасининг чўнтагидаги бола берган 500-800 сўм виртуал эмас. Реал пул. Ким ютди? Интернет клуб эгаси, Интернет тўри мутасаддиси, ўйин дастурлари эгалари. Булар болаларнинг ақлий, жисмоний, маънавий оламини хароб қиларкан.

Ўйинга (болалар учун фойдалилари бундан мустасно) баҳони халқимизнинг ўзи бериб қўйган: “Ўйин туби – ўт бўлар”; “Ел сўнги – ёғиш, Ўйин сўнги - уруш”; “Ўйиндан ўймоқ чиқар, Қозондан қўймоқ(ўймоқ - ангишвона)”; “Ўлимнинг чачвоғи - ўйин”; “Ножўя ўйин – синдирар бўйин”; “Аччиқ ўйин ширин турмушни бузар”.²³

Кибернетик лудомания. Бугунги кунда ёшларнинг каттагина қисми бўш вақтларини интернет-клубларда ўтказяпти. Интернет фақат тижорат, иқтисодиёт, ҳордиқ, илмий маълумотлар олами эмас, балки ўйинлар ҳақидаги маълумотлар оламига ҳам айланди. “Игры @ mail.ru”, “Ўйинлар ҳақида портал”, онлайн ўйинлар, “Катта ўйинлар”, “Енгил онлайн ўйинлар”, “Браузер ўйинлар”, “Мини ўйинлар”, “Менинг оламим ўйинлари”, “Оддий ўйинлар” порталлари бор. Ўйинлар бозорларда миллионлаб дискларда сотилмоқда.

“Кибернетик лудомания” тушунчаси ҳам жаҳон медицина амалиётига расман киритилган. Киберлудомания – компьютер ўйинбозлиги. Компьютер ўйинларига берилиб кетишнинг оғир шакли. Унинг асоратлари ёшларнинг ҳаёт тарзида, жисмоний ва маънавий соғлиғида намоён бўлади.

“Биз чат орқали хорижликлар билан уч йил тинмай гаплаша оладиган, бироқ кундалик ҳаётда биров билан юзма-юз гаплаша олмайдиган одамови болаларни кўряпмиз. Уларнинг ижтимоий алоқалари бутунлай бузилган”, -

²³ Шотурсун Ш., Шораҳмедов Ш. Маънолар махзани.-Т.: “Ўзбекистон Миллий энциклопедияси Давлат илмий нашри., 2001. -448 б. 399-б.”

дейди Smith@ Jones Addiction Consultants компанияси деректори Кит Бэккер.

Ўйинбоз одам доимо зўриқиш, ташвишда бўлади. Ўйин хумори уни асабийлаштиради. Йиллар давомида, бир кунда 12 соатлаб ўйновчи ёшлар кайд қилинган. Бу – уларнинг шунча вақт ташқи дунёдан, одамлар – реал ҳаётдан алоқаси узилишини кўрсатади.

3-Мавзу: Ахлоқ психологияси

Ўрта асрларда ахлоқий тафаккур мусулмон шарқида юксак таракқиёт даражасига кўтарилган. Агар Ғарб-Оврўпада бу даврда турғунлик-схоластика ҳукм сурган бўлса, бу минтақада, хусусан Марказий Осиёда уйғониш даври юз беради. Бу даврда ахлоқшунослик машшойийунлик (арастучилик) ва тасаввуф фалсафий-диний таълимотлари ривожланадилар. Беруний, Фаробий, ибн Сино, Ибн Рушдлар, Арасту таълимотини ривожлантирган ва ахлоқшунослик масалаларини ана шу йўналишда талқин қилган мутафаккирлардир.

Абу Наср Фаробий (873-950)нинг ахлоқий қарашлари унинг “Фозил одамлар шаҳари”, “Шаҳарни идора этиш китоби”, “Бахт-саодатга эришув ҳақида рисола” каби асарларда баён этилган. Фаробийнинг қарашича ахлоқий Камолотга эришиши инсоннинг ўз кўлидадир. Бунга эса тарбия ва ўз-ўзини тарбиялаши орқали эришилади. Барча халқлар бахтга эришиш учун бир-бирлари билан, ҳамкорлик муносабатида бўлишлари керак деб кўрсатади файласуф. Бахт, унинг талқинича, табиат ҳақидаги билимларни ўзлаштиришдир.

Абу Райҳон Беруний 973-1048 ҳар қандай билимлар инсоннинг ахлоқий камолотга хизмат қилиш кераклигини у “бурч” “номус”, “яхшилик ва ёмонлик”, “адолат”, “виждон” мезонли тушунчаларни ана шу нуқтаи назардан туриб талқин қилади. Унинг ана шу ахлоқий қарашлари “Ҳиндистон”, “Жавоҳирот” асарларида ўз аксини топган.

Абу Али ибн Сино (980-1037) ахлоқий қарашлари “Саломон ва Ибсол

хақида қисса”, “Зафарнома”, “Рисолат ат-Тайёр”, “Аксам аль умум ал ақлини” асарларида баён этилган.

Ибн Сино ахлоқий фазилатларни птуэлич.. эмас, балки тарбия маҳсули деб ҳисоблайди. Унингча, камолотга интилиш яхшиликдир. Савол жавоб тарзида ёзилган “Зафарнома” номли пандномасида яхшилик қуйидагича тавсифланади.

“- Яхшиларнинг яхшилиги нимада? Деди: - Хоксорлик, беминнат саховат ҳамда мукофот таъма қилинмаган хизматида”²⁴

Фаробий, ибн Синонинг фалсафий-ахлоқий қарашлари араб файласуфи Ибн Рушд (1126-1198) томонидан ривожлантирилади. Унинг ахлоқшуносликка оид қарашлари “Таҳофут ут-таҳофут” асарида баён этилган бўлиб, бунда у ихтиёр эркинлиги масаласи устида фикр юритилади. Унингча, инсон хулқ-атвори билан боғлиқ хатти-ҳаракатлар азалдан белгилаб қўйилмайди, у ихтиёр эркинлигига эгадир. Бундай эркинликни инкор этиш яратувчининг моҳиятига зиддир, зотан инсоннинг ахлоққа зид хатти-ҳаракатларини тақдири азал битиклари деб бўлмайди. Илло ўз бандаларига ёмонлик соғиниши, уларни ёвузликка бошлаш яратувчининг атрибутларига кирмайди.

Ўрта асрлар мусулмон Шарқида **тасаввуф** диний-фалсафий таъминот VIII аср боши ва IX аср бошларида Марказий Осиёга кенг ёйила бошлайди ва у Абдухолик, Гиждувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий, Нажмиддин Кубро каби бир қатор машхур мутасаввулар томонидан ўзига хос маънавий-ахлоқий таъминот сифатида ривожлантирилади.

Аҳмад Яссавий (тахм. 1103-1166) ахлоқий қарашларини теран фалсафийлик билан йўғрилган “Девони ҳикмат” номли ўғит-пандномасида баён этади. Унингча, Худога-Ҳақиқат, Эзгулик тимсолига эришиш учун нима хизмат қилса, уларнинг барчаси ахлоқий фазилатлардир.

Тасаввуфнинг Яссавия йўналиши унинг номи билан аталиб келинади.

Абдухолик Гиждувоний (1103-1220) инсонни маънавий ахлоқий

²⁴ Абу Али ибн Сино. Зафарнома. Самарқанд, “Сўғдиёна”, 1993, 10-бет.

комиликка олиб борувчи йўллар (рашха)ларни ишлаб чиқади ва булар кейинчалик нақшбандия тариқати учун асос бўлиб хизмат қилади. Ушбу тамойиллар тўртта бўлиб, улар: 1. Хуш дар дам: зикр вақтида ҳар бир чиқаётган нафас хушёрлик билан чиқмоғи, ғафлатга тушмаслик лозим, ҳар нафас олиб чиқариш пайтида Аллоҳни зикр қилиш даркор. 2. Назар бар кадам: солиқ тариқат аъзоси қаерда бўлмасин ҳар бир қадамига назар солиши, огоҳ бўлиб юрмоғи лозим. 3. Сафар дар ватан: солиқнинг ёмон одатдан хушхулқликка йўналиши. 4. Хилват дар анжуман: Зоҳиран халқ билан, ботинан Ҳақ билан бўлиш зарурлиги.

Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) тасаввуфни маънавий-ахлоқий таълимот даражасига кўтарган мутасаввуф. У асос солган Нақшбандия тариқати Маркази Осиё халқларининг маънавий ҳаётидан чуқур ўрин эгаллайдики, бугунги кунда маънавиятимизни шакллантиришда, миллий мафкурамизни кишилар қалбига сингдиришда ҳам катта аҳамиятга эгадир.

Нақшбандия тариқати А.Ғиждувоний таълимотининг такомилли бўлиб, унинг асосида “Дил ба ёру даст ба кор” (“Кўнгил Худога, қул эса ишда бўсин”) деган диний (илоҳийлик) лик ва дунёвийликни ўзида мужассамлаштирувчи шиор ётади. Мазкур шиорнинг мазмуни шундаки, ахлоқийлик инсоннинг бахт-саодатига йўналтирилган бунёдкорлик ишларида намоён бўлади ва бундай ахлоқийлик эса илоҳийлик билан йўғрилган бўлиши лозим.

Нажмиддин Кубро (1154-1226)нинг ахлоқий қарашлари “Шархуссунна вал-мисолиҳу”, “Усули асари”, “Фавоинхул-Жамол” номли асарларида баён этилган. Кубривия тариқатининг моҳияти куйидаги ўн та ахлоқий қоидаларда мужассамлашган: тангрига ўз ҳоҳиши билан юзлашиш; зуҳд фи дунё-ҳар қандай лаззатдан ўзни тийиш; таваккул-Оллоҳга эътиқод ва бу йўлдан ҳар қандай нопок нарсалардан воз кечиш; қаноат; узлат-хилватни ихтиёр қилиш; мулозамат аз-зикр; таважжуҳ-Худого муҳаббат қўйиш; нафсни енгиш; мууроқаба-тафаккур, мушоҳада қила билиш; ризо-Худо хушнудлиги эришиш.

Тасаввуф (нақшбандия) тариқати маънавий-ахлоқий таъминот сифатида

Темур ва Темурийлар даврида халқ мафкурасига айланади ва кишиларни мўғул истилосига қарши курашга, бунёдкорлик ишларига сафарбар этиш учун хизмат қилади. Амир Темурнинг “Куч-адолатда” деган шиори мазмуни нақшбандия тариқатининг “Дил ба ёру даст ба қор” тамойили билан йўғрилган эди. Темурийлар даврида Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби ижодкорлар нақшбандия тариқати тамойиллари асосида ижод қиладилар ва унинг ғояларини ҳаётга тадбиқ этишда ибрат намуналарини кўрсатадилар.

Абдурахмон Жомий (1414-1492)нинг “Баҳористон” асарида бахт, бурч, яхшилик ва ёмонлик каби ахлоқий мезоний тушунчалар хусусида фикр юритилади.

Алишер Навоий (1441-1501) инсонни олий кадрият деб билади ва бунга ҳар бир киши энг аввало ўзида ахлоқий фазилатларни шакллантириш орқали эришади. Инсон бу дунёга бир марта келар экан, деб уқдиради мутафаккир ўзида ана шундай фазилатларни касб этиб яшамоғи керак:

Камолот касб этким олам уйидин,

Сенга фарз ўлмағой ғамнок чиқмоқ.

Жаҳондин нотамом ўтмак биайних

Эрур ҳаммомдан нопок чиқмоқ.

Унинг “махбуб ул-қулуб” асари бевосита ахлоқий масалаларга бағишланган бўлиб, унда ахлоқий меъёрлар, тамойиллар ўғит, ҳикматлар тарзида баён этилади.

XV асрдан бошлаб Оврўпада уйғониш даври бошланади ва бу кейинчалик янги-илм фан, маърифатнинг ривожланган даврнинг шаклланишига замин тайёрлайди. **Уйғониш давридаги ахлоқий қарашлар гуманизм-инсонпарварлик ғоялари** таъсирида ривожланадики, бунга Лоренцо Валла, Никалло Макиавеллалар катта ҳисса қўшадилар.

Л.Валла (1407-1457) “Ҳақиқий ва ёлғон эзгулик”, “Ихтиёр эркинлиги ҳақида” номли асарида барча жонзотларнинг табиатан ўзини асрашга ва изтиробдан қочишга интилишини таъкидлайди ва буни ўзининг ахлоқий

карашига асос қилиб олади. У муҳаббат, ихтиёр эркинлиги масалаларини ана шундай биологик қарашидан келиб чиққан ҳолда тавсифлайди. Унингча, муҳаббат лаззатга ўхшаш ҳиссий идрок этишдир, ихтиёр эркинлиги эса ҳар бир кишининг яхши яшаш учун интилиши ва ёмонликдан қочишидир.

М.Макиавелли (1469-1577) ахлоқшунослик масалаларини дин, сиёсат билан бевосита боғлиқ тарзда талқин қилади. Унинг бундай қарашлари “Подшоҳ”, “Тин Ливейнинг биринчи декадаси” асарларида баён этилади.

И. Кант ва Г.Гегеллар янги давр ахлоқшунослиги ривожига катта ҳисса қўшган немис мумтоз фалсафасининг намояндаларидир.

И.Кант (1724-1804)нинг ахлоқий қарашлари ундан кейинги давр ахлоқшунослигига катта таъсир кўрсатади. У “қатъий императив” (“мутлақ буйруқ”) ёки “ахлоқнинг олтин қоида”си деган ном олган ғояни илгари сурадики, унга мувофиқ мазкур буйруқ (императив) хатти-ҳаракатнинг мазмунига боғлиқ бўлмаган ҳолда хулқ-атворнинг ялпи умумий қонунини бўладиган қоидага амал қилишни талаб этади.

Мазкур қоиданинг муҳим талаби: бу “... фақат шундай қоидага мувофиқ ҳаракат қилки, унга амал қилиш баробарида унинг энг умумий қонун бўлиб қолишини хохлаб қолишинг мумкин бўлсин”²⁵.

Кантнинг фикрича, инсоннинг табиий майллари иродага таъсир ўтказди ва айни пайтда ирода эркин ақл ёрдамида ўрнатилган қонунга бўйсунди. Бу ахлоқий мажбурият-амр сифатида қатъий императив-мутлақ буйруқ мавқеига эгадир. Ва шундан келиб чиққан ҳолда ахлоқийликнинг мезони адолатдир, деб ҳисоблайди файласуф.

Кантнинг ахлоқий қарашлари унинг “Хулқлар метофизикаси”, “Ахлоқ метафизикаси” асарларида ўз аксини топган.

В.Гегель (1770-1831) ахлоқшунослик масалалаларини ҳуқуқ, сиёсат билан боғлиқ тарзда талқин қилади. Унинг ахлоқий императив ҳақидаги қарашни шундай: “Қонунлар ҳаракат қилмайди, балки фақат инсон ҳаракат қилади”.

²⁵ Кант И. Соч. В. 6 Т. – М., 1965, Т. 4, с. 260.

У черковнинг таркидунёчилиқ ахлоқига қарши чиқади ва ҳар қандай фазилат “Ҳузур-ҳаловат бахш этса, шунчалиқ саодатга элтади”, деб ҳисоблайди.

Энг янги давр ахлоқшунослиги бевосита шу давр фалсафий фикри учун хос бўлган иррационализм (лот. Irrationalis-ғайри ақлий) услуби таъсирида ривожланади. Экзистенциячилик, прагматизм, позитивизм, руҳий таҳлил каби ахлоқий йўналишлар ана шундай услубий таъсир натижасида шу даврда юзага келади.

Экзистенциячилик (лот. Existentialia-мавжудлик) XX аср ахлоқшунослигидаги етакчи йўналишдир. Мазкур таълимотда кишининг ҳар лаҳзада ҳаёт ва ўлим оралиғида кечадиган ички кечинмалари мавжудлиги асосий масала сифати олиб қаралади. Ушбу таълимот немис файласуфи Карл Ясперс (1883-1969) томонидан илгари сурилади ва ундан кейинчалик фашизмнинг ғоявий қуроли, мафкураси сифатида фойдаланилади. Чунки Ясперс инсондаги зўрлик, шавқатсизликка мойил биологик жиҳатларни унинг маънавий-ахлоқий жавобгарликдан озод ҳолатдаги мавжудлиги тарзида талқин қилади. Кейинчалик экзистенциализмга франциялик Жон Пол Сартр (1905-69) томонидан гуманизм руҳи сингдирилади.

Прагматизм АҚШ да юзага келган бўлиб, унинг намоёндалари (Ч.Пирс, Ж.Дьюн) ахлоқий меъёрлар, нормалар кишининг фойдали фаолияти талабларига бўйсинади, деган қарашни илгари сурадилар. Шунга кўра, деб ҳисоблайди улар, ахлоқ киши хатти-ҳаракатлари, феъл атворларининг нормалари эмас, балки унинг истак ва ниятларидир. Ва улар ҳар бир кишининг ўз ҳоҳиши, ўз мақсади бор бўлгани учун уларда шунга мувофиқ ўзи учун нима яхши ва нима ёмон эканлигини аниқлашга ёрдам берувчи ахлоқий меъёри, ўлчовлари бўлади.

Руҳий таҳлил таълимотининг асосчиси австриялик психолог Зигмунд Фрейд (1856-1939) бўлиб, у ахлоқий масалаларни киши руҳиятида муҳим мавзени эгалловчи онгсизлик Фрейднинг фикрича, инсон шахси учта-Ид, Эго, Суперэго компоментларининг ўзаро бирлигидан ташкил топади. Ҳолати

орқали талқин қилади. (Ид) Фрейднинг фикрича, онгсизлик инсон шахси таркибидаги Марказий компонентдирки, у инсон танасининг ички эҳтиёжидан келиб чиқади. Онгсизликда ҳеч қандай замон таъсири бўлмайди ва унда ҳеч қандай яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам йўқ, у ахлоқий меъёрларга бўйсинмайди.

Инсон шахси таркибидаги Эго ва Суперэго компонентлари бевосита Ид билан боғлиқдир. Эго Ид негизда, Суперэго эса Эго заминида вужудга келади. Шахсдаги барча ахлоқий меъёрлар, хулқ-атвор талабалари Суперэго компонентида мужассамлашади ва маънавий ахлоқий тақиқлар қатламини ҳосил қилади.

XIX асрнинг иккинчи ярмида Оврўпа Шарқ Мамлакатларида рўй берган ижтимоий-сиёсий, маданий ўзгаришлар турли йўллар билан Туркистон ҳаётида ҳам кириб кела бошлайди. Бу даврда Россия Чоризми 1870 йилга келиб Қўқон хонлигини босиб олади ва Бухоро ҳамда Хива хонликларини вассалига айлантиради. Туркистон халқларининг чоризм мустамлакачилигига қарши кураши-маърифатчилик ҳаракати юзага келади. Мазкур ҳаракат янги тараққиёт, илм-маърифатга чақирувчи, миллатни уйғотувчи куч сифатида майдонга келади. Аста-секин маърифатчилик ҳаракатидан жадидачилик ўсиб чиқади. Ва у таълим-тарбия янгича мактаб, маориф тизимини йўлга қўйиш масалаларини кун тартибига қўяди. Бу даврда Аҳмад Дониш, Бердақ, Абай, Абдулла, Авлоний каби маърифатпарварлар етишиб чиқади.

Аҳмад Дониш (1827-1897) мавжуд ижтимоий-сиёсий тузумни танқид остига олади. Ўз юртининг Оврўпа мамлакатларидан иқтисодий, маданий жиҳатдан орқада, қолишнинг асосий сабабларини кўрсатиб беришга ҳаракат қилади.

Унинг фикрича, агар ҳукмдор адолатли юритса, илм-фан, санъатнинг гуллаб-яшнашига йўл очиб берса, мамлакат обод бўлади, халқ фаровонликка эришади. Қорақалпоқ шоири Бердақ (1927-1900) “Ахмоқ подшо”, “Халқ учун”, “Бўлган эмас” каби асарларида ахлоқий меъёрлар, тамойиллар поэтик

услугда баён этилади.

Абай Иброҳим Қунанбаев (1845-1904) жамиятдаги барча салбий ходисаларнинг сабаби ахлоқий қоида, талабларга риоя қилмасликдир деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, одам боласи онадан ахлоқсиз бўлиб туғилмайди, унинг ахлоқсизлиги тарбиясизлик натижасидир. Абай ҳаё, уят, инсоф, одилликни инсоннинг энг асосий фазилатлари деб кўрсатади. Масалан, у уятни кишининг ор-номуси, ўзининг ярамас хулқига қарши турувчи ички исёндир деб тавсифлайди.

Абдулла Авлоний (1848-1734)нинг ахлоқий қарашлари ХХаср бошлари Туркистон ижтимоий-педагогик фикр тараққиётида алоҳида ўрин эгаллайди. У ахлоқий тарбия, илм-маърифат масалаларини шу даврининг талаб, эҳтиёжларидан келиб чиқиб таҳлил қилади ва бунда замонавийлик, дунёвийликни асосий мезон қилиб олади.

Авлоний тарбияни уч турга бўлади: бадан тарбияси, фикр тарбияси ва ахлоқий тарбия. Булардан ахлоқий тарбияни шакллантирувчи, мартаба, комилликка кўтарувчи тарбия деб ҳисоблайди. Авлоний мазкур тарбиянинг жамият ва шахс равнақида қандай муҳим рол ўйнашни кўрсатиб беради. Бу борада унинг “Тарбия—биз учун ё ҳаёт, ё мамот, ё нажот, ё ҳалокат, ё саодат, ё фалокат масаласидир.” Деган фикри ҳозирги кунда ҳам ўз аҳамиятини йўқотган эмас, билъақс алоҳида долзарблик этмоқда.

Ахлоқий тарбия умумий тарбия тизимининг, фалсафий тил билан айтганда субстанциявий асосини ташкил этади. Чунки барча тарбия йўналишлари (эстетик, сиёсий-мафкуравий, ҳуқуқий, жисмоний ва ҳ.)нинг мақсад ва вазифаларини амалга оширишда ахлоқий тарбия асосий восита – омил бўлиб хизмат қилади.

Чунки умуман ҳар қандай тарбиянинг амалий кўриниши, унинг мақсад, вазифаларининг қай даражада реаллашиши шахс ахлоқий тарбияси даражаси билан белгиланади. Ва шунга кўра ахлоқ маънавиятнинг негиз элементи ҳисобланади.

Инсон маънавият соҳиби эканлиги унинг маданияти даражаси билан белгиланади. Шунга кўра шахс ахлоқий тарбияси инсон моҳияти билан боғлиқ азалий фалсафий муамолардан бири бўлиб ҳисобланади. Чунки барча тарбия йўналишлари ўзаро бирликда жамият ва шахс маънавиятини шакллантириш учун хизмат қилиб мазкур жараённинг натижаси ахлоқийлик мезонлари билан ўлчанади. Шу боис ахлоқий тарбия масаласига ҳар бир даврда ўта долзарб вазифа сифатида қаралган. Тарихдан маълумки, ахлоқий тарбия Конфуций, Платон, Аристотел, Юсуф Хос Ҳожиб, Алишер Навоий, Аҳмад Юкнакий, Авлоний каби мутафаккирларнинг диққат марказларида бўлган ва улар ўзларининг бу ҳақда ноёб фикрларини мерос қилиб қолдирганлар. Бу ерда ҳар бир аллома фикрига тўхталиш имконияти эга бўлмасда, айримларининг фикрини келтириб ўтамиз. Юнон файласуфи Афлотун(эр. авв.4 аср)нинг фикрича “Тарбия фақат азалдан инсонга берилган фазилатларни шакллантиради, юзага чиқаради, холос. Борди-ю тарбия нотўғри берилса, у ҳолда инсондаги азалий фазилатлар ўзгариши ёки ўчиши мумкин.

Ахлоқий тарбия инсонни комилликка элтувчи йўлларнинг энг асосийси ҳисобланади. Юнон файласуфи Арасту(эр.авв. 4 асрда) “Маънавий баркамол инсон ақл билан фазилат бирлигига амал қиладиган кишидир. Фазилат (ахлоқий-тарбия маҳсули) инсоннинг кўлга киритган сифатидир.”-деб таъкидланган эди. Шунга кўра ахлоқий тарбия шахсни маънавий-руҳий камол топишнинг асосий йўналиши ҳисобланади. Шахсни ахлоқий тарбиялаш мураккаб узлуксиз жараён бўлиб у жамият учун энг долзарб масала ҳисобланади. У ўз вақтида буни таниқли маърифатпарвар Абдулла Авлоний бир жумла билан ифодалаб берган эди: “Тарбия (ахлоқий тарбия изоҳ бизники) биз учун ё ҳаёт-ё мамот, ё нажот- ё ҳалокат, ё саодат-ё фалокат масаласидир”. Алломанинг ушбу фикри ҳозирги кунда ёшларимизни миллий истиқлол ғояси руҳида тарбиялашда дастуриамалий аҳамият касб этмоқда.

Шахс ахлоқий тарбияси ахлоқий фазилатлар, меъёр ва тамойилларнинг муайян усул ва воситалари ёрдамида амалга оширилади.

Ахлоқий тарбиянинг асосий мақсади маънавий-ахлоқий баркамол шахсни шакллантириш бўлиб, бу ахлоқий норма, тамойил ва меъёрларни ҳар бир кишининг фаолияти, мотиви ҳатти-ҳаракатининг мазмуни, турмуш тарзига айлантириш вазифаси орқали амалга оширилади. Шу маънода ахлоқий тарбия–бу шахснинг ахлоқий маданиятини шакллантиришга қаратилган узлуксиз, тизимли жараёндир.

Мазкур вазифа бир-бирини тақозо этувчи объектив ва субъектив омиллар бирлигида амалга ошади. Жамият маънавий ҳаёти даражаси ахлоқий тарбиянинг объектив шароити–омили ҳисобланади. Мазкур тарбиянинг субъектив омили эса инсондаги илоҳий ноёб неъмат ахлоқийликни муайян тамойил восита ва усуллар билан такомиллаштиришга қаратилган мақсадли жараёндир.

Ахлоқий тарбия қуйидаги тамойиллар орқали амалга оширилади: 1) намунавийлик; 2) ўз-ўзини тарбиялаш; 3) узлуксизлик.

Намунавийлик – бу тарбияланувчига ахлоқий меъёрларнинг конкрет шахс фаолиятида қай даражада реаллашганлигини ибрат қилиб кўрсатишдир. Мазкур тамойил айна пайтда тарбиялининг ўзи тарбияланган бўлиши керак деган тамойилга амал қилишни талаб этади.

Намунавийлик тамойили, айниқса, ёшларга оила, мактабларда одоб, хулқ кўникмаларини шакллантиришда муҳим аҳамиятга эгадир. Чунки болалар табиатан тақлидчи бўладиларки, улар бундай кўникмаларни биринчи галда ўз ота-оналари, ўқитувчиларидан оладилар. Шунинг учун ҳар бир ота-она, педагог ёшларни фақат ўғит, насиҳат билан бериш билан эмас, балки намунавий ҳатти-ҳаракати, ўрнатилган кўрсатиш орқали тарбиялаши талаб этилади.

Ўз-ўзини тарбиялаш ахлоқий тарбия жараёнининг фаолият сифатида амал қилишнинг ўзига хос шакли ҳисобланади. Ўз-ўзини тарбиялаш–бу кишининг ўз-ўзини англаши, жамиятнинг эҳтиёжи, мақсади мезонидан туриб ўз-ўзига баҳо бериши, ўз-ўзини назорат қилиши асосида кечадиган фаолияти бўлиб, бунда у ўзини шахс сифатида шакллантиради. Шахсда бундай қобилият

мақсадга қаратилган тарбия жараёнида шаклланади. Ва бундай тарбия биринчи галда оилада амалга ошириладика, бунда ота-онаниниг фарзандларга намуна кўрсатиши муҳим роль ўйнайди.

Ўз-ўзини тарбиялаш ижобий сифатларини такомиллаштириш ва салбий нуқсонларни тузатишга қаратилган онгли ва мунтазам фаолият деб таърифланади. Лекин, шахсда ўзининг салбий хислатларини тушуниш, уни йўқ қилишга интилиш, яхши фазилатларни ривожлантириш учун ҳаракат қилиш фаолияти ўз-ўзидан вужудга келмайди. Бунинг учун барча тарбиячилар қунт билан ёшларни ўзига нисбатан талабчанлик нуқтаи-назари билан қараш йўлида талай иш олиб боришлари лозим. Бу ўринда болани кимга ўхшаши ва кимдан ибрат олишига кўмаклашиш зарур. Аммо бу иш буйруқ ёки кўрсатма шаклида эмас балким, фикр-хоҳиш билдириш ёки маслаҳат тарзида амалга оширилса мақсадга мувофиқ бўлади.

Танқидий қараш вужудга келмасдан туриб ўз-ўзини тарбиялаш амалга ошмайди. Лекин бошқа кишилардаги камчиликларни танқид қилиш кифоя қилмайди. Балким ўзига нисбатан қаттиқ талабчан бўлиш, ўз камчиликларни англаш ва уларни қунт билан йўқотиш муҳим аҳамиятга моликдир. Ўзига нисбатан талабчан бўлмаслик, ўз нуқсонларини тан олмаслик, худбинликка ва ниҳоят ахлоқий тубанликка олиб боради. Ўз-ўзини тарбиялаш йўлида ижобий натижага эришмоқ учун ёшларда ўз хулқ-атворини тўғри баҳолаш қобилиятини ривожлантириш, ўзи учун маъқул ахлоқий идеал танлаш истагини вужудга келтириш лозим. Бу оқил она тарбия жараёни ва мураббийларнинг шахсий таъсири орқали вужудга келади. Инсонда ўз-ўзини тарбиялаш хусусиятлари кичик ёшда бошланиб, ёши улғайган сари такомиллашиб боради. Хусусан ўсмирлик даврида тақлидчанлик анча ривож топади. Улар ижобий шахслардан ибрат олиш билан бирга баъзан салбий мард, ботирлардан таъсирланиб уларнинг ножўя йўлларида бориб қоладилар. Натижада: манманлик, икки юзламачилик, бағритошлик, ичкиликбозлик, ҳаттоки ўғрилиқ каби ёмон сифатларни йўқотишга уринадилар. Ўзларидаги салбий ҳаракатларни ижобий фараз қилиб баъзан

жиноятлар содир қиладилар. Ўз-ўзини тарбиялаш жараёнини педагогик назоратсиз (стихияли ҳолида) қолдириб бўлмайди. Чунки ёшлар ҳаётий тажриба ва шунингдек ҳуқуқий билимдонлик етишмайди. Унинг устида айрим ўсмирлар ўжарликни принципалликни деб хато тушуниб ахлоқсизлик даражасига тушунадилар.

Узлуксизлик ахлоқий тарбиянинг муҳим тамойили бўлиб, мазкур тарбиянинг барча йўналишлар билан узвий бирликда ва тарбия субъектларининг (оила тарбия муасасалиги мактаб, олий мактаб, жамоат ташкилотлари)нинг ўзаро алоқадорликда фаолият кўрсатишни тақозо этади.

Ахлоқий тарбиядаги узлуксизлик-тамойили таълим ва тарбия бирлигида амалга ошириладики, бу кўпинча тарбия хусусан, ахлоқий тарбия амалиётида назардан четда қолдирилади.

Ахлоқий тарбия бир қатор воситалар орқали амалга оширилади: Булар; оила, меҳнат, санъат, оммавий ахборот воситалари ва ҳ. Шахс ахлоқий тарбияси аввало оиладан шаклланади. Тўғрироғи, у она қорнидан бошланади деган гап бежиз айтилмаган. Чунки аввало ота-онанинг ўзи ахлоқий тарбия кўрган бўлиши керак. Ота-она ўзининг ахлоқий фазилатлари билан фарзандига намуна бўла олиши керак. Шунинг учун уларнинг зиммасига катта маъсулият юклангандир.

Ахлоқийлик инсоннинг инсонийлиги унинг ахлоқий тарбия маҳсули бўлган ахлоқий маданиятида ифодаланади. Шунга кўра ахлоқий тарбиянинг аҳамияти ниҳоятда катта бўлиб, оила унинг асосий омил – воситаларидан бири ҳисобланади.

Меҳнат ҳам шахсий ахлоқий тарбияловчи муҳим воситаларидан биридир. Инсонни ҳалолликка, покликка ўргатади. Меҳнатга ўрганмаган киши дангаса, лоқайд, беъмани, адолатсиз, мол-дунёга берилувчан, тайёрга-айёр, хасис, пасткаш, такаббур каби иллатлар эгасига айланади.

“Меҳнат инсонни улуғлайди” деган мақолдакатта ҳикмат бор. Ижодий меҳнат инсонни инсон қилиб тарбиялайди, комилликка элтади, сабр тоқатли бардошли қилади. Шунинг учун оила, мактабда болаларни меҳнатга ўргатиш

– меҳнат тарбиясини амалга ошириш муҳим долзарб вазифа ҳисобланади.

Санъат ахлоқий тарбия воситалар тизимида алоҳида ўрин эгаллайди. Чунки санъат асарларида ахлоқий мезоний тушунчалар, тамойиллар мазмун-моҳияти бадиий образларда мужассамлашади. Шунга кўра шахсда санъат асарларини эстетик идрок этиш, ундан маънавий-руҳий ғизоланиш қобилиятини шакллантириш ахлоқий тарбиянинг муҳим вазифаси ҳисобланади. Ва худди мана шу вазифани амалга оширишда ахлоқий ва бадиий-эстетик тарбиянинг мақсад ва вазифалари ўзаро муштараклашади

4-Мавзу: Давлат хизматчилари этикаси ва имижи.

Этикет ахлоқий маданиятнинг яққол кўзга ташланадиган муносабатлар кўринишларидан бири сифатида кўпроқ инсоннинг ташқи маданиятини, ўзаро муносабатлардаги ўзини тутиш қонун-қоидаларнинг бажарилиши бошқаради. Этикетга келадиган бўлсак, одоб қоидалари этикет қоидаларидан устун ҳисобланган. Зеро одоб расм-русмлар – асосан ташқи таъсирга эмас, балки ички жиҳатларга – инсонийликни, хулқ ва ахлоқийлик учун асос сифатида қаратилган. Яъни этикет “муҳими қандайлиги эмас, балки бошқалар учун қандай кўринишда” шиори остида ўзини йўқотиб қўймаслик, аслзодалиқнинг мавжудлигини кўрсатишга интилиш ва шу билан жамоатчиликда ижобий таассурот қолдириш билан боғлиқ бўлган.

Давлат хизматчилари ходимлари умумий этикет қоидаларига амал қилиш билан бирга дипломатик этикет қоидаларга амал қилишлари шарт булади. Бу этикет қоидалари умумиинсоний қоида сифатида ахлоқий норма ҳисобланади. Уни бузиш ёки амал қилмаслик нафақат минтақавий ахлоқий қоиданинг, балки халқаро зиддиятларни келтириб чиқариши мумкин.

ДИПЛОМАТИК ЭТИКЕТ

Дипломатик этикет – бу дипломатлар ва бошқа расмий шахсларнинг бир-бири билан дипломатик тадбирларда бўладиган мулоқотлари чоғида амал қиладиган яхши хулқдарининг қоидалари.

Дипломатик этикет шаклланиш жараёнида умумий этикет қоидаларига таянади, шу билан бирга дипломатик нормалар ва қоидалар бизнес этикети амалиётида ва умумий этикет қоидаларида ўз аксини топади. Ушбу қоидаларни бузилишига йўл қўйиш мумкин эмас, оддий такаллуфнинг муносабатларда қўлланмаслиги дипломатик этикетда ҳурматсизликка тенглаштирилади ва халқаро ва миллатлараро зиддиятларни келтириб чиқаришга қодир.

Дипломатик этикет турли-тумандир. У ўз ичига учрашувлар, ўзаро салом алмашиш, табрик йўллаш, қабул маросимларини ўтказиш, ташрифларни амалга ошириш, суҳбат ва музокаралар олиб бориш этикети ва дипломатик церемониални қамраб олади.

Дипломатия — бу ўзаро келишувлар, битим ва конвенциялар тузиш санъатидир. Ушбу натижаларга учрашувларнинг муваффақиятли якунида эришилади.

Дипломатик учрашувлар ўзининг белгиланган регламенти, этикети ва кўпинча ўз протоколи билан ажралиб туради. Бунинг асосий сабаби шундан иборатки, дипломатик учрашувларнинг қатнашчилари дипломатия каби нозик фаолиятнинг асосини ташкил этувчи субординация қоидалари ва профессионал чекланишларга қатъий риоя қиладилар.

Учрашувлар ўзаро салом алмашиш билан бошланади. Саломлашиш турлари ҳар хил бўлади. Ҳорижий мамлакатларда узоқ сафарда бўлган киши бу мамлакатнинг миллий удум ва қонун-қоидаларини ўз мамлакати урф-одатлари билан таққослайди. Мисол учун, шуни таъкидлаш лозимки, мусулмонлар учун Шариат қонунларига биноан аёл ва эркак кишининг қўллари, агар улар қариндош бўлмаса, ҳатто бир-бирига тегиб кетиши ҳам қатъиян ман этилади.

Расмий қабуллар. Давлат раҳбарлари ўртасида расмий муносабатларни кенг тарқалган ва умумий қабул қилинган шаклларида бири расмий қабулларни ўтказишдир.

Қабулларни ташкил этиш одати бизга ўтмишдан келган бўлиб,

тинчликпарварлик, яхшилик белгиси ҳисобланган. Меҳмондўстлик эса, шу кунга қадар давлатнинг шаъни, халқнинг тўкин-сочинлик кўрсаткичи бўлиб келмоқда. Расмий қабул маросимларида меҳмоннинг анъанавий таомларининг тортилиши меҳмон давлатга бўлган алоҳида хурмат-эътибордан далолат беради.

Ҳозирги кунда халқаро амалиётда ҳамма иштирокчилар учун бажарилиши шарт бўлган ва ўз этикетига хос бўлган бир нечта расмий қабулларнинг тури мавжуд.

Дипломатик қабуллар чоғида суҳбат олиб борилади, аниқ белгиланмаган музокаралар, танишув ва бошқа тадбирлар амалга оширилади.

Иштирокчилар бир-бирларининг ўзаро алоқаси, йиғилиш характери, ёшига қараб, бир-бирларини тўлиқ исм-шарифларини айтиб ўтишлари ёки фақатгина фамилияларини айтиш билан чегараланадилар.

Дипломатик учрашув ёки дипломатик қабулнинг характери ўзаро мулоқотнинг меъёри ва шаклини, саломлашиш даражасини белгилайди.

Бир учрашув бутунлай норасмий, бошқаси – ярим расмий, учинчиси эса – протокол томонидан олдиндан белгиланган тарзда ўтказилади. Этикет аниқ ва бир хил тавсияларни кўзламайди.

Дипломатик этикетга кўра, асосий муомала шарти қабул тури билан боғлиқдир.

Хулқ-атворнинг асосий шарти дипломатик этикетга биноан қабул маросими билан боғлиқдир.

Қабул маросимлари дипломатик корпус вакиллари ўртасида ҳамда расмий ҳукумат вакилларининг ҳорижий вакиллар билан алоқаларини ўрнатиш ва уларни ривожлантиришга қаратилган.

Қабул маросимлари бирор-бир воқеани нишонлаш учун, масалан, мамлакатга давлат ёки ҳукумат раҳбари ташрифи ёки байрам ва юбилей саналари муносабати билан, таниқли шахсларга хурмат белгиси сифатида, бирор-бир ҳужжатларни имзолаш шарафига ўтказилади.

Қабулларнинг қуйидаги турлари мавжуд: «Шампан виноси бокали» ёки

«Вино бокали» қабуллари кенг тарқалган. Қабулнинг бу тури одатда пешинда бошланиб бир-бир ярим соат давом этади. Бундай қабул тури оддийлиги билан ажралиб, шартлилик чекланган. Бундай қабулларда мураккаб музокаралар олиб бориш мумкин эмас. Ушбу турдаги қабуллар одатда инсонларни бир-бирига таништириш ёки кейинги учрашувларни белгилаш учун хизмат қилади.

«Нонушта» қабули (инглизча – «Ланч») куннинг биринчи ярмида – соат 15.00даўтказилади. Қабул таомномасига оддий газаклар, 1-2 турдаги иссиқ таом ва десерт киради. Қабул сўнгида кофе ёки чой таклиф этилади. Қабул пайтида аввал яхна ичимликлар ва пиво берилади. Бу каби қабуллар жиддий суҳбатга ёки бирор-бир муаммоларни муқоама қилишга имкон яратади. Қабул пайтидаги танаффус (янги таом тортилишидан ёки десерт ва чойдан аввал) таклиф этилган томонларга қисқа вақтга суҳбатдошларни тарк этиб, керакли масалаларни муқоама қилишга имкон беради.

Халқаро протокол амалиётида кундузги қабуллар кечки қабулларга нисбатан катта тантанага эга бўлмаган қабуллар, деб ҳисобланади.

«Тушлик» қабули даража жиҳатидан муҳимроқ ҳисобланади. Унинг бошланиш вақти – соат 19.30, 20.00 ёки 20.30ларга бориб тақалади. Таомлар, газак ва шароблар «Нонушта» қабули кабидир. «Тушлик» 2-3 соат ёки ундан зиёд давом этади. «Нонушта» каби «Тушлик» ҳам турли усулда ўтказилади. Усуллардан бири меҳмонларни алоҳида ўтказишни назарда тутди. Ушбу ҳолатда меҳмонлар қабул ўтказиладиган жойда хоналарнинг бирида белгиланган вақтда тўпланадилар. Уларга яхна ичимликлар, пиво, виски ва шарбатлар тортилади. Енгил газаклар тавсия қилиниши мумкин. Шундан сўнг меҳмонлар умумий столга таклиф этилиб, уларга ўрнатилган тартибда таом ва винолар тортилади. Десерт вақтида мезбон ва асосий меҳмон ўртасида «шампан» қадаҳи сўзлари (тостлари) билан фикр алмашилади. Сўнгра меҳмонлар алоҳида ажратилган жойга ўтадилар ва уларга чой ёки кофе ҳамда коньяк ва ликер таклиф қилинади.

«Нонушта» каби «Тушлик» қабули ҳам муҳим суҳбат ва танишувлар

учун имконият яратади.

«Нонушта» ва «Тушликшинг бошқа бир тури бу «Тушлик» – буфет " бўлиб, одатда у соат 18.00-20.00 ларда бошланади. Қабул чайтида таомлар алоҳида столда жойлашган бўлади, меҳмонлар ўрта ҳажмдаги столлар атрофларида жойларини эгаллаб, ўз-ўзларига хизмат қиладилар. Меҳмонларга винолар таклиф этилиши мумкин. Баъзан винолар алоҳида кичик столчага жойлаштирилади ва меҳмонлар ўзлари туриб ликопчаларга алоҳида столдаги таомлардан солгани каби виноларни ҳам олишлари мумкин. Чой ва кофелар ҳам шу тарзда таклиф қилинади.

«Коктейл» ёки «а-ля фуршет» туридаги қабуллар тайёргарлик ва ташкил этилиши нуқтаи назаридан оддий ва кенг тарқалгандир. Улар тик турган ҳолда ўтказилади. Асосан официантлар меҳмонларга енгил совуқ газаклар ҳамда яхна ва маст қилувчи ичимликларини олиб келадилар. Баъзан улар столларга жойлаштирилиши ҳам мумкин. Ушбу қабуллар кечки вақтда тахминан соат 18.00 - 19.00 ларда ўтказилади. Ушбу қабул бошқаларига нисбатан ҳар бир иштирокчини бошқалар билан мулоқот қилишига қулай имконият яратади, чунки стол атрофида ўтириб, меҳмонлар фақат яқин ўтирганлар билан муомала қилишлари мумкин.

Юқорида таъкидланган қабулларга меҳмонлар одатда рафиқалари билан бирга таклиф қилинадилар.

Қабулларнинг яна бир тури "Чой" бўлиб, у, одатда, аёллар учун соат 16.00-18.00 лар мобайнида ўтказилади. Баъзи бир ҳолларда ушбу қабул дипломатик ваколатхонанинг раҳбари ёки дипломатнинг рафиқаси кетиши муносабати билан ҳам ўтказилиши мумкин. Қабулга чой ёки кофе, кондитер маҳсулотлари, конфетлар, мевалар, баъзида енгил газаклар ва вино ҳам тортилиши мумкии.

Ҳайъатлар (делегациялар) ташрифи

Меҳмонни қабул қилиш барча халқларда оддий ҳолларда ҳам алоҳида эътибор билан ўз ўрнига қўйилади. Халқаро муносабатлар даражасида эса меҳмонга бўлган эътибор жиддий тусга киради. Бу ҳолат ташриф даражаси,

мақсади ва характериға боғлиқ бўлади.

Ташрифлар ўз классификацияси бўйича бир неча турларға бўлинади. Улар: олий даражада ташкил этиладиган давлат ва расмий ташрифлари, «Саммитлар», амалий ва норасмий ташрифлар. «Саммит» ва олий даражадаги учрашувларда асосий эътибор сиёсий музокараларға ҳамда тантанали маросимлар тадбирлари, гулчамбар қўйиш маросимлари, эҳтиром ташрифлари, қабуллар, жамоат билан учрашувларға қаратилади. Бундай ташриф одатда қўшма ҳужжатларни имзолаш билан яқунланади. Бу авваламбор ишлаб чиқилган ва келишилган дастур бўйича амалға оширилиб, фақат бирор-бир фавқулддаги ходисалар туфайли дастурға маълум ўзгаришлар киритилиши мумкин.

Дипломатик ёзишмаларни олиб бориш

Дипломатик ҳужжатларға давлат арбобларининг нутқлари, ноталар, мактублар ва меморандумлар киради. Уларда давлатнинг халқаро миқёсдаги муаммоларға муносабати ва ҳукуматнинг уларға нисбатан тутган мавқеи баён қилинади. Юқорида кўрсатилган ҳужжатларда бирор-бир давлатни тан олиш ва дипломатик алоқаларни ўрнатиш, фаол халқаро муаммоларни ҳал этиш бўйича таклифлар, давлат суверенитетини ёки халқаро ҳуқуқ тамойилларини бузиш билан боғлиқ ҳаракатларға нисбатан қаршиликларға доир маълумотлар баён қилинган бўлиши мумкин.

Халқаро дипломатик амалиётда қуйидаги ҳужжат турлари юритилади: шахсий ноталар, эслатма қайдлари, меморандумлар, шахсий яримрасмий хатлар. Шахсий нота биринчи шахс номидан тузилиб, икки томонни қизиқтирувчи бирор-бир ҳодиса ҳақидаги маълумотға эга бўлади. Юқори даражадаги муҳим халқаро масалалар ҳақидаги шахсий нота ёзишмаси шахсий мактуб даражасига кўтарилиши мумкин.

Вербал нота жуда кенг тарқалган дипломатик ҳужжат ҳисобланади. У учинчи шахс номидан ёзилиб, тегишли Ташқи ишлар вазирлиги ёки элчихоналар томонидан кенг қамровли масалаларни, хусусан сиёсий, иқтисодий, протокол ва огохлантирувчи характерға эга бўлган масалаларни

кўриб чиқиш ва ҳал этиш учун ёзилади.

Эслатма ёзувлар одатда оғзаки қилинган баёнотни муҳимлигини таъкидлаб ўтиш учун шахсан топширилади. Улар шахси аниқланмаган ҳолда тузилади: «маълум қилинмоқда» қабилида.

Меморандум бирор-бир масалани жуда аниқ кўрсатади ва ўзида факт, таҳлил ва аргументларни мужассам этади,

Шахсай хат деярли норасмий ҳужжат бўлиб, расмий шахсларга йўлланади ва ёзишмаларнинг маълум қондасига қатъий амал қилишни кўзламайди ҳамда хат йўлланган шахснинг масъулияти доирасида ҳал этилиши мумкин бўлган масалаларни ечиш учун ишлатилади. Бунга мисол тариқасида ташкил этилган қабул ёки концертда иштирок этишдан миннатдорчилик билдирилган хатларни келтириш мумкин.

Ташрифномаларнинг пастдаги чап бурчагида қалам билан қуйидаги маъноларни англатувчи ёзувлар белгиланиши мумкин:

p.ё.	Табрикнома
p.г.	Ташаккурнома
p.с.	Таъзиянома
p.р.	Масофадан туриб таништириш
p.f.с.	Танишувдан мамнун бўлиш
p.р.с.	ШаШахсий ташриф ўрнига (кетиш сафари)
p.f.N.a.	Янги йил муносабати билан табрикнома
	Дипломатик баённома (протокол)

“Дипломатик баённома” – Давлатлараро ҳамкорликда муносабатларнинг асосий қоидалари, жумладан суверенитетни ҳурмат қилиш, тенглик, эркинлик, ҳудудий барқарорлик, бир-бирини ички ишларига аралашмаслик каби талабларга риоя қилмасдан туриб тўлақонли келишувни амалга оширолмаган бўлар эдилар.

Бундай талабларни бажариш учун бу борадага тажрибадан ташқари маълум бир дастурамал ҳам лозим. Бундай дастурамал дипломат (музокара) баённомаси дейилади. Ўшбу баённома давлатнинг вужудга келишидан

тортиб, ҳозирги давргача бўлган ўзаро ҳамкорлик муносабатларининг қайта ишланган, йиллар давомида таҳрир ва тажрибадан ўтган, замонавий талабларни ҳам ўз ичига қамраб олган қоидалар мажмуидир.

«Дипломатик луғат» дипломат баённомасида тўғрисида аниқроқ тушунча бера олади:

Дипломатик баённома – халқаро муносабатларда расмий шахслар, вакиллар томонидан ҳукуматлар томонидан амалга оширилиши лозим бўлган умумқабул қилинган анъана, тартиб, расм-русмлар қоидасининг мажмуидир.

Умуман олганда, музокара этикетининг бир қанча қатъий қоидалари мавжуд. Улар қуйидагича:

Саломлашиш ва кўришишда исми билан мурожаат қилиш. Бу нафақат уни ҳурмат қилишингизни, балки ўзингизга нисбатан ҳам шундай ҳурмат билан қарашингизни англатади.

Нигоҳ муҳим аҳамиятга эгадир. Самимиятни кўрсатиш учун суҳбатдошини кўзларига қараш лозим.

Саломлашувда туриш шарт. Ўтириб кўришилмайди. Ёш ва жинснинг аҳамияти йўқ.

Табассум ва ширинсуханлик ҳар қандай вазиятга объектив ёндошишга олиб келади.

Исмингизни айтиб кўришинг. Биринчи марта кўриб турган бўлсангиз исми-шарифингизни айтиб ўзингизни бир йўла таништиринг. Агар аввал ҳам учрашганизга гумонингиз бўлса, исмингизни айтганингиз маъқул – бу шеригингизни ноқулай вазиятга тушиб қолишини олдини олади.

Кўришганда қўл бериб кўришиш керак. Бунда қўлни ҳаддан зиёд қисиб юбориш ярамайди. Шашт билан узатилган қўл муносабатни янада мустаҳкамлайди.

Музокара кийими. Бундаусти бошимиз макон, замон ва воқеликнинг табиатига тўғри келиши лозим. Расмий музокараларга одми рангдаги кийимлар мос келади. Бўйинбоғ туси унинг эгаси борасида маълум тасаввурни пайдо қилиш имконига эга.

қизил, сариқ – эркинлик, қатъийатлик;
қора тусда қизил безаклар – ўзига нисбатан ишончни кучлилиги,
муайянлик;
кўк ва тўқ жиггаранг – бағрикенглик;
тўқ кулранг – ҳиссиётларга эрк бермаслик;
ҳаворанг – хотиржамлик;
яшил, сариқ – сергаклик.

Педагогик этика

Педагогик фаолият файласуфни жонли ҳаёт, амалиёт, ёш авлод билан боғлаб турувчи зарурий ҳалқадур. Акс ҳолда гарчи илм соҳасида кўп марраларга, даражаларга эришилса ҳамки, файласуф олим айна замонда дарс бериш билан ҳам шуғулланмаса, қуруқ абстракциялар оламига кириб кетиб, сафоатабоз (схолост) бўлиб қолиши хавфи кучаяди. Айна шу ҳолда фалсафанинг ҳаётдан узоклашуви, жамиятда кадрсизланиш, ҳатто кризисга учраши ва ҳалокати содир бўлади. Ваҳоланки, буюк эзотерик файласуф Эль —Мория айтганидай "Амалда фойда келтирмайдиган билим — ўлик билимдир".

Шунингдек, агар фалсафа энг қадим даврларда, ҳозирги илмий билимлар шаклланмасдан ҳам олдин вужудга келиб, ҳамон яшаб келаётган экан, бунда жуда катта ҳикмат бор. Бу ҳикматни машҳур немис файласуфи Ч.Фихте “Файласуф бугун инсониятнинг тарбиячисидир” деган биргина жумласи ғоят аниқ ифодилаб берган. Шунингдек, нафақат Шарққа, балки Ғарбга ҳам ўз донишмандлиги билан машҳур бўлган буюк файласуф, ватандошимиз Абу Наср Фаробий ҳам мураббийлик мартабасининг нақадар улуғлигига алоҳида эътибор қаратган. "Инсоний вужуддан мақсад, —деб ёзади у, — энг олий бахт — саодатга эришувдир... Бахт — саодатга эришув ва туғма қобилиятларнинг ривожланиши ўз — ўзича бўлавермайди, балки бу масалада қандайдир бир муаллим ёки раҳбарга муҳтожлик туғилади".

Тўғри, туғма ақл, зийракликка эга бўлган одамга ҳатто тоғу —тошлар, дарахт ва ўсимликлар ҳам таълим бера олади. Хусусан, пайғамбар Муҳаммад алайҳиссалом саводсиз бўла туриб, шундай буюк ҳикматли фикрларни айтганларки, ислом маданиятининг ҳозир ҳам тириклиги бу билимнинг нақадар чуқурлигини кўрсатиб турибди. Ва лекин, ҳар бир инсон ҳам бу мартабага лойиқ бўлиб туғилавермайдику!

Шундай экан ўқитувчи ўз талабасига дунё, борлиқ деган бу улкан китобни ўқиш ўрганишга ёрдам берувчи мўътабар зот бўлиши, шунга лойиқ бўлишга интилиши шарт. Ўқитувчи бўлиш шарафи ҳақида энг машҳур шоир дилдан куйлаганлар. Масалан, Абдулла Орипов ўзининг " Муаллим" деган шеърида шундай ёзади:

Муаллим ҳақида сўзим ушбудир:
Муаллим камолот ичра кўзгудир.
Ўқидим Геродот, тарихни кўп бор,
Фаробий, Дантени такрор ва такрор.
Барини ўқидим, лол қолди ақлим,
Барига устозсан ўзинг муаллим.
Алишер қалбига солган сеҳр-файз,
Сенсан, эй, муаллим, устоз Абдуллайс.
Қутлуғ хонадонда қутлуғ калом бу,
Ҳамид Олимжон бу, Гафур Гулом бу.
Рост айтсам, ўзингсан энг аввал даҳо,
Сен ҳаёт ганжида дурри бебаҳо.

Япон жанговарлик санъатини ўрганаётган самурайларнинг "Ота —онам менга ҳаёт бахш этган бўлса, устоз мени инсонга айлантирди" деган, ўз қасамёдларига қўшиб айтадиган сўзлари билан ҳам, қадимги Хитонинг "Ота- онанг сенга осмон ва ер кабидирлар, лекин сенинг устозинг ва хожанг Қуёш ва Ой кабидирлар" деган ҳикматлари билан ҳам уйғундир.

Шундай қилиб, ўқитувчи бўлишни орзу қилмаслик ўз олдида турган асосий масаланинг моҳиятини билмаслик ва нодонликдандир. Қолаверса, ўзи ўрганган илм соҳасини - фалсафани билмаслигидандир. Айни пайтда хатто фалсафани қониқарли билган ҳар қандай инсон чин маънодаги фалсафа мураббийи олий унвонга сазовор бўла олмаслиги ҳам мумкин. Зеро, чин маънодаги фалсафа муаллими билимдан ташқари муайян ўзига хос бошқа сифатга ҳам эга бўлиши керак.

Бу сифат қандайлиги Абу Наср Форобий томонидан жуда яхши кўрсатилган : “Ўзидан бошқа кишиларга раҳбарлик қилиш, уларни бахт—саодатга эришув даражасига кўтариш... ҳар кимнинг қўлидан келадиган иш эмас. Ким бировни бахт—саодатга эриштириш бўйича зарурий ишларга руҳлантириш қобилиятли бўлмаса ва бу ишларни бажара олишга қудратсиз бўлса, бундай одам сира ҳам раҳбар (яъни, мураббий, муаллим, устоз) бўла олмайди”.

Юртимизнинг энг теран ҳикматли фалсафа ўқитувчиси, аввало, комил инсон бўлиши кераклигини кўрсатади. Зеро ўзи комил бўлмаган инсон ўзгаларга ҳам комиллик йўлини кўрсата олмайди. Ваҳоланки, 2010 йилни “Бакамол авлод йили” деб номланиши ушбу масаланинг нақадар долзарб сиёсий ўринга чиққанини кўрсатиб турипти.

Демак, биз биринчи ўринда “Қандай одамни комил дейиш мумкин?” леган саволга теран фалсафий жавобни ҳамига ўз хотирамизда тутишимиз керак. Бундай жавоб бизнинг энг қадимий маданиятимизда, хусусан, "Авесто"даёқ мавжуддир. Бу ундаги “Эзгу фикр, эзгу калом (сўз) ва эзгу амал” деган шиорида ўз ўрқин ифодасини топган. Барча фалсафий таълимотларнинг асосий мақсади ҳам ҳамини шундан иборат бўлган.

Ғарб фалсафасида эса бу ҳикмат бир қадар конкретлаштирилган ва рационаллаштирилган эди.

Буни биз немис файласуфи И. Кантнинг уч машҳур саволидан биламиз. Булар “Мен нимани билишим мумкин?”, “Мен нима қилишим керак?” ва “Мен нимани умид қилишим мумкин?” деган саволлар эди. Биринчи саволга у ўзининг назарий фалсафасида, иккинчи саволига амалий фалсафасида жавоб берган эди. Учинчи савол эса ҳам назарий, ҳам амалий характердаги анча мураккаброқ савол бўлиб, жавобда индивиднинг “умид истикболи” кўрсатиб берилиши керак бўлган маданият муаммосига бориб тақалган эди. Маданиятнинг энг олий идеали сифатида эса Кант деярли барча буюк Ғарб файласуфлари каби, “Худо – бу мухаббат” деган инжил сураларини тарғиб этган хринистиан схоластлари каби, шунингдек, тасаввуф таълимоти намояндалари каби ишқни тан олган эди. Яъни ушбу идеалга кўра бутун борлиқ ишқдан бошланади ва яна ўз манбаига, ишққа қайтади. Демак, ҳар қандай индивид учун олий идеал ишқдир. Файласуфнинг асосий вазифаси ҳам индивидга шу йўлни кўрсатишдан иборат.

Маълумки, буюк рус ёзувчиси Л.Толстой ҳам Кантнинг мазкур ғоялари билан яқиндан танишган ва у билан ҳамфикр бўлган эди. Биз бунга Толстойнинг “Уруш ва тинчлик” номли асари бош қаҳрамонларидан бири Андрей Болконскийнинг оғир ярадорлик ҳолатида, ўлим олди талвасасида қалбидан кечган қуйидаги фикрлари билан танишиш орқали ишонч ҳосил қила оламиз. “Ишқ бу ҳаёт демакдир, - дейди Болконский. - Мен ниманики тушунган бўлсам, фақат севганим учунгина тушунганман. Оламдаги барча нарсалар мендаги ишқ туфайли бордир. Ҳамма нарса фақат унга боғлиқдир. Ишқ бу Худо демакдир, ва ўлим – шу ишқнинг кичик бир заррачаси сифатида менинг шу умумий ва абадий манбага қайтмоғимдир”.

Кўриниб турибдики, ушбу фикрлар “Авестода”ги эзгу фикр, эзгу калом, эзгу амал ҳикмати билан ҳам, тасаввуф таълимотининг комилликка эришув, яъни шариат, тариқат, маърифат, ҳақиқат босқичлари орқали “Ан ал-Ҳақликка” эришиш ҳақидаги ғояларда ҳам аллақачон ўз ифодасини топган эди.

Демак, чин мураббийлик, яъни мураббий фикри, сўзи ва иши ҳамиша энг улуғ иш бўлиб келган. Ваҳоланки, ҳар қандай киши, хатто кучли олим ҳам чин мураббий бўла олмайди, албатта, балки ҳам ахлоқий, ҳам илмий билимлар эгаси бўлган ва бу сифатларни бошқаларга ҳам юқтира оладиган инсонгина чин фалсафа муаллими бўла олади. Агар шу сифатлар ўқитувчида бўлмаса, у фалсафадан дарс бера олмайди. Ҳиндларнинг "Бхагават Гита" муқаддас китобида бу ҳақида оддийгина қилиб шундай дейилган: "Одатда одамларга раҳбар керак бўлади, раҳбар эса ўз мисолида бошқаларга намуна бўладиган одамдир. Агар раҳбарнинг ўзи нотўғри ишлар қилса, у бошқалардан тўғри бўлишни қандай талаб қила олади?".

Шундай қилиб, файласуфда теран билимларни эгаллаш ва мураббий бўлиш иқтидори бир медалнинг икки томони каби ажралмас бирликни ташкил этиши керак. Зеро, файласуф аслида кишиларни комилликка бошламоқ учун дунёга келади. Буни фалсафанинг "Донишмандлик ва муҳаббат" деган номи ҳам ҳамиша кўрсатиб туради. Қадимги юнон файласуфи Гекраклит яхши тушунтирганидай, "Кўп нарсани билиш хали донишман бўлиш эмас". Зеро, донишмандлик (софия) билимнинг ўзидангина иборат эмас ва барча билимларнинг жами ҳам эмас. Донишмандлик тушунчасининг мазмунига кўп билим эгаси бўлиш билан бирга бу билимларни қўлланишнинг ахлоқий мезонларини ҳам билиш ва, энг муҳими, бошқа одамларга ва атроф табиатга, бутун борликка меҳру шафқатли бўлишни ҳам киради.

Лекин кейинги даврларда инсониятнинг бутун диққати асосан фақат билимли бўлишга қаратилди, маданиятнинг бошқа энг муҳим жихатлари эса эътибордан четда қолиб кетди. Бу ҳол Конфуций давридаёқ бошланган эди ва у ҳозирга қадар давом этиб, ўз максимал даражасига етди. Бу ҳолнинг бошланганини эса Конфуцийнинг ўз вақтида афсус билан айтган "Қадимги одамлар ўзлари учун билим олар эдилар. Ҳозиргилар эса бошқаларни эзиш учун билим эгалламоқдалар" сўзлари ҳам кўрсатган эди.

Эндиликда мустақил жамиятимиз маънавиятини қайта қураётган эканмиз биз бундай иллатдан озод бўлишимиз, яъни ўз билимимизни бошқаларни эзиш учун эмас, аксинча, бошқаларга ёрдам бериш учун, уларга бахтли бўлиш йўлини кўрсатиш учун қўллашимиз керак. Шундагина файласуф эзгу фикр, эзгу калом ва эзгу амал эгаси бўла олади, ўзининг чин вазифасини бажара олади.

Лекин, бугунги кунда, бизнингча, бу ҳам етарли эмас. Зеро бугунги кунда ҳар қанча эзгу фикр эгаси бўлманг ва эзгу калом айтманг ҳамда эзгу амаллар билан шахсий намуна кўрсатманг, одамларни ўзингизга жалб этувчи жиҳатингиз ҳам бўлмаса, иш юришмайди. Зеро телевидение, кино, театр, радио каби оммавий ахборот воситалари бир — бири билан мусобақалашиб, информация узатишнинг энг қизиқ усуллари қўллаб турган, “оммавий маданият” ҳам бу мусобақада улардан қолишмай турган бугунги кунда ўқитувчидан бу рақобатда қатнашмоқ учун жуда катта санъат эгаси бўлиш ҳам тақозо этилмоқда. Яъни бугун у яхши сўзни оддий айтиш билан чеклана олмайди, балки уни жуда чиройли, ифодали таъсирчан нутқ билан, яъни артистлик маҳорати билан ҳам артистлардан устун бўлиши керак. Бунинг учун киши ўзини зўрлаши ҳам керак эмас, балки ўз касбини чин қалбдан севиши керак. Шундагина булар ҳаммаси табиий равишда вужудга келади.

Ушбу саволни ёритишдан асосий мақсад ўқув жараёнида лекторнинг ўрнини ҳеч нима боса олмаслигини кўрсатиб беришдан ҳам иборат эди. Ваҳоланки, чет элларда мактаб, колледж ва бошқа ўқув даргохларида маърузачининг жонли нутқини тинглаш ўрнига юксак техникалашган ахборот тизимларидан (компьютер, магнитофон, интернет ва ш.к.) кенг фойдаланиш амалиёти кузатилмоқда. Биз бу ерда ўзимизнинг хос нуқтаи назаримизни билдирмоқчимиз. Бунинг учун яна бир қарра ва конкретроқ равишда чин устоз темирдан ёки бошқа жонсиз нарсаларда ясалган робот эмас, балки ниҳоятда ноёб зот эканини эслаб олишимиз зарур.

Устоз (ўқитувчи, педагог) ушбу сўзнинг энг олий маъносида олиб каралса бу " донишмандлик фидойисидир", ҳақнинг ҳизматчиси бўлган инсондир, У жаҳолат зулматида йўл топа олмай турганларга йўлни ёритувчи зиёдир. Унинг зиёси талабанинг қоронғулик чулғаб олган қобилиятлари ва имкониятларининг намоён бўлиши, рўёбга чиқишига ёрдам берадиган кучли руҳий мададдир.

Ана шу олий маънодаги устоз ўзи гений бўлмагани ҳолда (унинг гениаллиги ҳам аслида шунда бўлса керак) генийларни тарбиялаб етиштириш қобилиятига эга бўлган зотдир. Лекин бу қобилият кўпинча халқнинг назарига даҳоларга тушунганичалик тушмайди. Шунга қарамасдан устоз ўз ишини камтарлик билан давом эттираверади. Чунки унинг асл мақсади шон —шуҳрат эмас, балки баркамол инсонларни тарбиялашдир.

"Ўзиданда юксакроқ шогирдни тарбиялай олмайдиган устоз чин усгоз эмас" деган Баҳовиддин Нақшбанд ғоясининг моҳияти ҳам айна шунда эди.

Ўзиданда юксакроқ шогирдларни етиштирмақ учун эса ўқитувчи куйидаги сифатни ўзида жо этишга тинимсиз ҳаракат қилиши керак:

1. Ўқитувчининг ўзи барқомилиқка тинимсиз интилган чоғдагина чин устоз бўла олади, бу интилишдан тўхтагани замони у бу номга муносиблигини йўқотади. Фалсафий материални баён этишнинг бошқа шаклларида (газета, илмий адабиётлар, радио, телевидение ва ҳ.к. даги чиқишларида) бундай узлуксизлик талаб этилмайди. Зеро, ўқитувчи бир ой, бир йилда бир марта эмас, балки ҳар куни кечагидан комилроқ бўлиши керак. Чунки у ҳар куни, ҳар соат, ҳар дақиқа ўз шогирдлари учун намунадир.

2. Ўзининг ҳар битта шогирдида яхши ва ёмон томонларни, ютуқ ва камчиликларни кўра оладиган, уларга ишона оладиган, улар даврасига кўтаринки руҳ кирита оладиган, ўз ўқувчилари қалбини ром эта оладиган бўлиши зарур. Фалсафий материални баён этишнинг бошқа шаклларида эса

муаллиф ўз мухлислари билан бундай бевосита алоқадорлик, шогирд қалбига тўғридан тўғри кириш имкониятига эга эмас.

3. Ўқитувчининг вазифаси ўз ўқувчиларига билим беришдангина иборат эмас, балки ва, асосан, уларнинг эндигина шаклланаётган онгини энг олий рухий қадриятларга — Муҳаббат, Адолат, Ҳақ (Ҳақиқат), Гўзаллик кабиларга йўналтиришдан иборатдир. Унинг ана шу жиҳати бугунги кунда айниқса долзарб. Зеро, фалсафани фақат фан деб қараб келинган вақтларда устознинг вазифаси фақат билим бериш билан чекланиб қолгани туфайли бир қатор ёш авлод теран рухий қадриятлардан баҳра олиш имкониятидан узоқ вақтлар маҳрум бўлиб келган эди. Киши онгини энг олий рухий қадриятларга йўналтириш эса ўқитувчи билан шогирд орасида иккиёқлама жонли мулоқот бор бўлган чоғдагина мумкин бўлади. Радиода, телевидение экранларида ва ҳ.к. бундай бевоситалик йўқ, яъни "қалб қалбдан бевосита сув ичиш" имконига эга эмас.

4. Талабаларни тарбиялаётган устоз аввало ўз шахсий менини худбинликдан ажратиб олмоғи, ўзининг ҳар бир ҳатти-харакатини бошқара оладиган бўлиши керак. Шунингдек, унда асосий ҳаётий масалаларга нисбатан очиқ-ойдин, аниқ қарашлар шаклланган бўлиши, бошқаларни тушуниш истаги ва қобиляти ривожланиши ва бу йўлда катта сабру тоқат ҳислатларини касб этиши ҳам керак.

Фалсафий материални бошқа ерларда баён этишнинг ҳеч қайси шаклида лектордан бундай сифатлари қатъий, изчил, узлуксиз ва давомли бўлиши талаб этилмайди.

Шундай қилиб, ўқув жараёнида малакали, ўз ишини яхши биладиган ва яхши кўрадиган, билимли ва ахлоқли, одил ва инсонпарвар, ширинсўз ва моҳир нотик (оратор) сифатига эга бўлган фалсафа ўқитувчисининг ўрнини ҳеч бир янги технология билан алмаштириб бўлмайди. Телевидение

кўрсатувлари, матбуот саҳифаларида чиққан ахборотлар ҳам талабанинг педагог лектор билан жонли мулоқоти ўрнини асло боса олмайди.

Чунки, талаба маърузачининг на радиодаги, на телевидениядаги чиқишларида ва на матбуотда чоп этилган мақолаларида муаллиф фикрининг ўзини қизиқтириб қолган жойларига жалб қилиш, савол бериб, ўз саволларига шу зумда, бевосита жавоб олиш, у билан бевосита боғланиш, дарс мазмунида фаол иштирок этиш имкониятига эга бўла олмайди. Иккинчи томондан, нотик(лектор) ҳам ўз лекциясини қандай қабул қилаётганидан, тингловчига қандай таъсир кўрсатаётганидан, унда қандай саволлар туғилаётганидан ёки уни умуман бефарқ қолдираётганидан ва бошқа ҳолатларидан бевосита ва тез хабардор бўла олмайди. Шунинг учун умуман ўқитишда, айниқса фалсафани ўқитишда ахборот узатишнинг бошқа воситаларидан фойдаланиш мумкин ва керак бўлган ҳолларда ҳам меъёрни эсдан чиқармаслик ва асосий эътиборни жонли мулоқатга қаратиш зарурлигини эсдан чиқармаслик керак. Албатта, таълимнинг маъруза— мулоқотдан бошқа ҳилларининг ҳам катта аҳамияти бор. Лекин, буларнинг ҳеч бири жонли мулоқотнинг ўрнини асло боса олмаслигини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Этикет—бу кишиларнинг ўзаро муносабатига тегишли умумий тарзда қабул қилинган ва риоя қилиниши талаб этиладиган ахлоқий қоидалардир. Шунга кўра у муомила одобининг расмийлашган шаклидирки, у ҳар бир халқнинг урф-одати, хулқ-атвори билан бевосита боғлиқ одоб қоидалари ҳисобланади. Масалан, бизнинг халқимиздаги меҳмондорчилик, дастурхон устида ўтириш – овқатланишнинг одоб қоидалари—этикетлардан (дастурхон тўрида энг катталарнинг ўтириши, овқат ейишни уларнинг бошлаб бериши ва бошқ.)дан Ғарб – Оврўпа халқларнинг бу борадаги этикетлари фарқ қилади. (Бу ўринда Махтумқулининг: “Ҳар йигитнинг аслини билай десангиз, маракада ўтириб туришинг кўринг” деган сўзларини эслаш кифоя).

Бугунги глобаллашув, дунё халқлари маданий алоқаларининг кенгайиб боришида кишиларимизда, айниқса ёшларимизда миллий қадриятларимизга

содиклик руҳида тарбиялаш алоҳида аҳамият касб этмоқда. Шунга кўра ёшларимиз миллий этикет кўникмаларини шакллантириш бугунги тарбия тизимининг муҳим вазифаси ҳисобланадики, оила буни амалга оширувчи асосий субъект саналади. Дарҳақиқат, одоб кўникмалари болада ёшлиқдан бевосита ота-онанинг намунавий хатти-ҳаракатлари таъсирида шаклланади. “Қуш уясида кўрганини қилади” деган халқ ҳикматида ана шу оддий ҳақиқат мужассамлашгандир.

Этикет муомала одоби сифатида фақат муайян миллат, халқ муносабатидаги эмас, балки халқаро ижтимоий-сиёсий миқёсида, хусусан, дипломатия соҳасида қабул қилинган қонун-қоидалар тарзида ҳам амал қилади. Бундай қонун қоидалар расмий ҳарактерга эга бўлиб, уларга элчилардан тортиб, давлат бошлиқларигача бирдай риоя қилиши талаб этилади. Ва уларни бузиш қатъиян тақиқланадики, бунга йўл қўйилган ҳолда қатта жарима тўланади. (Собиқ шўролар мамлакатининг бошлиғи Н, С, Хрушчев 1962 йилда БМТ ассамблеясида маъруза қилиш этикетини бузганлиги учун унга жарима белгиланган эди).

Касб одоби ахлоқий маданиятнинг моддий ва маънавий ишлаб чиқариш жараёнида амал қилиш шаклидир. Бошқача қилиб айтганда, касб одоби муайян ишлаб чиқариш соҳасида шуғулланувчи шахс–касб эгасининг ўз ижтимоий бурчини ахлоқий норма, меъёрлар мезонидан ўташ маданиятидир. Касб одоби бир-бири билан узвий боғлиқ икки жиҳатни ўз ичига олади: ҳуқуқий ва ахлоқий. Касб эгасининг ўз бурчини жамиятнинг мақсад ва манфаатларига мувофиқ мажбурият доирасида бажариши биринчи жиҳат моҳиятни ифодаласа, иккинчи жиҳатнинг моҳияти эса ихтиёр эркинлиги, ахлоқий танлов асосланишлиги билан изоҳланади. Ва қайд этилган жиҳатлар ўзаро узвий бирликда касб эгаси фаолиятида ахлоқий муносабат тарзида намоён бўлган пайтдагина касб одоби ахлоқий маданиятнинг амал қилиш шакли ҳисобланади. Дарҳақиқат, масалан, шифокор-врачнинг касб одоби Гиппократга қасамёдини фақат мажбурият доирасида эмас, балки ахлоқий танлов тамойиллари асосида адо этишлигида

намоён бўлади. Шунини таъкидлаш керакки, касб одобида ҳуқуқий жиҳат белгиловчи, устувор томон ҳисобланади. Ва шу боис ҳеч бир табиб, ҳатто ўзининг ашадий душманини ҳам даволамасликка ҳаққи йўқ.

Касб одоби ҳуқуқий ва ахлоқий жиҳатларининг бирлиги тамойили барча касб эгаларига ҳам бирдек таллуқлидир.

Шунини алоҳида таъкидлаш керакки, касб одоби турли тоифадаги кишилар ўртасидаги ўзаро алоқа муомала одоби бўлиб қолмасдан, айти пайтда унда шахс ва жамият ўртасидаги ижтимоий муносабатлар ифодаланади. Чунки ҳар бир ижтимоий гуруҳ касбий вазифа-бурчларини бажаришига кўра иерархияли, мавқега эгадирларки, бунда уларнинг бири иккинчисига нисбатан имтиёзли ҳуқуқга эга бўлади. Чунончи, ўқитувчи ўқувчига нисбатан, мактаб директори ўқитувчига нисбатан ва ҳ.

Шу жиҳатдан олиб қараганда касб одоби маданияти жамият ва шахс муносабатларини уйғунлаштиришда муҳим мавқени эгаллайдики, бу айниқса бугунги кунда мамлакатимизда фуқаролик жамиятини барпо этишда муҳим аҳамият касб этади. Зотан бундай жамият ўз моҳиятига кўра ўз-ўзини бошқа тамойилига асосланган тизим бўлиб, бунда фуқароларнинг ахлоқий маданияти устувор мавқени эгаллайди.

ГЛОССАРИЙ

Атама	Ўзбек тилидаги шарҳи	Инглиз тилидаги шарҳи
АХЛОҚ	Кишиларнинг тарихан таркиб топган хулқ-атвори, юриш-туриши, ижтимоий ва шахсий ҳаётдаги ўзаро, шунингдек, жамиятга бўлган муносабатларини тартибга солиб турувчи барқарор, муайян норма ва қоидалар йиғиндиси.	The sum of stable, certain norms and rules that regulate the historically formed behavior of people, their behavior, interaction in social and personal life, as well as their relationship to society.
АХЛОҚИЙ ҚАДРИЯТЛАР	кишиларнинг хулқ-атворида асрлар давомида шаклланган ўзаро муносабатлар, юриш-туриш қоидалари: хушхулқлик, хушмуомалалик, катгаларга ҳурмат, кичикларга иззат, ҳалоллик, покизалик, эзгулик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, ватанпарварлик.	relations, rules of conduct, formed over the centuries in the behavior of people: evangelism, politeness, respect for adults, self-esteem for the little ones, honesty, purity, kindness, diligence, humanism, patriotism.
АХЛОҚИЙ ИДЕАЛ	ахлоқ -меъёрларининг юксак, орзу қилинган даражадаги тасаввуфи, барча энг яхши хислатларга эга, ҳар томонлама тарбияланган инсон образи.	morality is the image of a person with a high, desirable level of mysticism, endowed with all the best qualities, brought up in every possible way.
АХЛОҚИЙ МАДАНИЯТ	ахлоқий тарбияга доир асарлар, қарашлар, ғоялар, кўникмалар ва уларга амал қилиниш.	works on moral education, views, ideas, skills and their application.
АХЛОҚИЙ МЕЪЁРЛАР	жамиятда ўрнатилган хулқ-атвор қоидалари, улар урф-одат, кўникма, маросим қоидалари сифатида намоён бўлади, ахлоқий қадриятлар	the rules of behavior established in society, they are manifested as traditions, skills, ritual rules, are regarded as moral values, non-observance of them is

	сифатида каралади, уларга амал қилмаслик жамоатчилик томонидан қораланади.	condemned by the public.
АХЛОҚИЙ ТАРБИЯ	инсон тарбиясининг муҳим қисми ҳисобланиб, одамга ёшлигидан бошлаб тўғрилиқ, ҳалоллик, иззат ҳурмат, бурч-масъулият, соғлом турмуш тарзи, орномус, шарм-ҳаё, Ватан азизлиги, оила муқаддаслиги, эътиқод мустаҳкамлиги хислатларининг сингдириб борилиш жараёнидир.	it is an important part of human education and is a process of integration of the qualities of honesty, honesty, respect for self-esteem, duty-responsibility, healthy lifestyle, shame, family integrity, and resilience to man from an early age.
АХЛОҚИЙ ТАФАККУР	ахлоқ масалаларига бағишланган фикрлар, қарашлар ғоялар, ҳар бир инсоннинг ахлоқий меъёрлар ва қадриятларни англаш, илмий мушоҳада қилиш жараёни.	thoughts, views on moral issues are ideas, the process of understanding the moral norms and values of each person, making a scientific observation.
АХЛОҚИЙ ФАЗИЛАТЛАР	инсон хулқ-атвори, юриш-туришидаги энг юксак, ижобий ҳатти-ҳаракатлар, ўй-фикрлар ва эзгу амаллар мажмуаси: эзгуликка интилиш, яхшилик қилиш, иззат-ҳурматли бўлиш, меҳнатсеварлик, орномусли бўлиш, ватанпарварлик, инсонпарварлик, саховатлилик, ҳалоллик, покизалик каби хислатларнинг намоён бўлиши	human behavior, the highest in behavior, positive actions, a complex of thoughts and noble deeds: the pursuit of goodness, kindness, self-esteem, kindness, patriotism, humanism, generosity, honesty, purity, etc.
БАДИИЙ ИЖОД	адабиёт ва санъат феномени, илҳом билан боғлиқ маънавий ҳодисалардан бири, эстетик ижод шакли.	the phenomenon of literature and art, one of the spiritual phenomena associated with inspiration, is the form of

		aesthetic creativity.
БАҒРИКЕНГЛИК	меҳр-мурувват, ғамхўрлик, ҳимоя, паноҳ, макон, сахий, эшиги ҳамма учун очик, даргоҳи кенг; кенгфёъллик.	kindness, care, protection, refuge, space, generous, the mansion is wide; the expanse.
БАРКАМОЛЛИК	инсоннинг ақлий ахлоқий ва билимдонлик жиҳатидан етуклиги, ўзи танлаган касбу хунарнинг устаси бўлиши, шахс сифатида шаклланиб, ватан тараққиёти, эл-юрт фаровонлиги учун жон куйдириши, эзгу ғоя ва ниятлар б-н бунёдкорлик ва яратувчанлик қобилиятига эга бўлиши.	the maturity of man in terms of rational morality and erudition, the master of the profession he chooses, the formation as a person, the development of Vatan, the burning of souls for the well-being of el-yurt, the ability of creativity and creativity with noble ideas and intentions.
БИОЭТИКА	инсон ҳаётини энг олий ахлоқий қадрият сифатида қарайди, шу билан бирга, инсон ҳаётини сақлаш муаммосини – яхшилик ва ёмонликни фарқлашнинг муҳим мезони, деб ҳисоблайди.	it considers human life as the highest moral value, at the same time he considers the problem of saving human life – an important criterion for distinguishing between good and evil.
ГЎЗАЛЛИК	нарса ҳодисаларнинг нафислиги ва нафосатини ижтимоий маънавий жиҳатдан баҳоловчи мезон, ижтимоий маънавий ҳаётда бирон бир нарса ёки кишига хос хусусиятларнинг шаклан ва мазмунан уйғунлигини англатадиган, турли шаклларда намоён бўладиган ва инсонда ёқимли туйғу, завқ, кучли ҳайрат ҳиссини ҳосил қиладиган тушунча.	the criterion that characterizes the subtleties and subtleties of events in a social spiritual sense is the concept that in a social spiritual life means the harmony of the form and content of characteristics inherent in any thing or person, manifested in different forms and creates in a person a pleasant feeling, pleasure, a strong sense of admiration.
КАСБИЙ ОДОБ	жамият томонидан қабул қилинган ахлоқ қоидаларини кишиларнинг	a set of actions, such as a clear professional duty, honor, honor, dignity, which practically applies

	ихтисосларига нисбатан амалда татбиқ қилувчи аниқ касбий бурч, шаън, ор-номус, кадр-қиммат каби хатти-харакатларнинг мажмуи, умумий ахлоқнинг кишилар касб-коридаги ўзига хос кўринишидир.	the rules of morality adopted by society in relation to the specialties of people, is the specific appearance of common morality in the profession of people.
МУОМАЛА МАДАНИЯТИ	инсонлар, халқлар, миллат ва элатлар, қавмлар орасида ўзаро маънавий алоқа, саломлашув, сўзлашув, келишув ва бошқа инсоний муносабатлардир.	among people, peoples and nationalities, there is a mutual spiritual flame, greeting, colloquial, reconciliation and other human relations.
ЭСТЕТИК ДИД	воқеа ҳодисаларнинг эстетик сифатларини идрок этиш ва баҳолаш жараёнида олинадиган қониқий ёки қониқмаслик туйғуси, эстетик мезон.	a sense of satisfaction or dissatisfaction, obtained in the process of perception and evaluation of the aesthetic qualities of an event, an aesthetic criterion.
ЭСТЕТИК МУНОСАБАТ	субъект билан объект ўртасидаги ўзаро ҳаракат ва ўзаро таъсирнинг махсус турини англатувчи фалсафий тушунча.	it is a philosophical concept that denotes a special kind of interaction and interaction between the subject and the object.
ЭТИКЕТ	такаллуфнинг майда-чуйда жиҳатларигача ишлаб чиқилган одоб қоидалари сифатида ижобий, кишининг кўзини қувонтирадиган муносабат ҳодисасидир	positive as the rules of etiquette, developed from the tiny aspects of takalluf, is a phenomenon of attitude that pleases the eye of a person
ИДЕАЛ IDEAL	Диний-бадий жанрда ўзига хос тарзда талқин этилади. Умуман олганда, идеални маълум маънода, антиқа ҳолат-парадокс дейиш мумкин: унда бор нарса йўқ нарсанинг мезони билан ўлчанади, яъни мавжуд нарсага ёки ҳодисага ўша пайтда	It is interpreted in a unique way in the religious-artistic genre. In general, the ideal can be called, in a sense, an antiquated situation-paradox: what is in it is measured by the criterion of what does not exist, that is, the existing thing or event is approached by the

	мавжуд бўлмаган нарса ёки воқелик талаблари билан ёндашилади.	requirements of something or reality that did not exist at that time.
НИСБИЙ ГЎЗАЛЛИК RELATIVE BEAUTY	Ғаззолий унга алоҳида тўхталади. Фақат ўз камолотининг барча қирраларига тўлиқ эга бўлган нарсанигина у олий даражадаги гўзаллик деб атайди. Бундай комилликни файласуф фақат Аллоҳда кўради ва пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг «Аллоҳ гўзал ва у гўзалликни севади» деган сўзларини келтиради. Шундай қилиб, файласуф мутлақ гўзаллик фақат Аллоҳга тааллуқли бўлишини, бошқа гўзалликларнинг ҳаммаси нисбий эканини аниқ-равшан баён этади.	Ghazali stops at him separately. Only what he fully possesses in all aspects of his perfection is what he calls the highest level of beauty. The philosopher sees such perfection only in Allah, and quotes the words of our Prophet Muhammad (peace and blessings of Allaah be upon him): “Allaah is beautiful and He loves beauty”. Thus, the philosopher makes it clear that absolute beauty belongs only to God, and that all other beauties are relative.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Ўзбекистон Республикаси Президенти асарлари

1. Мирзиёев Ш.М. Эркин ва фаровон, демократик Ўзбекистон давлатини биргаликда барпо этамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
2. Мирзиёев Ш.М. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб интизом ва шахсий жавобгарлик ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қондаси бўлиши керак. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
3. Мирзиёев Ш.М. Буюк келажагимизни мард ва олийжаноб халқимиз билан бирга қурамиз. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
4. Мирзиёев Ш.М. Қонун устуворлиги ва инсон манфаатларини таъминлаш – юрт тараққиёти ва халқ фаровонлигининг гаровидир. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
5. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. 1-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2017.
6. Мирзиёев Ш.М. Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018.
7. Каримов.И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. Тошкент: Ўзбекистон, 2008.
8. Каримов.И.А. Демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш – мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир. 19-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
9. Каримов И.А. Ўзбекистон мутақилликка эришиш оstonасида. Тошкент: Ўзбекистон, 2011.
10. Каримов И.А. Она юритимизнинг бахту иқболи ва буюк келажаги йўлида хизмат қилиш – энг олий саодатдир. Тошкент: Ўзбекистон, 2015.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар

11. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2018, 40-бет.

12. Ўзбекистон Республикасининг "Таълим тўғрисида"ги Қонуни. Т, 1997.
13. Ўзбекистон Республикаси "Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури". Т, 1997.
14. Ўзбекистон Республикасининг "Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида" Қонуни, 2016 йил 14 сентябрь, ЎРҚ-406-сон.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги "2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида"ги ПФ-4947- сонли Фармони.
16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 20 апрелдаги "Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-2909-сонли Қарори.
17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 21 сентябрдаги "2019-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини инновацион ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида" Фармони.
18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 25 февралдаги "Ўзбекистон Республикасининг халқаро рейтинглар ва индекслардаги ўрнини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-4210-сонли Қарори.
19. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 29 апрелдаги "Ўзбекистон Республикаси халқ таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПФ-5712-сонли Фармони.
20. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 майдаги "Ўзбекистон Республикаси мактабгача таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида"ги ПҚ-4312-сонли Қарори.
21. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги "Олий ва ўрта махсус таълим соҳасида бошқарувни ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПФ-5763-сон Фармони.

22. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 июлдаги “Олий ва ўрта махсус таълим тизимига бошқарувнинг янги тамойилларини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4391-сонли Қарори.

23. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 августдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг узлуксиз малакасини ошириш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги ПФ- 5789-сонли Фармони.

24. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сонли Фармони.

25. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 23 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари раҳбар ва педагог кадрларининг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 797-сонли Қарори.

III. Махсус адабиётлар:

1. Фалсафа. Ахмедова М. Таҳрири остида.-Т.: УФМЖ, 2006.
2. Mamashokirov S. Tahriri ostida. Falsafa. -Т.: Sharq, 2005.
3. А.Маманов. Миллий менталитет: хусусиятлар ва омиллар, С.: «Зарафшон» - 2015.-155 б.
4. Абдулла Шер. Ахлоқшунослик / Дарслик. -Тошкент: Ўзбекистон файласуфлари миллий жамияти, 2010 й.
5. Абдулла Шер. Эстетика. / Дарслик. -Тошкент: Ўзбекистон, 2015 й.
6. Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шахри.-Т.:Янги аср авлоди, 2016.- 318.
7. Асекретов О.К., Борисов Б.А., Бугакова Н.Ю.и др.Современные образовательные технологии: педагогика и психология: монография. – Новосибирск: Издательство ЦРНС, 2015. – 318 с.
<http://science.vvsu.ru/files/5040BC65-273B-44BB-98C4-CB5092BE4460.pdf>

8. Б.Хусанов. Бошқарув этикаси. Ўқув қўлланма. Т.: Университет. ЎзМУ, 2017.
9. Белогуров А.Ю. Модернизация процесса подготовки педагога в контексте инновационного развития общества: Монография. — М.: МАКС Пресс, 2016. — 116 с. ISBN 978-5-317-05412-0.
10. Бозаров Д. Синергетик парадигма. -Т.: Тафаккур, 2010. -160б.
11. Гулобод Қудратуллоҳ қизи, Р.Ишмуҳамедов, М.Нормуҳаммедова. Анъанавий ва ноанъанавий таълим. – Самарқанд: “Имом Бухорий халқаро илмий-тадқиқот маркази” нашриёти, 2019. 312 б.
12. Ж.Румий. Ичингдаги ичингдадур.-Т.: Янги аср авлоди, 2016.-272 б.
13. Ибраймов А.Е. Масофавий ўқитишнинг дидактик тизими. методик қўлланма/ тузувчи. А.Е.Ибраймов. – Тошкент: “Lesson press”, 2020. 112 бет.
14. Игнатова Н. Ю. Образование в цифровую эпоху: монография.М-во образования и науки РФ. – Нижний Тагил: НТИ (филиал) УрФУ, 2017. – 128 с.
15. Иззетова Э., Пулатова Д. Философия. -Т.: Шаркшунослик, 2012. 340-б
16. Ишмуҳамедов Р.Ж., М.Мирсолиева. Ўқув жараёнида инновацион таълим технологиялари. – Т.: «Fan va texnologiya», 2014. 60 б.
17. Л.А.Муҳаммаджонова, Д.О.Ортиқова, Ф.А.Абиджанова, Г.К.Машарипова. Профессional этика ва этикет.Дарслик. - Т.: "Адабиёт учқунлари" 2018 й.
18. Л.Муҳаммаджонова,Ф.Абиджанова Этикет. Ўқув қўлланма. Т.: Университет. ЎзМУ, 2018 й.
19. М. Каххарова, Н Агзамова. Этика Учебное пособие. Ризограф имени Низами. 2018 г.
20. Муслимов Н.Ава бошқалар. Инновацион таълим технологиялари. Ўқув-методик қўлланма. – Т.: “Sano-standart”, 2015. – 208 б.
21. Муҳаммаджонова Л. Давлат хизматчиси этикаси ва имиджи. Ўқув қўлланма - Т.: Университет, 2017.

22. Олий таълим тизимини рақамли авлодга мослаштириш концепцияси. Европа Иттифоқи Эрасмус+ дастурининг кўмагида. https://hiedtec.ecs.uniruse.bg/pimages/34/3_UZBEKISTAN-CONCEPT-UZ.pdf
23. Отамуродав С. Глобаллашув ва миллат. - Т.: Янг и аср авлоди. 2008.
24. Усмонов Б.Ш., Ҳабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит-модуль тизимида ташкил қилиш. –Т.: “ТКТИ” нашриёти, 2019 й.
25. Хайитов Ш., Хайитова К., Зияутдинова Х. Фалсафа асослари. Альбом схема. -Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009.
26. Шермухамедова Н.А. Фалсафа.-Т.: Ношир, 2012. -1207 б.
27. Шермухамедова Н.А. Борлик ва ривожланиш фалсафаси.-Т.: Ношир, 2013,720 б
28. Шермухамедова Н.А. Инсон фалсафаси.-Т.: Ношир, 2017. 460-б.
29. Шермухамедова Н.А. Фалсафага кириш.-Т.: Ношир, 2012. 320 б.
30. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. Т.: Молия, 2003.
31. Mamashokirov S. Tahriri ostida. Falsafa. –Т.: Sharq, 2005.
32. Нурматова М., Муҳаммаджонова Л. Маънавиятнинг ахлоқий асослари. // Ўқув қўлланма. Тошкент: Унверситет, 2013.

IV. Интернет сайтлари

33. <https://president.uz> - Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайти.
34. <https://www.gov.uz> - Ўзбекистон Республикаси Ҳукумат портали.
35. <https://strategy.uz> – “Тараққиёт стратегияси” маркази веб-сайти.
36. <http://ziyonet.uz> – ZiyonET таълим портали.
37. <http://edu.uz> – Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги расмий веб-сайти.

38. <http://lex.uz> - Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси расмий веб-сайти.
39. <http://senat.uz> - Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати расмий веб-сайти.
40. <http://uza.uz> – Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги портали.
41. <http://huquqburch.uz> – Ҳуқуқий ахборот портали.